

**Н. ДОСБАЕВА**

**ЎЗБЕК НАСРИЙ АДАБИЁТИ ИНГЛИЗ  
ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ  
ЛИНГВОМАДАНИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Монография

**НАМАНГАН – 2021**

**УЎК: 82.0(575.1)**

**КБК: 83.3**

**Д - 70**

Досбаева, Наргиза

Ўзбек насрий адабиёти инглиз тилига таржималарининг лингвомаданий масалалари / монография / Наргиза Досбаева; Наманган: «Usmon Nosir media», 2021. – 140 б.

**ББК: 83.3**

Монографияда таржимадаги эквивалентсизлик муаммолари тил ва маданиятнинг узвий боғлиқлигида тадқиқ қилинган ҳамда ушбу масала таржима эквивалентлигига бўлган лингвомаданий ёндашув асосида кўриб чиқилган. Шунингдек, таржимашуносликда янги тажриба сифатида майдонга кириб бораётган ўзбек-инглиз таржима йўналишидаги қатор муаммоларга ечим топиш, ўзбек тилидаги лексик ва фразеологик бирликларни инглиз тилига адекват таржима қилиш масалалари назарий ва амалий жиҳатлардан ёритиб берилган.

Масъул муҳаррир:

**А.Э. Маматов** – филология фанлари доктори, профессор.

Такризчи:

**Д.М. Хошимова** – филология фанлари доктори.

Мазкур монография Наманган давлат университети илмий-техникавий кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги 9-сонли йиғилиши қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

**ISBN: 978-9943-7560-3-8**

© Наргиза Досбаева, 2021  
© “Usmon Nosir media”, 2021

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>4</b>
<b>1-БОБ. Таржимада эквивалентликка эришишда лингвомаданий ёндашув</b> .....	<b>7</b>
1.1. Таржимада эквивалентлик масаласи ва унинг назарий асослари.....	8
1.2. Таржиманинг лингвомаданий аспекти.....	22
<b>2-БОБ. Таржимада лакуналарнинг назарий талқини ҳамда унга бўлган лингвомаданий ёндашув мазмуни</b> .....	<b>33</b>
2.1. Таржимада лакунар бирлик ва лакуналар назарияси.....	33
2.2. Ўзбек тилидан инглиз тилига таржимада вужудга келадиган лакуналарнинг лингвомаданий ўзига хосликлари.....	49
2.3. Таржимада лакуналар элиминацияси.....	69
<b>3-БОБ. Фразеологик бирликларнинг тилшуносликдаги ўрни ва фразеологизмлар таржимасида лингвомаданий ёндашув</b> .....	<b>90</b>
3.1. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий компоненти.....	90
3.2. Фразеологизмлар таржимасида лингвомаданий ёндашув.....	99
3.3. Фразеологизмлар таржимасида эквивалентликка эришиш усуллари....	106
<b>Умумий хулоса</b> .....	<b>124</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>128</b>

## КИРИШ

Жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигида тилни лингвотипологик методлар орқали ўрганиш, уларнинг таржимадаги лингвоконцептуал ва лингвомаданий жиҳатларидаги илмий-назарий хусусиятларини тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бирига айланди. Ҳар қандай миллат лисоний оламининг ўзга тилга таржима қилиш масалаларидан чиқарилган асосли хулосалар, тил ва таржима соҳасидаги турғун бўлиб қолган айрим жиҳатлар, ҳар қайси тилнинг ментал моҳияти, хусусияти, ўзаро алоқалари масаласидаги тушунчалар янгича қараш ва усуллар орқали баҳоланмоқда ҳамда бундай қарашларнинг ижобий ҳал этилишига кенг йўл очилмоқда.

Дунё халқларининг таржима воситасида олиб бораётган кенг қўламли халқаро мулоқоти натижаси ўлароқ турли маданиятлар сўзлашуви – маданиятлараро мулоқотни ўрганиш эҳтиёжи кучайди. Таржимашуносликда марказий ўринга чиққан антропоцентрик йўналиш таржима эквивалентлигига бўлган ёндашувлар мазмунининг ўзгаришини тақозо қилмоқда. Лингвомаданий ёндашув – таржиманинг аслиятга адекватлик даражасини аниқлашдаги асосий мезонларни белгилаб беради. Таржимага бўлган лингвомаданий ёндашув таржима усуллари йиғиндисининг тор доирадаги анъанавий шарҳидан кенг тарихий шарҳга ўтишга имкон беради.

Мамлакатимизда мустақиллигимиз шарофати билан аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маданий ва маънавий меросни тиклаш ва кенг равишда тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Зеро, “Бугунги глобллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Маълумки, ўзбек адабиётининг кўплаб намуналари дунёнинг қатор тилларига таржима қилинган бўлиб, улар таржимасининг аксарият қисми асосан рус тили орқали амалга оширилди ва мазкур тил орқали бошқа чет тилларга таржима қилиш амалиёти ривожланди ҳамда таржима муаммоларини рус тили қонуниятлари асосида хал этишга ҳаракат қилинди. Бу эса, ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима масалаларининг ўз илмий ечимларига эга бўлиш жараёнини маълум даражада сусайишига сабаб бўлди. Яқин ўтган йигирма йил ичида ўзбек тилидан бевосита инглиз ва бошқа тилларга таржима қилиш ишлари сезиларли даражада ривожланиши, ўз навбатида, таржимадек масъулиятли жараёни воситачи ролини бажарган рус тилининг лисоний, миллий-маданий жиҳатларидан узоклашиб, мустақил ҳолда айнан ўзбек тилининг лингвомаданий хусусиятлари мисолида кўриб чиқилишини тақозо қилмоқда.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб хориж, рус ҳамда ўзбек таржимашунослигида тил ва маданият ўзаро боғлиқлиги омилининг бадиий таржима эквивалентлигига таъсири масаласи юзасидан кўплаб илмий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони. – Тошкент, 2019 йил 21 октябрь.

тадқиқотлар майдонга келди. Жумладан, лингвомаданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот муаммолари А.А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, Ў.Қ.Юсупов, А.Э.Маматов, А.Маматов, Д.С.Худойбергана, Д.Р.Джуманова, Е.М.Верещагин, В.Г. Костомаров, А.Вежбицкая, В.В.Воробьев, Н.Ф.Алефиренко, В.А.Маслова, В.Н.Телия, С.Г.Тер-Минасова, М.В.Пименова, З.Д.Попова, И.А.Стернин, В.Г. Воркачев, В.В.Красных, Г.Г.Слышкин, А.Т.Хроленко, А.Д.Шмелев, В.И.Карасик, Б.Л.Уорф ва бошқ. ишларида, бадий таржима эквивалентлиги, хусусан, таржиманинг миллий-маданий жиҳатлари ва хос сўзлар масалалари Ғ.Саломов, Н.Комилов, Ж.Шарипов, Қ.Мусаев, И.К. Мирзаев, М.Холбеков, И.Ғофуров, Н.Владимилова, Р.Файзуллаева, Л.Хусаинова, Ҳ.Ҳамроев, М.Жавбўриев, Р.Ширинова, Ш.Исақова, Ш.Сирожиддинов, Ш.Иброҳимова, Г.Одилова, ва бошқалар, худди шу масалалар рус ва хориж таржимашунослигида А.В.Фёдоров, В.Н.Комиссаров, Л.С.Бархударов, А.Д.Швейцер, Т.Фесенко, С.Влахов, С.Флорин, Н.К. Гарбовский, Е.Н.Гвоздович, А.О.Иванов, Л.К.Латышев, Н.А.Иванова, Г.Д.Томахин, С.Баснет, Л.Венути, А.Ф.Титлер, Ж.-П.Винай, Ж.Дарбелнет, Т.Сейвори, Ю.Найда, П.Ньюмарк, К.Райс, Ж.Кэтфорд ва бошқ. тадқиқотларида, икки тиллик муҳити ва таржимадаги лақналар муаммоси Ш.Усманова, В.Л.Муравьев, Ю.А.Сорокин, И.Ю.Марковина, Т.Ю.Данильченко, Г.В.Быкова, Б.В.Дашидоржиева, И.Панасюк, М.Д.Бекасов, Н.Н.Дзида, Л.А.Леонова, К.Хейл, Ч.Хоккет ва бошқалар томонидан<sup>2</sup>, фразеологик бирликларнинг таржимасига оид масалалар Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Ш.С.Имяминова, У.С.Абидходжаева, Х.Ҳамидов, З.Тешабоева, Ш.Д.Абдуллаев, М.А.Раджабова, В.С.Виноградов, Н.Амосова, А.Кунин, И.Н. Пьянзина, И.Степанова, Е.Ф.Арсентьева, И.Н.Исабеков, М.Бейкер, Б.Хейтим, И.Мейсон, Ж.Мюндей, М.Стракшин изланишларида ёритилган. Ўзбек тилидан хорижий тилларга бадий таржима масалаларида ҳам қатор изланишлар олиб борилди, бироқ ўзбек тилидан инглиз тилига ўтирилган таржима асарларининг лингвомаданий таҳлиliga бағишланган ишлар кўлами оз<sup>3</sup>, ўтган XX аср ва ҳозирги давр ўзбек насрий

<sup>2</sup> Усманова Ш. Маданиятлараро мулоқотда лақналарнинг ўрни // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. В. – Тошкент: “Академнашр”, 2013 – Б. 152-156; Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир, 1975; Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лакунологию. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008; Данильченко Т.Ю. Феномен лакунарности в языке и культуре: автореф. дис. ... канд. философ. наук. – Краснодар, 2004; Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003; Дашидоржиева Б.В. Лакуна в межкультурной коммуникации. – Улан-Удэ: Издательство Бурятского государственного университета, 2013; Панасюк И. Теория лакун и проблема эквивалентности перевода. // Вопросы психолингвистики. 2007. № 6. – С. 51-72; Бекасов М. Д. Переводческий аспект лакунарности (на материале английского и русских языков). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Москва, 2012; Дзида Н.Н. Проблема лакунарности в переводе. // Вестник Тюменского государственного университета. 2010. № 1. – С. 162-167; Леонова Л.А. Семантические и структурные аспекты антилакун в двуязычной ситуации. Калинин, 1980; Hale K. Gaps in Grammar and Culture. Linguistics and Anthropology: In Honor of C.F. Voegelin. Jisse, 1975; Hockett C.F. A course in modern linguistics. – Toronto: Brett-Macmillan, 1958.

<sup>3</sup> Шукуруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах: дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: 1989; Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида. Қиёсий типологик таҳлил: Филол. фан. док.... дисс. – Тошкент, 1994; Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржимасининг қиёсий таҳлилидан. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994; Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Ф.ф.н. илмий даражасини

асарларининг инглиз тилига таржималари лингвомаданий ёндашув асосида махсус тадқиқ қилинмаган.

Ўзбек насрий адабиётида мавжуд лингвомаданий компонентли лексикани инглиз тилига муқобил таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тил ва маданият контекстида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот натижалари насрий асарларни бадиий таржима қилишнинг назарий жиҳатларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, лингвомаданий компонентли лексика ҳисобланмиш лақуналар, хос сўз ва тушунчалар, тилнинг фразеологик қатламининг инглиз тилидаги муқобил таржима вариантини яратиш каби муаммоларнинг илмий-назарий томонларини ёритишда ўзига хос рол ўйнайди. Ўзбек насрий адабиётининг инглиз тилидаги таржималарини лингвомаданий ракурсда таҳлил қилиш маданий ва адабий алоқалар, қиёсий тилшунослик ва адабиётшунослик, таржимашунослик фанлари ривожига салмоқли хисса бўлиб қўшилади.

Мазкур монографияда аслият ва таржима қиёсий-лингвомаданий таҳлили натижасида олинган умумлаштирилган хулоса ва тавсиялар берилган бўлиб, келажакда ўзбек адабиётининг бошқа сара намуналарини инглиз тилига ўгиришда муҳим қўлланма бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари ва хулосаларининг мамлакатимиз олий таълим муассасаларида лингвомаданиятшунослик, матн лингвистикаси, қиёсий адабиётшунослик, стилистика, матн таҳлили, таржимашунослик фанлари бўйича маъруза матнлари тайёрлаш, дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда изоҳли луғатлар яратишда фойдали материал бўлиб хизмат қилади.

---

олиш учун ёзилган тадқиқот. Тошкент: 2002; Сидиков Қ. “Қутадғу билиг” асарининг инглизча бадиий таржималари тадқиқи. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2009; Тешабоева З. “Бобурнома” инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий маданий хусусиятлари. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2017; Хошимова Д. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2018; Буматова А.М. Шарқ лирик жанрларининг инглизча таржималарида шаклий-семантик ва поэтик уйғунлик (ғазал ва рубоий мисолида). Филол. фан. фалсафа док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2020.

## 1-БОБ. ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТЛИККА ЭРИШИШДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ

Бугунги кунда ўзбек тилидаги адабиётларнинг дунёнинг бошқа тилларига, шу жумладан, инглиз тилига кўплаб таржима қилина бошланиши натижасида, таржимашуносликда янги тажриба сифатида майдонга кириб бораётган ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг инглиз тилидаги мақбул эквивалентини топиш муаммоси долзарблик касб эта бошлади. Ҳар қандай таржима асарига бериладиган баҳо унинг аслиятга эквивалентлик даражаси билан белгиланади. Эквивалентлик масаласи таржима сифатини аниқловчи бош мезон экан, унга эришишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш таржима назариясининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолаверади. Таржимачилик тарихидан аёнки, таржимада эквивалентликка эришиш жараёни турлича ёндашувлар асосида кечади ҳамда ушбу ёндашувларнинг айримлари замонавий давр талабларига жавоб бермай қолиши ҳисобига такомиллаштирилади ёки ўрнини янгича қараш билан тўлдирилади.

XX-асрнинг иккинчи ярмидан сўнг таржима ва таржимашунослик масалаларига нисбатан ўзгача ёндашувлар вужудга кела бошлади. Лингвистик таржима мактаби вакиллари томонидан таржима жараёнини тасвирлашдаги ҳаракатлари ўз йўналишини ўзгартирди. Таржиманинг лингвистик назариясидаги лингвоцентрик (тил-матн нисбати) ҳамда текстоцентрик (матн автоном-структур бутунлик сифатида) ёндашувларидан кўра таржимон ва реципиент шахси, этнопсихолингвистик ва маданий омилларга қизиқиш ортганини англаувчи антропоцентрик парадигманинг долзарблик касб эта бошланиши таржима ишига бўлган қарашларнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Янги оқим йўналиши тарафдорлари таржимага бўлган анъанавий қарашлардан қочиб, таржимани лингвистик трансформациялар жараёни сифатида эмас, балки бир тилдан иккинчи тилга, бир маданиятдан иккинчи маданиятга маъноларни олиб ўтиш тизими сифатида қабул қилишга чақиришди. Таржимашунослик фанида “маданий бурилиш” номи остида таржима жараёнини лингвистик ва маданий аспектлар уйғунлигида амалга ошириш зарурати пайдо бўлди.

Илмий парадигмаларнинг алмашиши ва глобал мулоқотдаги сезиларли ўзгаришлар таржимашуносликда янги йўналишларнинг вужудга келишига туртки бўлмоқда. Таржимада турли тил сатҳларида энг мақбул, сифатли эквивалентликка эришиш таржима назариясидан ташқари тилшуносликнинг бошқа илмий йўналишлари, шу жумладан, лингвомаданиятшуносликда ҳам асосий масалага айланди. Таржимада эквивалентсизлик муаммоларини тил ва маданиятнинг узвий боғлиқлигида тадқиқ қилиш долзарблик касб этади ва ушбу масала таржима муқобиллигига бўлган лингвомаданий ёндашув асосида тадқиқ қилинишини тақозо этади. Ушбу бобда таржима эквивалентлигига бўлган лингвомаданий ёндашув мазмуни масаласи кўриб чиқилади.

## 1.1. ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК МАСАЛАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ҳозирги даврда инсоний жамиятни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий характерга эга алоқаларсиз тасаввур этиш қийин ва бундай муносабатлар жараёнида, шубҳасиз, тилнинг маълумотни узатиш, сақлаш ва қабул қилишдаги воситачилик вазифаси беқиёсдир. Ҳеч қайси бир тил ўзга тилдан хабарларни трансформация қилиш вазифасини бажармай қўймаган, бундан келиб чиқадики, дунёда монолит тиллар йўқ, бўлганда ҳам улар эртами-кечми йўқолиб кетиши табиийдир. Тиллар бир-бирининг ҳисобига бойийди ва ҳар бир тилда бошқа тилнинг маълум таъсир излари бор. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, тилшунослик фанининг замонавий ривожланиш босқичида ва тилларнинг типологик ўзига хосликларини тадқиқи чўққисида таржима аспекти муҳим илмий йўналиш ҳисобланади. Таржима назарияси ва қиёсий, типологик ҳамда қиёсий-тарихий тилшунослик соҳасидаги тадқиқотлар шунчалар бир-бирига боғлиқки, таржимага мурожаат қилмай туриб, типология, компаративистика ва қиёсий лингвистика соҳасида муваффақиятли изланишларни талқин қилиш мумкин эмас. Замонавий лингвистикадаги солиштирма тадқиқотлар ҳақида гапирилар экан, инглиз олимлари “энг аввало, икки ва ундан ортик тилларнинг айрим ҳодисалари мазмунан бир-бирига муқобил эканлигини белгилаб олиш керак”лиги ҳақида фикр юритишади ва “шу тариқа улар бир-бирига осонроқ таржима қилинишини ҳамда шундан кейин уларнинг ўхшашликлари ва тафовутларини аниқлаш лозим”лигини айтишади<sup>4</sup>. Бизнингча, икки тил тизимларидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлаш жараёнининг ўзидаёқ юқорида тилган олинган муқобиллик даражасини белгилаб олиш мумкин.

Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик соҳасидаги кўплаб тилшунос олимлар ва тадқиқотчилар ўз изланишларини тизимли ёндашув доирасида олиб боришади ва унда масалалар таржима назариясининг концепциялари ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилади. Ушбу ёндашув самарадорлиги шундан иборатки, лисоний бирликларни турли тиллар материалида қиёсий ўрганишнинг таржима аспектлари лексика ва грамматикада алломорфизм ва изоморфизм ҳолатларини аниқлаш билан боғлиқ қиёсий тадқиқотдаги асосий муаммолар ечимига ёрдам беради. Таржима бўлишлиги ва бўлмаслиги масалалари тадқиқи ва таҳлили тил материалининг маълум томонларини юзага чиқарадики, улар сирасига матн индивидуаллиги ва таржима қилинаётган матн эквивалентлиги масалалари киритилади. Таржимада эквивалентлик деганда, нафақат матн семантикаси, балки берилган тил материалининг прагматик хусусиятларини ҳам ҳисобга олинади. Таржимадаги эквивалентликни аслият ва таржиманинг структур-маъновий ва коннотатив воситалари ўртасидаги нисбат дея тушуниш мумкин. Шу сабабли таржима бўлишлиги ва бўлмаслиги масалалари

<sup>4</sup> Halliday M.A.K. The linguistic sciences and language Teaching / M. A. K. Halliday, A. McIntosh, P. D. Stevens. - London, 1964. - p. 7.



таржима назариясининг кенгроқ доирасини қамраб олади. Эквивалентлик ҳамда эквивалентсизлик муаммолари ҳам таржима бўлиши ёки бўлмаслиги сингари дихотом масаланинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Воқеиликдаги ҳодиса ва тушунчани англатувчи исталган тил бирлиги бир тилдан иккинчи бир тилга таржима қилиниши мумкин, лекин асосий масала шундан иборат бўлиб қоладики, бу тил бирлигини бошқа тилга қай усулда трансформация қилиш керак ва бу жараёнда қандай лексик-семантик, услубий-мазмуний жиҳатларини инобатга олиб иш кўриш керак? Бундан ташқари, таржима жараёнида қатор субъектив омилларга ҳам дуч келинадики, бунда матн лексик-семантик ва стилистик хусусиятларидан ташқари таржимон дунёқарашининг ҳам ўзига хосликлари сезилиб қолади. Бундай ҳолатларда, зарурият туғилганда, таржимоннинг аслият бунёд бўлган муҳитнинг маданияти, ижтимоий, маънавий ва маърифий меъёрлари ва қадриятлари борасидаги хабардорлик даражасини ҳам аниқлаб олиш мумкин бўлади.

“Эквивалентлик ҳар қандай турдаги таржима сифатини белгиловчи мезондир”<sup>5</sup>. Таржима бўлишлиги ёки бўлмаслиги муаммоси эквивалентлик ва эквивалентсизлик сингари тушунчалар билан боғлиқ экан, айнан шу лисоний ҳодисалар ушбу масаланинг энг муҳим унсурлари эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Бунга боғлиқ ҳолда, А.Ф.Титлер ўз концепцияси билан масалага бирмунча ойдинлик киритишга ҳаракат қилади. 1790 йилдаёқ ушбу фаннинг дастлабки назарий муаммолари билан шуғуллана бошлаган олим таржима ва таржимонлик фаолиятининг учта асосий принципларини кўрсатади: “Таржиманинг учта асосий қоидаси: 1. Таржима аслиятнинг барча ғояларини тўлиқ бера олиши керак. 2. Таржиманинг етказилиш услуби аслиятникига мос бўлиши керак. 3. Таржима матнининг ўқилиши аслиятники каби енгил бўлиши керак”<sup>6</sup>. Дастлаб шакллантирилган ушбу учта принцип ҳозирга қадар таржима амалиёти натижаларига кўра янада ривожлантирилди.

В.С.Виноградовнинг фикрича, таржимадаги энг муҳим вазифа “матннинг мазмунини бериш”дан иборатдир. “Унинг барча қолган кўринишлари, вазифавий, стилистик, услубий ҳамда ижтимоий сифатларини мазмунни бермай туриб юзага чиқариб бўлмайди, сабаби ахборот компонентларининг қолган маънолари асосий мазмунга юкланади, ундан чиқариб олинади, ишора қилинади ва образли ассоциацияларга трансформация қилинади”<sup>7</sup>. Л.К.Латышевнинг таъкидлашича, лексик эквивалентсизликнинг вужудга келишига иккита асосий сабаб мавжуд бўлиб, “биринчи сабаб шундан иборатки, аслият тили эгаларига яхши таниш бўлган ва уларнинг лексик тизимида ўз аксини топган маълум ҳодиса таржима тили вакилларига нотаниш ёки кам миқдорда танишлиги учун, табиийки, уларнинг лексик тизимида ўз ифодасини топмаган бўлади... Иккинчи сабаб, турли халқлар томонидан оламни турлича кўришларидадир. Хусусан, бу шунда

<sup>5</sup> Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 220 б.

<sup>6</sup> Tytler A.F. Essay on the principles of Translation. Amsterdam. Studies in the theory and history of Linguistic studies. Book 1. – Amsterdam, 1978. – Vol. 13. – с. 16.

<sup>7</sup> Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). - М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. – с. 19.

намоён бўладики, аслият тили эгалари лексик бирликлар тушунча ва белгиларида мустахкамлаб қўядиган нарсаларни таржима тили эгалари доимо ҳам мустахкамлашмайди”<sup>8</sup>. Буни, таржима тили вакилларида ўша тушунчаларни маълум лисоний воситаларда белгилаш зарурарати йўқлиги билан изоҳлаш ҳам мумкиндир.

Юқорида қайд этганимиздек, эквивалентлик ва эквивалентсизлик масалалари таржиманинг бўлиши ёки бўлмаслиги сингари муаммонинг асосий ечими қаторида кўриб чиқилади. Шу ерда ушбу дихотом тушунчаларнинг лисоний ўзига хосликлари устида тўхталиб ўтишни лозим топамиз, сабаби айнан шу тушунчалар лингвистик тадқиқотларда қатор муҳокамаларга сабаб бўлади. Эквивалентлик ва эквивалентсизлик тушунчалари илк бор Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровлар томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, олимлар уларни шундай характерлашади: “Ўзга маданият, ўзга тилда мавжуд бўлмаган тушунчаларни ифодалашга хизмат қилувчи сўзлар, хусусий маданий унсурларга дахлдор, яъни фақатгина А маданиятга хос ва Б маданиятда бўлмаган маданий унсурларга дахлдор бўлган сўзлар, шунингдек, бошқа тилга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган, ўзлари тегишли бўлган тил сарҳадларидан ташқарида эквивалентларига эга бўлмаган сўзлар”<sup>9</sup>. Эквивалентлик ҳамда эквивалентсизлик масалалари ва уларнинг ечими, шунингдек, XX-асрнинг иккинчи ярмидан инглиз олимлари ишларида ҳам кўриб чиқила бошланди. Инглиз олими Теодор Сэйвори ўз китобида “таржимада тўлдириб бўлмайдиган тиллардаги бўшлиқлар туфайли яна бир муаммо вужудга келади, чунки бир тилда таниш бўлган сўз учун бошқа бирида эквивалент топилмайди” деб ёзади<sup>10</sup>. Унинг фикрича, маълум турдаги мураккабликлар ва турфа хилликнинг келиб чиқиш сабаби халқлар яшаш тарзининг ўзига хослиги, турли жамиятлар ва турли тил вакилларининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўзига хос ривожидадир.

Таржимада эквивалентлик масаласига чуқурроқ тўхталамиз. Эквивалентликни тадқиқ қилишга катта ҳисса қўшган дастлабки тадқиқотчилардан рус олимлари А.В.Федоров, В.Н.Комиссаров, А.Д.Швейцер, Я.И.Рецкер, В.Г.Гак, Л.С.Бархурдаровлар, хорижлик олимлардан Ж.Кэтфорд, Ю.Найда, Ж.Мунен, ватанимиз олимлари Ғ.Саломов, Н.Комилов, Ж.Шарипов, Н.Владимирова, Н.Отажонов, Ҳ.Кароматов, М.Холбеков, Ҳ.Болтабоев, Ғ.Хўжаев, Қ.Мусаев, Ҳ.Ҳамроев, Я.Эгамова, Э.Нормамедов, Н.Ғиёсов, М.Бақоева, З.Исомиддинов, М.Собиров, С.Олимов, Р.Каримов, З.Содиқов, Р.Файзуллаева, М.Жавбўриев, Э.Очилов, Н.Ўрмонова, Ш.Исақова, Н.Гальцова, С.Акобирова, Қ.Сидиқов, Ш.Иброҳимова сингариларнинг номларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Маълум ҳолатларда эквивалентлик хилма-хиллик касб этишини инобатга олиб, Ю.

<sup>8</sup> Технология перевода: Учеб. пособие для студ. лингв. вузов и фак.. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — с. 93.

<sup>9</sup> Верещагин Е.М. Язык и культура / Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров. - 3-е, изд., перераб. и доп. - М., 1983. - с. 15., с. 53.

<sup>10</sup> Savory T. The art of translation / T. Savory. – London, 1957. – p. 14.

Найда ушбу тушунчанинг икки хил кўринишини таклиф қилади: формал ва динамик эквивалентлик<sup>11</sup>. Олимнинг ушбу таснифи таржима назариясидаги эквивалентликка нисбатан мукамал талқин сифатида кўриб чиқилади.

“Эквивалентлик” атамаси борасида олимлар турлича илмий коннотациялар ва тушунтиришлар беришган ва шулар жумласидан, “эквивалентлик” сўздан ташқари тенг маънода ишлатилувчи “конгруэнтлик” ва “тенглик туридаги муносабатлар”ни кўрсатиш мумкин. Агар ушбу сўзлар ва атамалар маъноларининг алоҳида жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар орасида маълум тафовутларни юзага чиқариш мумкин, шу сабабли таржимашуносликда “эквивалентлик” атамаси энг кўп ва маъқул тушадиган атама дея қабул қилинган. А.О.Ивановнинг ишларида ушбу ходиса ва тушунчанинг терминологик белгиланиши масалалари янада батафсилроқ кўриб чиқилган.

Турли тиллардаги лексик эквивалентларни назарий ўрганиш дастлаб Я.И.Рецкер томонидан 1950 йилда амалга оширилган эди. Тиллараро лексик эквивалентлик мутлақ янги концепция бўлмаганига қарамай, олимнинг кўшган хиссаси шу бўлдики, у принципнол фаразлар асосида ушбу эквивалентликнинг объектив қонуниятларга асосланган табиатига эътибор қаратди ва бу орқали тиллараро эквивалентликнинг турли типлари ва кўринишлари хусусидаги назариянинг таржима назариясидаги аҳамиятини белгилаб берди. Бундан ташқари, олим қиёсланаётган тил бирликларининг лексик-семантик даражасига таъриф беришга ҳаракат қилган. Аслият ва таржима тили лексик бирликлари ўртасидаги эҳтимолий эквивалентликни ўрганар экан, Я.И.Рецкер бундай эквивалентликнинг учта категориясини ажратиб кўрсатади: а) эквивалентлар; б) аналоглар; в) адекват алмаштирув<sup>12</sup>. Ушбу таснифга кўра, маълум вақт ва жой учун контекстга боғлиқ бўлмаган доимий тенг маънога эга муқобилликни эквивалент дейилади. Аналог эса, бир нечта мавжуд синонимлардан бирини аналогия бўйича танлаш орқали қилинган таржима натижаси ҳисобланади. Бу ўринда, муаллиф эквивалент ва аналогнинг фарқли жиҳатларини ажратар экан, эквивалентнинг доимо ягона бўлишини, аналогларни эса бир нечта бўлишини ва айнан аналоглар ёрдамида фразеологизм, мақол ва маталлар таржима қилинишини ўқтиради. Учинчи категория бўлмиш адекват алмаштирув фикрнинг аниқ берилиши мақсадида қўлланилиб, бу усул орқали таржимон аслият ҳарфлари, сўз ва бирикма шаклидаги эквивалентлардан узоқлашиб, аслият ва муаллиф услуби ҳамда ғоявий йўналишидан келиб чиққан ҳолда таржима олдида қўйилган вазифани ечиши керак бўлади.

Таржима жараёнида тиллардаги эквивалент компонентларни юзага чиқариш ва қўллашдан асосий мақсад шундан иборатки, ёзма ёки оғзаки матн мазмунини бир тилдан иккинчи тилга адекват, тўғри ва мувофиқ берилиши лозим. Бунда таржима қилинаётган материалларнинг эквивалентлигига ҳам структур, ҳам мазмуний томондан амал қилиниши

<sup>11</sup> Nida E. The theory and Practice of Translation / E.Nida, Ch.R.Taber. - Leiden, 1969. – p. 12.

<sup>12</sup> Рецкер Я.И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык // Вопросы и методики учебного перевода. - М., 1950. - с. 156.

керак. Демакки, эквивалентлик деганда, аслиятнинг матн ва жанр ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда таржима қилинаётган материалнинг шакл ва мазмун бирлигини тўла сақлаб қолишни тушунмоқ даркор.

Эквивалентлик мавзусида Я.И.Рецкер фикрларига қайтар эканмиз, олимнинг таржима жараёнида уч турдаги мувофиқликларга ишора қилганини кўрамиз: 1) тил алоқаларидаги анъаналарда ўрнашиб қолган ва ўхшашлик асосида вужудга келадиган эквивалентлар; 2) контекстуал мувофиқлик; 3) таржима трансформацияларининг барча кўринишлари. Биринчи категория ва қолган иккита категория ўртасида принципиал тафовут мавжуд. Эквивалент мувофиқликлар тил соҳасига қарашли бўлса, кейинги иккитаси нутқ соҳасига киради. Кейинроқ олим эквивалентлар қаторида тўлиқ ва қисман, мутлақ ва нисбий эквивалентларни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, лексик трансформацияларни еттига турли усулга бўлиш мумкин: конкретизация, дифференциация, мазмуний ривожлантириш, маънолар генерализацияси, антонимик таржима, яхлит ўзгартириш и таржима жараёнида йўқотилган маънони компенсация қилиш. Биз Я.И.Рецкернинг ушбу таснифи ҳозирга қадар ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ деб ҳисоблаймиз.

Кейинроқ, эквивалентлик масалалари инглиз олими Т.Сэйворининг ишларида батафсил кўриб чиқилади. Унинг фикрича: “... ушбу вазифа аслият муаллифига нисбатан таржимон учун анча қийин кечади. Асар муаллифи бирор бир фикрини ифода этиши учун сўз қидирса, у ўз тилида кўплаб сўзлар ичидан ҳеч қандай қийинчиликсиз ўзига мос келадиган энг маъқул вариантни танлай олади. Таржимон эса муаллифнинг фикрларини тахмин қилган ҳолда, аслият ва таржима тили ўқувчилари хиссиётларини ҳамда муаллиф яшаган тарихий даврни ҳисобга олиб энг яқин муқобилни танлаш борасида қарор қабул қилиши лозим”<sup>13</sup>. Яна олимнинг алоҳида таъкидлашича, бир тилдан иккинчи тилга маълумотни ўғирар экан, таржимон доимо ўзига қуйидаги саволларни бериб туриши керак, яъни: Муаллиф нима демоқда? У нимани назарда тутмоқда? У буни қандай айтмоқда? Ушбу таҳлил методи бир фасл, гап ва ҳаттоки бирикмага нисбатан қўлланилиши мумкин ва амал қилиниши лозим.

Илмий манбаларда эквивалентлик атамаси таржима қилинаётган аслиятдаги мазмуний, семантик-маъновий, стилистик, шунингдек, функционал-коммуникатив ўхшашликнинг мақбул тенглиги ва мувофиқлигини сақлашни англатади. В.С.Виноградовнинг ишида эквивалентлик интерпретацияси бўйича батафсил маълумот берилган ва унда айтилишича: “... аслият ва таржима эквивалентлиги – бу энг аввало, матндаги мавжуд маълумотнинг умумий тушунилишидир, ва бу маълумот сирасига нафақат ақлга, балки реципиентнинг хисларига ҳам таъсир қиладиган маълумот, шунингдек, матнда нафақат эксплицит, балки имплицит тарзда ҳам намоён бўладиган маълумот турлари киритилиши мумкин. Таржима эквивалентлиги аслият матнининг яратилиш вазиятига ва унинг таржима тилида қайта тикланишига ҳам боғлиқдир. Эквивалентликнинг бундай

<sup>13</sup> Savory T. The art of translation / T. Savory. – London, 1957. – p. 25.

талқини семантик, структур, функционал, коммуникатив, прагматик ва жанр сифатлар билан боғлиқ бу тушунчанинг тўлақонлилик ва кўп қатламлилиқ хусусиятларини акс эттиради”<sup>14</sup>. Бизнингча, эквивалентлик ва эквивалентсизликни тадқиқ қилишдан асосий мақсад – бу муваффақиятли, адекват ва тўғри таржима йўллари ҳамда усулларини аниқлашдан иборатдир. Ушбу маънода, турли тиллардаги матнлар мазмунининг максимал умумийлиги ва универсаллигига ишора қилувчи потенциал ёки самарали эквивалентликни аниқлаш ва тавсифлаш асосий масала бўлиб қолади. Албатта, таржимада эквивалентликка эришишнинг энг юқори чўққиси аслият мазмуни таржимада имкон даражасида максимал ҳолатда сақлай олиш ҳисобланади, лекин амалиётдан маълумки, ҳар бир алоҳида олинган таржимада аслиятга нисбатан мазмуний яқинликка турли босқичлар ва турли усуллар билан максимал даражада етишилади.

Фикримизча, аслият ва таржима тили тизимларининг фарқлилиқ ва умумийлик даражалари аслият матнининг таржимада сифатли сақланиши имкониятларини белгилаб беради. Бизга маълумки, матн энг мураккаб тузилган тил бирлиги сифатида тегишли коммуникатив вазифани бажариб, аниқ фактлар, маълумотлар, хабарлар, хис-туйғулар ифодасини етказувчи, хабарчи ва хабар олувчи ўртасида алоқани ўрнатувчи, хабар олувчида маълум реакцияни уйғотувчи воситачи вазифасини бажаради. Эквивалентликни таъминлашга қаратилган мазмун қисмига кўра тилшунослиқда эквивалентликнинг маълум типлари келтирилган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, эквивалентликнинг ҳар бир даражасида таржиманинг асосий мақсади тиллараро мулоқотни таъминлаш бўлиб қолади.

В.Н.Комиссаровнинг ишларида эквивалентлик турлар ва даражалар назариясида ривожлантирилган. Эквивалентликнинг биринчи даражаси аслият ва таржима мазмунининг энг кам даражада боғлиқлиги билан характерланади. Эквивалентликнинг иккинчи даражаси – бу вазиятни идентификация қилиш даражасидир. Эквивалентликнинг учинчи даражасида ҳам лексик таркиб ва синтактик қурилмадаги параллеллик йўққа чиққан бўлади ва бу даража таржиманинг коммуникатив мақсади, вазият идентификациясига жавоб бериш баробарида, таржимада умумий мазмуннинг сақланиб қолиши билан характерланади.

Шу тариқа, эквивалентлик бутун матн доирасида, шунингдек, матннинг маъно жиҳатидан ташкилланиш даражаларини ҳосил қилувчи турли тартибдаги матн унсурлари ўртасида ўрнатилади. Аслият ва таржима матнларининг эквивалентлик муносабатлари, шунингдек, Қ.Мусаев томонидан ҳам турлар ва даражаларда кўрсатиб ўтилган<sup>15</sup>.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тилшунослиқ фанида етарлича қиймат ва аҳамиятга эга назарий қарашлар олға сурилди ҳамда уларнинг орасида Я.И.Рецкернинг объектив қонуниятларга асосланган

<sup>14</sup> Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). - М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. - с. 9.

<sup>15</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 55-59 б.

мувофиқлик назариясини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Олим бу мувофиқликларни лексик сатҳда учта категорияга бўлади. Бизнинг фикримизча, лексик сатҳда бундай таржима категорияларининг аниқланиши маълум мураккабликни келтириб чиқаради, чунки контекстан келиб чиқиб сўз янги ва такрорлаб бўлмайдиган маъноларга эга бўлиши мумкин. Шу сабабли бўлса керак, олим иккинчи қисмида ўша лексик бирликларнинг вариантлари ва контекстуал мувофиқликлари хусусида сўз юритади. Бизнингча, ушбу таснифга контекстнинг лисоний хусусиятлари, шунингдек, сўз ва унинг стилистик ўзига хосликларининг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда таржима материалнинг морфологик, синтактик, ва стилистик қонуниятлари нуктаи назаридан ёндашмоқ мақсадга мувофиқ бўларди. Замонавий тилшуносликда адекват таржима борасидаги асосий концепциялар аслият ва таржима матнларининг функционал ўхшашлиги асосида қурилади. Ўз навбатида, функционал ўхшашлик ўзаро репрезентативлик хусусиятига эга эквивалентликни ифодаловчи алоҳида ажратиб кўрсатиладиган тил бирлигига асосланади.

XX асрнинг иккинчи ярмидаёқ А.В.Фёдоров томонидан замонавий тилшуносликдаги адекват таржима постулати ишлаб чиқилган ва унга кўра “таржима тўлақонлилиги дейилганда, аслият мазмунини тўлалигича етказиш ва унга тўлиқ мос келувчи функционал ва стилистик эквивалентликни тушуниш керак”<sup>16</sup>. Тилшунос олимларнинг турли концепциялари ва постулатларига таяниб, А.О.Иванов турли эквивалентлик моделларининг комплекс таснифини яратади: 1. Адекват таржима назарияси. 2. Қонуний мувофиқликлар назарияси. 3. Эквивалентликнинг вазият моделлари. 4. Эквивалентликнинг динамик моделлари. 5. Эквивалентликнинг коммуникатив моделлари. 6. Эквивалентликнинг хусусий моделларини чегаралаш. 7. Эквивалентлик даражалари назарияси<sup>17</sup>. Ушбу тасниф илмий-амалий жиҳатдан етарлича аҳамиятга эга ва унинг асосида таржима назариясидаги эквивалентлик ва адекватлик муаммоларига нисбатан турлича ёндашувларни шакллантириш мумкин. Таснифдан келиб чиқиб, бу борада маълум хулосалар қилинади, хусусан, унга кўра, эквивалентлик таржима матни ва аслият матнининг максимал ўхшашлик даражасидир - эквивалентликнинг энг юқори чўққиси оддий тил бирликлари даражасидаги эквивалентлик ҳисобланади ва бунда қуйи даражалардаги (баён, хабар, вазият тасвири ва коммуникация мақсадлари) эквивалентлик автоматик тарзда ўрнатилиши назарда тутилади. Бу ҳолатда биз эквивалент таржима ҳақида гапиришимиз мумкин. Қолган ҳолатларда яратилган матнни адекват таржима деб ҳисоблаш учун, аслият матни функциялари иерархиясини сақлаган ҳолда камида бир даража пастдаги – коммуникация мақсади даражасидаги эквивалентликка эришиш зарур.

<sup>16</sup> Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода: (лингвист. пробл.). - 4-е изд. перераб. и доп. – М.: Высш. шк., 1983. – с. 127.

<sup>17</sup> Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие. - СПб.: Филол. фак. С.-Петербург. гос. ун-та, 2006. - с. 10-18.

Агар “эквивалентлик” ва “эквивалентсизлик” сўзларининг интерпретация масаласига яна бир бор тўхталадиган бўлсак, бу ерда охиригича очиб берилмаган яна қатор аспект ва масалалар борлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, А.О.Ивановга кўра, таржимада эквивалент деганда, аналогик ифода (сўзлар ва сўз бирикмалари) даражасида берилган контекст доирасида релевант бўлган барча маъно компонентлари ёки аслият тилидаги бирликнинг маъноларидан бирини етказиб бера олувчи таржима тилидаги функционал мувофиқликни тушуниш кераклиги таъкидланади. Агар контекст ҳақида гапирадиган бўлсак, айрим ҳолатларда контекст бошқа тилдан таржима қилинаётган сўз вариантларининг яратилиш муҳити бўлиб хизмат қилади. Масала шундаки, контекст қай даражада сўзнинг ўз асосий маъносидан узоқлашуви жараёнига ва янги маъно вариантнинг пайдо бўлишига таъсир қила олади ва у қанчалик даражада ўзининг семантик, структур ва стилистик характерга эга рационал самарали функциясини бажара олмақда? Шу билан бир қаторда, биз доимо тил шакллариининг барча ҳолатлари ва услубларида таржима вариантларига дуч келамиз ва бу вариантлар, кўпинча бир-биридан чуқур тафовут қилмайди. Шу сабабли маълум ҳолатларда бир тил доирасида таржиманинг турли вариантлари вужудга келади.

Шубҳасиз, асосий ғоя, асосий мазмун ва стилистик хусусиятлар борасида тегишли константалар сақланиб қолади ва албатта, уларни ўзгартириб бўлмайди, аммо эътибор берадиган бўлсак, шундай таржима вариантлари ҳам борки, уларда таржимоннинг иш услуби туфайли катта фарқларни, ўзгаришларни мумкин. Вариант ўзгаришларига дучор бўлиши мумкин бўлган тил бирликлари категорияларига маълум гуруҳдаги сўзлар, сўз бирикмалари ва гап структураларини киритиш мумкин. Табиийки, бирор бир таржимоннинг фактологик характерга эга ҳеч қайси унсурни ўзгартиришга ҳаққи йўқ. Шу билан бирга, таржимон ўз ихтиёрида аслият ва таржима тили учун бирдек эквивалент маъноли сўз синонимларга эга бўлса, у ўзгартириш киритиб, ўз вариантларини бериши мумкин. Бундай ҳолатларда, таржимон ҳам текст, ҳам контекстнинг асосий мазмуни ва бутунлигини сақлашга мажбур бўлади, сабаби вариантли эквивалент доимий эквивалентдан фарқли равишда кўпроқ контекстга боғлиқ бўлади.

Эквивалентлик муаммосининг яна бир муҳим аспектларидан бири бир тилдаги матнни иккинчи тилга трансформация қилишда бу эквивалентларни бир-бирига мос келтириш, аслият матни ва таржима тилидаги энг мақбул муқобил бирликларни бир-бирига қиёслаб, энг яқин жиҳатларини топишдан иборат. Таржимада турли тил сатҳларида энг мақбул, сифатли ва адекват эквивалентликка эришиш таржима назариясида, шунингдек, тилшуносликнинг бошқа илмий йўналишлари, шу жумладан, лингвомаданиятшуносликда ҳам асосий масала бўлиб қолади. Яна бир аҳамиятга молик масала исталган даражадаги сифатли ва мақбул таржимага эришиш учун тегишли усул ва йўллари аниқлаш ва бу воситаларни тегишли равишда терминологик аташдир. “Эквивалент” ва “адекват” атамаларини бир-бирига таққослар эканмиз, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бу икки

сўз таржимадаги функционал ўхшашликнинг иккита турли даражаси сифатида қабул қилинади, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, эквивалентлик атамасига В.С.Виноградов асосли таъриф берган: “Таржима назариясида эквивалентлик деганда, аслият ва таржимада мавжуд мазмуний, маъновий, семантик, стилистик ва функционал-коммуникатив маълумотнинг нисбий тенглигини сақлаш тушунилади”<sup>18</sup>. Оғзаки ва ёзма шаклдаги таржима турларини таърифлар экан, олим матнларнинг ёзма шаклдаги таржимаси хусусида батафсил фикр юритади. Унинг таъкидлашича, ушбу шаклдаги барча таржималарда эквивалентлик ёрқин шаклда намоён бўлади ва у ҳеч қачон мутлақ бўлмайди – у доимо нисбий бўлиб қолади. Бу ерда таржима усуллари ва шароитлари, таржимон позицияси ва мақсади ҳамда матн мазмунининг сифати алоҳида рол ўйнайди. Булар қаторида, таржимоннинг маълумотни қабул қилиши ўзига хосликларини ҳам эслатиб ўтиш керак, сабаби муаллиф, таржимон ва ўқувчининг асарни қабул қилишдаги ўзига хос бетакрорлиги мутлақ эквивалентлик назариясини инкор қилади.

Таржима тилида ўзининг лексик мувофиқлигига ёки эквивалентига эга бўлмаган аслиятнинг лексик бирликлари эквивалентсиз лексика деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, эквивалентсиз лексика қаторига таржима тилининг лексик тизимида ўзининг аналогларига эга бўлмаган тушунча, жараёнлар ва вазиятларни англатувчи аслият тилининг лексик бирликларини киритиш мумкин. Эквивалентсиз лексика муаммоларининг асосий қисми шундан иборатки, ҳар бир тил ўзига хос маданий чизгиларига, фикрлаш тарзига ва ижтимоий ҳаётига эга маълум бир халқнинг миллий ва маданий қадриятларини акс эттирувчи восита ҳисобланади. Алоҳида олинган миллий тилнинг яна бошқа тафовутли жиҳати унинг бетакрор грамматик конструкцияси ва уни бошқа тиллардан фарқлаб турувчи типологик хусусиятларидадир. Тиллар ўртасида грамматик ва типологик характердаги бундан фарқловчи чизгиларнинг йўқлиги уларнинг бир тил диалектига мансуб эканлигидан далолат беради. Замоनावий тилшуносликда турли тилларнинг ўхшаш ва тафовутли хусусиятларини ўрганиш мақсадида юқорида келтирилган концепциядан келиб чиқиб иш кўрилади. Олимларнинг фикрича, тиллараро лексик қиёслашнинг бир нечта турлари ичида биринчи ўринни лингвистик қиёслашлар эгаллайди: улар таржимадаги қиёслашлар замирида мавжуддир. Шу билан бирга, лингвистик ва таржима қиёслар ўртасидаги фарқ ҳақида гапириб ўтмай бўлмайди. Тилшунослар сўзларни уларнинг барча лексик-семантик вариантлари билан биргаликда мураккаб тизимлар сифатида чоғиштирадилар, икки ва ундан ортиқ тилларнинг нафақат сўзлари, балки сўзлар мажмуи, лексик майдонлар ўртасидаги муносабатларни белгилаб тасвирлайдилар, замоनावий статика ва тарихий динамикада лексик тизимларни таққослаш асосида тиллараро лексик конуниятларни ўрнатишади.. Таржима назариячилари эса, одатда аниқ аслият

---

<sup>18</sup> Виноградов, В. С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы) / В. С. Виноградов. - М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. – с. 10.



ва таржима контекстида турли тил сўзларини қиёслашади ва шу сабабли таржимадаги қиёс учун сўзнинг фақатгина битта лексик маъноси материал сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, эквивалентсиз лексика деб шундай лексик бирликларни айтиш мумкинки, улар бошқа тилда мавжуд муқобили билан солиштирилганда, на мазмун, ва на шакл жиҳатдан мувофиқликларга эга бўлмайди, лекин уларни тасвирий йўл билан ёки бошқа тушунчалар ёрдамида тушунтириб берса бўлади. Кўп ишлатилиш даражасидан келиб чиқиб, вақт ўтган сайин улар маълум тилда бир нечта таржима вариантларига эга бўлиб бориши ҳам мумкин. Бу борада таникли тилшунос олим А.В.Фёдоровнинг фикрлари ўринлидир: “У ёки бу атамага доимий ва аниқ лексик мувофиқ вариантнинг мавжуд эмаслиги унинг 1) контекстдаги маъносини бериб бўлмаслигидан (битта сўз билан бўлмаса ҳам бир нечта сўзлар билан тасвирлаш орқали), 2) келажакда уни таржима қилиб бўлмаслигидан далолат бермайди. Ҳар бир тил тарихидан маълумки, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш, маданият ва илм-фаннинг ривожини билан боғлиқ ҳолда луғавий таркиб ҳам доимий равишда ўзгариб туради. Луғатнинг бойиши ва кенгайиши билан биргаликда таржиманинг ҳам имкониятлари ошиб боради”<sup>19</sup>. Бу маънода муаллифнинг фикрларига тўлиқ қўшилаемиз, сабаби, таҳлиллардан шу нарса кўринадики, авваллари адекват таржима қилиб бўлмаган бир қатор хориж тилидаги сўзлар маълум давр ўтгач, таржима тилида ўз эквивалентларига эга бўлишади, тилнинг тегишли сатҳида ўз эквивалентларига эга бўлишади. Бундан келиб чиқиб бемалол айтиш мумкинки, вақт масаласида эквивалентсиз лексика нисбий характерга эга ва унинг маълум категорияси аста-секин таржима тилида ўз шакли ва мазмунига эга бўлиб боради. Бу билан таржимада эквивалентсиз лексика муаммоси батамом ўз ечимига эга, деган фикрдан йироқмиз. Айрим илмий ишларда эквивалентсиз лексикадан кўра таржима эквивалентлиги ҳақида кўпроқ фикр юрита бошланган. Масалан, Н.К.Гарбовский ўзининг “Таржима назарияси”да фақатгина эквивалентлик ва таржима сифати адекватлиги билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиққан<sup>20</sup>. Иккинчи бир томондан олиб қараганда, ҳеч қандай шубҳа йўқки, эквивалентсизлик масаласи ҳеч қачон ўз якунига етмайди, ва бу технология ривожланаётган турли жамиятларда қисқа вақт оралиқларда янги атамаларнинг ва турли кўринишдаги неологизмларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ушбу жараёнларда тилларнинг терминологик қатлами тинимсиз бойиб туради ва бу ҳолат эквивалентсиз лексиканинг янги туркумлари ва гуруҳларининг вужудга келишига туртки бўлади. Шу вақтнинг ўзида, айрим жамиятларда ижтимоий ҳаёт пастроқ суръатларда ривожлангани учун, тиллар орасидаги тафовутлар йириклашиб боради ва натижада тиллараро ва маданиятлараро мулоқотда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради.

<sup>19</sup> Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода: (лингвист. пробл.). - 4-е изд. перераб. и доп. - М.: Высш. шк., 1983. - с. 123.

<sup>20</sup> Гарбовский Н.К. Теория перевода. - М.: Издат-во Московского гос-го университета, 2004. - 544 с.

Эквивалентсиз лексика масаласининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ушбу гуруҳдаги сўзларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлашдир. Илмий адабиётларда бу масала бир хилда кўриб чиқилмайди, ва ўз-ўзидан, бу масалага қарашлар ва фикрлар ўзининг турфа хиллиги билан кўзга ташланади. Умуман олганда эса, бундай хилма-хилликка иккита асосий омил сабаб бўлади: 1) тилнинг ўзига хослиги, яъни бу ўзига хосликни тилнинг типологик қурилмаси, лексик фонди, морфологик ва синтактик хусусиятлари ташкил қилади; 2) ушбу тилда сўзлашувчи халқ маданий ва ижтимоий ҳаётининг ўзига хос тарзи. Умумлаштирадиган бўлсак, бу ўзига хосликларни маълум тилнинг “миллий бўёқдорлиги” деб аташ мумкин. Бу турдаги хусусиятларни ҳисобга олмай таржима қилиш, шубҳасиз, аслият матни миллий колоритини йўққа чиқаради ва натижада, китобхон таржима қилинган матндан аслият матнидаги ғояларни топа олмаслиги мумкин. Яна бундай номувофикларга асосий сабаб, тегишли тилнинг маълум стилистик ўзига хосликлари ва стилистик вазифалари бўлади.

Айрим ҳолатларда, эквивалентсизликни келтириб чиқарувчи омиллардан бири таржимоннинг ўзи бўлиб қолади, ва бу субъектив омил нисбий характерга эгадир. Миллий ва тарихий колоритнинг бузилиши ҳақида гапирар экан, С.Влахов ва С.Флоринлар “миллий ва тархий колорит борасида йўл қўйилган камчиликлар асосан таржимоннинг шахси - унинг етарлича диққатини жамлай олмаслиги, реал фактларни билмаслиги, заковатининг йўқлиги, ҳаттоки, айрим таржима қонуниятларидан беҳабарлиги, масалан бошқа хос сўзни ўзиники билан етказиб беришга хохиши йўқлиги билан боғлиқ бўлади”<sup>21</sup>. Ушбу омиллардан ташқари, эквивалентсизликнинг асосий сабаблари, авваламбор, объектив аспектлар - яъни лисоний ва маданий тафовут аспектларига киритилади. Эслатиб ўтганимиздек, асосан икки гуруҳдаги омиллар мавжуд бўлиб, айнан шу омиллар эквивалентсизликни келтириб чиқарадиган асосий сабаблар ҳисобланади. Таржимадаги субъектив омил ва унинг сохта эквивалентликнинг вужудга келишидаги таъсири масаласида эса, таржима танқидининг субъективлигига асосий сабаб сифатида матннинг очик шаклда эканлиги турлича идрок ва интерпретация учун ҳам очик бўлиши кўрсатилади.

Тил белгилари референт ва фойдаланувчиларга тегишли бўладикки, улар бу белгиларни шартли равишда маълум маълумотни сақлаш ва етказиб бериш воситаси сифатида қўллашади. Табиийки, ушбу белгилар бошқа жамиятларнинг меъёр ва маънавий қадриятларидан фарқланувчи, ўзининг одоб-ахлоқ қадриятлари, маданият қонуниятлари ва меъёрларига эга алоҳида ҳамжамиятлар ва гуруҳларнинг фойдаланадиган тил тизимига мансуб бўлади. Тил ва маданият ўзаро боғлиқлигининг лингвистик парадигмаси муаммолари, шунингдек, тил ва маданиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирланиши ўзига хосликлари эквивалентсиз лексика мисолида ушбу бобимизда батафсил кўриб чиқилади.

---

<sup>21</sup> Влахов С.И. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. – с. 123.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, эквивалентсиз лексиканинг мавжудлиги сабаблари сифатида, биринчидан, у ёки бу омил туфайли таржима тилида ягона ва доимий мувофиқликнинг бўлмаслиги, иккинчидан, таржима тилида ана шу тушунчаларнинг ўзи йўқлиги сабабли лексик бирликлар ҳам мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтса бўлади. Ушбу концепцияга таржима масалалари ҳамда типологик ва қиёсий характерга эга тадқиқот билан шуғулланувчи барча олимлар риоя қилишади. Бундан ташқари, бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам, эквивалентсиз лексиканинг вужудга келишига таъсир этувчи сабаблар ва омиллар муфассал таснифланган. Масалан, Г.В.Чернов лексик бирликларнинг эквивалентсизлигига сабаб бўлувчи куйидаги омилларни кўрсатади: 1) таржима тили халқи ҳаётида нарса ва тушунчанинг мавжуд эмаслиги; 2) айнан ўхшаш тушунчанинг йўқлиги; 3) лексик-стилистик тавсифларда тафовут<sup>22</sup>. Олим билан бу борада ҳамфикрмиз, чунки бу таснифда таржимада эквивалентсиз лексиканинг пайдо бўлишининг барча омиллари кўрсатиб ўтилган. Бироқ, Н.А.Иванованинг бу концепцияга нисбатан бироз ўзгача фикрга эгаллигини кўрамиз: "... бу масала билан боғлиқликда, у (Г.В.Чернов) моддий, лексик-семантик ва стилистик эквивалентсизликни ажратиб кўрсатади. Аммо, таржима назарияси нуқтаи назаридан, эквивалентсизликнинг моддий ва лексик-семантик ўртасидаги фарқни кўрсатиш аҳамиятсиздир. Эквивалентликнинг муҳим белгиси сифатида тушунчаларнинг эмас, аниқ контекстдаги маъноларнинг мос тушиши кўрсатилиши керак"<sup>23</sup>. Бизнинг назаримизда, эквивалентсизликнинг асосий сабаблари ҳақида гап кетар экан, ушбу масаланинг моддий аспектларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, уларнинг барча манбаларини санаб ўтиш лозим ва шу боис, Г.В.Черновнинг классификацияси эквивалентсиз лексиканинг барча вужудга келиш аспектларини қамраб олади деб ўйлаймиз. Бу маънода, уни тил ва маданият ўзаро боғлиқлигини инобатга ҳолда янада ривожлантириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Л.К.Латышевнинг назарида<sup>24</sup>, лексик эквивалентсизлик иккита сабабга асосланган бўлиб, биринчи ва энг асосий сабаб шундан иборатки, аслият тили эгаларига яхшигина маълум бўлган ҳодиса ёки тушунча лексик тизимда ўз аксини топган, аммо у таржима тили вакилларига таниш эмас, ёки кам миқдорда таниш ҳамда ушбу тилнинг лексик тизимида акс этмаган бўлади. Эквивалентсизликнинг ушбу категориясини муаллиф хос сўзлар (хос сўзлар) деб атайди ва бу гуруҳга фақатгина бир жамият вакиллариининг моддий ва маънавий ҳаётига хос бўлган ва бошқаларникида мавжуд бўлмаган ҳодиса ва объектларни киритади. Эквивалентсизликнинг иккинчи сабаби сифатида олим турли тил эгаларининг олами турлича кўришларида деб билади.

<sup>22</sup> Чернов Г.В. Вопросы перевода русской безэквивалентной лексики на английский язык: автореф. дисс... канд... филол... наук. - М., 1958. - с. 14.

<sup>23</sup> Иванова Н.А. Сопоставительно-типологический анализ безэквивалентной лексики (на материале русского, немецкого и французского языков): дисс... канд. филол. наук: 10.02.20 – сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание. - М., 2004. – с. 48.

<sup>24</sup> Латышев Л.К. Разноязычные тексты как объект отождествления в переводе // Текст и перевод. - М.: Просвещение, 1988. - с. 24

Эквивалентсизлик сабаблари хусусида А.О.Ивановнинг ўзига хос қарашларини кўриб чиқсак. Унинг фикрича, “одатда бундай сабабларга қуйидагиларни киритишади ва айнан шу сабаблар асосида, шунингдек, эквивалентсизлик типлари ҳам таснифланади: таржима тилининг халқи ҳаётида нарсанинг, ҳодисанинг мавжуд эмаслиги (моддий эквивалентсизлик); таржима тилида айнан ўхшаш тушунчанинг йўқлиги (лексик-семантик эквивалентсизлик); лексик-стилистик характеристикалар турлилиги (стилистик эквивалентсизлик)”<sup>25</sup>. Олим бу сабабларни санаб ўтар экан, шуни таъкидлайдики, эквивалентсизликнинг моддий ва лексик-семантик турлари ўртасидаги фарқ муҳим эмас, чунки таржима тилида айнан ўхшаш тушунчанинг мавжуд бўлиши чуқур аҳамият касб этмайди. А.О.Иванов, асосан, Л.С.Бархударов томонидан таклиф қилинган таснифни қўллаб-қувватлайди ва эквивалентсизлик сабабларини аниқлашдаги энг мақбул вариант семиотик таснифлар дейди: “Семиотик классификацияга кўра, биз фойдаланадиган барча тушунчалар исталган тилда учта типга бўлинади: тушунчага нисбатан муносабат ҳақида гап кетганда, белги ва унинг референти ўртасидаги муносабатни ифодаловчи референциал ёки предметга нисбатан муносабат ҳақида гапирилганда, денотатив; белги ва инсон ёки бу белгидан фойдаланувчи тил коллективи (коннотатив, эмотив) ўртасидаги муносабатни ифодаловчи прагматик; тегишли белги ва ана шу белгилар тизимининг бошқа белгилари ёки унсурлари ўртасидаги муносабатни ифодаловчи тил ичидаги тип”<sup>26</sup>. Ушбу классификация, шубҳасиз, ҳар томонлама ва комплекс тузилган деб айтиш мумкин, чунки эквивалентсиз бирликлар фарқи аслият ва таржима тилларининг тегишли бирликлари маъноларида кўринади. Ўз навбатида, лисоний бирликларнинг семиотик функциялари қаторида семантик маънолари ҳам доимо бутун тил тизимининг тобе қисмлари бўлмиш ўзларининг ички тил маънолари, роллари ва функционал ўзига хосликларига боғлиқ бўлади.

Албатта, эквивалентсиз лексиканинг вужудга келиш сабаблари унинг туркум ва турларини белгилайди, иккинчи томондан эса, эквивалентсиз лексиканинг асосий типларини таҳлил ва интерпретация қилиш ушбу сабабларни тўғри ва рационал аниқлашга ёрдам беради. Масалан, Л.С.Бархударов эквивалентсиз лексикага учта катта туркумга бўлинган тил бирликларини киритади. Биринчи туркум атоқли отлар, идора, ташкилот, оммавий ахборот воситалари номлари, жўғрофий номларни ўз ичига олади. Иккинчи туркумга бошқа тилда сўзлашувчиларнинг амалий тажрибаси ва реал ҳаётида мавжуд бўлмаган тушунча ва вазиятларни ифодаловчи хос сўз сўзларни киритилади. Учинчи туркум эса Л.С.Бархударовнинг муаллифлик атамаси бўлиб қолган “тасодифий лақуналар”ни қамраб олади. Олим тасодифий лақуналар деб, бир тилдаги лексик бирликларининг қайсидир

<sup>25</sup> Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие. - СПб.: Филол. фак. С.-Петербург. гос. ун-та, 2006. – с. 82.

<sup>26</sup> Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие. - СПб.: Филол. фак. С.-Петербург. гос. ун-та, 2006. – с. 83.

сабабларга кўра бошқа тил лексик тизимида ўз лексик мувофиқликларига эга бўлмаслик ҳолатини айтади.

Ёки бошқа олимнинг таснифига эътибор қаратсак. А.О.Иванов эквивалентсизликнинг келиб чиқиш сабабларига таянган ҳолда ушбу гуруҳ лексик birlikларини учта туркумга ажратади. “Референциал-эквивалентсиз лексика” номи остидаги биринчи гуруҳ хос сўзлар, атамалар, индивидуал муаллифлик неологизмлари, фразеологизмлар, семантик ёки тушунчавий лакуналар, ўзининг кенг маъносида қўлланган кенг семантика сўзлари, тасвирий йўл, шунингдек, бошқа трансформациялар воситасида етказиб бериладиган турли типдаги мураккаб сўзларни қамраб олади. Иккинчи гуруҳ “прагматик-эквивалентсиз лексика” деб номланиб, муаллиф унга турли умумтил меъёрларидан четга оғиш ҳолатларини киритади. Бундай гуруҳга ижтимоий ва ҳудудий шева, жаргон, арго, таъқиқланган лексика, архаизм, диалектизм, субстандарт лексика ва оғзаки нутқ эркинликларини киритиш мумкин. Прагматик-эквивалентсиз лексика, шунингдек, турли тилларга мансуб бегона сўзлар, таржима тили структурасига доимо мос тушмайдиган қисқартмалар, субъектив баҳоловчи суффиксларга эга сўзлар, ундов сўзлар ва тақлид товушларини қамраб олади. Ушбу туркумга кирувчи кичик гуруҳлардан бирини ассоциатив лакуналар, яъни, бир тил вакилларининг онгида тегишли ассоциациялар уйғотувчи аммо бошқа тил эгаларида мавжуд бўлмаган сўзлар ташкил қилади. Шунини таъкидлаб ўтмоқ керакки, прагматик-эквивалентсиз лексика бутун эквивалентсиз лексиканинг асосий қисмини ташкил қилади ва у аслият ҳамда таржима тилларининг тегишли лексик birlikлари ўртасидаги прагматик тафовутлар натижасида вужудга келади. “Муқобил-эквивалентсиз лексика” номли учинчи гуруҳга муаллиф иккита кичик гуруҳларни киритади. Биринчи гуруҳ сўзлари атоқли отлар – топоним, антропоним, фирмалар, фильмлар ва китоблар номларидан иборатдир. Иккинчи гуруҳга хос сўз ва фразеологизмлар киради ва улар танланган таржима усулига кўра ёки референциал ёки прагматик типга мансуб бўлади.

Эквивалентсиз лексика кенг қамровли бўлиб, тадқиқотчилар томонидан турлича туркумлаштирилади. Лекин қайси таснифни олинмасин, бунда, умумий жиҳат сифатида эквивалентсиз лексиканинг келиб чиқиш сабабининг бир омилга бориб тақалиши, яъни тил ва маданият узвий бири-бирига боғлиқлик омилини кўрсатиш мумкин. Илмда таъкидланишича, замонавий тилшуносликда эквивалентсиз лексика масалалари борасида қатор фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар асосида таржиманинг бошқа аспекти ҳамда тиллар ва тил ҳодисалари чоғиштирмаси бўйича янги илмий изланишларни ривожлантириш мумкин. Эквивалентсиз лексика муаммоларини тил ва маданиятнинг узвий боғлиқлигида тадқиқ қилиш долзарблик касб этиб, ушбу масала таржимада эквивалентликка бўлган лингвомаданий ёндашув асосида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бобимизнинг кейинги фаслларида шу хусусида фикр юритилади.

## 1.2. ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ

Ижтимоий муносабатлар тарихи ва назариясида лисоний мулоқот доимо етакчи бўлиб қолади ҳамда маълум турдаги ахборотни сақлаш ва трансформация қилишда асосий воситачи, шунингдек, коммуникатив жараёнларда асосий алоқа усули сифатида инкор қилиб бўлмас даражада рол ўйнайди. Инсон тили янги хабарлар, янги ахборотлар яратилишида муҳим аҳамият касб этганидек, яна шу маълумотларни бошқача шаклда ифодаланишида ҳам унинг иштирокисиз иш кўриб бўлмайди. Шу баробарида, турли халқлар миллий тилларининг ранг-баранглик ҳодисасини ҳам тенгсиз имконият сифатида эътироф этиш лозим. Бир тилдан иккинчисига маълум хажмдаги ахборотни ўзлаштириш ўзига хос машаққатни келтириб чиқарувчи жараёндир ва бу жараёнда тилнинг серқирра имкониятларини инобатга олиб иш кўриш таржиманинг биринчи шартларидан биридир. Таржима нафақат тилшунослик, балки адабиётшунослик, жумладан – қиёсий адабиётшунослик объекти ҳамдир. “Чунки асарнинг ўзи ва таржимаси қиёслаш учун асос вазифасини бажаради”<sup>27</sup>.

Таржима нима учун, қандай мақсадларда керак ва нега таржима қилиш лозим каби саволларга жавоб бирламчи: дунё яралгандан бери маданиятлар, халқлар ва жамиятларнинг ўзаро бир-бирига киришиш ва боғланишига эҳтиёж кучли бўлган, шу сабабли инсоният доимо ҳам моддий ҳам маънавий характерга эга умуминсоний кадриятларни билишга, ўрганишга интилиб келган ҳамда бусиз инсоний жамиятни тасаввур этиб бўлмайди. Таржима, шубҳасиз, маданиятлараро мулоқотнинг муҳим воситаси ҳисобланади ва бусиз турли ҳамжамиятлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқа амалга ошиши қийиндир.

Бир тилдан иккинчи тилга таржима бўлиш ёки бўлмаслик масалалари борасида етарлича илмий-назарий характерга эга мақолалар, монографиялар, кўлланма ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Исбот қилинганидек, таржима – бу бир тилдан иккинчи тилга хабарни трансформация қилишдир, ва бунда эквивалентлик масаласи муҳим рол ўйнайди. Таъкидлаш мумкинки, таржима бўлиш ёки бўлмаслик даражаси айнан эквивалентлик ва эквивалентсизлик даражаси билан аниқланади, ва айнан эквивалентлик таржима матнининг бошқа тилга таржима қилина олинганлик кўрсаткичини ифодалайди. Иккинчи томондан, таржима бўлишлиги масалалари тушунчавий категориялар ва уларнинг лисоний белгилари масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий фанда ушбу муаммо назарий тилшунослик, мантиқ ва фалсафа кесишувида хал этилади, чунки у тил антологияси ва фалсафанинг когнитив аспектлари, шунингдек, мантиқнинг тушунчавий соҳаларини қамраб олади. Замонавий фанда таъкидланишича, тушунчавий категориялар универсал характерга эга тушунчалар ҳисобланади, бироқ уларнинг белгилари ва турли тиллар воситасида амалга ошиши ҳар бир тилнинг функционал аспектлари ва имкониятлари билан яқиндан боғлиқ бўлади.

<sup>27</sup> Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2020. – 42 б.

Ш.Сафаровнинг ҳам таъкидлашича, “турли маданият вакиллари учун категориялаштириш ҳодисаси бир хилда кечмайди”<sup>28</sup>. Шу ерда бир далилни кўрсатиб ўтиш керакки, исталган тилдан исталган тилга исталган тил белгиси таржима қилина олиши мумкин. Таржимачилик фаолияти ривожлана бошлаган бундан олдинги асрларда айрим олимлар тўлақонли ва мос келувчи таржимани амалга ошириш мумкин эмас, дея ҳисоблашган, ва ўз-ўзидан тилшуносликдаги таржимага ечими йўқ масала сифатида қаралган. Немис тилшунос олими Вильгельм фон Хумбольдт ўзининг Август Шлегелга ёзган мактубида шундай дейди: “Ҳар қандай таржима мен учун бажарилиши даргумон бўлган вазифани бажаришдек қийин туюлади. Сабаби, ҳар бир таржимон ёки ўз халқининг тил ва диди ҳисобига аслиятга қатъий риоя қилиш, ёки аслият ҳисобига халқининг ўзига хос хусусиятларига риоя қилишдек муқаррар равишда иккита сув ости тошларидан бирига урилишга мажбурдир. Иккисининг ўртасидаги бошқа нарсага эришиш нафақат қийин, балки имкони йўқдир”<sup>29</sup>. Олим ўзининг фалсафана постулатига таянган ҳолда шундай қатъий фикрга келган ва унга кўра ҳар бир миллий тил ўз халқининг “руҳи”ни ифодалай олади ҳамда шу сабабли ушбу “руҳ” бошқа халқ ва тилга ўхшатила олмайди. Шундай қилиб, ҳар бир шахс ва ҳар бир индивид ўз тили баробарида ўзининг бетакрор ва ўзига хос олам манзарасига эга бўлиб, бу олам манзараси шу тилда сўзлашаётганларнинг дунёқараши имкониятларини очиб бера олади. Мана шу постулат, кейинги йилларда ўз концепциясида тил ва тафаккурни бир-бирига тенглаштирувчи Сэпир-Уорфнинг “лингвистик релятивизм принципи” номли назариясида ривожлантирилади<sup>30</sup>. Ушбу концепцияга кўра, тилнинг ўзига хосликлари ушбу тилда сўзлашувчи инсонларнинг ўзига хос фикрлаш тарзини аниқлаб беради ва натижада бир тилнинг тафаккур меваси сифатидаги нутқ бошқа тил белгилари орқали бир хилда етказиб берилмайди. Ф.М.Березиннинг бу концепцияга берган интерпретациясига кўра, тилда яхлит нарса йўқ, унинг ҳар бир унсури бир бутунликнинг бир қисми сифатида юзага чиқади. Ўзининг кўплаб образли ишлатилишларида намоён бўлувчи тилни фақатгина “организмдаги фарқлар”, муносабатлари ўрганиб чиқилгандагина тушуниш мумкин, сабаби айнан тилни ташкил қилувчи тушунчалар муносабатида унинг асл моҳияти очилади. Организм деганда, Хумбольдт тилни бир бутунлик, тизим ва тузилма сифатида тушунади<sup>31</sup>. Иккинчи томондан, тил ва маданиятни таққослар экан, Рене, Декарт, Лейбниц сингари файласуф олимлар гуруҳи мутлақ таржима бўлишлик тўғрисида ўзларининг принципларини олға суришади. Уларнинг фикрича, барча тиллар умумий универсал тилнинг турлари (*lingua universalis*) ҳисобланади ва бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиши учун тушунчалар ва хулосалар умумийлиги муҳим аҳамият касб этади. Таржима бўлишлигининг бундай концепциясига

<sup>28</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. 65 б.

<sup>29</sup> Cauer, P. Die Kunst des Übersetzens / P. Cauer. - Berlin, 1914. - p. 400.

<sup>30</sup> Whorf B. L. Language, thought and reality (selected writings of B. L. Whorf) / B. L. Whorf; ed. John B. Carroll. - New York: Wiley, 1956. – p. 213.

<sup>31</sup> Березин Ф.М. История лингвистических учений: учеб.пособие для филол. специальностей ун-тов и пед. ин-тов / 2-изд. перераб. и доп. - М.: Высш. школа, 1984. - с. 50.

асос сифатида шу факт келтириладики, турли халқлар тилларида сўзлашувчиларнинг барчаси учун воқеийлик умумий ва ягонадир. Шу сабабли, турлича тилларда реал борлиқ маълум ўзгаришлар билан акс этса-да, уларнинг аксарияти бир-бирига яқин ёки деярли мутлақ ўхшаш бўлиб чиқади. Бундан келиб чиқадики, у ёки бу тилдаги исталган воқеийлик тасвирини бошқа тил воситаларида қайта яратиш ва трансформация қилиш мумкиндир.

Ҳозирги вақтда, тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, таржима бўлишлик тил материалининг бир тилдан иккинчи тилга нисбий трансформацияси жараёнини ташкил қилади. Гарчи мантиқ, фалсафа ва бошқа илмлардаги кўплаб бошқа тушунчавий категориялар айнан инсон тили концепциялари ва материаллари асосида ишлаб чиқилган бўлса-да, айтиш мумкиндирки, бу илмий йўналишлар алоҳида шаклда ривожланмоқда. Акс ҳолда, бу илмий йўналишлар изоморфлик кўринишини касб этиши мумкин эди. Бу борада Фердинанд де Соссюрнинг фикрлари қимматлидир: “Психология борасида, агар сўзлар билан ифодаланишини назарда тутмасак, бизнинг идрокимиз аморф - бўлинмаган шаклда қолар эди. Файласуфлар ва тилшунослар доимо бир фикрда яқдил бўлиб келишган, яъни белгилар ёрдамсиз биз етарлича аниқлик ва муқимлик билан бир тушунчани иккинчисидан ажрата олмаган бўлардик”<sup>32</sup>. Замонавий тилшунос олимларнинг фикрича, ҳар бир тил ўзига хос мослашувчан, бетакрор ифода воситаси ҳамда босқичма-босқич ривожланувчи, ўзгарувчи хусусиятларга эгадир ва у билан бирга ҳар бир маданият ривожланиб, ўзгариб боради. Динамик тарзда ижтимоий ҳаёт ҳам ривожланиб, идрок этиш ва фикрлаш ўзгаради ҳамда бу, шубҳасиз, тил ва маданиятда ўз аксини топади. Бундан ташқари, замонавий дунёда қатор ижтимоий ҳодисалар глобал жараёнлар таъсирида содир бўлади ва бу маданиятлар ҳамда жамоатчилик меъёрлари ва қадриятларининг ўзаро таъсирланиши ва бир-бирига ўтиши учун қулай шароитлар яратади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, таржиманинг бўлишлиги турли тиллар ва маданиятларнинг ўзаро бойитилиши борасида муҳим омил ҳисобланади.

Замонавий глобализация жараёнлари, турли маданиятлар ва цивилизациялар, шунингдек, турли тиллар вакилларининг ўзаро муносабатлари тиллар ва маданиятларнинг ўзаро бир-биридан таъсирланиши учун шароитлар яратади. Ҳозирги кунда, ҳаттоки ўз тилимиз муҳитида сўзлашиб туриб ҳам, биз бошқа тиллардан ўзлашиб келган лексика ва терминлардан фойдаланмай гапира олмаймиз. Бундан ташқари, ўзлаштирма лексика терминларнинг маълум категорияси умумий лексиканинг динамик қатламини ташкил қилади. Бу турдаги лисоний ҳодисалар таржиманинг рационал мос тарзда амалга оширилишига кўмак беради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, таржима қилиб бўлмаслик назариясини мавжуд таржима амалиёти, малакали таржимонларнинг кўзга кўринган ишлари инкор қилди.

---

<sup>32</sup> Соссюр, Фердинанд де. Труды по языкознанию . - М.: Прогресс, 1977. - с. 144.



В.С.Виноградов таржиманинг лексик муаммоларига нисбатан “фон ахборот” терминини ишлатишни маъқул кўради ва бу атамани “фақатгина маълум миллатга хос бўлган ва унинг вакиллари орқали ўзлаштирилиб, ушбу миллий ҳамжамиятнинг тилида ҳам акс этган ижтимоий-маданий маълумот” дея тавсифлайди<sup>33</sup>. Фон билимларни инкор қилиб бўлмаслик ҳақида аввалроқ А.Мейе ҳам гапириб ўтган: “маълум тилда гапирувчи халқнинг шарт-шароити ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, бу тилни тушуниб бўлмайди”<sup>34</sup>. В.С.Виноградовнинг фикрича, фон билимлар таркибига энг аввало тарих ва давлат тузилмасининг махсус фактлари, миллий ҳамжамият моддий маданиятининг предметлари, жўғрофий муҳитининг ўзига хос жиҳатлари сингари таржима назариясида хос сўзлар деб аталувчи тушунчалар киради. Тилдаги кўплаб сўзлар маълум коннотацияларга ёки стилистик, эмоционал, маъно товланишларига эга бўлиб, уларда ўша лингвомаданий жамиятнинг ўзига хос бўлган маданияти акс этган бўлади. Тиллараро ва маданиятлараро мулоқотнинг боғловчи халқаси сифатида таржимага нисбатан кенг кўламли фанлараро ёндашув талаб қилиниши табиий ва биз таржимага, хусусан бадий таржимага нисбатан лингвомаданий ёндашув тарафдоримиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тиллараро ва маданиятлараро эквивалентсизлик ҳолатининг вужудга келишига турли лингвомаданий жамиятларнинг тиллари ва маданиятларидаги тафовутлар сабабчи бўлади. Бундан ташқари, семантиканинг лингвомаданий компоненти мавжудлиги ҳамда эквивалентсиз лексиканинг ижтимоий ва маданий илдизлари сингари лингвомаданий асосларини ажратиб кўрсатиш лозимлигини таъкидлаб ўтдик. Таржима адекватлигига эришиш борасида лингвомаданий йўналиш ушбу ҳодисанинг барча қирраларини ўрганишга ҳамда тиллараро ва маданиятлараро таъсирнинг истиқболларига янгича қарашга имкон беради. Мана шу ўзаро таъсир шаклларида бири бўлмиш таржима лингвомаданий аспектда амалга оширилса, кўплаб масалалар ечимини енгиллаштириши табиийдир. Таржиманинг лингвомаданий аспекти ёзма ва оғзаки матн таржимасини нафақат лисоний, балки маданий омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни тақозо қилади. Бунда лексик бирликнинг нафақат денотатив-сигникатив компоненти, балки лингвомаданий компоненти ҳам очиб берилади. В.В.Воробьевнинг талқини билан айтадиган бўлсак, гап “лингвокультурема”га бориб тақалади. В.В.Воробьев тил ва маданият ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирини комплекс масала сифатида ўрганиш жараёнида бир-бирига боғлиқ икки ҳодисани ўзида синтезлаши мумкин бўлган ўзига хос бирликни ажратиб олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва лингвокультурема терминини таклиф қилади: “Тил бирликлари бўлмиш сўз ва лексик-семантик муқобилдан фарқли ўлароқ

<sup>33</sup> Виноградов, В.В. О языке художественной прозы (Избр. тр.) – М.: Наука, 1980. – С. 37; Об основных типах фразеологических единиц в русском языке. Избр. тр.: лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – 89 с.

<sup>34</sup> Мейе А. Сравнительный метод в историческом языкознании. - М.: Издательство иностранной литературы, 1954. – с.8.

лингвокультурема нафақат тил (лисоний маъно), балки маданият сегментларини ҳам ўз ичига олади”<sup>35</sup>. Шу ўринда, лингвокультурология фани мазмунига эътибор қаратсак. Лингвокультурология – лингвистика ва культурология кесишувида вужудга келган синтезловчи характерга эга комплекс фан бўлиб, тил ва маданият ўзаро боғлиқлигининг лингвистик аспектини тадқиқ этади ва ушбу жараёни лисоний ва маданий мазмун бирлигидаги яхлит birlikлар таркиби деб ҳисоблайди. “Лингвомаданиятшунослик шундай бир ҳақиқатни ифодалайдики, унингча, тил, шуур ва маданият органик тарзда бир-бирига боғланган, бир-бирини тусмоллайди ва улардан ҳеч қайсиси инкор қилина олмагани сингари, бирортаси ҳам доминантлик қила олмайди”<sup>36</sup>. Айрим тадқиқотчилар лингвокультурология фанлараро илм бўлиб, у маданий тушунчаларнинг сўзда жамғарилишини ва сўзнинг маданий фаолиятга ундовчи унсур эканлигини ўрганишини таъкидлайди. Лингвокультурологиянинг объекти эса, маданий ахборот, маданиятнинг барча кўрсатмалари, преференциялари ва тилдан фойдаланган ҳолда ушбу маданиятни яратувчи инсон билан бирга ташувчи тилнинг ўзаро фаолият тадқиқоти” сифатида таърифланади.

Таржима назарияси учун “лингвомаданият” ва “лингвомаданий компонент” тушунчаларининг аҳамияти қандай? Бу саволга ўтишдан аввал тил ва маданиятнинг таржима контекстидаги ўзига хослигини яна бир қарра умумлаштириб олсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Таржимашунослик нуқтаи назаридан маданият тушунчаси маълум халқнинг яшаш тарзи, ютуқлари, ижоди мажмуи сифатида кенг талқин қилинади. Масалан, таржимашунос П.Ньюмарк маданиятни: “ўзини ифодалаш учун маълум тилдан фойдаланувчи ҳамжамиятга хос бўлган яшаш тарзи ва унинг шакллари” сифатида шарҳлайди<sup>37</sup>. Инсонлар ўз маданиятларини ўзга маданиятга таққослаган ҳолда тушунишади, шу сабабли кўплаб олимлар маданият “маънолар олами” сифатида чегарада жойлашган бўлади ва таржимондан нафақат сўзнинг бошқа тилдаги эквивалентини топиш, балки, энг асосийси, ўша сўз ўзида жамлаган маданий маъноларни бошқа тилга олиб ўтиш талаб қилинади” деб ҳисоблашади<sup>38</sup>. Тил ва маданият узвийлиги В.Фон Хумболдт концепциясидаги “тил ўзининг энг нозик толалари билан халқ руҳиятига боғлангандир..” кабилидаги нуқтаи назарга асосланган. Шундай экан, “инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган birlikларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс топиши табиийдир”<sup>39</sup>. Дарҳақиқат, ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шакл топади ва фаоллашади.

Тиллар ва маданиятларнинг ўзаро таъсири – ўта мураккаб ва кўп тармоқли жараёндир. Маданиятнинг тилда акс этиши масаласи

<sup>35</sup> Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М: Издательство Российского университета дружбы народов, 2006. с. 44.

<sup>36</sup> Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – М.: Флинта: Наука, 2009. – с. 28.

<sup>37</sup> Newmark P. A. Textbook of Translation. New York: Prentice Hall, 1988 – p. 94.

<sup>38</sup> Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – М.: Флинта: Наука, 2009. – 184 с. 88-б.

<sup>39</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. 65 б.

тилшуносликда олам манзарасини тадқиқ қилиш масаласига бориб тақалади. Олам манзарасининг шаклланишига тил, анъаналар, табиат, ландшафт, таълим-тарбия ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир қилади. Олам манзараси бевосита тил билан боғлиқ. Олам лисоний манзарасининг асосий вазифалари концептуал олам манзарасининг асосий унсурларини белгилаш ҳамда тил воситалари ёрдамида экспликация қилишдан иборат. Аксарият олимлар лисоний олам манзараси ва концептуал олам манзараларини солиштирар экан, иккинчиси биринчисидан кўра бойроқ эканлигини таъкидлайдилар, сабаби концептуал олам манзарасининг шаклланишида фикрлашнинг турли типлари, хусусан, новербал тури иштирок этади. Шак-шубҳасиз, турли лингвомаданий ҳамжамиятларнинг олам манзаралари миллий-маданий ўзига хосликка эга, ва бунинг натижасида, ўз-ўзидан улар бир-бирларига тил ва маданий даражаларда мос келмайдилар. Олам манзаралари таржима жараёнида бир-бирларига максимал даражада яқинлашадилар ва бунда таржима тил ва маданиятлар ўзаро таъсирланишининг синергетик тизими сифатида қабул қилинади. Таржимада аслиятнинг ҳам лисоний, ҳам миллий-маданий хусусиятларини баробар акс эттира олиш тўлақонли таржима шартларига кирар экан, биз, ушбу ҳолатни **“лингвомаданий эквивалентлик”**ка эришиш деб аташни маъқул кўрдик ҳамда ушбу тушунча юқорида тилга олинган таржимадаги тил ва маданият ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган тегишли масалаларни қамраб олишини таъкидлаймиз. Жумладан, мазкур таржима мезони **лингвомаданий эквивалентсизлик** (таржимада тил ва маданият ўзаро боғлиқлиги омили туфайли юзага чиқадиган муқобилсизлик ҳолати) ва **лингвомаданий эквивалентлар** (аслият ва таржима тилидаги лисоний ва маданий хусусиятлари жиҳатидан бир бирига мос келувчи лексик бирликлар) каби кўрсаткичларга таянади ва шу асосда маълум хулосалар чиқаради.

Маданият ўзига хосликлари тилда миллий ўзига хос бирликлар (эквивалентсиз лексика, тилнинг фразеологик фонди, лисоний воситалар ва бошқ.) ёки бошқа сўз билан айтганда, ўзида қайсидир даражада маданий компонент сақловчи бирликлар кўринишида намоён бўлади. Лисоний белгилар маъносининг маданий компоненти деганда, лисоний маъно билан уйғунлашган маданий ахборотни тушуниш мумкин. Маънонинг маданий компоненти тил ва маданиятни семиотик тизимлар сифатида бир-бирига боғлайди ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ифодалайди. Замонавий тадқиқотларда “маданий компонент” ва “лингвомаданий компонент” тушунчалари бир-бирларига тенг маънода ишлатилмоқда. Бизнингча, лисоний белгилар маъносининг “лингвомаданий компоненти” атамаси ишлатишга қулайроқдир. Лингвомаданиятшунослик фан сифатида тил ва маданият ҳодисаларига тизимли ва интегратив ёндашишини, тил ва маданият бирликлари бир бутунликда ўрганилишини ҳисобга олиб, биз ўз тадқиқотимизда таҳлилга тортган лексик бирликларни умумий - **“лингвомаданий компонентли лексика”** номи остида таснифлаш ва тадқиқ қилишга қарор қилдик.

Лингвомаданий жиҳатлар турли усуллар орқали энг аввало лингвомаданий ёки миллий ўзига хос компонентга эга лексика - фразеологик фонд, хос сўз, семантик лакуна, коннотация, аллюзия, юмор, сўз ўйини, турли бадиий ифода воситалари кўринишида матнда репрезентация қилинади. Аслият матнидаги маданиятни репрезентация қилиш усулларининг барчаси маълум таржима мураккабликларини келтириб чиқаради ва улар қуйидаги сабаблардан бири билан боғлиқ бўлиши мумкин: “ўзга маданият ҳодисаси таржима тили сохибларига нотаниш бўлса” ёки “маданиятнинг бир хил ҳодисаси икки тил вакиллари томонидан икки хил талқин қилинса”. Лексик бирлик маъносида лингвомаданий компонентнинг мавжудлиги тушуниш жараёнини мураккаблаштириб, таржима ишини қийинлаштириши мумкин. Лисоний тушунчалар тизими тил эгасининг маданий компетенцияси билан боғлиқдир, чунки тилда халқнинг дунёқараши акс этади, дунёқараш эса маданий анъаналар контекстида англашилади. Маълум лингвомаданий жамиятнинг лисоний олам манзараси маданий стереотиплар, эталонлар, рамзларда акс этиб, ушбу миллий онг тилнинг грамматик ва лексик-семантик тизимида кўринади, шу боис аслият матнининг миллий-маданий ўзига хосликларини адекват таржима қилиш таржима эквивалентлигининг асосий кўрсаткичини ташкил этади.

Икки маданият муносабатга киришадиган таржима жараёнида, яъни миллий чизгилар максимал даражада ёрқин намоён бўладиган вазиятда турлича дунёқарашлар ва олам манзаралари бир-бирига янада яқинлашади. Матннинг маданий мазмуни денотатив ҳамда коннотатив маъноли маданий компонентга эга тил бирликлари орқали шаклланади. Матн ичида тил бирликлари маданий тамғага эга бўлади ва бу матн мазмунини янада бойитади. Лингвомаданий жиҳатлар матнда турли йўллар орқали, энг аввало эса, лингвомаданий ёки миллий ўзига хос компонентли лексика кўринишида намоён бўлади. Булар: эквивалентсиз лексика ва лакуналар; мифга айланган тил бирликлари; тилнинг паремиологик фонди; тилнинг фразеологик фонди; эталон, стереотип, рамзлар; метафора ва тил образлари; тилларнинг стилистик қатлами; нутқий вазият; этикет меъёрларидир.

Юқорида санаб ўтганларимиз гомоген эмас, балки гетерогендир, ҳамда айнан улар юқори маданий бўёқдорликка эга бўлгани сабабли таржимада лингвомаданий ёндашув асосида ўгирилиши лозим бўлган бирликларни ташкил этади. Тадқиқот хажми билан боғлиқ сабабга кўра биз уларнинг орасидан энг йирик гуруҳларни тадқиқот объектлари сифатида олдик. Булар: 1. хос сўзлар; 2. лакуналар; 3. фразеологик бирликлардир. Ушбу тил бирликларини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима назарияси ва амалиётида етарлича ўрганилмаганлик ҳамда таржимада энг кўп қийинчилик туғдириши каби мезонларга кўра ажратиб олдик. Уларнинг батафсил таҳлилларига кейинги бобларда ўрин ажратганимиз сабабли ушбу фаслда уларга қисқача тўхталиб ўтамиз холос. Жумладан, лингвомаданий компонентли лексика деб қабул қилганимиз ушбу учта гуруҳни қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Хос сўзлар – маълум маданиятга хос бўлган ходисаларни англатувчи белгилар тилнинг кумулятив махсулоти ҳисобланиб, тил эгаларининг онгида мавжуд фон билимларини ўз ичига қамраб олади. Тиллар ўртасидаги тафовутлар маданиятлар ўртасидаги фарқлар туфайли вужудга келади ва улар лексик бирликлар иштирок этувчи материалларда яққолроқ намоён бўлади, чунки тилнинг номинатив воситалари лисоний бўлмаган воқелик билан тўғридан-тўғри боғлиқлик касб этади. Ўзида миллий-маданий компонентни мужассам этувчи хос сўزلардан ташқари, биз таржиманинг лингвомаданий аспекти нуқтаи назаридан олганда, миллат олам манзарасининг шаклланишида иштирок этувчи лексик ифодаланмай қолган концептларнинг ҳам кенг қамраб олиниши тарафдоримиз. Номинатив бирликларнинг миллий-маданий ўзига хослиги нафақат хос сўзларнинг мавжудлигида, балки ушбу тилда бошқа тилда ифодаланган сўзларнинг йўқлиги, яъни лакуналар – бўшлиқларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Одатда тилларнинг бирида лакунанинг мавжудлиги ўша тилда тегишли денотатнинг йўқлиги билан эмас, ушбу маданият учун бу денотатнинг муҳимлик даражаси пастлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин. Шу билан бирга, аслият муаллифи ҳамда таржимоннинг коммуникатив мақсадлари фарқланишига кўра ҳам ушбу ходиса кузатилади. Аслият муаллифнинг олам манзарасидан келиб чиқиб амалга оширилган лойиҳа сифатида қаралса, таржимон фаолиятини этник ва индивидуал турлардан иборат бўлган иккита олам манзараси моделлари ташкил қилади. Биламизки, олам манзараси инсон ҳаётининг фаолиятининг турли соҳалари уйғунлиги ва ўзаро боғлиқлиги воситаси вазифасини бажаради. Олам манзарасининг асосий бирлигини концепт ташкил қилиб, таржима жараёнида икки тил ва маданият бир бирига таққосланганда, улардан бирида маълум концептнинг мавжуд эмаслигига дуч келиш мумкин ҳамда бунинг натижасида таржима тилида аслиятнинг лексик ифодаланмай қолган элементлари туфайли лакуналар пайдо бўлади. Таржиманинг лингвомаданий аспекти бирлиги сифатида лакуна аслият матнини тўла-тўқис тушунилишига тўсқинлик қилади ва буни тушуниш учун таржимондан етарлича фон билимлари ҳамда таржимонлик маҳорати талаб қилиниши табиийдир. Таржима жараёнида лингвомаданий компонент йўқолиб, таржима матнида тўлдирилмаган лакуна қолади. Лингвистик даражада аслиятдаги лакунар бирлик таржима матнига олиб ўтилгандек, лекин лингвомаданий жиҳатдан бу таржима талабга жавоб бермайди.

Тилнинг фразеологик фонди – халқнинг маданияти ва менталитети ҳақидаги маълумотларнинг қимматли манбасидир. Фразеологик бирликларда миллатнинг миф, урф-одат, анъана, одат, фалсафаси ва кундалик ҳаёти акс этади. Фразеология масалалари таржиманинг лингвомаданий масалаларини ҳал этишда ўта муҳим аҳамият касб этади. ФБлар турли тилларда айни сўзлар билан бир-биридан фарқ қилувчи турлича бирикмаларни яратиб, уларни маълум тушунчани чуқур ва ёрқин ифода этишга йўналтирилиши билан ҳам қизиқарлидир. Таржиманинг лингвомаданий муаммолари фразеологизмнинг маъноси ва шаклини аслиятдагидек сақлаб бера олиш

хамда таржима ўқувчисиди ҳам аслият ўқувчиси олган айни таъсирни уғота олишдек ўта мураккаб масалаларни ўз ичига олади.

Юқорида санаб ўтганимиз лингвомаданий компонентли лексиканинг таржимада муқобил тикланиши таржиманинг лингвомаданий эквивалентлигини таъминлашдаги энг муҳим омилдир. Айниқса, миллий-маданий хусусиятлари ёрқин ва кенг қамровда акс этувчи насрий асарлар таржимасида, биринчи навбатда, таржиманинг лингвомаданий муаммоларини хал этмоқ мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Барчага маълумки, таржиманинг асосий мақсади таржима қилинаётган матннинг миллий колорити, яъни аслиятнинг миллий ўзига хослиги, унинг миллий муҳити билан боғлиқ ўзига хос бўёқдорлигини етказиб беришдан иборатдир. Бу таржима назариясининг асосий муаммолари сирасига кириб, таржима бўлишлиги тўғрисидаги саволга жавоб шунга боғлиқ бўлади”. Албатта, таржимон миллий колорит адекватлигининг талаб ва қоидаларига қатъий риоя қилиши лозим, акс ҳолда, таржима иши таржимоннинг ўзбошимчалик билан яратган қайсидир муҳит ҳақидаги асарга айланиб қолиши турган гап. Бу билан боғлиқ ҳолда, С. Влахов ва С.Флоринларнинг куйидаги мисоли ёдимизга тушади: “тасаввур қилайлик, ҳинд ҳаётидан олинган асар устида ишлаётган таржимон фақатгина ўзининг тил воситаларидан фойдаланишга, матнга ўзга тил хос сўзларини киритмасликка қарор қилади ва “пагода”ни “ибодатхона”га, “сари”ни “куйлак”ка ёки “миллий либос”га, “дхоби”ни эса “кир юувчи эркак”ка алмаштиради. Асардан бу тарзда миллий руҳни сиқиб чиқариш оқибатида Ҳиндистонга тегишли бўлган нарсалар йўқолади: воқеа жойи исталган жой, аслида эса ҳеч қандай жой, шунчаки шаклсиз, рангсиз, номсиз мамлакат ҳисобланиши мумкин. Бундай “усул” бўёқдорликни йўқотиб, исталган таржимани бузади”<sup>40</sup>. Айнан шу сабабли, бир тилдан иккинчи тилга таржимада энг аввало, аслият матнининг асосий мазмунини тўғри ва адекват етказиб бериш алоҳида аҳамият касб этади ва бу ҳолатда, зарур бўлганда, таржима қилинаётган материалнинг тузилмаси ва ҳажмини ўзгартириш мумкин. Бунда таржиманинг асосий мақсади шакл ва тузилмани трансформация қилиш эмас, концепция, маъно ва коммуникатив мақсадни етказиб беришдан иборат бўлади. Таржима матнларида, кўпинча шундай ҳолатларни кузатиш мумкинки, таржимон матн мазмунини ўзининг субъектив қарашлари ва дунёқараши имкониятлари асосида етказиб беришга ҳаракат қилади. Бунда аналоцизм ва анахронизм деб аталадиган таржима мазмунининг айрим бузилиш турлари вужудга келади. Бу турдаги ходисалар ҳақида гапирар эканмиз, шуни айтиб ўтиш керакки, гап айнан аслият образларининг бузиб кўрсатилиши ҳақида кетмоқда ва бу хатоликлар миллий ва тарихий хос сўзларни бошқаси билан алмаштирилиши, ёки бошқача қилиб айтганда, таржима матнига аслият маҳаллий ва даврий муҳитига мос келмайдиган хос сўзларнинг аналоцизм ва анахронизмларини киритилиши натижасида вужудга келади. Таржима назариясида бу масала жуда фаол муҳокамаларга

<sup>40</sup> Влахов С.И., Флорин С.П. Непереводимое в переводе . – М.: Международные отношения, 1980. – с. 116.

сабаб бўлиб келади, чунки бундай ходиса бадий асарлар таржимаси учун одатий ҳолга айланиб улгурган.

“Лингвомаданий ёндашув” атамасига тўлақонлироқ тўхталиб ўтсак. Лингвомаданиятшунослик фан сифатида маданиятни тил призмаси орқали ўрганади: “тилда маданият объектларини тақдим қилишнинг усуллари ва воситалари, тилда у ёки бу халқ менталитети тасаввурларининг ўзига хосликлари, лисоний бирликлар семантикасида маданиятнинг қийматли мазмунга эга категорияларни акс эттириш қоидалари, этнолисоний олам манзараси, олам образи ва лисоний онгни тушуниш билан боғлиқ муаммолар”<sup>41</sup>. Маданий компонентга эга ҳисобланувчи бирликларнинг маъновий лингвомаданий таҳлили чуқур ва кенг ҳажмли экспликацияга йўл очади ва лексикадаги маданий ахборотни “суғуриб олиб ташқарига олиб чиқишга” ёрдам беради. Лингвомаданий ёндашув синергетик тилшунослик парадигмасига мос тушади, унинг ўзанида таржима тиллар ва маданиятлар ўзаро таъсирининг синергетик тизими сифатида тушунилади. Яна ушбу ёндашув А.Н.Крюков таклиф қилган таржиманинг герменевтик (интерпретатив) модели билан ўхшаш жиҳатларга эга: “бу моделда таржима биринчи ўринда, лингвистик эмас, интеллектуал масалани ҳал этувчи жараён сифатида намоён бўлади”<sup>42</sup>. Лингвомаданий ёндашувни таржима муқобиллари мавжуд бўлмаган ҳолатда ёки лисоний ва концептуал тафовутлар яққол кўринган соҳаларда қўллаш лозим. Бадий таржимада, айниқса, ўртасида маданиятлараро тафовутлар катта бўлган аслият ва таржима тиллари ҳолатида юқоридаги вазиятлар айниқса кўп учрайди ва мақбул ечимни талаб қилади. “Таржима бу нафақат бир тилдан иккинчи тилга сўзларни олиб ўтиш, балки бир мамлакат маданиятини иккинчи халқ тилида ҳам акс эттира олишдан иборатдир”<sup>43</sup>. Биз, хусусан, лингвомаданий ёндашувни бир-биридан ҳар томонлама узок ҳисобланган ўзбек-инглиз бадий таржимасида қўллаш шартлигини ёқлаб чиқамиз, сабаби айнан насрий бадий асарларда ёрқин лингвомаданий компонентга эга лексик бирликлар талайгина учрайди ва аксарият ҳолатларда асар бадий қиймати ва ғоясини ифодалашда айнан шу турдаги лексик бирликларга ҳал этувчи рол ажратилади. Ушбу лексик бирликларни тўғри тушуниш ва таржима қилиш учун чуқур фон билимлари талаб қилинади. Уларни етарли даражада тушунмаслик ва нотўғри таржима қилиш мулоқотдаги англашмовчиликлар ва маданий хатоларга олиб келади. Биз, тадқиқотчимизнинг кейинги бобларида лингвомаданий таҳлил намуналарини келтирамиз.

Маданиятлараро мулоқотдаги ўртачи сифатида таржимон икки лингвомаданият ўртасида мувозанат сақлашга ҳаракат қилиши лозим. У матндаги универсал унсурни маданий ўзига хос унсурдан ажрата билиши, тушуна олиши, ўзга маданиятга хос лингвистик ва экстралингвистик

<sup>41</sup> Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка: учеб.пособие . – 3-е изд. М.: Флинта: Наука, 2013. – с. 29.

<sup>42</sup> Крюков А.Н. Фоновые знания при обучении иностранному языку. Методическая разработка. Москва – 1984. –с. 5.

<sup>43</sup> Ширинова Р.Х. Национальная культура и национальный колорит в переводе. // Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета, 2013. – с. 307-316.

маълумотни ҳисобга олган ҳолда таржима қилиши керак. Ю.А. Сорокин таржимоннинг вазифаси “маълум лингвомаданият вакиллари учун тушунарли аммо ўзга лингвомаданият соҳиблари учун нотаниш бўлган матндаги яширин маънолар”ни етказиб бера олишдан иборат деб ҳисоблайди<sup>44</sup>. С.Басснетт шиддатли глобализация жараёнидаги таржима ва таржимон мақоми ҳақида гапирар экан, таржимани “гибрид”, “ўзаро ҳамкорликдаги” фаолият сифатида тавсифлайди: “translation in some fields can be described as a hybrid, or a collaborative activity...”<sup>45</sup>. Қисқа қилиб айтганда, ҳозирги даврда жамиятга фақатгина лисоний эмас, у ёки бу этномаданий ҳамжамиятнинг маданий нозикликларида бемалол йўналишини белгилай оладиган таржимон керак. “Асл нусха ва таржима, муаллиф ва таржимон, таржимавий муносабатга киришаётган икки ёки баъзан ундан ортиқ миллий этнографик муҳит, миллий адабиётлар дучлашуви, пайвандлашувидан туғиладиган бош таржима принципини аниқлашда ҳам бу омил юзага қалқиб чиқади”<sup>46</sup>. Матнни лисоний ва маданий тушунган ҳолда таржима қилиш икки ёки ундан ортиқ маданиятларнинг муваффақиятли мулоқоти гарови бўла олиши мумкин.

Тил – тирик тарих. Ундаги ҳар бир унсур – элементлар, хоҳ у ибора бўлсин, хоҳ лакуна, хоҳ хос сўз ёки хоҳ биргина сўз бўлсин, у бутун бир миллатнинг қадрияти, маънавий олами кўзгуси, маданияти, ахлоқ-одоби. Яъни, тил жаҳон миқёсида ҳар бир миллатнинг сувратини намоён қила оладиган бебаҳо қудрати. Шу нуқтаи назардан ўзга тилга таржима қилиш жараёнларида, айниқса, бадий таржималарда кузатиладиган ҳар бир деталларда ўзбек миллати ментал жиҳатларини ифода эта оладиган, маънавий ва руҳий оламини тасвирлаб бера оладиган тил ва нутқ бирликларини таҳлилга тортиш ва уларни синтезлаш масалалари бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Ушбу ҳолатда таржимоннинг аслият матнига нисбатан лингвомаданий ёндашуви ҳамда таржимоннинг лингвомаданий таҳлили аслият ва таржима ўртасида вужудга келиш эҳтимоли бўлган турли даражадаги эквивалентсизликнинг олдини олишга ёки камайтиришга хизмат қилади.

---

<sup>44</sup> Сорокин Ю.А. Переводоведение: статус переводчика и психогерменевтические процедуры. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – с. 4-5.

<sup>45</sup> Bassnett S. (2014) Translation. Routledge. Taylor & Francis Group. LONDON AND NEW YORK, 2014. – p. 145.

<sup>46</sup> Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 221 б.



## **2-БОБ. ТАРЖИМАДА ЛАКУНАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ ҲАМДА УНГА БЎЛГАН ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ МАЗМУНИ**

Олам манзарасининг асосий бирлигини концепт ташкил қилиб, таржима жараёнида икки тил ва маданият бир бирига таққосланганда, улардан бирида маълум концептнинг мавжуд эмаслигига дуч келиш мумкин ҳамда бунинг натижасида таржима тилида аслиятнинг лексик ифодаланмай қолган элементлари туфайли лакуналар пайдо бўлади. Лингвомаданий эквивалентсизликка сабаб бўлувчи омил сифатида лакуналар таржимада лексик номланмай қолган қатор бирликларни англатиш қаторида, ушбу бирликларнинг лисоний хусусиятларидан ташқари, аслият тили маданияти билан боғлиқ имплицит жиҳатлар борлигига ҳам ишора қилади. Лингвистик даражада аслиятдаги лакунар бирлик таржима матнида қайта тиклангандек кўринса-да, лекин лингвомаданий жиҳатдан бу таржима талабга жавоб бермайди. Мазкур бобда таржима матнида лакуналарнинг вужудга келиш сабаблари ҳамда уларни бартараф қилиш йўллари лингвомаданий нуқтаи назардан тадқиқ қилинади.

### **2.1. ТАРЖИМАДА ЛАКУНАР БИРЛИК ВА ЛАКУНАЛАР НАЗАРИЯСИ**

XX-XXI асрлар оралиғида илмий парадигманинг антропоцентризм томонга қараб силжиши натижасида лисоний ҳодисаларнинг миллий-маданий хусусиятига, тил ва маданият, тил ва олам манзараси ўртасидаги яқин боғлиқликка алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ушбу масалаларнинг долзарблиги когнитив тилшунослик, психоллингвистика, этнопсихоллингвистика, лингвофалсафашунослик, лингвомаданиятшунослик, лакунология сингари тармоқ йўналишларнинг вужудга келишини тақозо этди. XX-асрнинг иккинчи ярмида эса тил ва маданият аспектларини қиёслаш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар ишларида лакунарлик ва лакуна тушунчалари пайдо бўлди. Лакунарлик ҳодисасини энг аввало ўраб турган оламни концептуаллаштиришдаги миллий жиҳатлари, турли миллат-элат вакилларининг ўзига хос дунёқараши ва шу дунёқарашидан келиб чиқиб оламга вербал ва новербал муносабат билдириши билан боғланади. Тадқиқотлар мобайнида лакунарлик лексик ва лингвомаданий сингари турларга ажратиб олинди. Лексик лакунарлик деганда, бир тиллилик шароитида тил эгалари томонидан сезилмайдиган, онгнинг “ёруғ томон” сарҳадларидан четда қоладиган лингвопсихологик ходиса – “оламнинг лисоний манзарасидаги атов (номинатив) воситаларининг мавжуд эмаслиги” назарда тутилади<sup>47</sup>. Лакуналар тилларнинг миллий –маданий ўзига хослигидан дарак беради ва бу ўзига хослик маълум халқнинг турмуш

<sup>47</sup> Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – с. 38.

шароити, дунёқарашининг ўзгачалиги, психологияси, анъаналари туфайли вужудга келган образ ва тушунчаларнинг бошқа тилларда мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Албатта, ўзаро бир-бирини тушунишни эришиб бўлмайдиган мақсад деб бўлмайди, лекин бу мақсадга реал ҳолатда эришиш ушбу халқнинг миллий маданиятига, лисоний ва концептуал олам манзарасига чуқурроқ сингиб кўришни тақозо этади.

Ю.А.Сорокин ва И.Ю.Марковиналар назариясига кўра, “лакуналар лингвомаданий бирликнинг тажриба етишмаслиги ёки ортиқчалиги натижаси” ҳисобланади. Илк бор тилшуносликда, хусусан стилистикада тилга олинган лакуналар айна вақтда этнопсихоллингвистика, маданиятшунослик ҳамда лингвомаданиятшунослик бўйича кўплаб ишларда кўриб чиқилмоқда, уларнинг турлича таснифлари, тадқиқ ва элиминация<sup>48</sup> усуллари келтирилмоқда. Ўз навбатида, лакуналарни ўрганишнинг алоҳида йўналиши – лакунология вужудга келди. Г.В. Быкованинг тадқиқотларида лакуналар “лексик жиҳатдан ифодаланмай қолган концептлар” саналиб, улар халқнинг фикрлаш фаолиятида лексик ифодаланган концептлардан кам бўлмаган ҳолда иштирок этади. Когнитив лингвистика вакиллари ҳам лакуна ҳақида лексик жиҳатдан ифодаланмаган концепт сифатида ёзишар экан, кўйидагича қарашларни изҳор қилишади: “концептнинг ўзи ҳам, унинг алоҳида маъновий қисмлари ҳам лексик ифодаланган ва ифодаланмаган бўлиши мумкин”<sup>49</sup>. Демак, маълум лисоний белги тилдаги маълум бир концептни ифодалаган ҳолда уни тўлалигича эмас, мулоқот учун релевант бўлган айрим асосий аломатларини тақдим эта олади ҳолос. Тадқиқотчи Е.А.Эйнуллаеванинг ўз тадқиқот тадқиқотида хулоса қилишича, “сўзнинг, сўз маъноси компонентининг, сўз ёки грамматик шаклнинг ишлатилиш такрорийлигининг, маълум концептнинг мавжуд эмаслиги ёки аҳамиятга молик эмаслиги” лакуна бўлиши мумкин<sup>50</sup>. Умуман олганда, сўз лакунаси бир тилда ёки услубда концептни лексик ифодалайдиган сўз мавжуд бўла туриб, бошқасида мос келувчи сўз бўлмаганда намоён бўлади.

Лакунани лингвомаданий нуқтаи назардан тадқиқ қилувчи қатор муаллифлар уни мулоқотни қийинлаштирувчи омил сифатида қабул қилишади ва буни тўғри хулоса деб ҳисоблаймиз. Лакуна исталган турдаги, айниқса, маданиятлараро мулоқот иштирокчилари ўртасидаги ўзаро тушуниш жараёнини “узук-юлуқ” шаклда боришига сабаб бўлувчи лингвомаданий ҳодиса сифатида доимо маданиятлар ва тиллар кодларида маълум қисмлар семантик воситалар билан қопланмай қолганда пайдо бўлади ва тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Масалан, В.П.Белянин лакуналарни “чет реципиентлар томонидан матнларнинг айрим фрагментларини ўзлаштирилишида қийинчилик туғдирадиган лингвомаданий бирлик миллий ўзига хослигининг таянч унсурлари”

<sup>48</sup> “элиминация” (лот. *eliminare* – бартараф қилиш) – таржимада вужудга келган лексик лакунани “тўлдириш” (транслитерация, шархлаш) ёки компенсация (бегонани ўзиники билан алмаштириш, функционал аналог) каби икки усул билан бартараф қилишга нисбатан қўлланилади.

<sup>49</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2010. – с. 79.

<sup>50</sup> Эйнуллаева Е.А. Лакуны в структуре языковой личности и их заполнение в межкультурной коммуникации: На примере английского и русского языков. Дис... к.ф.н. – Москва, 2003. с. 35.

сифатида таърифлайди<sup>51</sup>. Шунинг таъкидлаб ўтмоқчимизки, ушбу таърифларда атаманинг кенг маънодаги шарҳи келтирилган. Лингвомаданиятшуносликда лакунанинг тор маънодаги таърифлари ҳам келтирилади ва бунда лакуна бир тилда мавжуд бўла туриб, иккинчи тилда йўқ бўлган маълум лексик бирлик сифатида тушунилади. Кенг маънода лакуна сўз сарҳадлари билан чегараланмаган ва лакунарлик намояндалари сифатида бутун бир матн, изҳор, ишора ёки нутқий вазият олиниши мумкин.

“Лакуна” атамаси (“lacunae”, “gaps”) илк бор франко-канадалик лингвистлар Ж.-П. Вине ва Ж.Дарбельнеларнинг таржимашунослик соҳасида билдирган қарашларида учрайди. Олимлар таржима тилида тегишли муқобилига эга бўлмаган аслият матнидаги сўзларни “бўшлиқ” (gaps) деб атаб, таржимашунослар эътиборини ушбу ходисага жалб этишди<sup>52</sup>. Таржимашунослар И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенцвейглар “тушириб кетилган жойларни тўлдириш” масаласида мулоҳаза юритаётиб, “бир маданият учун одатий бўлган вазиятларнинг бошқа маданиятда кузатилмаслик” ҳолатини “Comparative stylistics of French and English”нинг муаллифлари ҳам алоҳида “lacune” деб ажратиб кўрсатганликлари ҳақида ёзди<sup>53</sup>. Лингвистика фанининг бошланғич босқичларида лакуна тушунчасидан фойдаланиш кўламини кенгайтирган олимлар асосан француз ва рус тилидаги материалларни қиёслаш билан шуғулланган тадқиқотчилар ҳисобланади. Масалан, Ю.С.Степанов лакуналарни “ичкаридан қараганда, аниқроғи бир тиллилик ҳолатида сезилмайдиган луғавий бўшлиқлар, тилнинг семантик харитасидаги “оқ доғлар” сифатида таърифлаган бўлса<sup>54</sup>, В.Г.Гак “тилнинг лексик тизимидаги тушириб қолдирилган қисмлар, сўзларнинг етишмаслиги”ни лакуналар деб атаган<sup>55</sup>. В.Л.Муравьев эса “маълум тилнинг лисоний меъёрида ўрнашмаган тушунчалар”ни ифодаловчи ўзга тилдан кириб келган сўзлар ва муқим сўз бирикмаларини лакуналар сирасига киритган<sup>56</sup>. Хорижий тилшунослик илми вакилларида лакуна ва унга тенг бўлган тушунчаларни (void, semantic void, blank space, gap, lacuna, random holes in patterns, Lücke) К.Хейл, Ч.Хоккет, М.Шаттлуорт сингари тилшунослар ишлатишган. Ушбу тушунчалардан асосан лингвистик ва культурологик нуқтаи назардан қиёсланаётган тиллар ва маданиятлар орасидаги фарқларни ифодалаш учун фойдаланилган. Ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларда, гарчи лексик лакуна атама сифатида ишлатилмаган бўлса-да, унинг таърифига мос келувчи ва хусусиятларига

<sup>51</sup> Белянин В.П. Психоллингвистика. - М.: Флинта: Московский психолого-социальный институт, 2003. – с. 154.

<sup>52</sup> Jean-Paul Vinay, Jean Darbelnet. Comparative stylistics of French and English. A methodology for translation. Translated and edited by Juan C. Sager M.-J. Hamel. John Benjamins Publishing Company Amsterdam / Philadelphia, 1995. p. 65.

<sup>53</sup> Ревзин И.И., Розенцвейг В.Ю. Основы общего и машинного перевода. Москва: Издательство «Высшая школа», 1964. с.184.

<sup>54</sup> Степанов Ю.С. Французская стилистика. Москва: Высшая школа, 1965. с. 120.

<sup>55</sup> Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. - Л.: Просвещение. Ленингр. отд-ние, 1977. – с. 261.

<sup>56</sup> Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков) / В. Л. Муравьев. – Владимир, 1975. – с. 6.

ишора қилувчи назарий фикрлар келтирилади. Жумладан, Ш.Сафаров “маданиятда мавжуд бўлган когнитив бирликларнинг баъзилари лисоний воқеланиш жараёнидан четда қолиши, яъни лисоний ном (шакл) олмасдан қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмаслиги”ни таъкидлаб, бунга ўзбек тилида лисоний номланган “ростгўй” концептининг рус ва инглиз тилларидаги муқобиллари йўқлигини мисол келтиради<sup>57</sup>. Ҳозирги даврда уларнинг мураккаб ҳамда кўп ўлчовли ходиса эканлигини ҳисобга олиб, лакунарлик тушунчаси ва лакуналарни турли нуқтаи назарлардан ва турли илмий йўналишларда, жумладан, фалсафий, культурологик, тилшунослик, этнопсихоллингвистик, лингвомаданий ва таржимашуносликда кўриб чиқилмоқда.

Инсон олами икки кўринишда: феноменологик (нарс ва ҳодисаларни аслидек) ва лисоний (нарс ва ҳодисаларни сўзлар ифодасида) қабул қилади. Сўз ортида, ҳоҳ у овозли ҳоҳ график шаклда бўлсин, маданий оламнинг предмети ёки ҳодисаси образи туради. Маданият олами ҳам, унинг инсон онгидаги инъикоси ҳам, яъни тушунчалар ва сўзлар олами, концептуал (когнитив, мантиқий) ва лисоний олам манзараларини ҳосил қилади. Когнитив олам манзараси – бу “инсон ёки халқнинг когнитив онги томонидан шакллантирилган борлиқнинг ментал образи ва ҳам борлиқнинг ҳиссий органлардаги тўғридан-тўғри эмпирик, ҳам фикрлаш жараёнидаги борлиқнинг онгли рефлексив аксидир”<sup>58</sup>. Табиийки, концептуал олам манзараси лисоний олам манзарасидан кўра серқирралирокдир, чунки биринчисининг яратилишида фикрлашнинг турли типлари, жумладан новербал типлар ҳам иштирок этади. Лисоний олам манзараси ҳисобида эса фақат вербал фикрлаш мавжуд бўлиб, биз айнан тилни таҳлил қилиш мақсадида бу билан чекланамиз. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, лисоний олам манзараси концептуал олам манзарасисиз, ёки аксинча, иккинчиси биринчисисиз мавжуд бўлолмайди, сабаби лисоний олам манзараси шахснинг тилдан фойдаланиш жараёнида орттирган борлиқ ҳақидаги маълум билимини акс эттириб, мантиқий олам манзарасини тўлдириб беради.

Ф.де Соссюр томонидан очилган белгиловчи ва белгиланувчи антиномияси (дихотомияси) лакуналарнинг вужудга келишига объектив асос бўлиб хизмат қилади. Лисоний белги тушунча (белгиланувчи) ҳамда акустик образ (белгиловчи)лардан ташкил топади. Лисоний белги ихтиёрийдир, яъни акустик образ ва ғоя ўртасида ички муносабатлар мавжуд эмас. Ўз-ўзидан, маълум бир ғоя турлича товушлар тўплами билан ифодаланиши мумкин ҳамда бу турли тилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, агар белгиланувчининг ўз белгиловчиси бўлмаса унда ғоя ифодаланмай қолиши ҳам мумкин Ушбу ҳолатда лисоний белги шаклланмайди ва белгиланувчи бошқа белгиларга “сингиб” кетади, масалан бунда окказионал сўз бирикмалари “...” белгиланувчиси учун белгиловчи бўлиб хизмат

<sup>57</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. 73 б.

<sup>58</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. М.: АСТ: Восток-Запад, 2007. — с. 52.

килади. Бу қоида шу билан изоҳланадики, Соссюрга кўра, белгиловчи мотивлашмаган, “яъни, аслида ҳеч қандай табиий боғлиқлиги йўқ белгиланувчига нисбатан эркиндир”<sup>59</sup>. Бундан ташқари, белгиловчининг мотивлашмаганлиги натижасида лисоний белги ўзгарувчанлик сингари хусусият касб этиб, бу хусусият белгиловчи ва белгиланувчи ўртасидаги муносабатнинг силжиб туришига олиб келади. Ф. де Соссюр томонидан келтирилган мисолга эътибор қаратсак, “ўлдирмоқ” маъносига эга *pesage* классик лотин сўзи оғзаки лотин тилида “чўктирмоқ” маъносига ўзгариб, бунда ўзининг дастлабки белгиловчисини сақлаб қолган. Худди шуни сингари, айрим сўзларнинг йўқолиб кетган маънолари ёки бошқа сўзларга ўзлашиб кетади, ёки ўз белгиловчиларисиз қолади. Содда қилиб айтганда эса, белгиловчиларисиз қолган белгиланувчилар лакуналар деб қабул қилинади.

Лакунарликнинг фалсафий асослари М.Фуко, Ж.Деррида, Ю.Кристева, В.П.Гриценко, Т.Ю.Данильченко ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Масалан, М.Фуко лакунани дискурсадаги йўқлик ходисаси сифатида ўрганиб, “ўзаро чатишиб кетган объектларнинг лакунар кўплиги” атамасидан фойдаланади ва “нутқдаги “тушириб қолдирилган қисмлар” ёки бўшлиқларни “яширин маънолар” билан чалкаштирмаслик керак” эканлиги тўғрисида хулоса қилади<sup>60</sup>. Фалсафий-маданий томондан лакуналарга “олам манзарасини яратиш жараёнида вужудга келадиган дунёқарашдаги фарқлар” дея таъриф берилади. Тил, онг, маданиятдаги лакуналар “бўш жойлар” ҳисобланади ва бўш жойлар дейилганда, тадқиқотчилар “белгилар материяси, маъно ва қадриятларнинг айрим мавжуд бўлмаган доиралари”ни назарда тутишади. Т.Ю.Данильченконинг фикрича, лакуналар орқали маълум маданиятнинг асосий таркибий қисмлари намоён бўлади, шу сабабли лакуналарни нафақат бўшлиқ, балки тафовутлар сифатида ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир<sup>61</sup>. Культурологик ёндашув замирида эса айнан маданиятлар орасидаги фарқлар ва миллий маданиятнинг ўзига хослиги лакуналарнинг пайдо бўлишига асос бўлиб ётади. Маданиятшуносликда лакуналар “тил ва маданиятлар ўртасидаги тафовут, алоқасизликни келтириб чиқарувчи маданиятлараро мулоқот жараёнида вужудга келадиган ҳолатлар”, “тушунмовчилик, келишмовчилик, муаммолилик манбалари” сифатида ўрганилади. Лакуна, шунингдек, “турли инсонлар ўртасида реал мавжуд бўлган маданий тафовут, алоқада қийинчилик, четга оғиш, узилишларни келтириб чиқарувчи кодсиз билим” сифатида ҳам тушунилади<sup>62</sup>. Лакуна ва лакунарликнинг мураккаб табиати ушбу ходисаларни янада комплекс тарзда ўрганишни тақозо этади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, лакуналарга бўлган культурологик ёндашувни лингвокогнитив ҳамда герменевтик ёндашувлар билан тўлдириш мумкин. Дашидоржиеванинг фикрича, мулоқотнинг

<sup>59</sup> Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 1999. — с. 69.

<sup>60</sup> Фуко М. Археология знания. — Киев: Ника-Центр, 1996. — с. 208.

<sup>61</sup> Данильченко Т.Ю. Лакуны: философский и теоретико-культурный аспекты. Автореф. дисс. доктора филос. наук. Краснодар: КГУКИ. Специальность 24.00.01 — «Теория и история культуры». — 2010. с. 48.

<sup>62</sup> Дашидоржиева Б.В. Лакуна в межкультурной коммуникации.— Улан-Удэ: Издательство Бурятского государственного университета, 2013. — с. 28.

когнитив жиҳатларини юзага чиқарувчи лингвокогнитив ёндашув лакуналар интерпретациясида методологик восита вазифасини ўташи мумкин. Ушбу ёндашув тарафдорларининг фикрича, мулоқот иштирокчилари когнитив оламларининг ўзаро мос тушмаслиги туфайли маданиятлараро мулоқот жараёнида муаммолар келиб чиқади.

Табиийки, маданиятлараро мулоқотнинг силлиқ кечиши учун алоқа қайси тилда бўлаётган бўлса, ўша тил миллий лингвомаданий жамияти эгалик қиладиган когнитив база унсурлари билан мулоқот қатнашчиларини таништириш керак, зеро, аксарият олимларнинг фикрича, маданиятларо мулоқот жараёнидаги тўсиқларни тилдаги фарқлар эмас, айнан коммуникантлар миллий онгидаги тафовутлар келтириб чиқаради. Герменевтик ёндашув бўйича лакуналарни ўрганишда аввал англаб олиш, сўнг интерпретация қилиш талаб қилинади. Ушбу ёндашув лакунани ўрганиш, мазмунга етишишнинг бевосита интуитив жараёнини англатувчи психологик интерпретацияга асосланади. Лакунани ўрганишнинг герменевтик ёндашуви замирида неохумболдтчилар мактаби ғоялари ҳамда Сепир-Уорф гипотезаси ётади. “Неохумболдтчилар” оқими Вильгельм фон Хумболдтнинг дунёқараш шаклланишидаги тил формасининг ўрни ҳамда билиш ва тушуниш жараёнидаги тилнинг фаол роли тўғрисидаги концепциясига асосланган. Неохумболдчиларнинг ғоялари Э.Сепир ва Б.Уорфларнинг лингвистик нисбийлик ҳақидаги фаразида (Sapir-Whorf Hypothesis) ривожлантирилган (Sapir E., 1951; Whorf B., 1956). Бу фараз негизида инсонларнинг оламини ўз она тиллари призмаси орқали кўришлари тўғрисидаги маслак ётади ва унинг асосий йўналишлари кесишадиган тушунча шундан иборатки, олам тилда ўз аксини топгани учун мавжуддир ва тил ундан фойдаланувчиларнинг фикрлаш тарзига ҳам таъсир қиладди. Тилнинг мазмуни жуда нозик ва чуқур ҳолатда маданият билан боғлиқ, маданият эса тилни тушуниш ва ўрганишга калит бўлиб хизмат қиладди. Э.Сепир, шунингдек, ўз ишларида лексикани халқ маданиятининг энг таъсирчан кўрсаткичи сифатида кўрсатиб ўтган. Маънолар ўзгариши, сўзларнинг фойдаланмай қолиш ҳолатлари, янги сўзларнинг яралиши ёки кириб келиши маданият тарихи туфайлидир. Шундай қилиб, герменевтик ва лингвокогнитив ёндашувлар маданий ёндашувни тўлдиради ва турли шаклларда намоён бўлувчи лакуна ҳодисасини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Албатта, лакуна тадқиқотида асосий йўналиш сифатида лингвистик йўналиш ҳисобланади, сабаби айнан шу ўзанда лакуна илк бор илмий феномен мақомини олган. Лингвистик йўналиш контекстида лакуна турли даражаларда кўриб чиқилади. Тилшуносликда лакуналар, энг аввало, турфа хил лисоний мувофиқсизликлар билан изоҳланиб, улар турли тилшунослар томонидан турлича номланган. Тилнинг лексик таркибида мавжуд лакуналарни кўп ҳолатда эквивалентсиз лексикага тенглашади (Л.С.Бархударов, А.О.Иванов, З.Д.Попова, И.А.Стернин ва бошқ.). Илмий адабиётларда муқобили йўқ лексика яна “экзотизмлар”, “алиенизмлар” (В.П.Берков, С.Влахов, С. Флорин, В.С.Виноградов), “варваризмлар”

(А.А.Реформатский), “этноэйдемалар” ёки “ксенонимлар” (Л.А.Шейман, Н.М.Варич, В.В.Кабакчи, А.Г.Антипов, Х.Шредер), “қоронғу жойлар” (Р.А.Будагов), “тирнок милклари” (Г.Гачев), “нутқ моделларидаги тасодифий тушиб қолган жойлар” (“random holes in patterns”) (Ч.Хоккет) сингари атамалар билан учраб туради. Лакуналарни лисоний мувофиксизликлар шакли сифатида лингвистик ракурсада кўриб чиқиш масаласи таржима ҳақидаги фан тадқиқоти майдонида бориб тақалади.

Тиллараро мувофикликнинг йўқлиги тимсоли сифатида лакуна контрастив тилшуносликда ҳам анъанавий, тор маънода, бир тилдаги сўзнинг иккинчисида муқобил вариант топилмаслиги вазиятида ўрганилади. Масалан, И.А.Стерниннинг мулоҳаза қилишича, тилларнинг контрастив тасвири орқали “лакунарлик, яъни маълум бирликнинг бир тилда мавжуд бўла туриб бошқа тилда йўқ бўлиши ҳолатлари аниқланади. Шу тариқа, лакуна бир тилни бошқасига нисбатан олганда, тиллараро мувофикликнинг йўқлиги билан изоҳланади”<sup>63</sup>. Лакуна, шунингдек, тил ва маданиятлардаги миллий ўзига хос тафовутлар (Г.В.Быкова, В.Л. Муравьев, С.Н.Мечковская, И.В.Томашева), маданиятларо мулоқотдаги ўзаро тушуниш тўсиқлари сифатида кўриб чиқилади. Албатта, барча лакуналар ҳам тиллараро мулоқотнинг амалга ошишига тўсқинлик қила олмайди. Бизнингча, сўз шаклидаги белгининг мавжуд эмаслиги ходисани англаб етиш мумкинлигини белгилаб бермайди: бир тилдаги вербал белгининг йўқлиги унинг эгаларининг ўзга маданиятда аниқ лексик ифода этилган маълум маъно, тушунча ва концептларни тушуна олмаслигини англамайди.

Лакунани “виртуал лексик моҳият”, аниқроғи “лексема кўринишидаги моддий мужассамликка эга бўлмаган, аммо концептга нисбатан коммуникатив эҳтиёжи туғилганда синтактик объективация даражасида намоён бўлиш қобилиятига эга семема”<sup>64</sup>, “билиш жараёни ва билиш фаолиятини бузиб кўрсатувчи ҳамда турли жараёнларда, масалан, таржима жараёнида гносеологик сохта тасаввур ва хатоларни вужудга келтирувчи омил” сифатида тадқиқ қилинади<sup>65</sup>. Маданиятлараро мулоқот жараёнида олам манзаралари, менталитет, хос сўзлар, лингвистик тафовутлар, тил ва маданият эгаларининг умум оdatий тажрибаларининг мос келмаслиги сингари ўзига хос ҳолатлар юзага чиқади. Лакуна шундай пайтда юзага келадики, маданиятлар “код”лари бир-бирини тўлдиролмай қолади: белгини трансфер қилишнинг имкони бўлмайди ёки фақат қисман олиб ўтилади, чунки қабул қилаётган маданият белгини идентификация қилиш учун етарлича семантик воситаларга эга бўлмайди.

Лакуна ва лакунарликни ўрганувчи муҳим йўналишлардан бири этнопсихолингвистик йўналишдир. Ушбу йўналиш доирасида XX-асрнинг 80-йиллари охирида мустақил йўналиш – лакунология (Lacunaology) ёки,

<sup>63</sup> Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. – М.: АСТ: Восток – Запад, 2007. – с. 31.

<sup>64</sup> Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – с. 55.

<sup>65</sup> Дашидоржиева Б.В. Лакуна в межкультурной коммуникации.— Улан-Удэ: Издательство Бурятского государственного университета, 2013. — с. 32.

бошқача қилиб айтганда, лакуналарнинг этнопсихолингвистик назарияси ажралиб чиқди ҳамда ҳозирги вақтларда у лисоний онг ва маданиятлараро мулоқот назарияси контекстида ривожлантирилмоқда (Ю.А.Сорокин, И.Ю.Марковина, Е.Ф.Тарасов, Н.В.Уфимцева, А.Н.Крюков, В.И.Жельвис ва бошқ.). Лакуналар назарияси асосида маълум бир лингвомаданий омманинг бошқа бирига нисбатан бўлган вербал ва новербал харакатининг лакунар табиати ҳақидаги гипотеза ётади. Рус олимлари Ю.А.Сорокин ва И.Ю.Марковиналар шакллантирган лакуналар назариясини хорижда А.Эртельт-Фиит, И.Панасюк, Х.Шрёдер, Э.Гродзки сингари ва яна бошқа қатор тадқиқотчилар ривожлантиришмоқда. Лакуналар назарияси нуқтаи назаридан олиб қаралганда, лакуналар “у ёки бу тил эгаларининг вербал ва новербал хатти-харакатларини таққослаш давомида кузатилган тафовут ҳолатлари” сифатида интерпретация қилинади<sup>66</sup> ва бунда шахслараро ҳамда маданиятлараро мулоқот “мулоқотчилар олам манзараларининг номувофик келаётган” қисмларини аниқлаш учун шароит яратади<sup>67</sup>. Бундан ташқари, тадқиқотчилар лакунани “маданиятларнинг тенглаб бўлмаслик, яъни мулоқот вақтида намоён бўладиган у ёки бу хос сўзларнинг мос тушмаслик ҳолати”<sup>68</sup>, “хира айримлик”<sup>69</sup>, “икки ёки бир нечта лингвомаданий бирлашмаларнинг тушунчавий, лисоний, эмотив ва бошқа категорияларини солиштирганда юзага чиқадиган номувофиклик”<sup>70</sup>, “бир томондан мулоқотчилар тушунчавий образларининг бир-бирига мос келмаслиги натижаси, иккинчи томондан, ўзаро англашишда тўсиқ бўладиган онгдаги образлар “семантик харита”сидаги бўшлиқлар”<sup>71</sup> сифатида ҳам таърифлашади. Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, лакуналар икки худуд, менталилет, тегишли анъаналар, маданиятлар тушунчавий, лисоний ва эмотив категорияларини қиёслаганда келиб чиқадиган мувофиксизликлардир.

Этнопсихолингвистик лакуналар назарияси доирасида шаклланган лакуналарга ёндашув у ёки бу худудий маданиятга тегишли вербал ва новербал харакатни ифодалашда “инвариант” ва “вариант” атамаларидан фойдаланишни тавсия қилади. Инвариант деганда шундай вербал харакатлар мажмуаси тушуниладики, у қатор лингвомаданий харакат турлари учун

<sup>66</sup> Сорокин Ю.А. Переводоведение: статус переводчика и психогерменевтические процедуры. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – с. 14.

<sup>67</sup> Марковина И.Ю. Элиминирование лакун как действие социально-психологических механизмов «притяжения» и «отталкивания» // Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. // Вопросы психолингвистики № 3, 2006. Институт языкознания РАН, 2006. – с. 5.

<sup>68</sup> Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и ее этнопсихолингвистическая ценность. // Теоретические проблемы психолингвистики // Этнопсихолингвистика / Ю.А. Сорокин, И.Ю. Марковина, А.Н. Крюков и др. – М.: Наука, 1988. – с. 192.

<sup>69</sup> Сорокин Ю.А. Переводоведение: статус переводчика и психогерменевтические процедуры. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – с. 160.

<sup>70</sup> Марковина И.Ю. Прагматические аспекты лакунологии. Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. Психологические и социально-психологические механизмы культурологической лакунизации // Вопросы психолингвистики № 11, 2010. с. 34-41.

<sup>71</sup> Марковина И.Ю. Элиминирование лакун как действие социально-психологических механизмов «притяжения» и «отталкивания» // Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. // Вопросы психолингвистики № 3, 2006. Институт языкознания РАН, 2006. с. 12-33.



умумий ҳисобланади. Бундай ёндашув лақуналарни мувофиксизликлар сифатида нафақат тил ҳодисаларида, балки маданий аспектларда ҳам кенгрок шарҳлашни талаб қилади. Айнан Ю.А.Сорокиннинг этнопсихоллингвистик лақуналар назариясидаги асосий ғоя лақуналарни маданият ҳодисалари сифатида матнда аниқлашдан иборат. Ушбу назария тарафдорларининг фикрича, лақуналар матнлар билан алмашинувчи икки маданият алоқаси жараёнида вужудга келиб, “матннинг мазмуний фазосида амалда бўлади”<sup>72</sup>. Этнопсихоллингвистик ёндашувнинг лақунарлик борасида қўшган улкан хиссаси шундан иборатки, бу ёндашув сабабли миллий маданият ҳамда маданиятлараро мулоқотда лақунани аниқлашнинг усуллари ва механизмлари жорий қилинган бўлса, лақуналар назариясини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш эса ватанимиз ва хорижий лингвистика оламида лақуналар ва лақунарлик масаласини ўрганишга катта туртки бўлди. Бундан ташқари, яратилган лақуналар назарияси ва Ю.А.Сорокиннинг бу борадаги ишлари ҳозирда лақуналарнинг лингвомаданий моҳиятини очишда хизмат қилмоқда.

Агар сўнгги тадқиқотларни таҳлил қиладиган бўлсак, лақуналарнинг лингвомаданий жиҳатларига эътибор кучайганини кўришимиз мумкин. Бу борада кўплаб олимларни мантиқий изчиллик сифатида қониқтираётган Ю.А.Сорокин ва И.Ю.Марковиналар яратган лақуналар назарияси ва Э.Оксаар изланган культуремаларнинг лингвистик назариясини<sup>73</sup> ўзига хос интеграллаштириш ғоясини мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз ҳамда қолган олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, лақуналарни лингвомаданий ёндашув асосида ўрганишда қўйиладиган асосий вазифалар лақуналарнинг маданиятлараро мулоқот доирасидаги роли ва лақунани лингвомаданий компонентли лексика сифатида тадқиқ қилинишидан иборат бўлиши кераклигини таъкидлаймиз. Зеро, лингвомаданий йўналишдаги асосий ғоя ҳам лақунани лингвомаданий компонентли лексика сифатида изоҳлашдир, чунки айнан у туфайли фарқлар ажралиб чиқади ва турли маданиятлар ўртасидаги мулоқот давомида келишмовчиликлар юзага келади.

“Лингвокультурема” атамаси В.В.Воробьев томонидан илмий аппаратга киритилган бўлиб, олим бу атама орқали “лингвистик ва экстралингвистик мазмунларнинг диалектик бирлиги”ни ифодаловчи комплекс бирликни тушунишни тавсия қилади. Тадқиқотчи лингвокультуреманинг нафақат тил балки маданият сегментларини ҳам ўз ичига олувчи мураккаб ўзига хос тузилмасини очиб беради<sup>74</sup>. Умуман олганда, лингвокультурема коннотатив маънога эга бўлиб, сўз, сўз бирикмаси ёки бутун бир матн орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Лингвомаданий йўналиш контекстида лақуналар “бошқа маданият вакиллари томонидан қабул қилина олмайдиган стереотиплик табиатига эга унсурлар” (В.А.Маслова бўйича), “тилнинг лексик сатҳидаги жимлик” (А.Т.

<sup>72</sup> Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лақунологию. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008. – с. 44.

<sup>73</sup> (Oksaar E. Kulturemtheorie: ein Beitrag zur Sprachverwendungsforschung. – Hamburg, 1988. 72 p.)

<sup>74</sup> Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы): Монография. М.: Изд-во РУДН, 1997. – с.331.

Хроленко), “исталган турдаги алоқа иштирокчилари орасидаги тушунишни кийинлаштирувчи лингвомаданий феномен” (Н.Л.Глазачева) сифатида шарҳланади. Лингвомаданий тадқиқотларда лакуна лингвомаданий таҳлил самарадорлиги (Ю.А.Сорокин, В.И.Жельвис, И.В.Томашева, Л.К.Байрамова, А.Эртельт-Фиит, А.С.Никифорова, Л.А.Курьлева ва бошқ.), лакуна ва концептлар нисбати (И.А.Стернин), культуремалар назарияси (А.Эртельт-Фиит, Э.Гродзки) ва бошқа нуқтаи назарлардан ўрганилади. Умумий жиҳатларда лакуналарни лингвомаданий тушуниш культурологик томони билан боғлиқдир, шу сабабли, лакуналар тадқиқотидаги лингвомаданий йўналиш учун қуйидаги масалалар устувор ҳисобланади:

- тил ва маданият ўзаро таъсири масаласи;
- маданиятлараро мулоқот ва когнитив тилшунослик муаммолари;
- олам манзараларининг лисоний ва концептуал ўзаро номувофикликлари.

Лакунани лингвомаданий аспектда ўрганиш қатор устунликларга эга. Хусусан, бу усул орқали лакунани бус-бутунликда, борлигининг барча жилосида англаш, лакунанинг янада чуқурроқ фундаментал асосларини кўриш ҳамда маданиятлараро мулоқотни тушунишнинг янги истиқболлари ва имкониятларини очиш мумкин. Юқорида санаб ўтилган парадигмалар контекстида лакуналарни тадқиқ қилиш учун, албатта, лакуналар типларини аниқлаб олиш муҳимдир. Бироқ, лакуналар моҳиятини тушунишнинг бирламчи эмаслиги ҳамда бу ҳодисанинг онтологик мураккаблиги туфайли лакуналарнинг ягона турдаги таснифи мавжуд эмас деган хулосага келинади. Лакуналар турли ракурслардан туриб, турли аломатларига кўра таснифланади. Лакуналарни аниқлаш, тавсифлаш ва типологияси билан Ю.С.Степанов, В.Л.Муравьев, В.Г.Гак, В.И.Жельвис, Ю.А.Сорокин, И.А.Стернин, О.А.Огурцова, З.Д.Попова, И.Ю.Марковина, Л.А.Леонова М.А.Стернина, Г.В. Быкова, А.А.Махонина сингари тилшунослар шуғулланган бўлиб, бунда уларнинг таснифи турлича принципларга асосланган. Жумладан, улар қуйидагилардир: тизим-лисоний мансублилига кўра (тиллараро ва тилнинг ички тизимига тегишли бўлган), тилга боғлиқ бўлмаган шароитга кўра (мақсадли ва мақсадсиз), парадигматик табиатига кўра (умумлашган ва турга мансуб), мазмуннинг мавхумлик даражасига кўра (предметли ва мавхум), номинация турига кўра (номинатив ва стилистик) ҳамда бошқа турдаги таснифлар. Масалан, В.Л.Муравьев лакуналарни таснифлай олган биринчи олимлар қаторида саналади. Унинг классификацияси, кейинчалик лакуналарнинг бошқа турларини тадқиқ қилишга асос бўлиб хизмат қилган. Олим қуйидаги типдаги лакуналарни ажратиб кўрсатган: 1. Мутлақ лакуналар – бир тилда мавжуд тушунчани бошқа тилда ифодалашнинг имкони йўқлиги; 2. Нисбий лакуналар – қиёсланаётган тилларда умумий маънога эга сўзларнинг мавжудлиги, лекин ишлатилиш частотасида кескин фарқ қилиши; 3. Стилистик лакуналар – бир тилдаги маълум стилистик бўёқдорликка эга сўзнинг қиёсланаётган бошқа тилда ҳам айнан шунақа стилистик юклама билан қолиши; 4. Вектор

лакуналар – қиёсланаётган тилларда сўзлардаги маъно юкламаларининг бир-бирига мувофиқ келмаслиги.

Муравьевнинг таснифидан сўнг кўзга кўринган лакуналар таснифи муаллифлари И.Ю.Марковина ва Ю.А.Сорокин бўлишди. Уларнинг талқинида лакуналар учта йирик тоифага бўлинади ва улар ҳам ўз навбатида бир нечта гуруҳларга ажралади: лингвистик (лисоний ва сўзлашувга оид лакуналар: лексик, грамматик, стилистик), культурологик (этнографик, психологик, ахлоқий, кинесик). Бу ўринда мана шу икки тоифа лакуналарига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Лингвистик лакуналар инсонларнинг экстралингвистик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда асосан тил тизимидаги тафовутлар туфайли вужудга келади. Гарчи турли тилларда мулоқот қилувчи халқларнинг кундалик турмуши, тирикчилиги, яшаш тарзи бир-бирига ўхшаса-да, бир тилда ифодасини топган тушунчалар бошқа бир тилда айнан шундай ифодага эга бўлмаслиги мумкин. Культурологик ёки лингвомаданий лакуналар экстралингвистик борлиқдаги тафовутлар билан характерланиб, бир маданиятдаги тушунча ёки ҳодисанинг иккинчи бир маданиятда мавжуд эмаслиги, аҳамиятга эга эмаслиги ёки кам тарқалганлиги натижасида пайдо бўлади. Демак, иккинчи ҳолатда мана шунга ўхшаш тилдан ташқарида ҳисобланадиган омиллар назарда тутилади.

Шунингдек, лакуналар ўзининг ифодаланиш даражасига кўра (эксплицит ва имплицит), табиатига кўра (мутлақ ва нисбий), қувват даражасига кўра (конфронтатив (чуқур лакуна) ва контрастив (юзаки лакуна) сингари ҳам турларга бўлинади. Бундан ташқари, аксарият олимлар лакуналарни уларнинг мақсади нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Лакунанинг вужудга келишига ижтимоий, тарихий, маданий, сиёсий ёки бошқа омиллар сабаб бўлса, лакуна сабабли дейилади. Агар маълум бир тушунчанинг тилда ифодаланмай қолиши ҳеч қандай сабаб билан тушунтирила олинмаса, лакуна сабабсиз бўлиб чиқади. Л.С.Бархударовнинг терминологик аппаратида бу ҳолатга “тасодифий лакуна” дея изоҳ берилган. Албатта, исталган тадқиқот турида “сабабли” лакуна билан ишлаш бирмунча қулайлик туғдиради, чунки тадқиқотчи лакунанинг вужудга келиш сабабини лингвистик ёки экстралингвистик омилга боғлаган ҳолда аниқлайди ва уни бартараф қилиш усуллари таклиф қилади.

Лакуналарнинг мураккаб ва серқирра табиати туфайли уларни ягона принцип асосида таснифлаш ўта машаққатли вазифага айланади. Лакунанинг маълум жиҳати асосланиб муқим бир классификацион сеткага киритиб қўйиш ортидан чалкашлик келиб чиқиши табиийдир, зеро бир лакуна бир вақтнинг ўзида яна бир нечта тасниф тизимига тегишли бўлиб чиқиши мумкин. Қатор олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, биз ҳам лакуналар тадқиқотини ҳам синхрон, ҳам диахрон тарзда олиб бориш лозимлигини таъкидлаймиз. Тилнинг лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳисобига динамиклик хусусиятига эгаллиги туфайли айрим категорияларга тегишли лакуналар тилнинг луғат таркиби ривожланиши баробарида йўқолиб боради ҳамда бу фақатгина элиминация жараёнига боғлиқ бўлибгина қолмай,

тилнинг у ёки бу тушунчани номлашга эҳтиёжи қолмаганлигидан ҳам далолат бериши мумкин. Ушбу тадқиқотимизда биз ҳозирги вақтда мавжуд барча лакуна таснифларини кўриб чиқа олмаймиз ва изланишларимиз давомида айнан тиллараро лакунарлик масаласига тўхталган ҳолда таржимашунослик доирасидаги ўз лакуна таснифимизни шакллантирамиз.

Лакунарлик ҳолати қачон вужудга келади? Табиийки, тиллараро мулоқот вазиятида икки ёки ундан ортиқ тил ва маданиятлар аспектиларини ўзаро қиёслаганда “қоронғу” қисмлар аниқланади ва улар доимо вектор йўналишида ҳаракатланади: лакуна бир тилнинг бошқа бир тилга солган сояси камровида намоён бўлади. Тиллараро лакунани бошқа бир тилда алоҳида сўз ишорасига эга бўлган ва маълум бир жамиятда, шубҳасиз бор бўлган тушунчаларни номлаш учун сўзларнинг мавжуд бўлмаслик ҳолати билан изоҳлаш мумкин. И.П.Матханова ва Т.А.Трипольскаялар қаторида биз ҳам “тиллараро” деган тушунча лакуналар типига эмас, аниқлаш усулига тегишли эканини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бир тилдаги маълум фактлар ёки ҳодисаларни тушуниш ушбу тил эгаларида муаммо туғдирмаслиги мумкин, лекин ўзга лингвомаданий жамоа вакиллари учун мавҳумлик ва нотанишликни келтириб чиқаради ва ўз-ўзидан лакуна вужудга келади. Бундан ташқари, В.Л.Муравьевнинг таъбири билан айтганда, лексик бирликларда семантик маъно ҳажмлари мос тушмаслиги (вектор лакуналар) мумкин, яъни олим бу орқали тилларни икки кузатувчига қиёслаган: “улардан бири буюмни узоқдан томоша қилса, иккинчиси унинг яқинида туриб майдароқ деталларни фарқлайди”<sup>75</sup>. Лакунарлик ҳолатининг вектор йўналганлиги тиллар дифференциаллиги билан чамбарчас боғлиқдир: лакунарлик юқори дифференциалланган тилдан куйисига ўтиш вақтида намоён бўлади. Тиллар дифференциаллиги у ёки бу лингвомаданиятнинг маълум тушунчани аташга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқади: ҳар бир тил тушунчаларни ушбу цивилизация талаби даражасида табақалаштиради. Тилларнинг дифференциаллиги қариндошлик муносабатларини билдирувчи лексик бирликлар мисолида яққол намоён бўлади. Масалан, *siblings* ўзбек тилига ака-ука ёки опа-сингиллар сифатида таржима қилинишига ўхшаш ҳолатларда бир тил эгалари томонидан иккинчи тилдаги фактлар, ҳодисалар ва хос сўзларни интерпретация қилиш муаммоси юзага чиқади ва бу муаммо билан боғлиқ вазиятда таржиманинг бўлиш ёки бўлмаслиги тўғрисидаги масалага дуч келинади: “икки тилнинг исталган усулда қиёслаш уларнинг ўзаро таржима қилина олинишини кўриб чиқишни тақозо этади”<sup>76</sup>. Олимлардан бири “таржиманинг бўлишига биринчи сабаб” сифатида айнан “белгининг структуравий метафизикасига асосланган тиллараро ифодавий тафовутлар”ни назарда тутди. Унинг фикрича, “таржиманинг вазифаси бир тил воситалари ёрдамида ифодаланган ниманидир бошқа тил воситалари ёрдамида тасаввур қилиб ифодавий тафовутларни енгиб ўтишдан

<sup>75</sup> Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир, 1975. – с. 14-15.

<sup>76</sup> Якобсон Р.О. лингвистических аспектах перевода // Якобсон Р. Избранные работы. М: Прогресс, 1985. с. 35.

иборатдир”<sup>77</sup>. Бироқ, тиллараро мулоқотни нафақат тор доирадаги структуравий позициялардан туриб, балки ушбу структуравий алоқа ортида намоён бўладиган тиллар маданий ўзаро таъсирининг тарихий воқелигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Тиллараро лакунарлик туфайли келиб чиқадиган маданиятлараро англашиш муаммоси лакуналар элиминацияси (лакуналарни у ёки бу усул ёрдамида бартараф қилиш) ёки делакунизация орқали ҳал қилинади. Лакуналар элиминацияси деганда, “алоқага киришган маданиятларнинг миллий ўзига хос тафовутлари сабабли пайдо бўлувчи тўсиқларни енгиб ўтиш”нинг турли усуллари тушунилади. Лакунар матннинг таржима контекстидаги делакунизацияси кўпчилик томонидан бирликлар таркибидаги маъноларни очиш ва ўз навбатида уларни таржима тили бирликларига қайта кодировка қилишда таржимоннинг лингвистик ва фон билимларида учраган лакуналарни бартараф қилиш жараёни сифатида қабул қилинади. Ушбу тадқиқотда лакуналар элиминацияси жараёни ёки делакунизация чуқур тарихий жараён сифатида кўриб чиқилади ва унга таржима соҳаси ҳам жалб этилади. Тиллараро лакунарлик энг аввало айнан таржимада кўзга ташланади ва яна айнан таржима тиллараро алоқанинг оралиқ бўғини бўлмиш лакунарликни бартараф қилишда тепки ролини бажаради ҳамда бунда таржима тилидаги лакуна элиминацияси мос келувчи таржима усулини танлаш ҳисобига амалга оширилади. Таржимон қўллаган усул шунчаки контекст ичида лакунани тўлдириш учун танланган вақтинчалик муқобил бўлиши ёки давр ўтиб, турғун эквивалент мақомини олиши мумкин.

Биз лакуналарни таржиманинг лингвомаданий аспекти нуқтаи назаридан кўриб чиқмоқдамиз ҳамда тил ва маданий аспектлар ўзаро боғлиқлигини муносабатларнинг мураккаб синергетик тизими сифатида тушунамиз. Яъни, бунда на тил ва на маданиятни алоҳида устунлигини ажратиб кўрсатиш мумкин, сабаби маданият тил орқали, тил эса маданият орқали англонади. Юқоридаларга хулоса қилб айтиш мумкинки, лакунарлик муаммоси ўзининг серқирралилиги ҳамда кўп жиҳатлилиги тафайли маданий ва лингвистик доиралардан ҳам ташқарига чиқиши кутилади. Бугунги кунда лакунарлик ва лакуналарнинг фалсафий ва маданий аспекти етарлича ўрганилаётган бўлса-да, ушбу ҳодисанинг таржимавий аспекти ҳалигача чуқур ишланмаган ҳолда қолиб кетмоқда. Лакуналар элиминацияси Б тоифасидаги тематик сеткага кирувчи (Д.И.Ермолович) икки турдаги лексик тизим: экспрессив ва терминологик тизимларда долзарб муаммо ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, экспрессивлик хусусияти кучли бўлган бадиий матнлар таржимасида (ўзида маданий унсурларни жамлаган сўз ўйинлари, фразеологик иборалар ва ҳ.з.) аслият бадиий қийматини йўқотмасдан лакуналарни бартараф қилиш ўзига хос ечимни талаб қилади ва бунда интердисциплинар ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

---

<sup>77</sup> Иванов Н.В. Дихотомии перевода (к онтологическим основаниям определения научного объекта переводоведения). // Вестник Московского университета. Сер. 22. Теория перевода. 2015. № 4. с. 38.

Қуйида, таржимашуносликда лакуналар масаласининг ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиб, унинг долзарблигини асослашга ҳаракат қиламиз.

Исталган тилнинг луғат таркиби шундай бир тизимда “ишлайдики” ундаги ҳар бир сўз ва тушунчанинг бошқа сўз ва тушунчаларга нисбатан ўз қатъий белгиланган ўрни бор. Бу борада Н.Л.Глазачёва шундай дейди: “Реал борлиқнинг маълум ҳалқаларини ажратиб олиш, уларни гурухлаш, шунингдек, бошқа тилда бериш табиати дастлабки тилда тегишли атамаларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Бу борада бир тилдан иккинчи тилга таржима жараёнида ўта табиий ҳолатда жуда қизиқарли муаммо – лексик лакунарлик муаммоси келиб чиқади”<sup>78</sup>. Таржимашуносликда лакунарлик ҳолати ва лакуналар культурологик тадқиқотлардагига қараганда етарлича ишланмаган бўлиб қолмоқда. Таржимашуносларнинг аксарияти лакуналарни лексик бирликларнинг тиллараро қиёсий таҳлили вақтида намоён бўладиган ҳодиса сифатида таърифлайди: “таржима назарияси учун лакуналарга халқнинг фикрлаш фаолиятида лексик ифодаланган бирликлар қаторида теппа-тенг иштирок этадиган “лексик ифодаланмай қолган концептлар” сифатидаги ёндашув яқинроқ”<sup>79</sup>. Лакунарликнинг таржимавий аспекти муаммоларига бағишланган ишлар бармоқ билан санарли. Масалан, М.Д.Бекасовнинг тадқиқот тадқиқотида “тасодифий лексик лакуна” атамасининг долзарблигига таянган ҳолда лакунарликка таржимашунослик нуқтаи назаридан баҳо берилади.

Лакуналарнинг культурологик талқини қатор сабабларга кўра таржимашуносликка мос келмайди. Аввало, таржима бўйича тадқиқотларда кўрсатиб ўтилишича, культурологик ёндашув тарафдорлари таржима назарияси учун марказий тушунча бўлган “эквивалентлилик”ни четлаб ўтиб, дарров “эквивалентсизлилик” хусусида баҳс юрита бошлашади. Шу билан бирга, таржима назариясида “тушунарсизлилик”, “бегоналик” ҳамда “реципиент” сингари культурологик мезонларнинг қўлланилиши ноқулайликни ва умумийликни келтириб чиқариши ҳақида сўз юритилади. Яна таъкидланишича, лакуналарни бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки тадқиқот йўналишида олиб борилади: таржима назарияси аслият тилидаги бирликларга муқобил вариантлар қидириш чоғида лакуналарга дуч келса, маданиятшунослик аллақачон аниқлаб бўлинган лакуналар билан ишлайди.

Бундан ташқари, лакунарлик ва эквивалентсиз лексика ҳақида умумий тўғри тасаввур мавжуд эмас. Маданиятшунослар “эквивалентсиз лексиканинг барча турларини лакуналар намунаси” сифатида олишса, таржимашунослар лакуналарни “хос сўзлар қаторида эквивалентсиз лексика категорияларидан бири” деб ҳисоблашади. Қатор тадқиқотчилар лакунани таржима назарияси ва амалиёти учун ноқулай атама дея хулоса қилишган. Улардан бири ушбу ҳолатни икки сабаб билан асослашади. Биринчидан, “биринчи босқичда таржимон лакуна билан эмас, эквивалентсиз лексика

<sup>78</sup> Глазачева Н.Л. “Модель лакунизации в современном переводоведении”, Вестник ТГУ, выпуск 2 (42), 2006. – с. 28.

<sup>79</sup> Ермолович Д.И. Наш перевод, вперед лети! В лакуне остановка.- «Мосты» №1 (21). – М.: Р.Валент, 2009. – с. 48–67.

билан тўқнаш келади ҳамда иккинчи босқичда лакуналарни бартараф қилиш ва эквивалентсизлиликка қарши кураш билан шуғулланади”. Шу тарзда “таржима амалиёти ўз хусусиятига кўра лакунарлик муаммосини хал этади”.

Миллий тиллар ва маданиятлардаги тафовутлар узоқ даврлардан бери ҳам маданиятшунослик, ҳам лингвистик ҳамда таржимашунослик фанларининг объекти бўлиб келади, фақатгина ушбу фарқларни тасвирлаш учун ҳар бир соҳа ўз атамалари ва ўз таҳлил позицияларидан фойдаланади. Хосе Ортега-и-Гассет ўзининг таржима муаммолари борасидаги мулоҳазаларида нафақат сўзларнинг семантик ҳажмларидаги фарқлар, балки хос сўзлар ва улар ортидан келиб чиқадиган барча маънавий ва хиссий “акс-садолар” ҳақида ёзади: “Икки хил маънолар контури худди устма-уст олинган икки инсонлар суратлари каби бир-бирига мос келмайди”<sup>80</sup> С.Басснетт бу борада қуйидагича фикр юритади: “Бир хилдаги тузилиш, синтаксис ва луғат таркибига эга икки тил мавжуд эмас, шу сабабли, аслият тилида мавжуд бўлган сўз ёки ғоя учун таржима тилида эквивалент топилмаганда ланг очиладиган қора туйнукларни ёпиш учун доимо тузатишлар қилиб туриш керак бўлади”<sup>81</sup>. Рус олимларининг ўйлашича, қиёсланаётган маданиятларда мос келувчи ва фарқланувчи бирликларнинг мажмуи ҳар бир тил учун фарқли бўлади<sup>82</sup>. Таржимашуносликда лексик номувофиқликлар “эквивалентсиз лексика” атамаси билан белгиланади ва у турлича шарҳланади: “ўзга маданиятда аниқ мувофиқликка эга бўлмаган хос сўзлар синоними” (А.Д.Швейцер, Я.И.Рецкер, В.С.Виноградов), бошқа маданият ва тилда мавжуд бўлмаган сўзлар (А.В.Федоров, Г.Д.Томахин), “таржимада таржима қилиб бўлмайдиганлар” (С. Влахов, С.Флорин), таржима тилининг луғат таркибида эквивалентга эга бўлмаган аслият тилининг лексик бирликлари (Л.С.Бархударов, А.О.Иванов) ва ҳоказо. Таржимашунослар олиб борган қатор тадқиқотларни таҳлил қилар эканмиз, тадқиқотчиларнинг эквивалентсиз лексика ва лакуна атамалари борасидаги фикрлари иккига ажраганини кўраемиз: бирлари ушбу икки тушунчани бир-биридан аниқ-тиниқ фарқласа, иккинчилари уларни бир-бирига боғлашади. Масалан, Л.В.Кульчицкая эквивалентсиз лексика ва лакунани бир медалнинг икки томони, бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар сифатида баҳолайди: “эквивалентсиз лексика аслият тилига, лакуна таржима тили ва маданиятига тегишли атамалардир”<sup>83</sup>. И.А.Стернин лакунани “бир тилда бошқа тилга нисбатан тиллараро мувофиқликнинг йўқлиги” дея фикрини “бошқа бир тилда лакунани ҳосил қилувчи маълум бир тил бирлиги эквивалентсиз сифатида таърифланади” деб давом эттиради<sup>84</sup>. А.О.Ивановнинг хулосасига

<sup>80</sup> Ортега-и-Гассет Х. Нищета и блеск перевода // Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия? / Отв. ред. М.А. Киссель. - М.: Наука, 1991. с. 345.

<sup>81</sup> Bassnett S. (2014) Translation. Routledge. Taylor & Francis Group. LONDON AND NEW YORK, 2014. – P. 3.

<sup>82</sup> Верещагин Е.М. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного / Е. М. Верещагин, В. Г. Костомаров. - М.: Русский язык, 1990. – с. 30.

<sup>83</sup> Кульчицкая Л.В. Проблема лакунарности в терминосистемах русской и английской традиций переводоведения / Л.В. Кульчицкая // Лакуны в языке и речи: сборник научных трудов. - Благовещенск: Издательство Благовещенского государственного педагогического университета, 2003. -С. 95-96.

<sup>84</sup> Стернин И.А. Контрастная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. – М.: АСТ: Восток – Запад, 2007. – с. 45.

кўра, икки жуфт тилда семантик лакуналарнинг мавжудлиги турли тилларда олам манзараларининг бир-бирларига мос келмаслиги ҳақидаги тезисни тасдиқлайди: “бир хил нарса ҳақида гапирсак-да, уни деярли бир хил кўрмаймиз”<sup>85</sup>. Шунингдек, эквивалентсиз лексикага “маданий концептлар” ҳам киритилади. Масалан, гарчи “нон” сўзи ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинганда семантик белгилар орқали шакл тикланса-да, таржима матнида концепт лакунаси вужудга келиши табиий.

Эквивалентсиз лексика ва лакуналар масаласига бўлган турлича фикрларни ўрганган ҳолда, шундай бир хулосага келиш мумкинки, эквивалентсиз лексикани лакуна деб ҳисоблаш ёки икки тушунчани буткул бир-биридан фарқлаш кераклиги ҳақида ягона ва аниқ тўхтам йўқдир. Агар биринчисини тўғри деб ҳисобланса, унда эквивалентсиз лексика ва хос сўзлар таржима назариясида етарлича ишланган, унинг трансформацияси учун қатор усуллар таклиф қилинган ҳамда лакуналар муаммоси умуман мавжуд эмас бўлиб чиқади. Бироқ таржима амалиёти шуни ҳам кўрсатадики, таржимонлар лакуналар билан таржима тили материалида ишлаётиб тез-тез тўқнаш келишади, яъни улар аслият тили бирликлари таржима тилида ҳосил қилган “чуқурлар”ни тўлдириш учун изланишга тушишади ва контекст талабига кўра имкон борича муаммони бартараф қилишга ҳаракат қилишади. Биз таржиманинг лингвистик назариясида кўрсатиб ўтилган эквивалентсиз лексикадан кўра таржима тилида ҳосил бўладиган лакуналар турлари ва сабаблари кўпроқ ва етарлича ўрганилмаган деб ҳисоблаймиз ва бунинг ортидан таржима илмида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ечимини кутиб ётган масалалар талайгина эканлигини таъкидлаймиз. Бу борада Минченковнинг куйидаги фикрига тўлиқ қўшиламыз: “лакунарлик муаммосининг ечими таржиманинг лингвистик назариясида кам ўрганилган ёки умуман ўрганилмаган қатор лингвофалсафий муаммолар ечимига олиб келади”<sup>86</sup>. Хусусан, улар қаторида “лакунарлик” тушунчасини “эквивалентлилик” ва “адекватлилик” сингари таржима тушунчалари билан, маданиятлараро лакуналарни элиминация қилиш усуллари (тўлдириш ёки компенсация)ни анъанавий таржима трансформациялари билан нисбатини аниқлаш, концептлар тушунарлилиги сингари масалаларни санаб ўтиш мумкин. “Лакунарлик” ва “эквивалентсиз лексика” нисбати масаласида биз Н.Н.Дзиданинг “таржимада лакунарлик тушунчаси эквивалентсизлилик тушунчасидан кенгрок” эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшиламыз. Унинг таъкидлашича, лакунарлик масаласига келганда, анъанавий таржима трансформациялари борасида айрим таъқиқларни четлаб ўтиб, керак жойларда тўлдириш ва тушириб қолдиришларга йўл қўйиш мумкин<sup>87</sup>. Албатта, бу борада контекст ва матн тури лакунарликни бартараф қилишда таржимон мурожаат қилган таржима трансформацияларини танлашда ҳал

<sup>85</sup> Иванов, А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие. - СПб.: Филол. фак. С.-Петербург. гос. ун-та, 2006. – с. 96.

<sup>86</sup> Минченков А.Г. Лакуны номинации как переводческая проблема. // Вестник СПбГУ. Сер.9. 2011. – Вып. 2. – с. 167-168.

<sup>87</sup> Дзида Н.Н. Проблема лакунарности в переводе. // Вестник Тюменского государственного университета. 2010. № 1. – с. 165.



килувчи омил бўлиб қолади. “Эквивалентсиз лексика” тушунчаси икки тилни қиёслаш ҳолатида тилнинг фақатгина лексик тизимига тегишли бўлади, яъни у қайсидир сабабларга кўра таржима тилида эквивалентларига эга бўлмаган аслият тилидаги лексик бирликларни назарда тутди. Лакунарлик тушунчаси эквивалентсизлилик тушунчасидан кўра кенгроқ эканлиги мана шу омил билан ҳам белгиланади, яъни лакунарлик нафақат лексик, балки грамматик, стилистик ва маданий эквивалентсизликларни ҳам ўз ичига олади. “Эквивалентсиз лексика” анъанавий таржима атамаси сифатида тилнинг фақатгина лексик соҳасини қамраб олса, лакуна маданий термин сифатида тилнинг лексик таркибидаги бўш жойларни ҳисобга олади. Бу борада И.А.Стерниннинг эквивалентсиз лексика ва лакуналар ўзаро боғлиқ, лекин айнан ўхшаш эмаслиги ҳақидаги мулоҳазасини тасдиқлаймиз. Лакуналар фақатгина турли тил ва маданиятлар жиҳатларини солиштирганда кўзга кўринади ва тиллар орасидаги кўз илғамас тафовутларни ҳам юзага чиқаради.

Ҳозирга қадар лакуна тушунчасини “тилнинг семантик харитасидаги “оқ доғлар”, “тилнинг лексик тизимидаги тушириб қолдирилган қисмлар, сўзларнинг етишмаслиги”, “маълум тилнинг лисоний меъёрида ўрнашмаган тушунчалар”, void, semantic void, blank space, gap, lacuna, random holes in patterns, каби турли атамалар билан номлашга ҳаракат қилинди. Умумлаштирувчи таҳлиллардан келиб чиқиб, биз Л.С.Бархударовнинг “тасодифий лакуна” термини остида назарда тутган тавсифидан фойдаланган ҳолда, таржимашунослик илмида “**лексик лакунарлик**” атамасини лакуналар туфайли таржимада вужудга келган лингвомаданий эквивалентсизлик ҳолатига, **лакуна** атамасини “аслиятдаги эквивалентсиз бирликнинг таржимасиз қолгани туфайли таржимада пайдо бўладиган бўшлиқ”қа, **лакунар бирлик** атамасини “таржима тилида лакуна (бўшлиқ) ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи аслият тилидаги эквивалентсиз бирлик”қа, “**делакунизация**”ни таржимадаги эквивалентсизлик ҳолати сабабларини очиб беришга, “**элиминация**”ни тегишли таржима усулларини қўллаган ҳолда таржимадаги лакунани бартараф қилишга нисбатан қўллашни маъқул топдик. Атамаларни қўллаш борасида аниқлик киритиш лакуна тушунчасига таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашганимиз учун керак бўлади.

## **2.2. ЎЗБЕК ТИЛИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН ЛАКУНАЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ**

Лакуналарни аниқлаш, ифодалаш ва элиминация қилиш масалалари маданиятшунослик, лингвомаданиятшунослик, фалсафа, маданиятлараро мулоқот ва лакунологияда тадқиқ қилинса-да, таржимашуносликда ушбу масалалар эътибордан четда қолгандек. Лакуналарга мақом бериш ва систематизация муаммолари билан Ю.С.Степанов, В.Л.Муравьев, В.Г.Гак, В.И. Жельвис, Ю.А. Сорокин, И.А.Стернин, О.А.Огурцова, З.Д.Попова, И.Ю.Марковина, Г.В.Быкова, Л.А.Леонова сингари қатор олимлар

шуғулланишган. Лакуна ва эквивалентсиз лексика тадқиқи билан шуғулланган кўплаб тадқиқотчилар шундай тўхтамга келишганки, ушбу ҳодисаларга фақат икки ва ундан ортиқ бўлган тиллар ва маданиятлар чоғиштирилганда аниқлик киритиш мумкин. Фақатгина икки тил категорияларини бир-бирига таққослагандагина эквивалентлик ҳақида сўз юритиш мумкин, бир тиллилик шароитида лакунарлик ва лакуналар тушунчаларини таҳлилга тортишдан маъно чиқмайди. Албатта, тилнинг ички лакунарлиги деган тушунча ҳам бор, бироқ биз тадқиқотмизда айнан тиллараро лакуналар борасида баҳс юритаётганимиз сабабли, ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтиришни лозим топмадик. В.Л.Муравьев, И.Ю.Марковина ва Ю.А.Сорокин, ҳамда Т.Ю.Данильченколар ҳам лакуналар фақатгина тиллараро ва маданиятлараро мулоқот давомида юзага чиқишини таъкидлаб ўтишган. Бундан ташқари, олимлар турли тилларнинг ўзаро таъсир жараёни мобайнида лакуналар келиб чиқиши муқаррарлигини, матн маконининг ўзини лакунарлик ҳолатида бўлиши ҳақида кўп гапириб ўтишган. Ҳаттоки луғавий таркиб ва грамматик тузилма жиҳатларидан бир-бирига яқин бўлган тиллар қиёсида ҳам тўлиқ мувофиқликлар камдан-кам кузатилади. Бунда, бир қарашда эквивалентга эгадек кўринган унсурлар ҳам лакуналар ҳосил қилиши мумкин. Бу билан боғлиқликда Л.С.Бархударовнинг қуйидаги фикрини келтириш мумкин: “Гап шундаки, икки тилда ҳам идентик бўлган грамматик категориялар, аслида мазмун, вазифалар ҳажми ҳамда лексик материални қамраб олиш ҳолатига кўра тўлалигича бир-бирига мос келмайди”<sup>88</sup>. Ушбу ҳолатда грамматик лакуналарнинг вужудга келиш эҳтимоли мавжуддир.

Тадқиқотчилар лакуналарни аниқлаш ва таърифлаш борасида турлича ёндашувлар ҳамда усулларни таклиф қилишади. Бу масалада И.Ю.Марковинанинг лакуналарни аниқлаш ва таҳлил қилиш ёндашувига мурожаат қилиб кўрадиган бўлсак, олима лингвомаданий қиёслаш учун асосий материал сифатида матнни кўрсатади ҳамда аслият ва таржима тилидаги материалларни таққослаш орқали лакуналарни аниқлаш мумкинлигини ва таржимага маданиятлараро мулоқотнинг биринчи босқичини амалга ошириш натижаси сифатида қараш кераклигини таъкидлайди. Маданиятлараро мулоқотнинг иккинчи босқичи деганда, И.Ю. Марковина таржима матнининг таржима тили реципиенти томонидан қабул қилинишини назарда тутаяди. Икки тил ва маданият ўртачиси сифатида таржимон, муқаррар ҳолатда лакуналарга тўқнаш келади. Таржима матнида сақланиб қолган ва таржимон томонидан элиминация қилинган лакуналарни аниқлаш аслият ва таржима матнининг лингвокултурологик таҳлиliga киради. Шу тарзда матнда лакуналарни юзага чиқаришнинг икки асосий усулига таянамиз: 1) аслият ва таржима матнларининг лингвомаданий қиёси орқали улар орасидаги тафовутларни аниқлаш ва интерпретация қилиш; 2) реципиентнинг ўзга маданият маҳсули бўлмиш матн билан ўзаро таъсирини

---

<sup>88</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – с. 144.

таҳлил қилиш орқали лексик-семантик бирликларни юзага чиқариш, қайсики реципиент томонидан осонгина ўзлаштирилаётган матн фониди интуитив равишда тушунарсизлик ғалатилик касб этади.

Таниқли лакунолог олимлардан бири Ю.А.Сорокин тиллараро лакуналарни аниқлаш методини у ёки бу худудий маданиятга тегишли бўлган вербал хатти-харакатдаги инвариант ва вариант атамалари орқали интерпретация қилишни таклиф қилади. Инвариант деганда, тадқиқотчи, маълум лингвомаданий муҳитда шаклланиб, хатти-харакатнинг ўзга лингвомаданий вариантыга солиштирганда айрим тафовут ва номувофикликларни келтириб чиқарувчи инсоннинг хатти-харакатлари мажмуини тушунади. Таржимашунослик нуқтаи назаридан эса, лакуналарни аниқлаш методи З.Д.Попова ва И.А.Стернинлар томонидан олға сурилган. Ушбу метод замирида семантик яқин бўлган лексик бирликларни чоғиштириш орқали ушбу бирликларнинг бошқа тилга муқобил таржимаси бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсади ётади. Олимларнинг фикрича, лакуналар, энг аввало, икки тиллик луғатларда юзага чиқади ҳамда лексик бирлик (сўз, муқим ибора, фразеологик бирлик)нинг лакунарлик сигнали сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- икки тиллик луғатда сўзнинг батафсил тушунтирувчи таърифнинг мавжудлиги;

- таржима луғатида сўзнинг синонимик қатор билан тушунтирилиши;

- сўзнинг бадий тил сарҳадларидан ташқарида (жаргон, касбий тил, диалект, вулгар лексика) атовининг мавжудлиги.

Лакуналар ўртасида тафовут чизикларини ўтказар экан (буни маълум миллий маданиятда тегишли предмет ёки ҳодисанинг мавжуд эмаслиги (асосли лакуналар) ҳамда предмет ёки ҳодисанинг йўқлиги билан боғлиқ бўлмаганлиги (тасодифий лакуналар) орқали изоҳлаш мумкин) И.А.Стернин тегишли концептнинг борлиги ёки йўқлиги муаммосини юзага чиқаради. Таржима тилида аслиятдаги бир сўз учун муқобил бирликнинг мавжуд эмаслиги ўша халқ онгида концептнинг ҳам йўқлигидан далолат берадими? Бизнингча, бу масалада ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашган ҳолда иш тутиш керак.

Г.В.Быкова лакуналарни юзага чиқаришнинг қуйидаги асосий методларини таклиф қилади:

- тилнинг лексик бирликларини бошқа тилдаги муқобиллари билан қиёсловчи контрастив метод;

- диахроник тарзда концептнинг аталиш усулларини қиёсловчи тарихий-солиштира метод;

- чегараланган қўлланишга эга бўлган лексикани қиёслаш орқали ўзаро тизим ости лакуналарни аниқлашга қаратилган стилистик-парадигматик метод;

- сўз ясалишининг комплекс бирликлари орқали лакуналарни юзага чиқарувчи сўз ясовчи-парадигматик метод: сўз ясовчи жуфтликлардаги лакуналар, сўз ясовчи типлардаги лакуналар, сўз ясовчи категориялардаги лакуналар ва ҳкз.

Лакуналар аниқлангандан сўнг уларни таърифлаш борасида биз И.А.Стернин алгоритмига амал қилган ҳолда қуйидаги кетма-кетликдаги ҳаракатни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаймиз:

- Аслият тили фонида таржима тилидаги лакуна юзага чиқарилади;
- Фон тилдаги лисоний бирлик – лакунар бирликнинг маъноси (сема таҳлили) аниқланади;
- Аниқланган маънодан (маънонинг сема таърифи) тадқиқ қилинаётган тилдаги лакунанинг мазмунини тасвирлаш мақсадида фойдаланилади.

Масалан, ушбу алгоритмга асосланган ҳолда И.А. Стернин *afterthought* эквивалентсиз бирлигини мисол сифатида келтиради. Ушбу сўз рус тилида бир сўз ҳажмидаги эквивалентига эга бўлмаганини айтиб, у инглиз тили фонидаги рус тилидаги лакуна сифатида қабул қилинади ва рус тилига “бўлиб ўтган воқеадан сўнг кечроқ эсга келган фикр-хаёл” деб интерпретация қилинади<sup>89</sup>. Лакуналарни аниқлашнинг қатор усуллари мавжудлигига қарамай, уларни ажратиш ва тавсифлаш масаласи охиригача ўз ечимига эга бўлмаган ва ўрганишда давом этишни тақозо этади. Албатта, таржимадаги лакунарлик ҳолати ўзига хос лингвокултурологик тушунмовчиликларни келтириб чиқаради, бироқ, бу борада доимо таржимашуносликдаги далилланган постулатга таяниб иш тушиш лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, яъни, таржима қилиб бўлмайдиган қисмлар бор, лекин таржима қилиб бўлмайдиган матнларнинг ўзи йўқ. Лакуналар турли этнолингвистик жамиятларнинг ўзаро мулоқотида ўзига хос тўсиқни яратиши мумкин, бироқ бу тўсиқни енгиб ўтса бўлади.

Илмий адабиётда лакуналарни элиминация қилиш (бартараф қилиш, тўлдириш, компенсация) жараёни, шунингдек, делакунизация деб ҳам аталади ва бу атама “реципиент томонидан матн компонентлари ва матнда ҳосил бўлган вазият компонентлари орасидаги ўзи учун тушунарсиз бўлган матн ичи ва матн ташқарисидаги муносабатлар интерпретациялаш ва қарор қабул қилиш жараёни” сифатида талқин қилинади<sup>90</sup>. Лакуналарни элиминациялаш ёки делакунизациялаш жараёнида асосий масала таржима тили маданиятида мавжуд бўлмаган тушунарсиз унсурни тушунишдан иборат бўлиб қолади. Шу тариқа, таржимон ўз маҳорати доирасида, авваламбор, аслият тилидаги эквивалентсиз матн унсурини интерпретация қилади, сўнг уни таржима тилида бериш учун усул танлайди. Тарихий истиқболда аслият тилининг маълум маданий тажрибаси таржима тилига ўтиши оқибатида, яъни лакунанинг маданий интериоризацияси туфайли лакуналар элиминацияси ёки делакунизация жараёни ўзлаштириш шаклини олиши мумкин. Маданий тажрибани ўзлаштириш жараёни тўғридан-тўғри жамият ривожини билан боғлиқдир. Тажибадан маълумки, тарихий барқарорлик даврларида лисоний ривожланиш жараёнлари аста-секин

<sup>89</sup> Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. – М.: АСТ: Восток – Запад, 2007. – с. 76-77.

<sup>90</sup> Власенко С.В. Факторы лакунизации текста: на основе анализа англоамериканских и русских текстов разного коммуникативного статуса: автореф. дис. ... канд. фил. наук. – М., 1996. – с.41.

боради, лисоний янгилашиш механизми секинроқ ишлайди. Ижтимоий барқарорсизлик ва тарихий ўзгаришлар замонида лисоний ривожланиш жараёнлари сезиларли равишда тезлашади, тил ўзгаришларининг айқаш-уйқашликлари туфайли янгиликлар тегишли тил тизимига мослашишга улгурмай, ҳаётнинг турли жабҳаларида кўп сонли лақуналар вужудга келади. Шунингдек, катта миқдордаги лақуналар ҳосилоти бошқа сабаблар туфайли юзага келиши ҳам мумкин. Турли давлатлар ўртасида лисоний муносабатлар кенгайиб бориши оқибатида, бир халқнинг иккинчи халққа бўлган маданий таъсири кучаяди. Охири вақтларда ўзбек тилидаги адабиётларнинг дунёнинг бошқа тилларига, шу жумладан, инглиз тилига кўплаб таржима қилина бошлаганининг натижасида, таржимашуносликда янги тажриба сифатида майдонга кириб бораётган ўзбек тилидаги тушунчаларни инглиз тилида номлаш муаммоси долзарблик касб эта бошлади. Ўзбек тили фонидида вужудга келган инглиз тилидаги лақуналарни бартараф қилмай туриб, маълум бадиий асарни тўла-тўқис барча жилосида таржима қилиш ва таржимадаги лингвомаданий эквивалентликка эришиш амалга оширилиши қийин бўлган масалаларга айланиб қолмоқда.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, бадиий асарлар таржимаси лақуналарни аниқлаш ва ўрганиш учун сермаҳсул манба ҳисобланади. Ўзбек тилидан инглиз тилига бадиий насрий асарлар таржимаси таҳлилида аниқланадиган лақуналар тадқиқи учун концепт ва атамаларнинг лингвомаданий ва интерпретатив методлари, лексик бирликларнинг семема таҳлили усулларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Таржима тилида лақуналар ҳосил қилувчи бирликларни тавсифлаш учун биз ушбу бирликларнинг аслият тилидаги таърифларидан (ўзбек тилидаги сўзларнинг изоҳли луғатдан) фойдаланишга қарор қилдик (лақуналарни тасвирлашнинг ушбу алгоритми И.А.Стернин томонидан 2007 йилда тақлиф қилинган). Лақуналарни аниқлаш мезонларини тузишда биз И.А.Стернин ва З.Д.Поповаларнинг методларига таяндик, яъни уларга кўра, лақунанинг мавжудлигига сўзнинг маъносини тушунтиришга қаратилган кенг ёйиб берилган таъриф (баъзида изоҳлар билан), сўз мазмунини очиб беришга қаратилган кенг синонимик қатор ишора қилиши мумкин.

Аниқланган ва ажратиб олинган лақуналарни таснифлашда биз И.Ю.Марковина ва Ю.А.Сорокинларнинг лингвомаданий лақуналарга асосланган умумий типологизация қилиш мезонларини дастак қилиб олдик. Тадқиқот жараёнида В.Л.Муравьевнинг нисбий, мутлақ, услубий ва вектор лақуналарга ажратувчи назариясига ҳам таянганмиз. Бу турдаги эквивалентсизлик ҳолатини маданий-тарихий ёки ижтимоий сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқот давомида келтирилган мисоллар ўзбек тилига қиёслаганда, инглиз тилида концептларнинг йўқлигидан далолат бермайди, балки лақунани тўлдиришдаги қийинчилик тегишли концептнинг бошқа тилда бошқа ном билан аталиши туфайли келиб чиқишидан дарак беради.

Лақуналарни аниқлашда, табиийки, маълум мезон ва аломатларга қараб иш тутилди, ва шулар асосида лексик бирликни лақуна деб тан олинди.

Таҳлилларимиз натижасида қуйидагилар лақунанинг мавжудлигига ишора қилади:

1) Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мавжуд лексик бирлик икки тиллик луғатларга умуман киритилмаган.

2) лексик бирлик транскрипция, транслитерация ёки калька воситасида яратилган эквивалент шаклида таржима тили луғатида кўрсатилган, лекин бу шакл ҳали тўлиқ ўрнашмаган ва турлича луғатларда турлича фарқларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айрим ҳолатларда изоҳлар билан келадиган эквивалентлар бошқа ҳолатларда изоҳларсиз берилган бўлиши, ҳамда изоҳлар ҳам бир-биридан тафовут қилиши мумкин.

3) лексик бирлик транскрипция, транслитерация ёки калька воситасида яратилган эквивалент шаклида ўзбек-инглиз луғатларида ёки бошқа луғатларда кўрсатилган, шакл муқимлик касб этган ва луғатларда бир-биридан фарқ қилмайди. Бироқ, лексик бирлик лақунар эканлигини унга берилган кенг шарҳ орқали тушуниш мумкин. Шундай қилиб, эквивалент шаклан мавжуд бўлса ҳам биз лақунани тўлалигича элиминация қилинган дея олмаймиз, сабаби шарҳ ушбу бирликнинг бошқа тил тизимидаги ўзига хос тушунчани англатишидан, ёки ушбу эквивалент тилга ўрнашмаганлиги сабабли бундай тушунтиришларсиз фаоллашмаслигидан далолат беради. Шундай қилиб, биз формал эквивалент мавжудлигини кўрмоқдамиз, лекин бирликнинг миллий ўзига хослиги сабабли уни тўғри интерпретация қилиш учун шарҳлаш лозимлигини тушунамиз.

4) Бирлик луғатларда берилган, аммо транскрипция, транслитерация ёки калька кўринишидаги бир сўзлик белгиси йўқ, эквивалент сифатида эса фақатгина эркин синтактик конструкция келтирилади, ҳамда ушбу конструкция озми кўпми бирликни батафсил изоҳлаб беради. Бу турдаги лақуналар маълум даражадаги муфассал шарҳлар билан тўлдирилади.

5) лексик бирлик луғатларда қайд қилинган, ҳамда луғатларда формал эквивалент – таржима тилига тегишли бўлган бирлик таклиф қилинади, бироқ, чуқур таҳлил натижасида шу нарса аниқ бўладики, бу лексик бирлик аслиятдагисига эквивалент бўла олмайди, сабаби, унинг маъноси, нариги бирлик билан қиёслаганда ёки торроқ, ёки кенгроқ бўлиб чиқади, яъни икки бирликнинг тушунча ҳажмлари бир-бирига мувофиқ келмайди. Бундай ҳолатларда биз турли тилларда тушунчавий ҳажмларнинг мос келмаслиги билан характерланувчи вектор лақунага дуч келамиз.

Демак, тилда лақуналарнинг вужудга келиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Лақунарлик олам лисоний ва концептуал манзараларидаги тафовутлар: маълум бир лингвомаданий жамият ҳаётида мавжуд предмет ёки ҳодисанинг бошқасида мавжуд эмаслиги; бир жамият ҳаётида предмет ёки ҳодисанинг кенг тарқалмаган ва натижада у аҳамиятсиз ёки кам аҳамиятга эга бўлган бир вақтда бошқасида муҳимлик касб этганлиги сабабли пайдо бўлади. Ёки, кузатилганидек, предмет ёки ҳодиса жамият ҳаётида мавжуд бўлиб, маълум вазифани бажаради, тил эгалари фикрлаш жараёнида тегишли тушунчалар билан ишлайди, лекин предмет ёки ҳодисанинг номинацияси лисонинг онгнинг ушбу тушунчани алоҳида номлашга эҳтиёж сезмаганлиги

туфайли мавжуд бўлмаслиги мумкин. Кўрсатилган сабаблар жамиятнинг барча соҳаларида лакуналарнинг вужудга келишига шароит яратади. Лакуналар муаммоси, айниқса, сўз кучи ва таъсири биринчи ўринга кўйиладиган бадий таржимада долзарбдир.

Тадқиқотимиз учун таҳлил материаллари сифатида олинган ўзбек насрий адабиёти (роман, қисса, ҳикоялар) таржималаридаги лакуналар ҳақида сўз юритишдан аввал, ўзбек ёзувчиларининг бадий тили, услуби сингари ўзига хос жиҳатларига тўхталамиз. Ўзбек насрий адабиёти бадий куллиёти тили ҳақида гап кетганда, асар муаллифларининг миллий – ўзбек тили ҳазинасидан жуда катта маҳорат билан фойдаланганликларини, бу лисон чиндан ҳам бой, сербўёқ, содда бўлиши билан бирга мураккаб ва кам ифодада бўлган сўзларни ўз ўрнида тушунарли, содда ва ёрқин маъновий шаклларда ишлата олганликларини тан олиш керак. Хусусан, бу сўзлар, миллий ўзига хос хусусиятларга эгаллиги туфайли, аксарият ҳолларда, таржимада мураккаб вазиятлар - лакуналарнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Бизнингча, лакуналарни тўғри аниқлашда камида иккита саволга жавоб бериш муҳим ҳисобланади: 1) қандай сарҳадлар ичида бир сўзлик ёки жумла эквиваленти йўқлиги ҳисобига лакуна ҳақида гапириш керак? 2) лакуна тушунчасининг коннотатив сўзларга нисбатан қўлланиши қай даражада? Ушбу саволларга жавоб берган ҳолатда лакуналар концепциясини ривожлантириш ва равшанлаштириш мумкин, лекин ҳозиргача ушбу тушунчани таржима назарияси илмий аппаратида киритиш учун асосларни олға суриш масаласи ҳануз заифлигича қолмоқда. Аслини олганда эса, чекланган доирадаги лексик лакуналар учун бундай долзарблик вақти келган деб ҳисоблаймиз.

Биринчи саволга жавоб излар эканмиз, Д.И.Ермоловичнинг таржимага нисбатан олинган “тематик тўр” назариясига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Унга кўра таржима қилинган ёки таржима қилиниши кутилаётган, бизнинг вазиятда эса, асардаги матнлар (макро, микро матн, гаплар)ни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб таҳлил қиламиз. Биринчи А номли гуруҳга шундай матн (гап)лар киритиладики, уларнинг семантик тузилмасида лакуна-сўзлар тематик тўрнинг элементлари ҳисобланмайди. Бу дегани, лакунар бирликлар англатадиган тушунчалар муаллиф матн (гап) мавзусини ривожлантириш учун фойдаланадиган таянч ахборий элементлар сифатида қабул қилинмайди. Бу гуруҳдаги лакуналар билан ишлашда таржимоннинг иши енгиллашади, у хабар эквивалентлигига эришишда қўлланиладиган усуллар мажмуидан исталганини танлаб ишлатиши мумкин ҳамда бу орқали Л.С.Бархударов принципи амалга ошиши кутилади: “Тилнинг луғавий таркибида бирор-бир тушунчани маҳсус номлаш учун сўз ёки муқим бирикманинг йўқлиги ушбу тушунчани тегишли тил воситалари билан ифодалаш мумкинлигини билдирмайди”<sup>91</sup>. Лекин гап шундаки, агарда

---

<sup>91</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – с. 97.

таржима назарияси фақатгина А гуруҳидаги матн (гаплар) билан шуғулланганда, на лакуна тушунчаси на терминини ишлатишга эҳтиёж сезилган бўлинар эди.

Иккинчи Б номли гуруҳга тематик тўр элементлари ҳисобланувчи лакуна сўзлар киритилади. Матн (гап)нинг муҳим ахборий марказлари сифатида бу гуруҳ лакуналари таржимада шундай жиҳатларга эгаларки, улар англаган маънони турли жойларда турли усуллар ёрдамида ўгириш умумийликда матн эквивалентлигининг бузилишига олиб келади. Б гуруҳдаги матн (гаплар) шундай матн (гаплар)ки, уларда такрор ишлатиладиган лакунар бирликнинг барча ишлатилиш ҳолатларига нисбатан таржима тилида айнан бир хил эквивалентлар керак бўлади. Шундагина лакунарликнинг таржима назариясидаги аҳамияти ҳақида гапириш мумкин.

Тадқиқотмизда биз юқорида тавсифланган Б гуруҳ лакуналари билан ишлаймизки, бу тадқиқотимиз сарҳадларини белгилаб олишга асос бўлади.

Аслият тилидаги лакунар бирликларнинг мавжуд бўлиши кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларга ижтимоий турмушдан бошлаб, миллий характер чизгилари, урф-одатлар, кундалик фаолият, муомала маданияти, турмушнинг жўғрофий шароитлари, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, маданий фонд сингари қатор лингвистик ва экстралингвистик шарт-шароитлар киради. Шу сабабли, лакуналарни аниқлаш ва тавсифлаш жараёнида унинг лингвомаданий компонентини юзага чиқариш орқали таҳлил олиб бориш ишни енгиллаштиради. Қуйида биз Муравьевнинг лингвистик лакуналарни таснифлаш принципига таянган ҳолда асарлардаги лакунар бирликларни аниқлаш ва тавсифлашни лозим топдик.

**Мутлақ лакуналар.** Бир тилда лексик жиҳатдан қайд қилинган тушунчани бошқа бир тилда сўз ёки муқим сўз бирикмаси билан ифодалаш имконининг мавжуд эмаслиги мутлақ лакуналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Мутлақ лакуналар сўзларда (“ҳалол” сўзи инглиз тилида ўзбек тили фонидаги лакуна ҳисобланади) ва ибораларда (“ҳалол қилмоқ”) аниқланиши мумкин. Ўзбек ва инглизларни ўраб турувчи лисоний бўлмаган борлиқ бир хил бўлиши мумкин, лекин шу баробарида, бир тил ушбу борлиқнинг маълум томонларини қайд қилиб, лисоний “расмийлаштира”, бошқа тил бу томонларни ифодалашни лозим топмайди. Масалан, кўп сонли миллатларда порлаб ёниб турадиган, катта-катта, чиройли шаклли ва қора бўлган кўзлар бошқа рангдаги кўзларни истисно қилмаган ҳолатда гўзаллик сифати ҳисобланади, лекин ушбу сифатни айнан бир сўз билан ифодалаш учун, масалан, инглизларда эҳтиёж туғилмаган ва бунга, миллатнинг гўзаллик борасида ўз миллий қарашлари мавжудлиги сабаб бўлиши мумкин. Ўзбек тилида бу турдаги кўзларга нисбатан “шахло” сўзи ишлатилади ва бу сўз ушбу сифатлар мажмуини тўлиқ ўзида қамраб олади. Таржимада сўз шаклидаги лакунани ҳосил қилган ушбу лакунар бирлик мазмуни таърифлаш - тушунча қамраб олган барча сифатларни санаб чиқиш йўли орқали етказилиши мумкин. Масалан, “Ўткан кунлар” асарида ушбу сўз алоҳида бадиий аҳамият касб этиб, бош қаҳрамон Кумушнинг тенги йўқ гўзаллигини тасвирлашда муаллиф фойдаланадиган асосий сифатлардан бири



ҳисобланади. Қодирий бу сўзни асарда етти марта ишлатган бўлса, деярли барча ҳолатларда фақат Кумушга нисбатан ушбу сўзни қўллаган:

*Шахло* кўзлар, ўсиқ жинггила кипраклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар..; камон қошлари ортиқ мавж уриб ўзини кўрсаткан, бир оз бота тушкан **шахло** кўзлар тагин ҳам тим қоралиқ, тагин ҳам нузлилик касб эткан эдилар; **шахло** кўзлари кулимсирашка яқин ҳолда уятлик эдилар; иккинчи ёқдан ўзини асир эткан **шахло** кўзлар унга нафратланиб қарагандек бўлурлар, гўёки вафосиз, ваъдасиз, деб қичқирарлар эди...

Асарнинг уч хил талқиндаги таржималарида ушбу лакунани ҳар гал турлича тўлдиришга ҳаракат қилинган: *beautiful dark eyes, large and beautiful eyes, big, beautiful black eyes, beautiful eyes, large eyes, Large, beautiful black dark eyes, imploring eyes, seductive eyes, alluring eyes, bewitching eyes, seductive doe eyes*. Кўрганимиздек, аслиятдаги бирликка муқобил бир сўзлик таржима йўқ, бир сўзлик ифодаланганлари ҳам ёки тўлиқ тушунча мазмунини қопламаган, ёки услубий бўёқдорлик касб этувчи бошқа сифатлар билан умумлаштириб берилган ёки таржимада тушириб қолдирилган. Шундай қилиб, В.Гакнинг эътирофи этишича, “биз рус ва француз тилида у ёки бу ранг ёки ёшнинг қандай ифодаланиши ҳақидаги масалани қўя олмаймиз. Аввал ушбу тиллар томонидан қандай ранг ва ёш категориялари ажратиб кўрсатилишини аниқлаш керак”<sup>92</sup>. Мутлақ лакуналарнинг пайдо бўлиш сабабини айнан шундан қидириш керак.

Мутлақ лакуналарга мисол бўла оладиган яна бир нечта таржима вариантларини кўриб чиқамиз. Масалан, “омонат” сўзининг “сақлаб бериши, вақтинча фойдаланиши ёки бошқа бир кишига элтиб бериши учун топширилган” мазмундаги тушунчаси борки, у инглиз тилида на “*deposit*”, ва на “*charge*” билан муқобил ўгирила олинади. Тушунча бор, лекин уни ифодалаш учун сўз ёки муқим бирикма йўқ. Айниқса қуйидаги контекстда, ушбу лексеманинг мутлақ лакуна бўлиб келганлиги яққол кўриниб турибди, уччала таржимон эса лакунани четлаб ўтишни маъқул кўришган:

*Васвасаланишининг ўрни йўқ, мундан сўнг ҳам сизнинг хайрихоҳона кенгашларингизга, ҳам вужудингизга муҳтожман, амонатим, бошқам мундан кейин ҳам она қорнида сақлангандек сизда сақланишига ишонаман...*<sup>93</sup>. Таржима вариантлари: 1. *Your doubt is misplaced, and in future, I am sure I will be in need of your benevolent and benign company, as well as your physical presence; I am sure that you will guard our possessions and everything else just as carefully as mother guards the child in her womb...*<sup>94</sup>. 2. *Doubts are inappropriate, and I'll continue to be in need of your benevolent society and a solid presence. I am sure that my property and everything else will be kept as secure as a child in a mother's womb...*<sup>95</sup>. 3. *There is no need for us to bandy about meaningless words. I rely on your tender mentorship and presence. I believe that my secrets will be kept as if in a mother's womb when I tell them to you*<sup>96</sup>.

<sup>92</sup> Гак В. Беседы о французском слове. М: Издат. «Международные отношения», 1966 г. - с. 31.

<sup>93</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар; Меҳробдан чаён: Романлар. — Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. — Б.26. (Бундан кейинги ўринларда “Ў.К.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>94</sup> Days gone by. Translator - Carol Ermakova: Nouveau Monde editions, 2018. English 3rd edition. — p.29. (Бундан кейинги ўринларда “К.Э.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>95</sup> The days gone by. Translator – Ilkhom Tukhtasinov and translators' group: Mashhur-Press, 2017. — p.27. (Бундан кейинги ўринларда “Т.И.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>96</sup> Bygone days (O'tkan kunlar). Translator – Mark Edward Reese: Nashville TN, Copyright: 2018. — p.74. (Бундан кейинги ўринларда “М.Р.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

Ваҳоланки ушбу нутқда асар қаҳрамони Отабекнинг Ҳасанали қулига нисбатан ўзгача меҳр-муҳаббати, яқинлиги ифодаланган бўлиб, бу муносабатлар биргина “амонатим” мурожаати орқали буткул ўзгача қиёфа касб этади ва Ҳасаналининг хўжаси учун кадр-қийматини белгилаб беради. Демакки, ушбу контекстда лакуна тематик тўрнинг элементи сифатида ташлаб кетилмай тўлдирилиши керак эди.

Яна бир сифатлардан бири - “*номаҳрам*” лексемасини таҳлилга тортамыз. Таржима тили луғатларида *stranger, forbidden to be in intimate contact with* изоҳлари билан интерпретация қилинувчи ушбу сўз таржима матнида мутлақ лакунани келтириб чиқарувчи лексик бирлик ҳисобланади. Хусусан, насрий асардан олинган навбатдаги мисоллар таржималарида, *номаҳрам* ўзининг лингвомаданий жиҳатларига кўра мутлақ лакуна мақомида қолган:

а) *Номаҳрамларга овозини эшитдирса, рози эмасман*<sup>97</sup>. – *If she lets to strangers hear her voice I will neglect her*<sup>98</sup>;

б) *...совуқ сўфиларнинг «ҳаром» деган даъволари синиб, нарча-нарча бўлган; «номаҳрамлик» сафсаталари от оёқлари остида янчилган; (К.К.,24) – Sufi's word “harom” was broken like a piece of ice; the words about “being unmarried” have been damaged under the horse's legs (Т.И.,23).*

Мутлақ лакуналардан фарқли равишда нисбий лакуналар икки тилдаги умумий маънога эга бўлган сўзларнинг қўлланиш такрорийлигини қиёслаганда ажралиб чиқади. “Миллий тилдаги сўзлар жуда кам қўлланиш даражасига эга бўлса лакуналар нисбий бўлиши мумкин”<sup>99</sup>, дейди Ю.Степанов. Нисбий лакуналарни аниқлаш учун В.Л.Муравьёв томонидан шундай далиллар келтирилганки, бу олимнинг шахсий таҳминлари бўлиб, уни таҳлиллар натижаларига кўра яна бойитиб бориш мумкиндир. Хусусан, нисбий лакуналарни аниқлаш ва тавсифлаш учун келтирилган ушбу асосларни мантиқан давом эттириш учун биз томонимиздан ҳам маълум фикрлар олға сурилган. Авваламбор, В.Л.Муравьёвнинг иккинчи тилга қиёсан олинганда биринчи тилдаги сўзнинг қўлланилиш даражаси пастлигини кўрсатувчи қуйидаги далиллари билан танишамиз:

1. Бир тилдаги сўз умуман иборалар таркибида келмайди ёки ўта кам ҳолатда келади ва айнан шу сўз иккинчи тилда иборалардаги энг кўп ишлатиладиган семантик ўзак ҳисобланади; 2. Бир тилда кўчма маъноларга эга бўлмаган сўз иккинчи бир тилда бошқача маънолар касб этади; 3. Бир тилда паст даражали деривация билан характерли бўлган сўз иккинчисида кўп сонли сўз ясаш жиҳатига эга бўлади.

Муаллиф юқоридаги учта асосни нисбий лакуналарни аниқлашдаги ишончли мезонлар сифатида тавсия қилади. Биз ушбу асосларга қўшилган ҳолда қуйидаги тўртинчи далилни ҳам қўшимча қилмоқчимиз. Миллат менталитетида шаклланган лекин маълум лексик ифодаланмай қолган тушунчалар борки, улар сўзнинг новербал ҳамроҳ маъноси сифатида бирга

<sup>97</sup> Чўлпон. Кеча ва кундуз. Биринчи китоб. Кеча. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа концернининг таҳририяти, 2000. – 19 б. (Бундан кейинги ўринларда “К.К.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>98</sup> Chulpon. Night and day. Translator – Ilkhom Tukhtasinov and translators' group: Tashkent: Bayoz MChJ matbaa korhonasi, 2014. – p.21. (Бундан кейинги ўринларда “Т.И.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>99</sup> Қаранг, Произведения Ю.Степанова, с. 121.

келиб, фақатгина ўша миллат вакиллари онгида жонланади. Сўзнинг ушбу лингвомаданий компонентини юзага чиқариш таржима тили ўзига хосликларидан келиб чиққанда, ҳар доим ҳам талаб қилинавермайди. Бу фикримизни қуйидагича шакллантирсак бўлади:

4. Лақунанинг нисбийлашуви лақуна-сўзга ҳамроҳ бўлиб келувчи маънони иккинчи бир тилда юзага чиқариш эҳтиёжининг йўқлиги ҳисобига содир бўлади.

Масалан, ўзбек ва инглиз тилларида тенг қийматдаги семантик хусусиятларга эга лексема сифатида “нон” сўзини олайлик. Ушбу бирлик ўзбек тилида кўплаб ясама сўзлар: *нонкўр, нон емас, нон гадойи, нондон, нон-намак, нон-насиба, нонхўрак*; иборалар: *нондек азиз, нонни нанна деб юрибди, нон топиб ейиши, нонини едириб қўймаслик, нон урсин, сувга тушган нондек, нонини яримта қилмоқ* таркибида ўзак бўлиб келади, масалан:

а) *Эҳ-ҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади!*<sup>100</sup>.

б) — *Нон урсин агар...* (К.К., 121).

Инглиз тилида ҳам “*bread*” мана шундай сўз ва ибора ясовчи жиҳатлари билан такрорийлиги юқори сўзлардан бири ҳисобланади: *daily bread, bread buttered on both sides, make one's bread, to take the bread out of smb.'s mouth, to have one's bread buttered for life, bread and cheese all bread is not baked in one oven, to eat smb.'s bread and salt to break bread with smb.* ва ҳоказо. Шу сабабли “нон” икки тилда ҳам бир-бирига нисбатан нисбий лақуна бўла олмайди. Энди “*барака*” лексемасини таҳлилга тортсак. “*Барака*” – *дуо, розилик, ижозат, бирор нарсанинг қутилган даражадан ҳам мўл-кўллиги, насиба, неъмат, эҳсон, фойда, наф, самара, унум, натижа* маъноларида қатор ибора, кўчма маъноларда ишлатиладики, унинг бу юқори кўлланиш даражаси, қайсидир маънода, ўзбек менталитетининг ҳамма нарсанинг Аллоҳ томонидан назр қилиниши, сабр-тоқат ва меҳнат сингари концептлари билан уйғунлашуви туфайли изоҳланиши мумкин. “*Сербарака, баракатли, баракасиз, баракат, барака кўсак, баракаси кўтарилмоқ, барака келтирмоқ, бориға борака, ҳирмонга барака, қўлида баракаси йўқ, барака қилмоқ, барака топ*” сингари сўз ва иборалар ўзбекона турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутадик, бу лексеманинг бошқа тилларга, хусусан, инглиз тилига нисбатан нисбий лақунарлигининг белгиланишига асос бўлади. Сўзнинг турли номларда келиши ҳам (*Баракаев, Барака ҳирмони...*) унинг нутқдаги кўп фойдаланилувчи бирликлар қаторига киритади. Ушбу сўз контекстда келишига кўра инглиз тилидаги “*blessing(s), bounty; profit*” сингари таржималарига эга бўлиб, уларнинг бирортаси аслиятдаги сингари юқори кўлланилиш даражасига эквивалент бўла олмайди. Масалан, қуйидаги гапда ушбу лексема кенгайтирилган таржима усули орқали инглиз тилига ўгирилганини инобатга олсак, унинг нисбий лақунага яққол мисол бўлишини кўришимиз мумкин: ***Барака топинглар.***

<sup>100</sup> Фулом Ғ. Ҳикоялар. – Тошкент: Ғофур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –333 б. (Бундан кейинги ўринларда “Ғ.Ғ.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

Раҳмат...<sup>101</sup>. - *Let God make bounty your companion. Thank you...*<sup>102</sup> (Аллоҳ саҳийликни сизга ҳамроҳ қилсин). Ёки кўп ҳолларда умумий сифатловчи лексик бирлик билан лақунанинг тўлдирилиши кузатилади: *Ҳеч бўлмаса, барака топинг, де*<sup>103</sup>. - *At least wish us goodness*<sup>104</sup>.

Қуйида тематик тўрға даҳдлор элементнинг яққол мисоли сифатида ушбу бирликнинг қандай ўгирилганлигини амалий кўрамиз:

Кундан-кунга ишим кейин кетиб, ишлаганим рўзгорга учурвоқ ҳам бўлмай бошлади. Ёмон хотиннинг шум қадами билан уйимдан **барака** кўтарилганлигини ва барча **баракаларимни** рафиқам Саодат билан бирга кўмилганлигини онглаб, кейинги хотинимни талоқ қилдим. (Ў.К., 202) Таржима вариантлари: 1. *My affairs worsened day after day. Fortune and prosperity fled my home the very day this foolish woman took charge. I realised all my luck and well-being had passed into the other world along with Saodat. I threw my second wife out, divorced her.* (К.Э., 188). 2. *My affairs became worse and worse day by day. Good luck and content ran away from my house as soon as the bad wife started ruling in my house. I understood that I would be gone with it, and banished the second wife, divorced with her.* (Т.И., 200). 3. *My business began to fail, decining day after day. Success and well-being left my home as soon as the bad wife took everything in her hands. I realized that all my earnings and the blessings of my life had left this world with Saodat...* (М.Р., 326).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тематик тўр масаласига келганда, бир гап доирасида сўзнинг такрорий қўлланиши ортидаги муаллиф кўзлаган маълум бадий мақсад лақуна-элементнинг таржимада айна битта муқобил билан берилишини тақозо этади. Мисолнинг учта таржималаридан ҳам аён бўлмоқдаки, лақунанинг турлича муқобиллар билан тўлдиришга ҳаракат қилинганлиги ушбу вазифанинг амалга ошишини таъминлаб бера олмаган. Қуйида бир асар сарҳадларида ушбу лақунар бирликнинг ишлатилиш ҳолатлари ва таржима вариантларини кўриб чиқамиз:

а) *Мен ота касбимдан барака топмайдиган кўриндим* (Ш.Б., 107). – *I thought my father's job was useless for me* (N.B., 15).

б) *Қани, ука, ҳа, барака де, - дея ярим соатча савдолашгандан кейин кетмонни ярим сўмга, куракни бир ярим тангага “бор барака топ” қилдик* (Ш.Б., 108). – *Таржима йўқ.*

в) *...далолларнинг билаклари “бор барака топ”да чарчаган* (Ш.Б., 137). - *... the hands of brokers are tired of “blessing”* (N.B., 46).

г) *Сен ҳароми келгандан буён дўкон-дастгоҳимдан барака кўтарилиб, такада бирор кун тинчим қолмади* (Ш.Б., 221). – *Since your coming here we lost peace* (N.B., 123).

Мисоллар таржимасидан аниқ бўлмоқдаки, “барака” барча ўринларда турлича лексик бирликлар билан ўгирилиши ҳисобига нисбий лақунар бирлик мақомини олмоқда ва ушбу бирлик маъносини таржимада очишда чуқурроқ лингвомаданий ёндашувни амалга оширишни талаб қилмоқда. Хусусан, биринчи ва учинчи мисолларда лексема мазмуни таржимада

<sup>101</sup> Холмирзаев Ш. Сайланма 2-жилд. – Тошкент: Тошкент: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 2008. –69 б. (Бундан кейинги ўринларда “Ш.Х.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>102</sup> Kholmiraev Shukur. The character of the Uzbeks (story). Translated by Shuhrat Sattorov. - Published: Sunday, 29 September 2013. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/140-shukur-kholmiraev-the-character-of-the-uzbeks-story> (Бундан кейинги ўринларда “Ш.С., web-site” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>103</sup> Мурод Тоғай. Ойдинда юрган одамлар. – Тошкент: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 2008. – 2 б. (Бундан кейинги ўринларда “Т.М.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>104</sup> Murod Toghay. People by Moonlight. Translated by Azam Abidov. Published: 17.05.2012. Translations from Uzbek fiction. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/107-toghay-murod-people-by-moonlight-story> (Бундан кейинги ўринларда “А.А., web-site” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

ғализланган, яъни аслиятдаги семемага хос аналог танланмаган, иккинчи ва тўртинчи таржимада эса лакуна тўлдирилмай кетилган. Масалан, иккинчи таржима: *Arguing over the cost for half of an hour and saying “Come on, brother, make a deal”*, we *“made a deal”* having sold the things for.... каби вариантда ўгирилиши аслиятга хос маънони етказиши мумкин эди.

Энди ушбу лексема ўзагида хосил қилинган “*баракалла*” сўзи таҳлилига ўтсак. Бу арабча сўз *барака* феълнинг “*бирор ишни бажаришига фотиҳа берди*” маъносини англатувчи шакли *барака* ва *Аллаху* сўзларидан ташкил топган бўлиб, аввал “Аллоҳнинг ҳайру-эҳсони ёр бўлсин” маъносини англатган, кейинчалик эса, маъно тараққиёти натижасида қўллаб-қувватлашни, мамнуниятни, тасдиқни ифодаловчи ундов сўзга айланган. Асарларда қўлланилган *баракалла* сўзининг лингвомаданий компоненти маълум мазмунда унинг дастлабки маъносини берувчи коннотация ҳисобига юзага чиқадики, бу унинг нисбий лакуналар қаторида кўриб чиқилишини тақозо этади. Энди *баракалланинг* таржималарда берилиш ҳолатларига эътибор қаратамиз. Масалан, “Ўткан кунлар” асари таржималарининг таҳлили натижасида, *баракалла* ундови асарда 18 марта қўлланилганини ҳамда барча таржима вариантларида ҳар гал турлича ўгирилганини кузатдик. Бу лакунанинг такрорийлик ҳамда бир сўзлик ёки муқим жумлалик таржимага эга эмаслик сингари мезонларига мос тушади. Жумладан, ушбу сўз асарда контекст ёрдамида қуйидагича ўгирмаларга эга бўлган (тадқиқот ҳажмини ҳисобга олиб, контекст ичида бермадик):

2.1-жадвал. “*Баракалла*” нисбий лакунар бирлигининг таржималарда берилиши”

<b>К.Эрмакова таржимасида:</b>	<b>И.Тўхтасинов таржимасида:</b>	<b>М.Риз таржимасида:</b>
<i>Ah, thank you</i>	<i>Good lad</i>	<i>Bravo</i>
<i>This is the crux of the matter</i>	<i>Bravo</i>	<i>Bless you</i>
<i>I praise you</i>	<i>Well done</i>	<i>Bless you</i>
<i>Good lad</i>	<i>Well</i>	<i>Well done</i>
<i>Well, many thanks for that</i>	<i>Таржима йўқ</i>	<i>Таржима йўқ</i>
<i>nodding in approval</i>	<i>Such a good girl</i>	<i>Thank you</i>
<i>Ah, good girl</i>	<i>Very good</i>	<i>Bless you</i>
<i>To praise</i>	<i>To be highly praising</i>	<i>giving his thanks</i>
<i>Well done</i>	<i>Well</i>	<i>Bless you</i>
<i>Praise to you</i>	<i>Bravo</i>	<i>Thank you</i>
<i>Ah, clever man</i>	<i>How clever of you</i>	<i>That was smart!</i>
<i>Fine fellows</i>	<i>Well</i>	<i>You must all take great pride in yourselves</i>
<i>glory to you</i>	<i>thanking him much</i>	<i>blessing him in prayer</i>
<i>Welcome</i>	<i>Welcome sister</i>	<i>Barakalar*</i>
<i>Yes</i>	<i>Yes, you are absolutely right</i>	<i>You are right</i>

Қуйидаги мисол таржимаси орқали, контекстга кўра лакунани тўлдириш муваффақиятли амалга оширилганини кўриш мумкин: —

*Баракалла, чавандоз! Баракалла, Турғун чавандоз! — дейишди улар*<sup>105</sup>. – *You've made it! What a brave horseman! Keep it up, Turgun horseman! — they said*<sup>106</sup>. Бундан ташқари, *баракалланинг* кўллаб-қувватлаш, мамнуният, тасдиқ сингари маъноларининг батамом акси бўлган норозилик, қониқмаслик, заҳарҳанда маънолари борки, улар ҳам нисбий лақуналар сифатида ўзига хос ёндашувни талаб қилади:

а) — *Эййи, баракалла сизга, Шокирбек, қаёғларда қолиб кетдингиз? Жуда ҳам ташвишландим-да ўзим...* (Ў.К., 223) Таржима вариантлари: 1. *Praise Allah, are you here at last, Shakirbek! Where on earth have you been? I was so worried...* (К.Э., 208). 2. *Hey, brave fine fellow! Shokirbek, where have you been!? I worried very much...* (Т.И., 220). 3. *Thank God you showed up, Shokirbek! Where have you been? I worried myself to death...* (М.Р., 354).

б) *Ҳасанали Отабекнинг юзига узоқ тикилиб қолди...* — *Йигит эмасмисиз, эй баракалла* (Ў.К., 320). Таржима вариантлари: 1. *You are a man, aren't you? You should be ashamed of yourself.* (К.Э., 293) 2. *Aren't you a brave young man?!* (Т.И., 320). 3. *Are you not a Yigit\*? He-e, bless you!* (М.Р., 493).

Кўриниб турганидек, битта ҳолатдан ташқари (*you should be ashamed of yourself*) аксарият таржима вариантларида лексема яна ўша биринчи маъносида таржима қилинган. Шунингдек, ушбу лексема негизида ясалган яна бир от мавжудки, кўшимча маъно касб этганлиги ҳисобига лақунани компенсация қилиш имкони вужудга келган: *Ёнига "ҳайбаракаллачилар" киришди.* (К.К., 46). – *Multiplied flatters around him* (Т.И., 36). Навбатдаги нисбий лақуна таҳлилига ўтамиз. Масалан:

*Худойга топширдим, Кумуш, қазом етиб кўралмай ўлсам, мандан рози бўл!* (Ў.К., 352). Таржима вариантлари: 1. *May you be blessed by Allah! Should the hour of my death come and I die without seeing you again, think kindly on me!* (К.Э., 320). 2. *I trust you to Allah, Kumush, if my dying day comes, forgive me!* (Т.И., 354). 3. *If my final days are near and I pass away without ever seeing you again, remember me well.* (М.Р., 539).

*Рози бўлмоқнинг мамнун бўлмоқ, қониқмоқ, бирор нарсани қилишга кўнмоқ* сингари маъноларидан ташқари яна бир *розилашмоқ* маъноси борки, унга кўра ушбу феъл *бир-биридан қилмишларини кечиришни сўраб видолашмоқ* тушунчасини беради. Бу тушунча шуниси билан ўзига хослик касб қиладики, мусулмон динидаги қарашлардан келиб чиққан ҳолда инсонларнинг бир-бирларини норизо қилиб у дунёга кетишлари ва ушбу юк билан Аллоҳнинг ҳузурида туришлари қораланади. Яъни инсон шу сабабли кўзи очиқлигида ўзи дилини оғритган бошқа инсондан рози бўлишини – кечиришини сўрайдики, токи бусиз қазо қилиб, гуноҳ билан кетишни ўзига раво кўрмайди. Демак, мана шу фикр *розилик сўрамоқнинг* ўзига хос лингвомаданий компоненти сифатида ҳамроҳ маъно бўлиб келади ҳамда мана шу хусусияти орқали ушбу феъл инглиз тилидаги нисбий лақуна ҳисобланади. Юқоридаги мисол таржималарининг учовида ҳам нисбий лақуна тўлдирилган ҳисобланади.

<sup>105</sup> Қодирий А. Жинлар базми (ҳикоялар). – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2004. – 6 б. (Бундан кейинги ўринларда “А.К., ҳикоялар” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>106</sup> Kodiriy Abdulla. At the Ulok (story). Translated by Shuhrat Sattorov. Published: Sunday, 29 September 2013. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/138-abdulla-kodiriy-at-the-ulok-story> (Бундан кейинги ўринларда “Ш.С., web-site” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).


Бундан ташқари, ўзбек тилида гапда берилаётган ахборот маъносини кучайтириш мақсадида қўлланиладиган жуфт сўзлар борки, улар ясашиш, қўлланилиш даражасига кўра ҳам инглиз тилида кўп сонли нисбий лакуналарнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Жуфт сўзлардан фойдаланиш ҳар қандай ёзувчининг бадий маҳорати ва ўзига ҳос услубини белгилаб беради. Жумладан, асарларда *борди-келди, лом-лим, ўнг-терси, унча-мунча, тилар-тиламас, увалик-жувалик, апоқ-чапоқ, кирди-чиқдилик, топқан-тутқан, лаш-луш, гиди-гиди, қат-қат, у-бу, тег-тахт, қисиниб-қимтиниб, битта-яримта, ҳўлу қуруқ, иссиқ-совуқ, наридан-бери, алонг-жалонг, дали-гули, ўлда-жўлда, шошиб-пишиб, қип-қизил, шап-шап, наридан-бери, ялиниб-ялпоғлиниб, артиб-суртиб, кам-кўст, ола-кула, тўй-пўй, ёппа-ёлғиз* каби лакунар жуфт сўзларга дуч келдик ва таржималар таҳлили натижасида уларнинг аксарияти умумийликда ёки сатр ичида кенгайтма тасвир шаклида ўгирилганини аниқладик. Хусусан, қуйидаги мисолларда бунинг исботини кўришимиз мумкин:

*а) Ўзбек ойимнинг дали-гулилигидан Офтоб ойим ва Кумуш унга жуда ўзлашиб олганлар...*(Ў.К., 325). Таржима вариантлари: 1. *Uzbekayim's disarming geniality and frankness quickly endeared her to Kumush and Oftobayim.* (К.Э., 298) 2. *Oftob-oyim and Kumush got used to Uzbek-oyim's confused speaking...* (Т.И., 326) 3. *Oftob Oyim and Kumush could now comprehend Uzbek Oyim's simplehearted nature through her rambling exposition...* (М.Р., 500)

*б) Тоғамга ялиниб-ялпоғлиниб олдирган ўрус юганни артиб-суртиб солдим-да, ўзим четроқдан туриб кам-кўстини кузатдим...* (А.Қ., ҳикоялар, 5) - *After cleaning it I bridled the colt with the Russian bridle my uncle had bought for me after many requests. I led the colt outside and took a good look at him* (Ш.С., web-site).

*в) Ойимнинг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим киймоқчи бўлсам, кўзини ола-кула қилиб: «Қақшағир, кир қиласан, тўй-пўйга борганда киярсан!» — деб қаргай бошлайди.* (А.Қ., ҳикоялар, 5) - *My mother has a strange habit. Whenever I put on my best clothes she always starts to criticize me. – Don't wear them today! They'll get dirty! You should wear them to a wedding!* (Ш.С., web-site).

Юқорида келтирилган фикрлардан маълум бўладики, лакуналарни қайсидир маънода вектор катталикларга тенглаштириш мумкин – фақатгина икки тил қиёсида юзага чиқишига кўра улар, авваламбор, йўналганлик жиҳатидан ажралиб туради. Бундан ташқари, турли тилларда тушунча ҳажмларининг мос келмаслигига кўра микдорий тафовутлар билан характерланувчи лакуналар ҳақида ҳам фикр юритиш жоиздир. Маълумки, икки тилда муқим лексик мақомга эга тушунчалар ҳажм бўйича доим ҳам бир-бирига мос келавермайди: баъзида шундай бўладики, бир тилда лексик ифодасини топган тушунча бошқа тилдаги тегишли тушунчадан кенгрок маънога эга бўлиши мумкин, яъни ўзга тилда турга оид тушунчаларни ўз ичига қамраб олади. Мантиқда бундай муносабатларни эргаштирувчи деб аталади. Образли тилда айтадиган бўлсак, икки тилни кузатувчи деб олинса, улардан бири предметни узоқдан, иккинчиси яқиндан туриб барча майда деталларигача кўради дейиш мумкин. Энг содда ва тушунарли мисол сифатида ўзбек тилидаги “қўл” сўзини олайлик:



“Кўл” инглиз тилидаги лакуна ҳисобланади, чунки инглиз тилида елка пастидан бармоқ учигача бўлган аъзони умумий номлайдиган бир сўз ёки муқим бирикма йўқ. Масалан, ўзбеклар “*қўлим оғрияпти*” деганда, тирсакдан пастини ёки юқорисини ёки бармоқларини ҳам назарда тутиши мумкин ҳамда қачонки деталлаштириб айтилса, кўлнинг тегишли қисми номи тилга олинади. Ёки “*бармоқ*”ни оладиган бўлсак, унга инглиз тилида “*toe*” ва “*finger*” мос келади ва яна лакуна ҳосил бўлади. Шунингдек, “*ҳид*” ҳам инглиз тилидаги вектор лакунага мисол бўла олади: *ҳид* - *scent, smell, odor* ва ҳоказо.

Энди асарлар таржималарида учрайдиган вектор лакуналарга эътибор қаратамиз. Инглиз тилида турмуш қурган жуфтликнинг бир-бирига нисбатан қариндошларини номлашда *in-laws* кўшма отидан кенг фойдаланилади. Яъни тегишли қариндошлик атамасига *in-laws* қўшилиб, янги кўшма отлар ҳосил қилиниши мумкин. Ўзбек тилидаги турмуш қуриш орқали вужудга келадиган қариндошлик атамалари инглиз тилига нисбатан кенг бўлиб, инглиз тилида битта ном билан аталган битта сўзга ўзбек тилида қатор тушунчалар тўғри келади. Масалан, *қайин сингил, қайин опа, янга (келинойи), овсин* сингари отлар учун биргина *sister-in-law* муқобили бор. Масалан, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасидаги қайинсингил ва янга суҳбати акс этган вазиятда ушбу икки номнинг муаллиф томонидан такроран ишлатилиши кузатилади ҳамда инглиз тилига таржимада микро матннинг айнан шу ҳолатда ўгириб бўлмаслиги аён бўлади. Таржимон “*янга*”ни кўп жойларда *she* олмоши билан алмаштириш ҳисобига тушунмовчиликнинг олдини олишга ҳаракат қилган.

*Қайинсингилсига тикилди-тикилди, мийиғида кулди-кулди. — Уялсанг-уялмасанг, бу баримизнинг бошимизда бор савдо, — деди янга бўлмиш... Янга бўлмиш кенжасини Оймомога берди.*(Т.М., 4) - *She stared at her sister-in-law and smiled. – You feel shy or not, this will happen to all of us, – she said... The sister-in-law gave her younger child to Oymoto* (A.O., web-site).

Ёки *қайин оға, қайин ини, почча, божа* учун ҳам биргина *brother-in-law* муқобили мавжуддир. Хусусан, қуйидаги мисолда *поччага* нисбатан муқобил бирлик мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, таржимон унга қавс ичида изоҳ бериб кетмоқда: *Э! Ундай бўлмаса керак! — деди Ўрмон ака. Кейин кулди. — Язнамиз (почча) билсалар керак? (Ш.Х., 69) - Oh no! That’s terrible!—said brother Ormon, then laughed.—Maybe brother-in-law\* knows it, does he?\*(Brother-in-law – he is referring to the woman’s husband) (Ш.С., web-site).*

Бу ҳодиса бир тилнинг иккинчисига нисбатан қариндошлик атамаларини деталлаштириб номлашга мойил эканлигидан далолат беради. Жумладан, ушбу атамалар қаторида учрайдиган “*қуда*” сўзи қуёв ва келиннинг ота-оналарини англашиб, у икки томоннинг бир-бирига нисбатан муносабатини ифодалашда ишлатилади. Ўзбек тилида ушбу тушунча



жинслар ва ҳатто ёшга кўра ҳам номларга ажратилиб, қуйидагича кўриниш касб этади:

2.2-жадвал. “Ўзбек ва инглиз тилларида қариндошлик атамаларининг қиёси”

Қайин ота	Father-in-law
Қайин она	Mother-in-law
Қудалар	In-laws
Эркак қуда	-
Ҳотин қуда	-
Қудача	-

Кўриб турганимиздек, ушбу вазиятда инглиз тилида вектор лакуна вужудга келади. Асарлар таржималарида бу лакуна турлича – умумлаштириш, тасвирлаш, яқинлаштириш ва транскрипция сингари усуллар билан тўлдиришга ҳаракат қилинган:

**а)** Бу иккинчи совчиликда гўё қудачалардек қарши олинди (Ў.К., 133). Таржима вариантлари: 1. *This time they greeted her as a true **in-law*** (К.Э., 126). 2. *This time she was welcomed as a **mother of the son-in-law*** (И.Т., 132). 3. *During their second meeting the members of Olim Ponsad’s family lavished attention on her, dignifying her position as **quda\*** to the renowned Yusufbek Hajji...* (М.Р., 227).

**б)** — Бу киши қудачангиз — Офтоб ойим бўладирлар. (Ў.К., 310). Таржима вариантлари: 1. *This is **your son’s mother-in-law**, Oftobayim* (К.Э., 285). 2. *This is **the mother of your daughter-in-law*** (Т.И., 309). 3. *We have your **in-law**, Oftob Oyim* (М.Р., 479).

Шунингдек, қуда оти негизида қудалаймоқ феъли ҳам ҳосил қилинганки, уни ҳам деталлизация орқали таржимада маъноси очиб берилади:

Бир неча вақт шу йўсун Хушрўйнинг раъйига қараб эр-хотин зерикадирларда, ўзларича бир жойга қудалаймоқчи бўладирлар (Ў.К., 355). Таржима вариантлари: 1. *Her parents heeded her wishes for a long time, but finally they had their fill of waiting and resolved to **marry her off** as they saw fit* (К.Э., 323). 2. *For a long time her parents consulted her wishes, then getting tired of it, they decided to **enter into an agreement with** some family* (Т.И., 358). 3. *For sometime both husband and wife would get upset, attempting to **bring about an engagement** they found suitable* (М.Р., 545).

Шунингдек, “жувон” атамаси ҳам алоҳида таҳлилга сабаб деб ҳисоблаймиз ва унинг вектор лакуна мақомига эғалигини қуйидагича асослаймиз. Ўзбек тилида жувон тушунчаси ортида: 1) турмуш қурган аммо ҳали ёш аёл; 2) турмушга чиқиб ажрашган ёки тул қолган аёл; 3) иффатини йўқотган қиз маънолари туради. Қуйидаги жадвал шаклида ушбу маъноларнинг инглиз тилидаги таржималарини кўрамиз:

2.3-жадвал. “жувон” тушунчасининг семема таҳлили”

Турмуш қурган ҳали ёш аёл	Young married woman
турмушга чиқиб ажрашган ёки тул қолган аёл	Young divorcee or widowed woman
иффатини йўқотган қиз	Girl/unmarried woman who has lost her virginity

Биринчи ва иккинчи маънолар учун инглиз тилида бирикма шаклида муқим эквивалентлар мавжуд ва таржимада бу ҳеч қандай тўсиқларни ҳосил қилмайди. Учинчи маъно муқобили эса, инглиз тилида сўз ёки муқим

биризма шаклида мавжуд эмас, бунинг сабабини эса лексеманинг лингвомаданий компонентини юзага чиқариш орқали аниқлаш мумкин. Яъни, ўзбек ва инглиз менталитетини қиёслаш натижасида шундай катта тафовут кўзга ташланадики, турмуш қуриш масаласида ўзбек миллати учун кизлик иффати ўта муҳим омил ҳисобланади ва шу сабаблидир, ушбу тушунча учун алоҳида атама ҳам шаклланган. Яна олимлар нуқтаи назарларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ҳар бир тил объектни номлашга бўлган эҳтиёжини ўша объектни қайси ракурсдан кўришни лозим топганига кўра қондиради деган фикрни олға сураимиз. Қуйидаги парчада таржимонларнинг сезгирликларини алоҳида ижобий эътироф қиламизки, улар сўзма-сўз таржима билан кифояланиб қолмай, тематик тўр элементи бўлиб келаётган лақунани тўлдиришда юқоридаги лингвомаданий жиҳатларига эътибор бериб, қўшимча сатр ичи кенгайтма изоҳлар билан *жувон* тушунчасини ўта тушунарли ёритиб беришган:

*Нима, жувонга ҳам тўй бошқа, никоҳ бошқа бўлармиди? Борди-келди битта жувон қизи бор-ку, мунга тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиламиз деганига ҳайронман. (Ў.К., 220). Таржима вариантлари: 1. Well, why celebrate them separately? After all, she is no maiden. It's only young girls who celebrate the nikokh and the wedding feast. She has already been wed, Indeed, it is a wonder her father demanded we mark the nikokh and the wedding separately (К.Э., 206) 2. What have you thought, should the wedding and engagement be separately for a woman? It is done separately only for maidens. But he he has just a woman daughter, and I wonder why then he is saying to make wedding and engagement separately (Т.И., 217). 3. Why should we set a separate engagement date for a divorced woman? She is not a virgin anymore. Only first-time brides have separate engagement and wedding celebrations (М.Р., 350).*

Бундан ташқари, услубий лақуналар ҳам мавжудки, уларнинг таржимада вужудга келиш омиллари алоҳида тадқиқот манбаига айланади. Ўз номидан айтиб турганидек, услубий лақуналар бир тилда мавжуд бўлган сўз ёки иборанинг услубий бўёқдорлиги иккинчи бир тилда шу мазмундаги сўз ёки иборада мавжуд эмаслиги ҳолатида вужудга келади. Масалан, ўзбек тилида ҳам маълум услубий мансубдорликка эга бирликлар мавжудки, уларни инглиз тили учун услубий лақуналар деб тан олиш мумкин, чунки инглиз тилида уларга муқобил услубий бўёқдорликка эга сўзлар йўқ. Бу масалага бошқа томондан ҳам ёндашса бўлади ҳамда айрим ҳолатларни услубий вектор лақуналар сифатида қабул қилса бўлади. Умуман олганда, чиндан ҳам, ўзбек тилидаги сўз иккита икки хил услубий бўёқдорликка эга инглиз тилидаги сўзларни ўз ичига олиши мумкин, яъни улардан бири услубан нейтрал бўлса, иккинчиси ўзбек юқори услубли бўлади. Яна шундай услубий бўёқдорликка эга бирликлар борки, улар ўзбек тилида юқори қўлланилиш даражаси билан ажралиб турса, инглиз тилида такрорийлиги ўта паст ҳисобланади. Бу билан айтиш мумкинки, услубий лақуналар ичида мутлақ ва нисбий лақуналар ҳам фарқланади. Демак, агар Б тилида А тилига муқобил услубий бўёқдорликка сўз мавжуд бўлмаса, биз Б тилида мутлақ услубий лақунанинг вужудга келиши ҳақида гапиришимиз мумкин. Агарда Б тилида А тилига муқобил стилистик бўёқдорли сўз мавжуд бўлса-да, қўлланилиш даражасига кўра фарқланса, яъни, А тилидаги сўзга нисбатан

кам ишлатилса, унда Б тилидаги нисбий лакуна ҳақида сўз юритиш мумкин. Қуйида услубий лакунага мисол бўла оладиган “камина” сўзини таҳлилга тортамыз. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилишича, ушбу бирлик “камтарлик ёки одоб юзасидан “мен” сўзининг ўрнида ишлатилади” ва шу боис юқори услубга тегишли бўлиб, инглиз тилидаги услубан нейтрал “I” (мен)га эквивалент бўла олмайди:

*а) ... Аммо каминалари бу хусусдаги айбни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз,...* (Ў.К., 135). Таржима вариантлари: 1. *I do not blame you ...* (К.Э., 135). 2. *I couldn't blame you for it ...* (Т.И., 141). 3. *But the fault does not all rest on your shoulders...* (М.Р., 241).

*б) Бундан ташқари, ўзингизга маълум, камина кутубхонанинг, айниқса, фундаментал кутубхонанинг фаол ўқувчиларидан.* (Ш.Х., 68) - *And as you know, I'm an active reader of the public library* (Ш.С., web-site).

*в) ...суриштириб келса, Фарҳод тоғнинг нарғидан, камина бу ёғидан бўлиб чиқди*<sup>107</sup>. - *First of all, like myself, he was a man born in a remote mountainous area*<sup>108</sup>.

*г) Камина “бой” тажрибамдан, биринчи галда Ибн Сино қўллаган халқ табобати, яъни аччиқ бодом ёғини томизишининг нафидан бошладим* (Э.А., 108). - *I started from my own rich experience of treatment.* (А.А., 103).

*д) – Каминанинг ушбу мулоҳазалари баъзиларга Хўжа Насриддиннинг маишхур қозилигини эслатса эҳтимол...* (Э.А., 133). - *My thoughts remind me of Khoja Nasriddin* (А.А., 127).

*е) Бир ривоятда шу гингшиётган каминанинг ўзлари эмишман* (Ш.Б., 140). - *Then I turned into that dog* (N.B., 48).

Келтирилган мисоллардан англашилганидек, камина таржима вариантларида бевосита *I (мен), ту (менинг) ва myself (ўзим)* услубан бетараф бўлган муқобиллар билан берилаётган бўлиб, аслиятдаги услубий бўёқдорлик таржимада акс этмагани туфайли, ёки бошқача қилиб айтганда, аслиятдаги ушбу сўзга таржима тилида ана шундай услубий бўёқдорликка эга муқобил мавжуд эмаслиги боис у услубий лакуна мақомини олмоқда.

Яна шундай грамматик шакллар ҳам борки, уларнинг маълум сўзларга нисбатан қўлланилиши лексик бирликларнинг услубий жиҳатдан бўёқдорлик касб этишига сабаб бўлади. Жумладан, *-гина* шаклини олайлик. “Ўғригина болам” ҳикоясида ушбу қўшимчанинг бош қаҳрамон – кампирнинг нутқида қўлланилиши (*ўғригина болам* кабилида) алоҳида услубий жилони беради. Бу орқали асар ёзувчисининг сўз ва грамматик шаклларнинг ўзига хос тарзда қўллашининг индивидуал услуби юзага келган. Унда белги-сифатнинг озлиги ҳам, эркалаш ҳам, ачиниш маъноларининг мазмуний майдони бор. Ўзбек тилида “*ўғри*” сифат туркумидаги сўзга унинг *-гина, (-кина, -қина)* шакллари қўшиш ва сўз маъноларидан юқори маҳорат билан фойдаланиш Ғ.Ғуломнинг ўзига хос ёзувчилик услубини белгилаган. Биламизки, *-гина* отга қўшилса, кичрайтириш ва эркалаш, ачиниш маъноларини беради, сифатга қўшилса белгининг одатий ҳолдан озлигини ифодалайди. Бу сўзда барча маъно-мазмуннинг умумлашган жараёнини кўриш мумкин. Ушбу шакл

<sup>107</sup> Аъзам Эркин. Шовқин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 107 б. (Кейинги ўринларда “Э.А.” шаклида матн ичида ҳавола қилинади).

<sup>108</sup> . A'zam Erkin. Farewell to fairy tales. Translated by Aazam Abidov. – Tashkent: Publishing house of Alisher Navoi National library of Uzbekistan, 2015. – p.103. (Кейинги ўринларда “А.А.” шаклида матн ичида ҳавола берилади).

Ўзбек тили фонида инглиз тилидаги услубий лақунани ҳосил қилади. Бевосита асар таҳлилига келсак, “*ўзригина болам*” ибораси асар қаҳрамони нутқида кўп маротаба ишлатилганлиги сабабли асосий ифода шаклини ҳосил қилади ва бу ушбу лақунар бирликнинг тематик тўрға мансублигини ҳам билдиради. *Ўзригина болам*нинг *my thief boy* тарзида ўгирилиши аслиятдаги иборада акс этган услубий маънони бера олмаган. Бу ҳолатда *my poor thief boy* ёки *my little thief boy* вариантларини ишлатиш орқали ушбу лақунани маълум даражада тўлдирилиш мумкин эди.

Лақуналарни нафақат синхрон тарзда, балки уларнинг тарихий тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш долзарбдир. Инсоният тўхтовсиз камолот сари интилиб боради ва бу фикр лақуналарга ҳам тегишлидир. Шундай бўладики, маълум тарихий давр оралиғида лақуналар “тўлиб” қолиши кузатилади ва бу кўпинча, икки омилга кўра содир бўлади: 1. сўзларнинг ўзлашиши; 2. тилнинг ички имкониятлари ҳисобига неологизмларнинг ҳосил қилиниши. Агарда икки даврда яралган икки тиллик луғатларни қиёслаб кўрилса, аввалроқ яратилган луғатлардаги мутлақ лақунар бирликлар кейинги давр луғатида бундай мақомини йўқотганини кўриш мумкин. Тарихдан тилларнинг ўзаро бир-бирига таъсири туфайли кўплаб лақуналар элиминацияси содир бўлганини кузатиш мумкин. Ўзбек тили лексикологиясининг ҳам инглиз тили ҳисобига бойиш ҳолатлари сони борган сари ошиб бормоқда.

Лақуналар нафақат тўлдирилиш ҳисобига йўқолиб боради, балки бу ходиса у ёки бу тилнинг маълум тушунчани ишлатишга эҳтиёж сезмай қолиши ҳисобига ҳам ҳам содир бўлади. Ушбу ҳолатда нафақат бир тилнинг бошқа бир тилга нисбатан лақунарлиги ҳақида, балки бир тилнинг ўз ўтмишига нисбатан лақунарлиги ҳақида ҳам гапириш мумкин. Масалан, ўзбек тилида шундай қўлланилмай қолган ёки фақатгина маълум бадий мақсадларда қўлланиладиган сўзлар борки, улар ифодалаган тушунчаларни фақатгина парафраза қилиш орқали тушунтириб бериш мумкиндир.

Куйида улардан айримларини мисол сифатида таржима вариантлари билан келтирамиз:

а) *Зиё шоҳичи қутидор тарафидан ўзига бериладирган шу саволни қутиб турган эди.* — Сизнинг *каримангиз*, — деди (Ў.К., 43). Таржима вариантлари: 1. - *Your favorite one* (К.Э., 46). 2. *She is yours, man* (Т.И., 45). 3. *Your beloved daughter* (М.Р., 45).

б) *маҳрам* (Ў.К., 104) - 1. *favourite, markham\** (\**markham* – *loyal servant or favourite*) (К.Э., 103) - 2. – *spouse, sweetheart, beloved* (Т.И., 107) - 3. *mahram\** (\**spouse, lover, ingenuie*) (М.Р., 186).

в) *Матлуқам\** Кумушибибига (*матлуқа* – талоқ қилинган) (Ў.К., 211). - 1. *My former wife, Kumush-bibi* (К.Э., 196). - 2. *to my ex-wife, Kumush-bibi* (Т.И., 208). - 3. *To my former wife, Kumush Bibi* (М.Р., 339).

г) *Аҳлиямиз* ҳам уччига чиққан чевар, худога шуқур. *Ожизамиз* ҳам дўнни тикишга «фаранг» бўлиб чиқди! (К.К., 12). – *Thanks to God, my wife is a mastered dressmaker. Besides my daughter is also a skilled cap maker* (Т.И., 17).

д) *Ҳа, Раззоқ сўфининг ожизаларимисиз?* (К.К., 99). – *Are you Razzoq Sufi's daughter?* (Т.И., 73).

Тадқиқотмиз доирасида биз лақуналарнинг мутлақ, нисбий, услубий ва вектор турларини таҳлил қилиш билан чегараландик. Бунга биринчи сабаб,

ушбу лакуна турлари, бизнинг фикримизча, турли олимларнинг турли тадқиқотларида ўрганилган лакуналарни йўналишига кўра қамраб олиши мумкин. Иккинчи сабаб шуки, бобимизнинг бошида айтганимиздек, тадқиқотимизда таҳлилга тортилган лакуналар Бархударовнинг “тасодифий” лакуналари назариясига таяниб иш кўрмоқдамиз, унга кўра эса, лакуналарни этнографик, ассоциатив, маданий сингари турларга бўлиб ўрганиш кўзда тутилмаган.

### 2.3. ТАРЖИМАДА ЛАКУНАЛАР ЭЛИМИНАЦИЯСИ

Аввалги фаслимизда қайд этиб ўтилганидек, тиллараро лакунарлик ҳолати тиллараро ёки маданиятлараро мулоқот вақтида кескин намоён бўлади, сабаби бу мулоқотнинг асосий шакли сифатида таржима фаол юзага келади. Таржима соҳаси мантиқий равишда лакуналар элиминациясининг кенг тарихий жараёнига киритилади, ва бунга асос сифатида таржиманинг лакуналарни бартараф қилишдаги ишга туширувчи механизм сифатидаги роли хизмат қилади ва бунда таржимон томонидан энг мақбул усулни танлаш орқали лакунани элиминация қилиш жараёни кузатилади. Аслият ва таржима тилидаги мисолларни таржимашунослик нуктаи назаридан таҳлил қилгач, қуйидаги таржима усуллари энг кўп қўлланилганининг гувоҳига айландик: калька, турлича даражадаги тасвир ёки шарҳ кўринишидаги интерпретациянинг ёйилган шакли. Санаб ўтилган барча таржима усуллари лакуналар назариясида илгари сурилган лакуналарни элиминация қилишнинг асосий усуллари: компенсация ва тўлдириш билан корреляция бўлади. Лакуналарни элиминация қилишнинг у ёки бу методларини ва тегишли таржима усулларини танлашда таржимон маълум стратегия ва тактикага амал қилади. Маълумки, стратегия деганда, таржимашуносликда таржимон ишлаб чиққан ҳаракатлар режаси (Крюков); таржиманинг асосий мақсади била уйғунликда "ҳаракатнинг аниқ бош йўналиши"ни ишлаб чиқиш (Гарбовский); икки тиллик мулоқотнинг маълум коммуникатив вазияти шароитида таржима фаолиятини амалга оширишнинг умумий дастури (Сдобников) тушунилади. Таржима тактикаси эса “маълум масалани таржиманинг танланган стратегиясини инобатга олган ҳолда ечишда фойдаланиладиган таржима операцияларининг тизимли ташкил қилинган мажмуи” сифатида шарҳланади. Таржима бўйича ёзилган адабиётларда таржимон қўллайдиган стратегияларни илк бор классификация қилган деб Л.Венутининг номи тилга олинади. Ушбу олим доместикация ва форенизация стратегияларини бир-биридан ажратиб берган<sup>109</sup>. Форенизация стратегияси (шунингдек, экзотизация, варваризация) таржима матнида аслиятнинг матнининг ўзга маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга йўналтирилган бўлиб, бу, табиийки, таржима тилида функционал аналог бўлган тақдирда ундан фойдаланмай, транскрипцияни суъистемол қилиш ҳолатига олиб келади. Доместикация (маҳаллийлаштириш) стратегияси эса, аксинча, асар ўқувчисига ёт бўлган тушунчаларни енгил ва силлиқ тарзда

<sup>109</sup> Venuti, L. The Translator's Invisibility. A History of Translation. London, New York: Routledge, 1995. – p. 353.

тушунтиришга, таржимани одатий ва таниш тушунчалар билан бойитишга қаратилган бўлади. Ушбу стратегиялар лакуналарни элиминация қилишнинг асосий усуллари: компенсация ва тўлдириш билан мувофиқ келади.

Лакуналар элиминацияси ёки делакунизация ўзининг характерли чизгиларига эга бўлиб, унинг жараёни таржима тили тегишли бўлган жамиятнинг амалий эҳтиёжларига кўра боради. Тадқиқотчиларнинг кузатишлари бўйича, тилда лакуналарни тўлдириш, авваламбор, ўзлаштириш ёки сўз ва иборанинг “узоклик” аломатларини ўчириш усуллари орқали амалга оширилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, лакуналар элиминацияси “тиллар ўзаро таъсири ва ўзаро фаолияти жараёнида юз беради”<sup>110</sup>. Бизнинг кузатувларимиз бўйича, лакуналар элиминацияси ҳисобига реципиент тили луғавий таркибининг бойиши учта босқичда амалга ошади. Биринчи босқич концепт, ҳодиса ёки хос сўзнинг мавжуд эмаслигини англашдан иборатдир. Тиллараро лакунани ўзлаштириш айнан реципиент томонидан ўз тилида бу турдаги тушунчанинг йўқлиги ва берилган лексик бирликнинг муқобили йўқлигини англашдан бошланади. Вужудга келган ёки аниқланган тиллараро лакунани ўзлаштиришнинг иккинчи босқичида реципиент тилига “вақтинча эквивалентсиз” бўлган бирликни киритишга ҳаракат қилинади. Бунда бирликларни жорий қилиниш даври янги тушунчанинг ўзлаштирилиши ва аталиши даражасига боғлиқ бўлади. Бу босқич учун янги тушунчани номлашга бўлган кўплаб тартибсиз турдаги ҳаракатлар характерлидир, ва бу ўз навбатида, тушунчанинг реципиент тилида юқори вариативлик ҳосил қилишига ҳамда вариантлар рақобатига олиб келади. Учинчи босқич, яъни эквивалентсиз бирликнинг тилга бутунлай ўзлашиши, ёки лакунанинг тамомила элиминация қилиниш жараёнини доимо аниқ кузатиб бориш мушкулдир. Бу ҳақида ўз вақтида Л.С.Бархударов ҳам эслатиб ўтган: “оказионал эквивалентнинг одатийга айланиб қолган вақтини доимо аниқ айтиб бериш мумкин эмас”<sup>111</sup>. Хуллас, қачонки таржима тили лингвомаданиятига янги концепт муқим ўрнашган бўлса ҳамда ушбу концепт номинацияси тил сохиблари томонидан “бегона” сифатида қабул қилинмасагина лакунанинг буткул элиминация қилиниши тўғрисида гапириш мумкин.

Юқоридаги комплекс ёндашув таржимонга бирликнинг маданий фонини янада тўғри тушунишга ва интерпретация қилишга имкон яратади.

Лисоний ва маданий тўсиқларни енгиб ўтиш мақсадида илмий адабиётда “лакуналар элиминацияси”га ( лотинчадан *eliminare* – имкон бермаслик, бартараф қилмоқ) мурожаат қилишга тўғри келади.

Лакуналар назариясида лакуналарни икки асосий усул – тўлдириш ва компенсация қилиш орқали элиминация қилиш таклифи берилган. Лакуналарни тўлдириш – “реципиент учун бегона бўлган маданиятга тегишли тушунча (сўз)нинг маъносини очиб бериш жараёни” сифатида

<sup>110</sup> Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лакунологию. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008. – с. 89.

<sup>111</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – с. 94.

таърифланади ва у, яъни тўлдириш элиминация қилинаётган лакуна табиати (тури), лакуна мавжуд бўлган матн тури, шунингдек, матнни қабул қилувчи реципиент хусусиятларига қараб турлича чуқурлик даражаларига эга бўлиши мумкин. Лакуналарни қуйидаги усуллар воситасида тўлдирилади:

- У ёки бу бирликни ўзлаштириш;

- Сўз ёки иборанинг “узоқлик”, “бегоналик” бўёғини ўчириш.

Бунда аввал тушунарсиз, бегона бўлган сўз ёки ибора одатий тусга кира бошлайди.

- Матнда миллий ўзига хос унсурни транслитерация ҳолатида сақлаб қолиш. Бунда транслитерация жараёни бирликни реципиент тилига сўзма-сўз таржима қилиш орқали амалга оширилади. Шу тариқа, таржима матнида ўзга маданият колорити сақлаб қолиниши ва лакунар бирликнинг маъносини тушунишдаги мураккабликлар бартараф қилиниши мумкин;

- Матнга ўзга маданият унсурларини очиб берадиган изоҳларни қўшиш. Шарҳлаш қўшиш орқали бўшлиқларни тўлдириш, яъни чуқурлик даражаси турлича бўлиши мумкин, ва бу бир томондан муаллиф олдида қўйилган вазифаларга, иккинчи томондан, тасвирланаётган маданият ва реципиент маданияти ўртасидаги маданий масофа ҳажмларига боғлиқ бўлади.

- Матндаги тушуниш қийин бўлган миллий ўзига хос унсурларга ойдинлик киритиш мақсадида изоҳлар бериш. Лакуналарни изоҳлар кўринишида тўлдириш даражаси лакуна турига боғлиқ бўлади – чуқур лакуналар муфассал, узун изоҳларни талаб қилса, чуқур бўлмаган лакуналар қисқа тушунтириш, одатда сатр ости изоҳи билан тўлдирилади. Бадий асарларда изоҳлар асар якунида ҳам келтирилиши мумкин.

Бундан ташқари, лакуналар элиминацияси борасида И.Ю.Марковининг мустақил назарияси мавжуд бўлиб, муаллиф унга “тортишиш” ва “итариш”дан иборат ижтимоий-психологик механизмлар” деб ном берган ва шу орқали лакуналарни тўлдириш таклифини олға сурган. Аввалига “итариш” механизми “ўзиники” ва “бегонаники” бўлган маданиятлар орасидаги тафовутни мустаҳкамлашда намоён бўлади, бошқача қилиб айтганда, лакуна, ёки “мулоқотчилар онгидаги конгруэнтсизлик натижаси” вужудга келади. Иккинчи босқичда эса, “тортишиш” механизми ишга тушиб, “бегона” маданиятни тушунишга бўлган эҳтиёжни, “ўзиники” ва “бегонаники” орасида аниқланган фарқларни англаб етиш жараёнини шакллантиради ҳамда бу лакуналарни элиминация қилиш заруратининг туғилишига сабабчи бўлади. “Маданиятлараро мулоқотнинг ушбу стратегияси лакуналарни батафсил шарҳлар, автохтон бўлмаган матн парчалари хусусиятларини тушунтириш орқали амалга оширилади ва бунинг натижасида реципиент “”бегона” маданият ҳақидаги янги билимларни олади”<sup>112</sup>. Олима томонидан ишлаб чиқилган ушбу механизм лакунар

<sup>112</sup> Марковина И.Ю. Прагматические аспекты лакунологии. Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. Психологические и социально-психологические механизмы культурологической лакунизации //Вопросы психолингвистики № 11, 2010. с. 38.

бирликлар таржимаси амалиётида дастлабки босқичларни белгилаш учун асос сифатида олиниши мумкин.

Лакуналар элиминациясининг иккинчи усули компенсация бўлиб, бу усул реципиент маданиятига хос бўлган ва дастлабки маданият унсурига ўхшаш бўлган махсус унсурни матнга қўшишдан иборатдир. Компенсация жараёнида аслият матнидаги миллий ўзига хос қисм таржима асари ўқувчиси маданиятига таниш бўлган тушунчага, аслиятнинг маданий контексти реципиент маданиятига хос контекстга алмаштирилади ва бу орқали матнни тушуниш енгиллаштирилади. “Лакуналарни компенсация қилиш усули янги билимни яратишга эмас, шунчаки “бегона”ни ўзиники билан, тушунарсизни тушунарли билан алмаштиришга қаратилган”<sup>113</sup>. “Итариш” механизмнинг ишга тушиши маданиятлараро мулоқотни деярли тўхтатиб қўяди: қидириб топилган аналог бегона хусусиятларни “тўсиб” қўяди, лакунани компенсация қилади ва натижада ўзга маданият ҳақида янги билимлар олиш долзарб бўлмай қолади”.

Яна бир лакунолог олимлардан бири Т.Ю.Данильченко юқорида келтирилган лакуналарни элиминация қилиш усуллари кўллаб-қувватлаб, исталган концептни сўз билан тушунтириш мумкинлигини ва шу тариқа, “коммуникатив доира” ичидан чиқиш мумкинлигини ўқтиради, сабаби, тушуниш жараёнида вербал фикрлашдан ташқари новербал фикрлаш воситалари ҳам ҳам иштирок этади. “Коммуникатив доирадан чиқиб кетиш” деганда, муаллиф компенсация ва тўлдириш ҳисобига эришиладиган лакуналар элиминациясини назарда тутди ва бунинг сиймосида маданий матнлар таржимаси ва янги мазмун яралиши жараёнидаги “ўзиники” ҳамда “бировники”ларнинг ўзаро таъсир диалектикаси намоён бўлади. Олимнинг тавсифига кўра, компенсациялаш усули “ўзга маданият тушунчасини ўз маданияти тушунчасига адаптация қилиш амалиёти ёки аслиятни таржимада модернизация қилиш”, “тушунишга эришиш учун ўзга маданият ўзига хос унсурларини қурбонликка келтириш” деганидир<sup>114</sup>. Бироқ, барча олимлар ҳам лакуналарни элиминациялашни фақат тўлдириш ва компенсациялаш усулларига ажратиш ҳақидаги фикрига қўшилишмайди. Жумладан, Л.А.Леонова икки усулга ҳам лакуналарни тўлдириш деб ном беради, антилакуна сўзларнинг қисқача семантик-структур характеристикаси беради. Антилакуна, “тўлдирилган жой” тушунчасини изоҳлаш мақсадида олима “пленус” ва “монопленус” (лот. *plenus* – тўла) атамаларини таклиф қилади ҳамда икки тиллилик шароитида унинг турларини ҳар томонлама тавсифлайди. Тадқиқотчи транскрипция ёки транслитерация натижасида ҳосил бўлган пленусларни, калька қилинган пленус ва квазипленусларни (аслият тилидаги тушунча маъзини бузмайдиган лисоний материал билан

<sup>113</sup> Марковина И.Ю. Элиминирование лакун как действие социально-психологических механизмов «притяжения» и «отталкивания» // Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. // Вопросы психолингвистики № 3, 2006. Институт языкознания РАН, 2006. – с. 21.

<sup>114</sup> Данильченко Т.Ю. Лакуны: философский и теоретико-культурный аспекты. Автореф. дисс. доктора филос. наук. Краснодар: КГУКИ. Специальность 24.00.01 – «Теория и история культуры». – 2010. с. 41-42.



лақунани тўлдириш) ажратиб кўрсатади<sup>115</sup>. Олима томонидан “пенус” атамаси муваффақиятли қўлланмаган деб бўлмаса-да, ажратиб кўрсатилган пенуслар турлари охир-оқибат, барибир тўлдириш ва компенсация усулларига бориб тақалишини таъкидлиймиз ва тадқиқотмизда айнан тўлдириш ва компенсациялаш атамаларига таяниб иш кўришни лозим топдик. Шунингдек, лақуналар элиминацияси таҳлили жараёнида лақунар бирликлар таржимасига алоҳида тасниф асосида ёндашмаймиз, сабаби, барча турдаги лақуналарни бир хил принцип - тўлдириш ёки компенсациялаш орқали бартараф қилинганини кузатиш асосида тегишли хулосалар чиқарамиз.

Бундан ташқари, таҳлил жараёнида тематик тўрға мансуб лақунар бирликлар таржимаси долзарб ҳисобланади. Тематик тўрға мансублик ҳақида мазкур бобнинг биринчи фаслида сўз юритган эдик ва ушбу фаслда масаланинг амалий жиҳатларини таҳлилга тортамиз. Жумладан, қуйидаги мисол орқали аслиятдаги лақунар бирликнинг тематик тўрға мансублигини аниқлаган ҳолда унга бўлган ёндашувни кўриб чиқамиз. Ушбу таҳлилимизда “*сен*” ва “*сиз*” олмошининг инглиз тилига таржимаси борасида баҳс юритамиз. Маълумки, инглиз тилида иккинчи шахс бирликдаги “*you*” ўзбек тилига иккита эквивалент – *сен* ва *сиз*га тўғри келади ҳамда икки тилда бири-бирига нисбатан вектор лақуна ҳосил бўлади. Ушбу мурожаат шаклининг таржимаси А гуруҳдаги матнларда ҳеч қандай муаммо туғдирмаслигини яна бир бор таъкидлаб ўтамиз, лекин масала Б гуруҳ матнларига – лақунар бирлик тематик тўр элементининг яққол намунаси сифатида келган вазиятларда таржима усулини танлашда алоҳида ёндашув талаб этилади. Қуйидаги аслият матнида “*сан (сен)*” олмошидан ҳосил қилинган феълнинг муносабатларни таърифлашдаги марказий роли муаллиф томонидан олға сурилган, контекстдаги барча элементлар шу шахс мурожаатига тобе ҳолда жойлаштирилган. Демакки, бу вазиятда лақунани тўлдиришда ёки компенсация қилишда икки вазифа амалга ошмоғи даркор – контекстда сўзнинг такрорий қўлланишида аслиятдагидек қисқаликка ёки бир сўзликка эришиш ҳамда *сиз* ва *сен* нинг аслият маданиятида қўлланишидаги тафовутига таржимада ҳам урғу бериш. Бизнингча, биринчи вазифани бажариш учун таржимон лақунани элиминация қилиш жараёнида матнда такрор келувчи лақунар бирликнинг таржимада бир сўз туркумига мансуб муқобилини таъминлаш орқали амалга ошириши мумкин. Мисол:

- Ёки эшикдан киришингданоқ **сансирай** бошлаганим учун хафа бўлдингми? Офтоб ойим: — **Сансирашингиз** уч йилдан бери Кумушни болам, деб юрганингизни бизга очик онглатди. Карима отин: — Киши ўз боласини **сансирайдир**, бегонани ҳам **сансирасин**-чи. Зайнаб: — Мени ҳам чимилдиқдан чиқишим биланоқ **сансирарган** эдилар... Ўзбек ойим: — Мен яқин кўрган кишимни **сизсирай** олмайман (Ў.К., 314). Таржима вариантлари: 1. - *Perhaps you are offended because I was overfamiliar as soon as you crossed our threshold? - You address her familiarly, - said Oftobayim – and that means you have considered her as your daughter for three years now. - A person addresses his or her children familiarly. Who would speak thus with strangers? - Karima-atyn interjected. - I was also addressed familiarly the very*

<sup>115</sup> Леонова Л.А. Семантические и структурные аспекты антилақун в двуязычной ситуации. Калинин, 1980. с. 33-38.

day after the wedding. – chimed in Zainab. - I cannot **address** relatives **formally** (К.Э., 288). 2. - ... or have you got offended at my **addressing** “you” from the first day of your coming? Oftoboyim: - Your **addressing** Kumush “you” means that you treat Kumush as your own daughter. Karima-otin: A person **addresses** “you” only to his own child, not strange ones. Zaynab: She started **addressing me** “you” from the first day of my coming after the **wedding party**... Uzbekoyim said: - I cannot **address** “you” my near ones (Т.И., 314). 3. Or are you offended that I **have become too familiar** with you since you entered through my doors? - Your **abandoning of formalities** with Kumush right away truly shows that you have considered her to be your daughter. Karima Otin added – A person **shows familiarity** with their own child. One would not be **overly familiar** with strangers. And Zainab chimed in – She was **overly familiar** to me starting with the moment I left Chimildiq. - I cannot say that I **stand on formalities** with those who are close to me... (M.P., 484).

Таҳлилимизнинг бошидаёқ иккинчи таржима вариантнинг адекват чиқмаганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Таржимон юқорида эслатиб ўтилган биринчи вазифани уддалаган ҳолда таржиманинг прагматик вазифасини амалга ошира олмаган. Инглиз тилида фақатгина битта *you* бор, ва уни кўштирноқ ичида ажратиб қўлланилган тақдирда ҳам таржима ўқувчиси учун бу мақсад тушунарсизлигича қолаверади. Таржимоннинг *сансираш* ва *сизсираш* ни бир хил *addressing you* билан бериши эса масалани янада чигаллаштиради. Умуман олганда, агарда таржимон ҳар бир такрорланган ҳолат учун аниқловчи сўзни қўллаб кетганда (*addressing “you” familiarly/addressing “you” formally*) иккинчи функция ҳам бажарилган бўлар эди. Бизнингча, юқорида кўрсатилган икки вазифани биринчи таржимон ўз таржима матнида муваффақиятли амалга ошира олган. Биринчидан, матнда бир туркумга мансуб эквивалент такрорийлиги таъминланган бўлса, иккинчидан, *сансираш* ва *сизлаш* нинг тушунарли шаклда бир-биридан фарқланиши (*addressing familiarly/addressing formally*) юзага чиққан. Ҳудди шу мавзудаги кейинги мисол таҳлилига ўтамыз:

Улар кеткандан кейин албатта Ўзбек ойим эри ёнига кирар, ҳожи бўлса хотинига **сизсираб**: «Сиз икки келин ушлашни билмабсиз... (Ў.К., 362).

*Of course, upon their departure Uzbek Oyim entered her husband’s room, and Hajji mustered as much respect available and said to his wife – You have not managed your brides well... (M.P., 558)*

Асарнинг уччала таржима варианты таҳлил қилинганда, К.Эрмакова ва И.Тўхтасиновлар таржимасида “*сизсираб*” инглиз тилига ўгирилмаганини кўрдик. Асар бош қаҳрамонларидан бири Юсуфбек ҳожининг “чала думбул” хотини Ўзбек ойим билан муносабати борасида қанчалик сермулоҳазалиги таҳсинга сазовордир. Ҳожининг бу сифатига асарнинг бир неча ўринларида муаллиф томонидан урғу бериб ўтилган. Юқоридаги мисолимиздан ҳам, икки кундош можаросида насиҳат ўқиётган Юсуфбек ҳожининг хотинини ҳам сипоришлаб танбеҳлаши Ўзбек ойимнинг бирдан ловуллаб кетишининг олдини олиш мақсадида қилаётгани англашилиб турибди. Шу сабабли у Ўзбек ойимга “*сиз*”лаб мурожаат қилади ва юмшоқ танбеҳ ёрдамида уни тўғри йўлга бошламоқчи бўлади. Таржиманинг бадийлик принципи ушбу нозик жиҳатнинг таржима матнига ҳам кўчишини тақозо этади, “*сизсираш*” сабабли инглиз тилида вужудга келган лакунани адекват тўлдириш эса таржимон мақсади ва маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади. Бу вазиятда биз Марк

Риз амалга оширган таржиманинг аслиятга адекватлигини эътироф этамиз ва лакунанинг муваффақиятли тўлдирилганини таъкидлаймиз.

“Сен”нинг ибора таркибида келганда, қандай таржима усулини танланганини таҳлил қиламиз:

*Қачонгача биз бу саҳройи итлар билан сану манга боришиб юрамиз? (Ў.К., 273).* Таржима вариантлари: 1. *How long shall we tolerate these dogs around us? (К.Э., 253).* - 2. *How long will we stand beside these quipchaks? (Т.И., 271).* - 3. *How much longer will our lands be weakened by these desert dogs? (М.Р., 423).*

“Сану манга бормоқ” ибораси – жанжаллашув, тортишув даражасига етиш мазмунида келади ва айтиш мумкинки, ушбу гап таржима вариантларининг бирортасида лакуна маъновий тўғри элиминация қилинмаган. Албатта, бу ерда гап даражасидаги эквивалентлик хусусида баҳс юритмоқдамиз, матн даражасида эмас. Кейинги шунга ўхшаш мисол:

*Аммо биз сенга сен, деб жавоб бермасак, бизники ақл ва инсоф доирасидан чиқмаса дейман... (Ў.К., 275).* Таржима вариантлари: 1. *I merely wish to say that we should not repay like with like, we should not respond in kind so as not to overstep the bounds of reason and justice (К.Э., 254).* 2. *But I just want to say that we should not undertake the same things, so as not to go beyond the limits of reason and justice (Т.И., 273).* 3. *I say injury given for injury suffered achieves nothing... (М.Р., 426).*

Бу мисол таржималарининг барчасида лакуна мазмуний жиҳатдан тўғри компенсация қилинганини эътироф этган ҳолда биринчи ва учинчи таржима вариантларида аслиятга нисбатан адекват формаликка (иборани ибора билан бериш) ҳам эришилганини таъкидлаймиз. Кейинги мисолни таҳлилга тортамыз:

*Ўша воқеадан кейин отамнинг менга муносабати ўзгарди. Бўлар-бўлмасга тергайвермайдиған, бирор иш буюрганда ерга боқиб маслаҳат оҳангида гапирадиган, баъзан ҳатто “сиз”лайдиган ҳам бўлди (Э.А., 92).* - ... even sometimes addressing me with great respect. (А.А., 88).

Ушбу мисолда адекватликни таъминлаган *addressing with respect* (ҳурмат билан мурожаат қилиш) кейинги мисолда бошқача ёндашувни талаб қилган:

– *Қачон келдинг? – деб сўради Акобиров рўпарадан жой оларкан; гоҳ “сиз”, гоҳ “сен” – эски одати (Э.А., 28).* - *When did you arrive? – asked Mr Akobirov after sitting himself down opposite Farhod; according to his old habit he sometimes addressed Farhod with respect and sometimes without (А.А., 27).*

Ушбу таржимадаги *to address with respect/without* (ҳурмат/ҳурматсизлик билан мурожаат қилиш) аслиятга нисбатан адекватликни таъминлаган деб бўлмайди ва бизнинг фикримизча, бу вазият учун *to address with familiarly/formally* мақбул вариант ҳисобланади.

Биламизки, семема лексема маъноларидан бири бўлиб, маълум лексема турли типдаги бир неча семемаларни ўзида жамлаши мумкин. Масалан, академик В.В.Виноградов сўзнинг тўғридан-тўғри номинатив, номинатив-ҳосила ҳамда фразеологик боғлиқ маъноларини ажратиб кўрсатган. Замонавий тадқиқотларда сўзнинг тўғридан-тўғри номинатив ва номинатив-ҳосила маънолари денотатив ҳисобланади, чунки улар объектив ва субъектив оламнинг предмет ва ҳодисалари образларини бевосита ўзида акс эттиради ва уларнинг ягона атови бўлиб келади. Мисол учун, З.Д.Попова ва

М.М.Копыленколар ушбу семемалар учун алоҳида Д1 ва Д2 рамзларидан фойдаланишади. Тегишли лексеманинг барча семемалари тўплами семантема деб номланади. Кейинги ўринларда, биз таржима тилида вужудга келган маълум турдаги лакунанинг қанчалик адекват тўлдирилганлиги ёки компенсация қилинганлигини таҳлил қилишдан аввал аслият тилидаги лакунар бирликнинг тегишли семема таҳлилини ўтказиб, сўнг тегишли хулоса ва таклифларни олдинга сураимиз.

Ҳар бир халқ маданиятида диний қарашлар билан боғлиқ концептлар мавжудки, уларнинг лексик жиҳатдан ифодаланиши натижасида ўз миллий бўёқдорлигини сақлаб қолиши таржимадаги кўп чалкашликларга олиб келиши мумкин. Аксарият ҳолатларда, бу муаммо таржимоннинг концептни тушунмаслиги билан эмас, таржима матнида лакунага дуч келиши ва уни сатр ости изоҳидан қочган ҳолда тўлдиришга ҳаракат қилиши билан боғлиқ бўлади. Концептларни таржимада акс эттириш – таржима назариясидаги энг мураккаб, шу билан биргаликда, бадий таржима билан шуғулланувчи барча таржимонлар учун ўта муҳим бўлган вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифада мамлакатшуносликнинг таржимавий аспекти, таржимон маданияти, таржима ўқувчисининг аслият борасидаги фон билимларга эгалик даражаси ва бир қанча адабиётшунослик ва тилшуносликка даҳлдор масалалар бири-бири билан чирмашиб кетади.

Бунга мисол сифатида ўзбек тилидаги “ҳалол” ва “ҳаром” лексемаларини олишимиз мумкин. Дастлабки мисол тариқасида “ҳалол” лексемаси ва унинг таржималарини таҳлилга тортаимиз. Сўзнинг инглиз тилида лакунар эканлиги лакунани аниқлаш мезонларига кўра белгиланган тартибда аниқланган, жумладан, луғатларда “ҳалол” инглиз тилига *lawful to eat (acc. To Islam), "kosher"; lawfully, rightfully earned; upright, honest; lawfully married* сингари маънолар билан таржима қилинган, ҳамда ушбу сўзга якка сўз ёки муқим ибора шаклидаги эквивалентнинг мавжуд эмаслигига кўра, “ҳалол” ўзбек тили фонида инглиз тилида вужудга келган нисбий лакуна тури ҳисобланади. (Тадқиқот ҳажмини инобатга олиб, кейинги ўринларда лакунанинг тури ва қайси мезонга кўра аниқланганини алоҳида тушунтириб ўтиришни лозим топмадик ва асосий эътиборни таржима адекватлигига қаратганмиз). Мисол:

— *Ман мавизни тамом шаръий қилиб тайёрлайман, тунов кун маҳалламизнинг охунлари ҳам ҳалоллигига фатво бериб кетдилар (Ў.К., 189). Таржима вариантлари: 1. I prepare this drink in full compliance with sharia laws. Why, just a few days ago, even the akhund\* of our precinct confirmed that it is permitted (К.Э., 177). 2. I prepare this drink in full conformity with shariyat\* (religion) rules. One of these days even the confessor of our community has told me that it is permitted (Т.И., 186). 3. I prepare the wine in complete accordance with the Shariyat. A few days ago, even the akhunds of the mahalla certified it as halal (М.Р., 309).*

Аввало, лексеманинг семема таҳлилини ўтказамиз. Бунда лексеманинг “Ўзбек тили изоҳли луғати”да келтирилган муқим семемалари қаторида, контекстда қўлланиш мақсадидан келиб чиқиб, доминант семемани ажратиб кўрсатамиз. Сўнг тегишли таржима вариантларида лакунар бирликка муқобил сифатида келтирилган бирликлар маъносининг доминант семемага

мувофиқлигини аниқлаймиз. Таржимадаги бирликнинг доминант семемага мувофиқлиги ҳолатида “+” ишораси билан белгилаймиз:

2.4-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3	Семема 4	Семема 5
<i>Ҳалол</i>	Шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас	Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери билан топилган; хиёнат, фирромликдан ҳоли	Никоҳлаб олинган, қонуний	Фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлдан бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил	Ўзбек курашида соф ғалабага берилган баҳо
<i>To be permitted</i>	+				
<i>Halal</i>	-	-	-	-	-

Икки таржима вариантыда лакуна “*to be permitted (руҳсат берилмоқ)*” шаклида тўлдирилган бўлиб, бу маъно контекст ичидаги “диний қонунлар асосида тайёрланмоқ” тушунчаси ҳисобига янада ойдинлашган. Учинчи таржимада “halal”нинг ҳеч қандай изоҳсиз келиши таржима ўқувчисини биров чалғитади ва бизнингча, ушбу мисол таржимасидаги лакуна “*to be permitted to consume*” шаклида янада чуқурроқ тўлдирилган бўлар эди. Кейинги мисолга эътибор қиламиз:

Эҳ, эссиз мусулмончилик, шунчалик ҳам инсофсизлик бўладими, ўзининг бир эмас иккита хотининг бўлатуриб, тагин бир йигитнинг **ҳалолига** кўз олайтириши... (Ў.К., 230). Таржима вариантлари: 1. *Eh, Muslim, this one must indeed be unscrupulously brazen! Two wives of his own, yet he still wants to nibble on the **legal spouse** of another...* (К.Э., 214). 2. *How could he do such a dishonest thing! He has not only one, but two wives, and still wishes to get **another man`s wife*** (Т.И., 228). 3. *Oh, fellow Muslim, what kind of shameless bastard lusts after the **lawful wife** of another man while having two of his own...* (М.Р., 363).

2.5-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3 (доминант)	Семема 4	Семема 5
<i>Ҳалол</i>	Шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас	Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери билан топилган; хиёнат, фирромликдан ҳоли	Никоҳлаб олинган, қонуний	Фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлдан бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил	Ўзбек курашида соф ғалабага берилган баҳо
<i>legal spouse</i>			+		
<i>another man`s wife</i>			+		
<i>lawful wife</i>			+		

Демак, бу мисол таржималарининг барчасида лакуна “ҳалол”нинг доминант семемасига мувофиқ равишда адекват компенсация қилинган (*қонуний хотин, бировнинг хотини*). Навбатдаги мисол:

Уйда **ҳалол** касбини қилиб ўтурганларгача тутиб сўйдилар... (Ў.К., 289). Таржима вариантлари: 1. *They snatched them all from their homes where they were peacefully going about their business, butchered them all...* (К.Э., 266). 2. *They caught everybody, even all those who sat at home and worked in peace...* (Т.И., 286). 3. *They stabbed to death those who were only sitting in their houses, performing honest work...* (М.Р., 445).

2.6-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2 (доминант)	Семема 3	Семема 4	Семема 5
<i>Ҳалол</i>	Шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас	Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери билан топилган; хиёнат, фирромликдан ҳоли	Никоҳлаб олинган, қонуний	Фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлдан бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил	Ўзбек курашида соф ғалабага берилган баҳо
<i>peacefully</i>	-	-	-	-	-
<i>in peace</i>	-	-	-	-	-
<i>honest</i>		+			

Биринчи ва иккинчи таржима вариантларида лакуна “тинчгина” маъноси билан тўлдирилишга ҳаракат қилинган, умумийликда бу контекстдаги вазиятга уйғун келади бироқ, лакунар бирликка мувофиқ бўлган мазмунан энг яқин вариант (*honest, rightfully earned*) турганда, бошқасига мурожаат қилишга эҳтиёж қолмагани ва айнан шу вариант таржимадан фойдаланиш муаллиф очиб бермоқчи бўлган манзаранинг янада таъсирлироқ ифодаланишида бир восита сифатида хизмат қилар эди. “Ҳалол” лексемаси таржималари борасида хулоса қиладиган бўлсак, ушбу лакунар бирлик туфайли инглиз тилида вужудга келган лакуналарга семема таҳлили воситасида ойдинлик киритилиши ҳисобига таржима адекватлиги таъминланган десак бўлади. Яна бир мисол:

— *Олти ой ташлаб кетмаслик, аччиқ шапалоқ урмаслик, яланг оёқ қўймаслик, ҳалол юриш-туриш... Шу шартларни қабул қилдингизми?* (Т.М., 8). - *Not to leave her during six months, not to beat her bitterly, not to let her walk barefoot, to be faithful: Do you accept?* (A.A., web-site).

2.7-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3 (доминант)	Семема 4	Семема 5
<i>Ҳалол</i>	Шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас	Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери билан топилган; хиёнат, фирромликдан ҳоли	Никоҳлаб олинган, қонуний	Фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлдан бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил	Ўзбек курашида соф ғалабага берилган баҳо
<i>faithful</i>		+			

Навбатда учта мисол таржимасининг семема таҳлилини ўтказамиз:

а) Шунда мен ўғирлаган пулимни ҳалол қилиб, эгасини рози қилиб ололаман, деб юборган эдим (Ш.Б., 115). – *And I had spoken that I can rob people's , money if they would agree with it (N.B., 21).*

б) ... уч-тўрт марта яхшилаб чайқаб оламиз, ҳанна-ҳалол бўлади, қолади. – *Иншолло, - деду ҳазрат, - албатта, ҳалол бўлади. (Ш.Б., 124). - ... and wash him up there, for two or three times, and he will be alright. – Inshallah, he will be alright (N.B., 32).*

в) Бундай ҳалол йигитларга ҳар ким ҳам нон бераверади (Ш.Б., 161). – *Everybody can judge this kind of faithful guys (N.B., 69).*

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3 (доминант)	Семема 4	Семема 5
<b>Ҳалол</b>	Шариат ҳукмига мувофик еса, ичса фойдаланса бўладиган; ҳаром эмас	Кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери билан топилган; хиёнат, фирромликдан ҳоли	Никоҳлаб олинган, қонуний	Фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлдан бормайдиган, бировни алдамайдиган; тўғри, софдил	Ўзбек курашида соф ғалабага берилган баҳо
<b>а) лақуна тўлдирилмаган</b>	-	-	-	-	-
Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3	Семема 4	Семема 5
<b>б) to be alright</b>	-	-	-	-	-
Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3	Семема 4 (доминант)	Семема 5
<b>в) faithful</b>				+	

Демак, юқоридаги мисоллардан фақатгина учинчисининг таржимасида лақуна тўлдирилган ҳисобланади.

Бу борада қисқача, “ҳаром” лексемаси иштирок этган мисолларга ҳам тўхталиб ўтамиз:

Буниси оқ мум, ҳаром эмас — шимса ҳам бўлади, чайнаса ҳам бўлади<sup>116</sup>. - *It's paraffin and it's clean and fresh*<sup>117</sup>.

Ўзбек изоҳли луғатида “ҳаром” сўзига қуйидагича изоҳ берилган: “фойдаланиш, истеъмол қилиш шаръан маън этилган нарса; ноқонуний”. Оғзаки нутқда “ҳаром” сўзининг иккиламчи маъно касб этиб, “ифлос” сўзига тенглаштирилган ҳолда ишлатилгани сабабли ушбу ҳолатда таржимада “тоза” ва “янги” муқобил вариантларининг берилиши тўғри ҳисобланади. Яна бир мисол: *Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми — бу ҳаром ўлгуриг?* (А.Қ., ҳикоялар, 9). - *Oh! Why did you give up the ulok! What a lousy horseman you are! – Is that a horse or a donkey?* (Ш.С., web-site). Ушбу мисолда “ҳаром”

<sup>116</sup> Қаҳҳор А. Даҳшат (ҳикоялар тўплами). - Тошкент: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 2008. – 9 б. (Кейинги ўринларда “А.Қаҳҳор” шаклида матн ичида ҳавола берилди).

<sup>117</sup> Kahhor Abdulla. Pomegranate (story). Translated by Shuhrat Sattorov. Published: Sunday, 29 September 2013. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/139-abdulla-kahhor-pomegranate-story> (Кейинги ўринларда “Ш.С., web-site” шаклида матн ичида ҳавола берилди).

тўғридан-тўғри изоҳли луғатдаги “*фойдаланиш, истеъмол қилиш шаръан маън этилган нарса*” маъносида келган бўлиб, икки ҳолатда ҳам таржима қилинмаган. Хусусан, бу вазиятда, яъни ушбу лақна бирлик тематик тўрнинг элементи бўлиб келган парчада қуйидагича компенсация қилиниши мумкин эди: *May it be cursed, your horse! Is this cursed creature of yours horse or donkey?*

Маълум контекстда ягона эквивалент бирлик билан ўгирилишни талаб қилувчи тематик матн талабига кўра, *cursed (лаънати)* – ҳаром қарғиш сўзи учун эквивалент сифатида олинishi мумкин. *Ахир, ноиложликдан-ку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан... (F.F., 334). - ... you have entered into this illegal path from desperateness<sup>118</sup> (M.C., e-version).* Демак, ушбу мисолда ҳам, *ноқонуний* тушунчаси орқали таржимадаги лақна муваффақиятли компенсация қилинмоқда. Навбатдаги мисолда “шаръан маън этилган” маъносида келувчи мазкур лексема туфайли таржима матнида вужудга келган лақна элиминация қилинмаган ва натижада таржима ноаниқлиги ҳолати вужудга келган: *...совуқ сўфиларнинг «ҳаром» деган даъволари синиб, парча-парча бўлган; «номаҳрамлик» сафсаталари от оёқлари остида янчилган; (K.K., 24) – Sufi's word “harom” was broken like a piece of ice; the words about “being unmarried” have been damaged under the horse's legs (T.I., 23).*

Бу вазиятда лақнани инглиз тилидаги “*amoral*” лексик бирлиги билан компенсация қилиш орқали контекстнинг семантик қийматини сақлаб қолишга муваффақ бўлинади. Ёки мана бу мисолни таҳлил қилсак: *Менга энди бу даргоҳ ҳам ҳаром бўлди (Ш.Б., 144). – Now I was not allowed to stay here anymore (N.B., 53).* Гарчи таржимада лексема мазмуни очилган бўлса-да, услубий жиҳатдан лақна тўлиқ бартараф қилинган деб бўлмайди.

Яна бир ўзига хос лингвомадиний хусусиятга эга “*андиша*” лексемасини таҳлилга тортамыз. *Андиша* лексик бирлигининг айрим ўзбек-инглиз луғатларидаги таржималарида: *андиша - (Persian) prudence, care, circumspection, foresight, tact, thought; shame, self-respect; андиша қилмоқ - think over; to pay respect to; to be bashful; андишаси йўқ - shameless person; андишали - prudent; respectful, tactful, conscientious; андишалилик - prudence, sense, sensitivity, courtesy; андишасиз - reckless, heedless, disrespectful, shameless; андишасизлик - recklessness, heedlessness, shamelessness, brazenness; андиша (номус, оп) - sense, wisdom, shame, wise; андишали (оп-номусли) - reasonable, sensible, wise, tactful, mind, intellect; андишалилик - wisdom, wise; андишасиз - rash, reckless, ill-advised, shameless, strive; андишасизлик - impudence, insolence, recklessness* каби ифодаланади. Ушбу лақна бирлик қатнашган биринчи мисолни кўрамыз:

Бу ҳолатдан *Ҳасаналининг андишаси* ортиб, *бекнинг бунчалик ангравланишига қандай маъно беришини ҳам билмас эди (Ў.К., 22).* Таржима вариантлари: **1.** *This merely increased Khasanali's anxiety, for he knew not to how interpret his bek's yonderliness (K.Э., 25).* **2.** *Hasanali's anxiety was growing; he did not know how to interpret such bewilderment in*

<sup>118</sup> A collection of Uzbek short stories. – USA: Bloomington IN, 2013. Electron version. A collection of Uzbek short stories. Translated by Makhmuda Saydumarova: – USA: Bloomington IN, 2013. Electron version. (кейинги ўринларда “M.C., e-version” шаклида матнда ҳавола қилинади).



Bek (Т.И., 23). 3. His vacant stare only increased Hasan Ali's **anxiety**. Hasan Ali did not understand Otabek's condition (М.Р., 68).

Мисоллардан кўриниб турганидек, учта таржимада ҳам “андиша” “anxiety” лексемаси билан таржима қилинган. “Cambridge advanced learner's dictionary” луғатида “anxiety” қуйидаги семемаларга эга: 1) *an uncomfortable feeling of nervousness or worry about something that is happening or might happen in the future*; 2) *something that causes a feeling of fear and worry*. Қуйидаги жадвалда аслиятдаги лексема ёки лакунар бирликнинг семема таҳлилини ўтказиб, таржима муқобиллиги даражасини аниқлаймиз:

2.8-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2 (доминант)	Семема 3
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-ҳаё, орномусга амал ҳисси
<i>Anxiety</i>	-	-	-

Яъни ушбу мисолда *anxiety* семемаларининг икковиси ҳам аслида *андишанинг* изоҳли луғатда ифодаланган семемаларига тўғри келмайди, лекин бу ҳолатда таржима ушбу контекстга нисбатан адекват чиқмаган деб бўлмайди, сабаби *ҳавотир* лексемаси қаҳрамоннинг ушбу вазиятдаги ҳолатини тўғри ифодалай олган. Кейинги мисол:

Сиз қизимизнинг *андишасини қилиб ўлтурмангиз, бек...* (Ў.К., 149). Таржима вариантлари: 1. *Do not concern yourself with our daughter, bek...* (К.Э., 140). 2. *Don't think of her* (И.Т., 146). 3. *Do not concern yourself with what our daughter thinks, Bek* (М.Р., 248).

2.9-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3
<i>Андиша қилмоқ</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-ҳаё, орномусга амал ҳисси
<i>To concern with</i>	+		
<i>To think of</i>		+	

Мисол:

— Сўзингиз ерда қоладир, був Офтоб, бир оз *андиша* ҳам лозим, — деди (Ў.К., 347). Таржима вариантлари: 1. *I cannot understand your request, Oftobayim. Please, be reasonable* (К.Э., 316). 2. *I can't comply with your request, Oftob-oyim, you should have wisdom* (Т.И., 349). 3. *Your supplications fall on deaf ears, Oftob Oyim. You should be a little embarrassed of your request* (М.Р., 533).

2.10-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3 (доминант)
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, ор-номусга амал ҳисси
<i>To be reasonable</i>	+		
<i>To have wisdom</i>	+		
<i>To be embarrassed</i>			+

*Андишанинг* тематик тўрға оид лакунар бирлик сифатида келган матндаги таҳлилини қўрамыз:

... хотинимнигина эмас, унинг ота-оналарини *андишасида* шошаман. Уларнинг кўнгилларига гап келмасин деган мулоҳазада ҳовлиқаман. Уятни билсангиз, энг ози шунинг *андишаси* керак эмасми? (Ў.К., 156). Таржима вариантлари: 1. *But I am not only eager to see my wife; my conscience goads me for her parents` sake, I fear they may think badly of me. If you know the feeling of shame, then try to understand me!* (К.Э., 148). 2. *I am impatient not only because of my stranger wife, because of her parents. I`m afraid that her father and mother may think bad things about me. And you do not want to understand that it will be a shame to me before them!* (Т.И., 154). 3. *If I am worried, as you state, I am anxious on behalf of my wife and her parents. If you yourself have any shame, at least we should take their feelings into consideration. Shouldn` t we?* (М.Р., 262).

2.11-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, ор-номусга амал ҳисси
<i>my conscience goads me</i>	+		
-			
<i>I am anxious</i>	+		

2.12-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3 (доминант)
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, ор-номусга амал ҳисси
<i>Try to understand me</i>		+	
<i>It will be a shame to me</i>			+
<i>To take their feelings into consideration</i>	+		

2.12-жадвалдан маълум бўладикки, гарчи айрим таржима вариантлари аслиятда назарда тутилган семемага айнан тўғри келмаса-да, бир лексема

семантемаси сарҳадларидан ташқарига чиқмаган. Шунинчунки инобатга олган ҳолда, бизнингча, ушбу ҳолатда, яъни лексеманинг тематик тўр элементи бўлиб келган вазиятида у туфайли таржимада вужудга келган лақуналар айна эквивалентлар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунда қаҳрамон нутқидан кўзланган бадиий таъсир таржимада янада ёрқинроқ юзага чиқади. Биз таклиф қилаётган таржима варианты қуйидагичадир: *I am embarrassed not only about my wife but her parents as well. If you are daring to speak about shame, why shouldn't we speak about my embarrassment in front of your in-laws too?* Шунга ўхшаш яна бир мисолга эътибор қаратамиз:

*Боз махфий қолмагайким, Тошканд беги бўлган зот борасида андиша лозим эрмас, зеро ул одам фуқаронинг осойиши йўлида жонбозлиқ қилгучи кишидир. Иншооллоҳ, бу андишамиз киромларга маъқул тушкан тақдирда жаноби тождорнинг ҳамрайъларини олмоқ...* (Ў.К., 271). Таржима вариантлари: 1. *Be assured that there is no reason to fear the current ruler of Tashkent: this man selflessly oversees the peace and well-being of people. He will heed our counsel in all matters. If Allah wills this, and you take our opinions into consideration, we should like to know the khan's decision...* (К.Э., 251). 2. *Let it be known to you that you should not be afraid of the current ruler of Tashkent: the man who selflessly cares for the peace and welfare of the people. He will obey our advice that we say. If Allah wishes, our views will be taken in mind by you, we would like to know about how to solve Khan...* (И.Т., 268). 3. *Let it also be known to you that the current ruler of Tashkent is not to be feared – this man selflessly cares about the peace and prosperity of his own people. He will adhere to any decision we compel him to honor and, God willing, so will your sacred people. Please apprise his Highness of our intentions, gain his views on the matter...* (М.Р., 420).

2.13-жадвал. “Лексик лақунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-ҳаё, орномусга амал ҳисси
<i>To fear</i>	+		
<i>To be afraid</i>	+		
<i>To be feared</i>	+		
Лексема	Семема 1	Семема 2 (доминант)	Семема 3
<i>Opinions</i>		+	
<i>Views</i>		+	
<i>Intentions</i>		+	

Демак, ушбу ҳолатда ҳам таржимадаги лақуналар семантема доирасида тўғри тўлдирилмоқда, лекин тематик тўр талаблари бажарилмаганини инобатга олсак, бу вазиятда ҳам лақуналар муаммосига махсус ёндашув кераклигини таъкидлаш лозимдир. Хўш, бу ҳолатда бир лексеманинг икки семемаси маъносига ҳам акс таъсир этмайдиган ягона муқобил вариант сифатида қай бир лексемани олиш мумкин? Бу матн учун қуйидаги икки таржима вариантини таклиф қиламиз:

*Let it be known to you that there is no need for bad **thoughts/concerns** about the current ruler of Tashkent: the man who selflessly cares for the peace and welfare of the people. He will obey our advice that we say. If Allah wishes, our **thoughts/concerns** will be taken in mind by you, we would like to know about how to solve Khan...*

Навбатдаги мисолда ҳам “андиша”нинг тематик тўр элементи бўлиб келганини кўрамиз, бироқ, таржимон лақунани на тўлдирган ва на компенсация қилган:

*Унинг иккала юзи, айниқса, кўрпанинг катта-катта қавиғига тикилган **андишалик** кўзлари ҳовур босган ойнакнинг бетига ўхшарди. Аксинча, Салтининг юзлари чарақлаган юлдуздай, сернашъа, қувноқ ва ҳар қандай **андишадан** йироқ бўлиб, кўнглининг чуқур бурчакларидан чиқиб келган севинч тўлқинларини акс эттирарди (Кеча ва кундуз, 5). - Her eyes looked tired as well. But Salti's face, on the contrary, looked better, and more attractive than hers (Night and day, 12).*

Ушбу мисолда лақунани қуйидагича компенсация қилишни таклиф қилган бўлар эдик:

*Her cheeks, especially, her eyes full of **trouble**, staring at the blanket's big stitches looked tired. On the contrary, Salti's face like sparkling star, gay and far from **trouble**, was expressing the waves of joy coming from deep corners of her heart.*

Яна бир асардан олинган қатор мисолларни таҳлилий жадвал асносида таҳлилга тортамиз:

*Аммо ўша кезлар менда унақа **андиша**, ақлу фаросат деганларидан камроқ эди шекилли (Э.А., 53). - But in those days I was neither **sensible** nor clever (A.A., 50).*

#### 2.14-жадвал. “Лексик лақунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-ҳаё, орномусга амал ҳисси
<i>To be sensible</i>	+		

*Дунёда ахир одобу **андиша**, раҳм-шафқат деган гаплар ҳам бор-ку, мусулмон! (Э.А., 53). - Even though I am a Muslim, I almost forgot there are qualities such as etiquette, **shame** and mercy in the world (A.A., 50).*

#### 2.15-жадвал. “Лексик лақунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3 (доминант)
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-ҳаё, орномусга амал ҳисси
<i>Shame</i>			+

*Фарҳоднинг таъби бирдан хира тортди, секин туриб жўнагиси ҳам келди-ю, **андиша** қилди (Э.А., 146). - He wanted to leave them but he **felt ashamed** (A.A., 137).*

2.16-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, орномусга амал ҳисси
<i>To feel ashamed</i>			+

*Виктория келасолиб, андиша-пандиша демай, унинг бўйнига осилиб олди ( Э.А., 188). - Viktoria approached him and hugged him tightly without any reservation (A.A., 175).*

Лексема	Семема 1 (доминант)	Семема 2	Семема 3
<i>Андиша</i>	Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза	Умуман фикр, мулоҳаза	Шарм-хаё, орномусга амал ҳисси
<i>Reservation</i>	-	-	-

2.17-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

*Андиша* лексемасининг таржималардаги яна бир вариантга дуч келамизки, бу ҳолат унинг лакунар бирлик сифатида контекстан келиб чиқиб, турлича компенсация қилиниши мумкинлигидан дарак беради: *Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан (F.F., 335). - I have a reputation that I don't want to lose (M.C., e-version).* Бу мисолда лакунар бирликнинг “яхши ном” муқобили билан берилиши маъновий йўқотишнинг олдини олган деса бўлади. Кейинги мисолда лакуна умуман тўлдирилмаган ёки компенсация қилинмаган ва натижада, муаллиф тасвирлаган образ бутунлиги йўқолган: *Ё, акаси билан янгаси биздан қутулиш учун зорманда экан, демасин деган андишада йиғлайдими?(Т.М., 15). - The bride wept because her brother and sister-in-law might think that she wanted to marry to get rid of them (A.A., web-site).*

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб фикрларимизни умумлаштирамиз. Демак, “андиша” инглиз тилидаги қуйидаги қатор вариантлар билан берилган: *anxiety (to be anxious), to concern with, to think of, to be reasonable (sensible), to have wisdom, to be embarrassed, conscience, shame, consideration, to fear (to be afraid), opinion, view, intention, a reputation, reservation.* Ушбу муқобил вариантлар албатта, контекстдаги вазиятдан келиб чиқиб, таржима тилида ушбу тушунча туфайли вужудга келган лакунани маълум даражада тўлдирган, бироқ тематик тўрда келганда, яъни бир сўзлик эквивалент лозим бўлганда лакунар бирликнинг изоҳли луғатдаги семантема сарҳадларидан ташқарига чиқмайдиган эквивалентни қўллаш талаб этилади.

Кейинги ўринларда “*ғариб*” лексемасининг лингвомаданий таҳлиliga эътибор қаратамиз. *Ғариб* сўзи ҳамда бу лексик бирликдан яратилган ҳосила сўзлар ва бирикмалар (*ғарибланмоқ, ғарибона, ғариб кўринмоқ, ғариб туюлмоқ, ғарибу-ғурабо*, каби) ўзбек насрий асарларида фаол қўлланилувчи

бирликлар ҳисобланади. Ҳар бир ўринда бу тушунчалар ўзининг алоҳида маъновий ва услубий хусусиятлари билан жилоларига эгаллиги билан ўқувчи диққатини жалб этувчи ҳолда ажралиб туради. Ўрни келганда, ушбу лексеманинг яна бир диссертацион тадқиқотда алоҳида лингвомаданий таҳлилга тортилганига урғу бериб ўтмоқчимиз<sup>119</sup>. Муаллиф кузатишлари натижасида “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида “*ғариб*” сўзи билдирган маъноларини ифодалашда 33та сўз ва иборалардан фойдаланилган. Бу маълумот ҳам *ғариб*нинг қанчалик сержило ва маъно диапазони кенг лексема эканлигидан ҳамда ўз-ўзидан қайсидир маъно товланишида ўзга тилда лакуна вужудга келиши табиийлигидан далолат беради. Таржима таҳлилларидан аввал, мазкур лексик бирликнинг “Ўзбек тили изоҳли луғати”да берилган изоҳий мазмун майдонлари билан танишиш мақсадга мувофиқ. “*Ғариб*” – арабчадан олинган: 1. *ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум*; 2. *қамбағал, қашшоқ, фақир, бечора*. 3. *ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг*; 4. *ажиб, қизиқ, ажойиб*. Эътибор қилсак, ўзбек-инглиз тили таржима луғатларида “*ғариб*” лексемаси: 1) *impovertished, destitute, penniless, homeless, shelterless*; 2) *wayfarer, person away from home, poor, needy, dilapidated, destitute, miserable, poor* каби маънолар билан ифодаланган. Қуйида *ғариб* лексемаси ва унинг лакунар бирлик сифатида таржимада элиминация қилиниш усуллари бир нечта таржималар мисолида кўриб чиқамиз.

*Ман... бир мусофир ғариб, — деб жавоб берди-да...*(Ў.К., 185). Таржима вариантлари: 1. *I am a homeless traveller* (К.Э., 173). 2. *I am a stranger in your town* (Т.И., 182). 3. *Me... just a poor stranger* (М.Р., 303).

#### 2.18-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3(доминант)	Семема 4
<i>ғариб</i>	ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум;	қамбағал, қашшоқ, фақир, бечора.	ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг;	ажиб, қизиқ, ажойиб.
<i>homeless</i>	+			
<i>stranger</i>	+			
<i>Poor</i>			+	

Ушбу биргина *ғариб* сўз билан қайнотасининг эшигидан қувилган Отабекнинг тушкун кайфияти, ичидаги дард-алами ёрқин акс эттириб берилади. Оғир ҳолатдан сўнг биринчи дуч келган кишисининг саволига берган жавобида уйсиз эканлигини айтишдан кўра, ўзининг руҳий танг аҳволини айтиб арз қилмоқчи бўлгандек туюлади. Демокчимизки, бу контекстда иккинчи таржима вариантыда бўлганидек, умумлаштириш ярамайди, мусофир ва ғариб лексемалари алоҳида акс этсагина унинг

<sup>119</sup> Собиров М. “Бобурнома”нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқот. Тошкент: 2002. 37-44 бетлар.

нутқидаги таъсирчанлик таржимага ҳам кўчади. Кейинги мисолга эътибор қиламиз:

Бу сўз Отабекни ажасинтиргандек, уста Алимга ҳам **ғариб** эшитилган эди (Ў.К., 228). Таржима вариантлари: **1.** *These words surprised Atabek, but they had a profound effect upon Usta Alim.* (К.Э., 212). **2.** *If these words made Otabek wonder, they affected Usta Olim as well...* (Т.И., 235). **3.** *This revelation surprised Otabek, but it made Usta Alim sick.* (М.Р., 361).

2.19-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3	Семема 4 (доминант)
<b>Ғариб эшитилмоқ</b>	ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум;	камбағал, қашшоқ, фақир, бечора.	ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг;	ажиб, қизиқ, ажойиб.
<b>To have a profound effect upon</b>				+
<b>affect</b>				+
<b>To make sick</b>	-	-	-	-

Учинчи вариант таржимадаги лакуна нотўғри тўлдирилган ва аслиятга нисбатан нотўғри маъно талқинининг вужудга келишига сабаб бўлган (*Бу очиқлаш Отабекни ҳайратлантирган бўлса, Уста Олимнинг қаттиқ жаҳлини чиқарди*). Кейинги мисол:

– Қизимизни талоқ қилган бир кишини Тошканд деган жойдан эшикингизга келиши сизга **ғариб туюлмагани** эди? – деб яна сўради Кумуш (Ў.К., 266). Таржима вариантлари: **1.** *And were you not surprised that a man who had rejected your daughter should come to us from so far away, from Tashkent?* – *Kumush asked again.* (К.Э., 245). **2.** *And you did not seem to be surprised that a man who had renounced your daughter came to your house so far away from Tashkent?* (Т.И., 263). **3.** *Did it not seem strange to you that the man who divorced your daughter would travel straight from Tashkent to your doorstep?* (М.Р., 410).

2.20-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2	Семема 3	Семема 4 (доминант)
<b>Ғариб туюлмоқ</b>	ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум;	камбағал, қашшоқ, фақир, бечора.	ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг;	ажиб, қизиқ, ажойиб.
<b>To be surprised</b>				+
<b>To be surprised</b>				+
<b>To seem strange</b>				+

Кўрииб турганидек, учта вариант таржимада ҳам лексеманинг доминант семемасига мувофиқ равишда лакуна тўғри компенсация қилинган. Кейинги мисолда ҳам ана шундай мувофиқликни кўришимиз мумкин:

...етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда **ғарибланди**, ҳатто шу кейинги кунларда сипоҳларнинг озиги учун ҳам қийналиб қолдиқ (Ў.К., 105). Таржима вариантлари: **1.** *After seventy days of siege the coffers are palpably depleted, there is not even enough in them for the warriors` allowance* (К.Э., 104). **2.** *After seventy days of battle our treasure got impoverished. It even became hard to feed the army...* (Т.И., 108). **3.** *These past*

seventy days **have depleted** our treasury. We are in dire financial straits and unable to feed the soldiers (M.P., 187).

2.21-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2 (доминант)	Семема 3	Семема 4
<b>Ғарибланмоқ</b>	ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум;	қамбағал, қашшоқ, фақир, бечора.	ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг;	ажиб, қизик, ажойиб.
<b>To be depleted</b>		+		
<b>To get impoverished</b>		+		
<b>Deplete</b>		+		

Миллий турмушдан чандон йироқ, ҳар гўрдан улги олиб амал-тақал йўсинида ясалган ўша **ғариб** фильмлари нечукдир фестивалларда дoston бўлиб, турли совринларга кўмилиб қайтади. (Э.Аъзам, 140) - For some reason, his **less than mediocre** films far removed from the ideals of Socialist realism and built on mixed ideas always won prizes. (A. Erkin, 132).

2.22-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2 (доминант)	Семема 3	Семема 4
<b>Ғариб</b>	ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум;	қамбағал, қашшоқ, фақир, бечора.	ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг;	ажиб, қизик, ажойиб.
<b>less than mediocre</b>	-	-	-	-

Юқоридаги таҳлилий жадвалдан кўриниб турибдики, таржимада танланган муқобил бирлик бирорта семемага мос келмайди, шу сабабли, лакуна тўлдирилмаган ҳисобланади.

Содда энам айтмоқчи, кўнгли ўксик бир **ғариб**-да! (Э.А., 95). - As my simple-hearted mother put it: she was a **poor woman** with a broken heart! (A.A., 90).

2.23-жадвал. “Лексик лакунар бирликнинг аслият ва таржимадаги семема таҳлили”

Лексема	Семема 1	Семема 2 (доминант)	Семема 3	Семема 4
<b>Ғариб</b>	ёт, бегона, ўзга, нотаниш, номаълум;	қамбағал, қашшоқ, фақир, бечора.	ночор ҳолатли, кўримсиз, аҳволи танг;	ажиб, қизик, ажойиб.
<b>Poor</b>		+		

Навбатдаги мисолда лакуна элиминация қилинмаган ҳисобланади:

Шу топда у ожиз бир махлуқ, қўли боғлиқ бир қул, ҳеч бир ишонадиган кишиси йўқ, ёлғиз ва **ғариб**... (К.К., 75). - At the moment she felt as a poor creature, chained slave and a lonely girl (Т.И., 58).

Тадқиқотимиз ҳажми билан боғлиқ сабаб туфайли навбатдаги ўринларда лакунар ҳисобланмиш лексемаларнинг изоҳли луғатлардаги семемаларини аниқлаш, шунингдек, контекстга кўра янги маъно ҳосиласи вужудга келган ёки йўқлигига ойдинлик киритиш, икки тиллик луғатларда лексема мазмунининг ифодаланиши ҳамда асар таржималарида унинг



луғатларда мавжудларидан ташқари қўшимча маъно таржималарини таҳлил қилиш билан чекланамиз.

Умумлаштириганда, таҳлил натижасида таржимада қуйидаги улушларда лакуналар элиминацияси амалга ошганини кузатдик:



Юқоридаги ўхшаш мисолларни яна чексиз таҳлилга тортиш мумкин, лекин биз келтирилганлар билан чекланишни лозим топдик. Ушбу фаслда семема таҳлили асосида лакунар бирликларнинг таржимада маъновий тўғри берилганлиги ёки лакуналарнинг адекват тарзда элиминация қилинганини кўриб чиқдик. Бундан ташқари, лакунар бирликнинг тематик тўр элементи сифатида контекстда маълум бадиий мақсадда қўлланилганига кўра таржимада эътибор қилиниши лозим жиҳатларини марказий ўринга олиб чиқиб, бу масалада ўз нуқтаи назаримизни баён қилишга ҳаракат қилдик.

### **3-БОБ. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРЖИМАСИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ**

#### **3.1. ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПОНЕНТИ**

Фразеологик материал мураккаб ва кўп аспекти бўлгани учун кейинги йилларда у хилма-хил методлар, усуллар ёрдамида ўрганилмоқда. Бу ўринда ФБларни ўрганишнинг қуйидаги метод ва усуллари алоҳида таъкидлашга тўғри келади: идентификация методи (Ш.Балли, А.В.Кунин), контекстологик метод (Н.Н.Амосова), вариацион метод (В.Л.Архангельский), фразеологик аппликация методи (В.П.Жуков), структурал-типологик метод (Л.И.Ройзензон, Ю.Ю.Авалиани, Ю.П.Солодуб), компликатив метод (С.Г.Гаврин), ибораларни семантик доиралар асосида ўрганиш методи (М.Т.Тагиев), лексема ва фраземаларни денотатив ва коннотатив семаларга ажратиш ўрганиш методи (М.М.Копиленко, З.Д.Попова) кабилар. Бу метод ва усуллар бир-бирини тўлдирди ва ФБларнинг хилма-хил томонларини, парадигматик ва синтагматик хусусиятларини, валентлик (бирикувчанлик) имкониятларини чуқурроқ тушунишга имкон беради. ФБларга нисбатан қизиқишнинг ана шундай ортиб бораётганлиги ўрганиш объекти, яъни фразеологизмнинг ўзига хос тил бирлиги эканлиги билан боғлиқдир. Чунки мазмун планига кўра ФБлар лексик бирлик (сўз)ларга яқин турса, ифода плани жиҳатидан улар синтактик бирлик (сўз бирикмаси, гап)ларга яқиндир. Аммо ФБ сўзга ҳам, сўз бирикмасига ҳам, гапга ҳам тўла маънода тенг эмас. Фразеология масалаларини тадқиқ этиш, шубҳасиз, унинг мустақил лингвистик соҳа сифатида шаклланишига сабаб бўлди, тилшунослик фанини назарий ва амалий жиҳатдан бойитди. Лекин бундан фразеология соҳасига доир ўрганилмаган муаммолар қолмади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Айниқса, таржимашуносликда, таржима адекватлиги масалаларида фразеологик бирликлар алоҳида таҳлил объектига айланган.

Лингвомаданиятшунослик тилни инсон томонидан яратилган ва у томонидан нафақат мулоқот ва тафаккур ифодаси жараёнида, балки маданий ахборотни жамлаш воситаси сифатида фойдаланадиган антропологик ҳодиса кўзгусида кўради. Лингвомаданиятшуносликнинг объекти сифатида тил – жамият томонидан шакллантирилган реал воқелик ва лисоний онг ўртасидаги боғловчи халқадир. В.Н.Телиянинг сўзларига кўра, “лингвомаданий нуқтаи назардан олиб қараганда, тил ва маданият инсон дунёқарашини акс эттирувчи онг шакллари ҳисобланади ҳамда иккови ўзаро синхрон таъсирда тавсифланади, чунки тил маданий аҳамиятга эга ахборотни жамлаш ва сақлаш воситаси сифатида хизмат қилади.... Лингвомаданиятшунослик объекти – бу тил ва маданият ўзаро таъсиридир ҳамда бунда биринчиси маданий ахборот транслятори бўлса, иккинчиси

халқнинг тарихий хотирасидир”<sup>120</sup>. Тадқиқот предмети эса, маданиятда рамзий, образли, эталон, образли-метафорик аҳамият касб этувчи ва тилда инсоний онг натижаларини умумлаштирувчи лисоний бирликлардир. Телия ушбу бирликларни фразеологизмлар деб атайди: “...фразеологизмлар эталон, миллий-маданий стереотиплар ролини бажара олади ёки уларнинг рамзий табиатига ишора қилади”<sup>121</sup>. Фразеологик бирликлар ( кейинги ўринларда ФБлар) инсониятнинг давомли маданий тараққиёти жараёнида вужудга келиб, ва маълум даражада, айнан улар туфайли биз у ёки бу халқ маданияти ва менталитетини, унинг ахлоқий маданияти ва стереотипларини ўргана оламиз. А.И.Федоров каби, ФБни “умумий кўчма маънони ифодалаш билан бир қаторда, фикрлаш предмети баҳосини етказиб берувчи сўзларнинг муқим бирикмаси” деб ҳисоблаймиз ва ФБларни тўлиқ асосда “маданий аҳамият касб этувчи бирликлар туркумига”<sup>122</sup> киритамиз. ФБларнинг бошқа тил бирликларидан алоҳида фарқлаб турувчи жиҳатларига рамзий-эталон табиати, семантик структураси ва улар томонидан амалга ошириладиган характерли вазифалар киради. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровлар ФБларни икки функциясига кўра бошқа бирликлардан фарқлашади: кумулятив ва директив. Ўзбек тилшунослигида фразеологияга бағишланган қатор тадқиқотларда фразеология объекти бўлмиш ФБ тушунчасини таърифлашда яқдил тўхташга келинмаганлиги туфайли объектнинг баъзан жуда торайиб, баъзан ниҳоятда кенгайиб кетиши алоҳида масала сифатида эътироф этиб келинмоқда<sup>123</sup>. Табиийки, бу таърифнинг шакллантирилишида ҳам ўзига хос ўзгаришларни тақозо қилади.

Кумулятив вазифа маданий ахборотнинг матнларда: фольклор, классик адабиёт, мақол ва маталларда сақланиши билан изоҳланади. Шубҳасиз, бунга фразеологизмлар ҳам даҳлдордир, чунки улар микро матн, микро тарих ҳамда микро афсонадир. В.А.Маслова ҳам лингвомаданий тадқиқотларнинг диахроник табиатига ишора қилган<sup>124</sup>. Шундай қилиб, ФБлар ўз семантикасида жамоавий аҳамият касб этувчи тажрибани жамлаб, мустаҳкамловчи восита сифатида кўриб чиқилади. Фразеологизмлар лексемаларга қараганда каттароқ ҳажмда ахборот сақлаш хусусиятига эгадир. Фразеологизмларда уларнинг мазмунини бойитувчи ва кенгайтирувчи фон билимлар мавжуд.

ФБнинг иккинчи вазифаси бўлмиш директивлик тажриба жамланишининг сабабини тушунтиради, бундан ташқари, лисоний жамият аъзолари туриш-турмушини бошқариш воситаси сифатида хизмат қилади. Фразеологизмлар сўзлар сингари тилнинг номинатив бирликларидир, аммо

<sup>120</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа Языки русской культуры, 1996. с. 226.

<sup>121</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа Языки русской культуры, 1996. с.243.

<sup>122</sup> Арутюнова Н.Д. От образа к знаку // Мышление. Когнитивные науки. Искусственный интеллект. М., 1988. с. 12.

<sup>123</sup> Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри). – Самарқанд, 2013. – 23 б.

<sup>124</sup> Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию: учебное пособие / В.А. Маслова. - М.: Наследие, 1997. – с. 208 .

уларнинг асосий вазифаси белгиланувчининг табиатида намоён бўлади – гапирувчининг хабар олувчига нисбатан муносабатидаги лисоний бирликларда намоён бўлиб, мустаҳкамланади ва бу фразеологизмга баҳолашдаги аниқ-тиниқ “буйруқ”ни акс этирувчи директивлик характерини ато этади.

ФБнинг юқорида эслатиб ўтилган вазифаларининг бажарилиши унинг семантик структураси ўзига хосликлари билан белгиланади. Барчага маълумки, фразеологизмлар маъноси нафақат денотатив-сигнификатив жиҳатлари билан, балки уларни сўзлардан фарқлаб турувчи турли даражадаги коннотацияси билан аҳамиятга эгадир. ФБ семантик мазмуни структурасида коннотатив компонентнинг масаласи ўзининг алоҳида тарихига эга. Коннотацияни инобатга олишнинг долзарблик томонларини 1961 йилдаёқ Б.А.Ларин айтиб ўтган. А.И.Фёдоров эса, фразеологик бирликнинг ички шакли унинг моддий мазмуни ва фразеологизм воситасида ифодаланувчи баҳоланиш билан белгиланади<sup>125</sup>. Вақт ўтган сайин, ФБ мазмунининг коннотатив компоненти образ асосида яратилувчи етакчи компонент сифатида таърифлана бошланди. Бундан ташқари, тадқиқотчилар ФБ мазмунидаги идиоэтик компонентларга эътибор қаратиша бошлашди. Бугунги кунда ФБ маъносининг коннотатив аспектига алоҳида аҳамиятга молик масала сифатида қараб келинмоқда.

Шундан келиб чиқиб, маданий коннотация тушунчаси фразеологияни тавсифлашда марказий ўринни эгаллайди; бунда у фразеологизмлар ва метафоранинг миллий-маданий ўзига хослиги сифатида таърифланади: “ФБларнинг ассоциатив-образли ўзлаштиришларини халқ менталитетини акс этирувчи стереотиплар билан ўзаро муносабатини аниқлаштириш асосида интерпретация қилар эканмиз, биз уларнинг миллий-маданий маъноси ва характерини ўрганиб чиқамиз, чунки айнан улар миллий-маданий коннотация мазмунини ташкил қилади”<sup>126</sup>. Фразеологик бирликнинг эмотив, ифодавий ва баҳоловчи компонентлари маданий коннотациянинг таркибий қисмлари сифатида тадқиқ қилинади. Улар миллий-маданий табиатга эга кўшимча ахборот бериш имкониятига эга, чунки гапирувчининг белгиланувчига нисбатан муносабати маданий билимлар воситасида шаклланиб, улар ўз навбатида, маданиятда шаклланиб улгурган ва миллий дунёқарашни акс этирувчи қадриятлар тизими билан бевосита боғлиқ бўлади.

Фразеологизмлар маданий ахборотни ёки денотатив аспект, ёки образли асос ва у билан боғлиқ коннотациялар орқали етказиб беради. Ушбу ахборотни сезиб, тушуниш тил эгалари учун мураккабликлар туғдирмаслиги табиийдир, чунки ФБлар халқ онгида авлоддан-авлодга ўтиш анъанасини шакллантирган. Иккинчи томондан, кўплаб ФБлардаги маданий аҳамиятга эга ахборот тил эгалари учун имплицит ҳисобланади ва фақатгина восита

<sup>125</sup> Федоров А.И. Семантическая основа образных средств языка. Новосибирск, 1969. – с. 68-79.

<sup>126</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа Языки русской культуры, 1996. с. 223.

йўли билан юзага чиқарилиши мумкин. Ушбу турдаги ахборот ФБларнинг образли тушунчаси ва маънонинг коннотатив жиҳатларида яширинган.

ФБнинг образли асосини англаш учун тилшунослар образли-эмотив табиатга эга бирликлар ёки фразеологизация жараёнига мурожаат қилишади. Масалан, В.Г. Гакнинг таъкидлашича, аввалига воқеликда фразеологизмнинг тўғридан-тўғри маъносига мувофиқ келувчи прототип вазият юзага келади, унинг ортида мазмун мустаҳкамланади, сўнг у қайта англашилади, яъни фразеологизм образи шаклланиб, унинг асосида маданият билан боғлиқ асосий ахборотни ўзида жамловчи ички шакл вужудга келади [Гак, 1988]. Шундай қилиб, маданий коннотация масаласи фразеологизмнинг образли асоси масаласи билан яқиндан боғлиқдир: маданий ахборот ФБнинг ички шаклида акс этади. Фразеологизмнинг ички шакли яралиши масаласига келсак, образларни танлашдаёқ миллий-маданий эталонлар, стереотиплар, рамзлар билан боғлиқлик сезилади, яъни айнан шундай иборалар фразеологизацияга учрайдики, уларда аксиологик табиат мавжуд бўлади ҳамда улар атроф-муҳитни тушуниш ва тасвирлашда инсоний омилни акс эттиради. Фразеологизмларнинг ифодаланиш тартиби ва уларнинг ортида мустаҳкамланган маданий коннотацияларнинг ўзи ҳам белгиларга айланади. Бора-бора, фразеологизмлар ўзига хос рамзлар, шартли белгилар, эталонлар, маданият стереотиплари ролини бажара бошлайди. ФБлар миллий-маданий дунёқарашнинг ўзига хос шаблонлари сифатида фаоллашади.

Лисоний белги сифатида фразеологизм маданиятнинг белги-кодлари билан ҳам ўзаро муносабатга киришади. Маданиятнинг белги-кодларига нафақат урф-одат ва анъаналар, тарихий воқеалар ва турмуш унсурлари, балки тегишли лисоний жамиятда мустаҳкамланган меъёрлар, эталонлар, стереотиплар асосида субъектнинг йўналганлиги ҳам киради. Маданиятнинг коди сифатида рамз ҳам эътироф этилади. Рамз, тор маънода, маълум маънога эга нарса сифатида тушунилади. Нарса бирор-бир тушунчани англатувчи ёки ёдга солувчи белгига айланади, унинг образи эса ғояни қамраб олади. Рамзлар халқда аввалдан шаклланган тасаввур ва эътиқодни акс эттиради: рамз вазифасини бажарувчи ҳар бир сўз ортида лисоний жамият маданиятида мустаҳкам ўрин олган концептга ишора қилувчи маъно билан боғлиқ муқим ассоциациялар туради. Рамз сифатида фразеологизм ўзининг образли асоси, яъни лисоний белгига айланган вазият орқали далилланади.

Таъкидлаганимиздек, иккиламчи атов белгилари сифатида фразеологизмлар халқ – тил эгалари дунёқарашини билан тўғридан-тўғри боғлиқ образли-ситуатив асосланганлик билан характерланади. Бирок фразеологизмлар миллий-маданий ўзига хослигини образли асоснинг стереотиплик, рамзлилик ҳамда эталонлашганлик сингари омиллари юзага келтиради.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштирадиган бўлсак, фразеологизмнинг маданий коннотацияси хос сўзларнинг лисоний шаклда ифодаланган эталонлашган ёки рамзий вазифага эга бўлган функциясидан, турли туркумдаги дискурсларда аниқланган маданият тартибларидан келиб

чиқиб шаклланади. Фразеологик бирликларни тавсифлашнинг лингвомаданий аспекти, шунингдек, уларнинг маълум миллат маданий ахбороти кодлашган алоҳида табиат белгилари эканлиги билан ҳам асосланади: “Тилнинг фразеологик таркиби – бу шундай кўзгуки, унда маълум лингвомаданий жамият ўз миллий онгини танийди”<sup>127</sup>. Қўлланилиш жараёнида фразеологизмлар ўз маданий коннотацияси туфайли маълум лисоний коллективнинг менталитет чизгиларини руёбга чиқаради.

Фразеологизмлар маъносининг миллий-маданий аспектини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда менталитетнинг характерли чизгиларидан дарак берувчи ахборот инобатга олиниши лозим, у эса маданий коннотацияда ўз аксини топади. А.Маматов эътироф этганидек, “фразеологик бирликлар айнан маданият ҳақидаги ахборотни, миллий менталликни ифодалайдиган тил бирлигидир. Фразеологик маънонинг маданий маъно компоненти баҳо муносабатни англатиши билан бирга у ёки бу миллатнинг миллий менталитети, этнокультураси тўғрисида маълумот беради”<sup>128</sup>. Лингвомаданиятшунослик объекти эса иккита фундаментал бўлган фанлар – лингвистика ва маданиятшунослик кесишувида ўрганилади. Маданиятшунослик инсоннинг табиатга, жамиятга, тарихга, илм-фанга, санъатга ва бошқа соҳаларга нисбатан муносабатини ўрганади.

И.И.Сандомирскаянинг фикрича, бегона маданият - бу идиомадир, сабаби унинг мазмуни у тегишли бўлган маданиятга алоқаси йўқ шахс учун мўлжалланмаган, ва ўз-ўзидан унинг учун номаълумлигича қолади<sup>129</sup>. Тилда таржима қилиб бўлмаслик ҳолати оламнинг туб манзараларини эмас, маданий идиомаларнинг мос келмаслик муаммосига бориб тақалади<sup>130</sup>. Маданий коннотация – бу маданият категорияларида мазмуннинг денотатив, образли мотивлашган, квазиденотатив аспектларининг интерпретациясидир<sup>131</sup>. Бевосита тилнинг эгаси – халқнинг дунёқараши билан боғлиқ бўлган иккиламчи номинация белгилари бўлмиш тилнинг фразеологик қатламига нисбатан қўллаганда эса, унинг асосий бўғими сифатида образли асос эътироф этилади. Миллий-маданий коннотацияни таҳлил қилишда қуйидаги қоидага таяниб иш кўрилади: тилнинг фразеологик қатламида ўрнашиб қолган образлар тизими дунёқарашни ўзида жамловчи ўзига хос “тахмон” вазифасини ўтайди ва маълум лисоний муштарак бўлган жамиятнинг моддий, маънавий, ижтимоий маданияти билан қайсидир даражада боғлиқдир, ва шу сабабли унинг маданий-миллий тажрибаси тўғрисида сўзлай олади<sup>132</sup>. Ушбу қоида тадқиқотнинг дастлабки гипотезаси сифатида

<sup>127</sup> Теля В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа Языки русской культуры, 1996. с.9.

<sup>128</sup> Маматов А. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. - Т.: 2018. Б. 5.

<sup>129</sup> Сандомирская И.И. Демистификация идиомы. // XI Международная конференция «Логика, методология, философия науки». V. М. – Обнинск, 1195. с. 87-91.

<sup>130</sup> Теля В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской литературы», 1996. – с. 226.

<sup>131</sup> Теля В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской литературы», 1996. – с. 214.

<sup>132</sup> Теля В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской литературы», 1996. – с. 215.

хизмат қилади. Агар фразеологизмлар миллий-маданий ўзига хосликка эга деб ҳисобланса, ушбу ўзига хослик лексик бирликларда мужассам бўлишнинг ўз воситаси ва усулига эга бўлмоғи лозим ва бу воситани образли асос деб олинса, ўзига хосликка ишора қилувчи усул - бу образли асоснинг, белгиларнинг миллий-маданий маконидаги интерпретациясидир. Бу турдаги интерпретация миллий-маданий коннотациянинг мазмунини ташкил қилади. Миллий-маданий коннотация лингвомаданиятшунослик учун таянч тушунча ҳисобланади. Лисоний маъноларнинг у ёки бу маданий кодларга нисбатан боғлиқлиги миллий-маданий коннотация мазмунини ташкил қилади ва у нафақат фразеологизмлар, балки бутун матнлар мазмунига ҳам маданийлик тамғасини босади.

ФБлар “халқ – тил эгаси дунёқараши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган” образли асосланганлик орқали ажралиб тургани сабабли, фразеологизмлар, аслида, лингвомаданий коннотацияга эга эканлиги яққол намоён бўлиб туради. Фразеологик бирликларнинг бадиий матнда миллий-маданий маълумотларни ташувчилари сифатида эътироф этилиши бежиздан эмасдир, зеро ушбу тил воситалари қатор ўзига хос миллий-маданий чизгиларга эга бўладиларки, бу уларнинг халқнинг миллий-маданий ва коммуникатив анъаналарининг қимматли ифодачилари сифатида эътибор марказида бўлишларини тақозо қилади.

ФБлар олам лисоний манзарасини яратишда ўзига хос роль ўйнайди, чунки уларнинг яхлит мазмунининг образли табиати тил эгаларининг фон билимлари, амалиётдаги ҳаётий тажрибалари ҳамда тарихий-маданий анъаналари билан бевосита, яқиндан боғлиқдир. Ўз-ўзидан, таржима жараёни ҳамда таржима таҳлили давомида ушбу жиҳатларга айнан лингвомаданий ракурсда ёндашиш талаб қилинади. Структура ва таркиб томонларидан муқим ҳолда матнда тикланадиган ушбу бирликлар ўзбек халқининг турмуши: *бир ёстиққа бош қўймоқ, галвирдан ўтказмоқ, мошхўрдага қатиқ бўлмоқ, калавасининг учини йўқотмоқ, чучварани хом санамоқ*; урф-одатлари ва анъаналари: *тўйдан илгари ногора чалмоқ, гўрида тик турмоқ, ошини ҳалол қилмоқ*; миллатнинг юриш-туриш меъёрлари: *куракда турмайдиган, соясига кўрпача тўшамоқ, тўнини тесқари киймоқ* ва ҳкз., ҳақида маълумот бериш баробарида тил эгаларига алоҳида олам манзараси, одоб-ахлоқ эталонларини сингдиради, миллий-маданий стереотипларнинг шаклланишига туртки бўлади.

ФБларнинг махсус эътиборга сазовор жиҳатларидан яна бири шуки, улар воқеликнинг танланган қисмларини акс эттиради, яъни миллат ҳаётининг амалий томонлари учун муҳим бўлган бўлақларни ажратиб олиб, уларни образли-экспрессив идрок орқали белгилайди.

Маълумки, у ёки бу тилнинг ФБлари йиғиндисини олам фразеологик манзараси (ОФМ) деб аталади. Яъни ОФМ – бу универсал ва барча тилларга хос бўлган тилнинг муқим эмоционал-экспрессив бирликлари (фразеологизмлари)нинг образли тизими бўлиб, ушбу бирликлар миллатнинг оддий кундалик онги даражасида миллий дунёқараш хусусиятларини трансляция қилади. ОФМ қуйидаги фарқли белгилар билан ажралиб туради:

1. Универсаллик. Ушбу тушунчага кўра, дунёда бирор бир тил йўқки, унда ФБ бўлмаса, бундан ташқари, фразеологизмларнинг асосий хусусияти – маъно яхлитлиги универсалдир.

2. Антропоцентризм. ОФМнинг инсониятга йўналтирилганлигини фразеологик номинация марказига инсон ва унинг жиҳатлари билан боғлиқ тушунчалар қўйилганидан англаш мумкин. Масалан, инсон ўзини ўраб турган оламни ўрганар ва борлиқни қабул қилар экан, бу жараёни ўз хиссиётлари ҳамда тана тузилишига қиёслаган ҳолда амалга оширади. Жумладан: *беш панжасини оғзига тиқмоқ, қўли калта, қадами узилмоқ, бошига тушмоқ, юз кўрмас бўлмоқ, қон қилмоқ, икки қўлини бурнига тиқмоқ, оёқ узатмоқ, кекирдагини чўзмоқ* ва ҳоказо.

3. Прагматик йўналтирилганлик. Миллатнинг кундалик онги инсоннинг амалий фаолияти учун муҳим ҳисобланган ҳаётий вазиятни ажратиб олиб, уни образли шаклда қайта ишлайди ва тегишли сўзлар бирикмасининг мазмунига айлантиради. Масалан: *жўжани кузда саналади, хамирдан қил сузургандай, илоннинг ёгини ялаган, кўзини очмоқ, етти ўлчаб бир кесмоқ* ва ҳоказо.

Фразеологик бирликларнинг турли типлари маданий ахборотни турлича трансляция қилади ва бу лингвомаданий таҳлил давомида ҳисобга олиниши лозим бўлган энг муҳим жиҳатдир. Авваламбор, қатор ФБлар миллий маданиятни алоҳида сўзлар орқали акс эттириб, ушбу фразеологизмлар таркибидаги миллий аҳамиятга эга ахборотни ташувчи компонент хос сўзлар бўлади: *ноғорасига ўйнатмоқ, кетига пахта қўймоқ, тўнани тесқари киймоқ, дўппини ол деса калла олмоқ, дўпписи тор келмоқ* каби. Маданий ахборот ушбу сўзларнинг денотатив компонентини ташкил қилади. Бироқ таржимадаги муаммоли вазиятларнинг аксариятига сабаб бўлувчи яна бир жиҳат борки, катта миқдордаги ФБларда маданий ахборот уларнинг образли асоси (ички шакли)да ётади. Хусусан, уларга қуйидаги гуруҳларни мисол қилиш мумкин:

1. Оддий халқнинг меҳнат фаолияти номинацияларидан ташкил топган ФБлар: *пўстига сомон тиқмоқ, аравани қуруқ олиб қочмоқ, арпасини хом ўрмоқ*.

2. Халқнинг уй-жойи номинациялари иштирок этган ФБ: *томдан тараша тушмоқ, кирадиган эшикни қаттиқ ёпмоқ, кўнгилнинг тўридан жой бермоқ*.

3. Ўзбек ўлкаси учун одатий бўлган флора ва фауна номинацияларидан таркиб топган ФБлар: *тоғдан келса боздан келмоқ, отни қамчиламоқ, хира пашиша бўлмоқ* ва ҳоказо.

4. Ўзбек халқи тарихидаги фактлар ва воқеаларга ишора қилувчи ФБлар: *энасини учқўргондан кўрмоқ, бердисини айтгунча, қора ботир бўлмоқ*.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, миллий тиллардаги фразеологизмлар воқеликнинг шундай образли кўриниши асосида вужудга келадикки, бу воқелик маълум лисоний жамиятнинг кундалик-эмпирик ва тарихий тажрибасига таянган бўлади. Ушбу орттирилган тажриба, шубҳасиз,



маданий анъаналар, урф-одатлар ҳамда миллатнинг маълум нарсаларга бўлган этиқоди билан чамбарчас боғлиқдир. ФБлар маданий тамгага эга лисоний белгилардир, чунки уларнинг маъноси турли мазмундаги маданий коннотациялар мураккаблашган дейиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, ушбу бирликлар таржимасидаги лингвомаданий таҳлил мана шу коннотацияларни юзага чиқаришдан иборат бўлиши керак. Кейинги фаслларда айнан шу масалага ечим топишга ҳаракат қилинган. Телияга кўра маданий коннотация “фразеологизм маъносининг денотатив, образли йўналтирилган квазиденотатив аспектларини маданият категорияларида талқин қилиш”ни англатади<sup>133</sup>.

Демак, ФБ асосида тил эгалари учун энг муҳим ҳисобланган, миллий-маданий ўзига хос образлар ётади, шу боис фразеологик бирликлар стереотип шаклида ўзбек миллатининг кундалик ҳаёти ва маънавий қадриятларини етказиб беради. Бу борада шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, юқорида тилга олганимиз, образларнинг бардавомлиги, ФБ таркибидаги муқим ўрнашганлик даражаси ёки Қ.Мусаев таъбири билан айтганда “барҳаёт ёки сийқалиги”<sup>134</sup>ни ойдинлаштириш фразеологик бирликлар таржимаси жараёнида этиборга олиниши лозим бўлган асосий жиҳатлар қаторида туради ҳамда таржима тилида асл нусхадаги лисоний бирликларга мазмун ва услуб жиҳатларидан мос тил воситаларини танлашда аҳамиятга эгадир. Хусусан, антропоцентриқ қиёсда яратилган фразеологизмлар (кўзи косасидан чиқмоқ, боши осмонга етмоқ каби) ҳар қандай тилда бардавомдир ва таржимада алоҳида муаммога сабаб бўлмайдиган ФБлар ҳисобланади.

Муқим, яхлит ҳолда нутқ ёки ёзма матнда реализация қилинадиган белгилар бўлмиш ФБларда миллатнинг маданий стереотиплари ёрқин ва образли ҳолда ўз аксини топади. Жумладан, ўзига *бино қўймоқ, катта оғиз бўлмоқ, бурнидан қурт тушмоқ* каби фразеологизмлар такаббурлик, манмансирашлиқ сифатларининг маданий стереотиплари бўлса, *қилидан қўйруғигача, миридан сиригача, ипидан игнасигача*, бошдан оёқ сингари ФБлар батафсиллик ҳақидаги стереотип қарашларни ифода қилади.

Маълумки, ФБлар миллатнинг маданий қарашларини муқим эталон қиёслашлар тизими орқали ҳам акс эттиради. Биз Телиянинг бу борадаги фикрига тўлиқ қўшилаемиз: “ушбу қиёслар борлиқ ҳақидаги эмпирик билимлар воситаси сифатида хизмат қилади ҳамда шу вақтнинг ўзида, унинг баҳоловчи малакаси воситаси ҳам бўлиб қолади”<sup>135</sup>. Муқим эталон қиёслашлар нафақат миллат дунёқарашини акс эттиради, балки дунёни тушуниш сингари жиҳати билан ҳам боғлиқдир, чунки инсоннинг табиати сингари мавҳум тушунчалар конкрет образлар орқали тушунилиб, етказиб берилади. Жумладан, ушбу образларни хайвонот, ўсимлик ёки моддият

<sup>133</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М., 1996. с. 214.

<sup>134</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. –184 б.

<sup>135</sup> Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологические аспекты. – М., 1996. с. 241.

олами вакиллари ташкил қилиши мумкин: *саломатлик эталони – отдек, билимсизлик эталони – хум калла, қўрқоқлик эталони – қуён юрак.*

Ҳар бир халқнинг бошқа халқлар билан умумий бўлган эталонларидан ташқари ўз менталитети хусусиятларидан келиб чиқиб қабул қилган эталон образлари тизими мавжуддир. Хусусан, ўзбек ва рус миллатлари учун пашша шилқимлик эталони ҳисобланса (*хира пашиадек ёпишиб олди*), болгарлар учун пашша – мўмин-қобиллик эталонидир. Ўзбек ва инглизлар учун саломатлик эталони от бўлса, руслар учун бу эталон вазифасини буқа бажаради (*буқадай соғлом*).

Фразеологик бирликлар таржимасидаги лингвомаданий аспектнинг яна бир муҳим жihatларидан бири шундан иборатки, аслият бирликлари таҳлили давомида бирикмалар таркибидаги миллат миллий дунёқараши хусусиятларига боғлиқ ҳолда алоҳида рамзий маъно касб этган сўзларни ажратиб олиш ва тушуниш лозимдир. Масалан, ўзбек миллати учун уй остонаси тушунчаси ўзига хос рамзий маънога эга, у шахсий ва ташқари худудни ажратиб туриш баробарида, турли ирим-сиримлар объекти ҳамдир (*остонада сўрашиб бўлмаслик, остонада турмаслик*). Шу сабабли остона билан боғлиқ қатор ФБлар шаклланиб улгурган: *остонасига бош уриш, остонадан ўта олмаслик, остонасига оёқ қўймаслик, остона хатлаб ўтмаслик, остонадан қайтарш*, остонадан чиқармаслик ва ҳоказо. Инглиз тилида *остона* рамзий маънога эга эмас, у билан айрим иборалар ясалади холос (*to be on the threshold of something – бирор нарса қилиш арафасида бўлмоқ* каби). Ёки мана шундай рамзий таркибли ФБлардан бири “қибла” компонентли иборалардир. Бу турдаги ФБлар ўзбек насрий асарларида иккиламчи маъносида кенг қўлланилади. Масалан:

*Худой таолонинг даргоҳи кенг, тўрт томонимиз қибла (Ш.Б., 117). – We can go anywhere (N.B., 23). Тўрт томоним қибла (Ш.Б., 224) - I could go wherever I chose (N.B., 125).*

Шунингдек, ФБлар таржимасидаги лингвомаданий ёндашув яна бир ходиса - ФБлар контаминацияси ходисаси туфайли вужудга келадиган таржима мураккаблиklarини енгиб ўтишда ёрдам беради. Бидамизки, фразеологик контаминантлар – янги маъно ифодаловчи, янги образли фразема деганидир. Тилшунос олим А.Маматов фраземалар контаминацияси бўйича фикр билдирар экан, бу ходисани фраземаларни янгилаш, трансформациялашдаги энг кенг тарқалган услублардан бири дея таъкидлайди ҳамда фраземалар контаминациясининг а) маъно жиҳатидан яқин икки фраземанинг бирлашуви; б) таркиби жиҳатидан тенг, маънодош бўлмаган икки фразема компонентларининг бирлашуви; в) маъно жиҳатидан яқин, тузилиши жиҳатидан эса турли хил фраземаларнинг бирлашуви каби шакллари мавжудлигини айтиб ўтади<sup>136</sup>. Шу жиҳатидан, фразеологик контаминантлар таржимада эквивалентсизлик мақомини олади ва таржимондан аслиятдаги бирликнинг лингвомаданий таҳлилинини ўтказишни талаб қилади.

<sup>136</sup> Маматов А. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Т.: 2018. – 88 б.

Хулоса қиладиган бўлсак, фразеологик бирликлар маданий белгиларни ўзида жамловчи тил бирликлари бўлгани сабабли таржима жараёнида ўзига хос лингвомаданий ёндашув талаб қилади. Улар яхлит шаклда миллатнинг кадриятлари, қарашлари, менталитет хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос тарзда дунёни тушуниш ва қабул қилиш сингари жиҳатларини акс эттириб, бу таржиманинг лингвомаданий таҳлили учун асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

### **3.2. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРЖИМАСИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ**

Ҳозирги замонавий шароитларда турли структурали тиллардаги фразеологизмларни қиёсий ўрганиш ҳам “тилни маданиятдан айри ҳолда ўрганиб бўлмаслиги”ни исботлаш учун, ҳам қатор муҳим таржима масалаларини хал этиш учун долзарб ҳисобланиши аниқ ва равшандир. Тилнинг бошқа эквивалентсиз бирликлари – сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар, қисқартмалар қаторида ҳар бир тилнинг фразеологик бирликлари тилнинг миллий-маданий компонентлари билан яқиндан боғлиқдир ҳамда лингвомаданий эквивалентсиз лексика таркибига киритила олинади. “Тилларни қиёслаш жараёнида миллий-маданий тафовутлар деярли барча сатҳларда кузатилади, аммо у, айниқса, лексик ва фразеологик қатламларда ёрқин намоён бўлади, шу сабабли чоғиштирма тилшуносликнинг бевосита объекти сифатида, энг аввало, лексика ва фразеология танлаб олинган”<sup>137</sup>.

Авваламбор, тадқиқотимизда фразеология термини остида айнан қандай лексик бирликларни қиёсий кўриб чиқишимизни аниқлаб олсак. Бу борада А.Э.Маматовнинг қуйидаги нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаймиз: “фразеологияни “кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилиши шарт”<sup>138</sup>. Биз тадқиқотчи олимнинг фикрига эргашган ҳолда, фразеологик бирлик таърифига мос келувчи барча лексик бирликларни (асар сарҳадлари ичида) қиёсий лингвомаданий таҳлилга тортамыз.

Фразеология соҳасидаги изланишлар учун миллий-маданий ўзига хослик мавзуси анъанавий ҳисобланади. Узоқ йиллардан бери фразеология бўйича олиб борилган ишларда ФБларнинг миллий ўзига хос тил бирликлари сифатида халқнинг маданий потенциалини ўзида жамлаб бориши таъкидлаб

<sup>137</sup> Томахин, Г. Д. Реалии – американизмы. (Пособие по страноведению) - М.: Высшая шк., 1988. - с. 5.

<sup>138</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. - Тошкент, 1991. – 212 б.

келинган. Тил бирлиги ва маданият ўртасидаги бевосита боғлиқлик натижаси ўлароқ вужудга келган ФБлар маълум халқ маданиятининг жамийки қирраларини қамраб олган, дейиш мумкиндир.

Лисоний бирликлар, шу жумладан, ФБлар эквивалентсизлигини, лингвомаданий эквивалентлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Лингвомаданий эквивалентлик тушунчаси серқиррадир. Тадқиқотмизнинг биринчи бобида таъкидлаб ўтганимиздек, у “умум илмий категория” сифатида ҳам, алоҳида олинган объектлар ўртасидаги муносабатлар сифатида ҳам ўрганилиши мумкин. Албатта, назарияда лисоний бирликлар эквивалентлиги ҳамда таржима эквивалентлиги сингари алоҳида тушунчалар мавжуд. С.Влахов ва С.Флоринларнинг фикрича, “эквивалент деганда, икки тилдаги тегишли бирликларнинг мазмуний жиҳатдан (семантика, коннотация, фон) тўлиқ ўхшашлиги тушунилади”<sup>139</sup>. А.Иванов эса, эквивалент тушунчаси остида “ифода масаласида, аслият тилидаги маълум контекст доирасида бўлган бирлик маъноси ёки маъно вариантларидан бирининг барча релевант компонентларини айнан ўхшашлик даражасида етказиб берувчи таржима тилидаги функционал мувофиқлик” ётишини айтади<sup>140</sup>. Фразеологик бирликларнинг таржимадаги эквивалентлик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, фразеологик бирликлар икки гуруҳга бўлинади: бошқа тилда эквивалентларига эга ФБлар ва эквивалентсиз ФБлар. Эквивалентли бўлган фразеологик бирликларнинг тиллараро муносабатларини тўлиқ, қисман ва аналогли сингари турларга ажратиш мумкин<sup>141</sup>. А.В.Куниннинг назарияси бўйича, тўлиқ эквивалентли ФБлар семантик, лексик, стилистик ҳамда грамматик жиҳатлардан бир-бирига мувофиқ келади. Қисман эквивалентли ФБлар қаторига, олим, лексик ва лексик-грамматик табиатдаги айрим тафовутларга эга ФБларни киритади. Бундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, тўлиқ эквивалентли ФБлар мазмуний ва ифодавий жиҳатлардан бир-бирига мувофиқ келса, қисман эквивалентли ФБлар мазмуний жиҳатдан тўлиқ мос келса ҳам, ифодавий жиҳатдан қисман фарқланади. Қуйида тўлиқ эквивалентли ФБлардан айримлари мисол тариқасида келтирилган:

*Паишага ҳам озор бермайди - he wouldn't hurt a fly*

*Тенна сочи тикка бўлди - one's hair stands on end*

*Ўзини қўлга олмоқ - to take oneself in hand*

*Тил учида турмоқ - to be on the tip of one's tongue ....*

Агар тўлиқ эквивалентли ФБларни таҳлил қилиб кўрсак, уларнинг катта қисми миллий бўёқдорликка эга эмас ҳамда “умуминсоний” тушунчаларни ифодалайди. Шубҳасиз, бу турдаги ФБларнинг мавжудлиги таржимонлар ишини анча енгиллатади. Масалан, аналогли ФБлар турлича образлиқка эга бўлиш билан бир қаторда, семантик жиҳатдан бир-бирига

<sup>139</sup> Влахов С.И. Непереводимое в переводе / С. И. Влахов, С. П. Флорин. – М.: Международные отношения, 1980. – с. 47.

<sup>140</sup> Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие. - СПб.: Филол. фак. С.-Петербург. гос. ун-та, 2006. - с. 187.

<sup>141</sup> Райхштейн, А. Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. - М., 1980. - с. 9.

мувофиқ келади. Фразеологик аналоглар ҳам, тўлиқ эквивалентли ФБлар каби тематик жиҳатдан ранг-барангдир.

*бир оёғи гўрда бўлмоқ - to hang by a single hair;*

*пашиадан фил ясамоқ - to make a mountain out of molehill;*

*елкасидан тоғ ағдарилмоқ - a load off one's mind;*

*томдан тараша тушгандек - like a bolt out of a clear sky.*

Бизнинг тадқиқот объекти бўлган лингвомаданий эквивалентсиз ФБлар номинатив турғун ифодалар сифатида халқлар – тил эгаларининг психологияси, фикрлаш тарзи, моддий ва маънавий камолотининг ўзига хос шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган хусусиятларга йўғрилган бўлиб, А.О.Иванов нуқтаи назарига қўшилган ҳолда, эквивалентсиз фразеологик бирликлар қаторига мақол характериға эга ФБлар, идиоматика, оғиздан-оғизга ўтувчи иборалар, афоризмлар, образли метафорик бирликлар, турғун образли бирикмалар ва ҳоказоларни киритамиз.

Эквивалентсиз фразеологизмлар, яъни бошқа тилларда идиоматик мувофиқликка эга бўлмаган ФБлар таркибида турли образлар мавжуд бўлиб, бу турдаги ФБларнинг вужудга келишиға тил сохибларининг айнан ўзига хос фикрлаш категорияси, миллий ўзига хос образлари ва миллий бўёқдорлиги сабабчи бўлади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоизки, турли тиллардаги турлича тушунчалар ўзаро мос келиши мумкин, лекин, айтиб ўтганимиздек, уларни ифода усуллари бетакрор ва ягона бўлади. Масалан, ўзбек тилида “қўрқоқ” тушунчаси “қуён” образи орқали ифодаланса, инглиз тилининг американча вариантыда бу тушунча “chicken” образи орқали намоён бўлади: “қуён-юрак” “chicken-hearted”. Шундай қилиб, эквивалентсиз ФБлар борасида қуйидаги таърифни келтириш мумкин: аслият тилидаги эквивалентсиз фразеологизмлар – бу таржима тилида на тўлиқ/қисман эквивалентга ва на аналогларга эга ФБлардир.

Яна шунини ҳам ёдда тутиш керакки, ФБларнинг лингвомаданий эквивалентсизлиги турли тилларда турлича фарқланади. Масалан, ўзбек тилидаги маълум ФБ инглиз тилиға нисбатан бутунлай эквивалентсиз ҳисобланса, бошқа тилға, масалан, рус тилиға нисбатан тўлиқ ёки қисман эквивалентга, ва ёки аналогга эга бўлиши мумкин. Масалан: *пашиаға ҳам озор бермаслик* фразеологик бирлиги инглиз ва рус тилларида ўзининг тўлиқ эквивалентлари - *not to hurt a fly, муху не обидит* ФБларига эга. Ўзбек ва рус тилларида тўлиқ эквивалентларнинг инглиз тилиға нисбатан сезиларли даражада кўплиги ушбу икки халқнинг юз йилдан ошиқроқ вақт мобайнида умумий социомаданий ва лингвомаданий муштаракликда яшаганлиги билан изоҳланади. Албатта, уч тилда ҳам эквивалентли бўлган ФБлар ҳам кам эмас: *оловға мой сепмоқ - to pour oil on the flame/подлить масло в огонь...*

Тадқиқотимизда инглиз тилиға нисбатан айнан лингвомаданий эквивалентсиз ҳисобланган фразеологик бирликларни таҳлилға тортамыз. Ўзбек тилидаги эквивалентсиз фразеологизмларнинг аксарият қисми муаллифи номаълум асл ўзбек иборалари бўлиб, улар ўзбек фразеологизмлари ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари, ривоятлари, хос сўзлари, нақллари, тарихий фактлари билан боғлиқдир. Умуман олганда эса, мана шу миллий-маданий ўзига

хосликлар туфайли ўзбекона “фразеологик олам манзараси” шаклланган бўлиб, бир тилнинг олам манзараси иккинчисиникига тўғри келмагани сабабли эквивалентсизлик даражалари келиб чиқаверади.

Тадқиқотимиз самарали бўлиши мақсадида, асардаги эквивалентсиз ФБларни куйидаги усул асосида ажратиб олдик. Бунда асарда қўлланилган фразеологизмлар мисолида ФБдаги миллий-маданий компонентни аниқлаш орқали унинг таржима тилига нисбатан эквивалентсизлигини белгилаш мақсадида аслиятнинг таржима тилига нисбатан қиёсий лингвомаданий таҳлилини ўтказдик. Ушбу таҳлил ўз ичига куйидаги босқичларни қамраб олди:

1. Аслиятдаги ФБни аниқлаш;
2. ФБнинг лексик маъносини кўрсатиш;
3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонентни юзага чиқариш;
4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекстни ажратиб олиш;
5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражасини белгилаш.

Аслиятдан таҳлил учун танлаб олинган фразеологик бирликнинг эквивалентлик даражаси тадқиқ қилинган, шу натижа асосида таржима усулари тавсия қилинади.

Куйида ўтказган таҳлилимиздан айрим мисолларни келтираемиз.

1-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *Қамчисидан қон томмоқ*.
2. ФБнинг лексик маъноси: Жуда ҳам золим, шавқатсиз.
3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Халқнинг ижтимоий турмуш-тарзи билан боғлиқ бўлиб, қамчининг жазолаш воситаси сифатида ҳайвонларга ва инсонларга нисбатан қўлланилишига ишора бор.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Қамчиндан қон томса, юзта хотин ичида ҳам роҳатланиб тириклик қила оласан* (Ў.К., 12). Таржима вариантлари: 1. ***If blood flows from your whip, let there be hundreds – your life will be free of sorrow*** (К.Э., 16). 2. ***If being a malicious husband among them, if they be a hundred, you can live not knowing troubles*** (Т.И., 12). 3. ***If blood flows in drops from the horse whip, you can enjoy life among even a hundred women*** (М.Р., 53).

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

2-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *Пайтавасига қурт тушмоқ*.
2. ФБнинг лексик маъноси: Безовта бўлмоқ, ташвишланмоқ, елиб-югуриб қолмоқ.

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: кийим-кечакка оид хос сўз – пайтава билан боғлиқ хатти-харакатга ишора.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Худайчи жўнагач, қўрғон бегининг пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолди ва у ёқдан-бу ёққа югира бошлади...* (Ў.К., 81). Таржима вариантлари: 1. ***After Khudaichi had ridden off, the garrison chief worked up a sweat, rushing around as though on fire...*** (К.Э., 83). 2. ***After Hudaichi left, the leader lost his peace and began walking to and from...*** (Т.И., 84). 3. ***... and the fortress commander worked into a frenzy, ran back and forth as if he had a worm in his boot*** (М.Р., 153).

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

3-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *Тўнани тескари киймоқ.*

2. ФБнинг лексик маъноси: Ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ.

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Кийим-кечакка оид хос сўз – тўнга ва кийиниш маданиятига ишора.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

а) *Қутидор тамоман тўнни тескари кийиб олган хотинига қараб бошини қашиб олди...* (Ў.К., 146). Таржима вариантлари: 1. *Kutidor looked over at his wife, already **beside herself**, and scratched the back of his head...* (К.Э., 137). 2. *Qutidor scratched his head and looked at his wife...* (Т.И., 143). 3. *Qutidor scratched his head, looking at his wife, who was beside herself with anger* (М.Р., 244).

б) *Жаҳли чиқиб, тўнни тескари киймоқчи бўлган мингбошини гап билан совутади ва йўлга солади* (К.К., 117). - *When mingboshi **got angry**, he consoled him* (Т.И., 87).

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

4-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *ғалвирни сувдан қўтармоқ.*

2. ФБнинг лексик маъноси: Якуний натижани аниқламоқ.

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Маиший турмушга оид хос сўз – ғалвир образига ишора (ғалвир илма-тешиклиги сабабли унда сув турмаслиги).

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Фақат ғалвир сувдан қўтарилгандан сўнггина, сен ўзингни ҳар тарафка ташлай бошладинг...* (Ў.К., 359). Таржима вариантлари: 1. *You only began weeping and wailing when you found yourself standing there empty-handed...* (К.Э., 327). 2. *Only when you got into trouble, you began looking for the ways out of the situation* (Т.И., 362). 3. *... only when your kundosh appeared from out the water, you threw up your hands up in the protest* (М.Р., 552).

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

5-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *бир майизни қирқ бўлиб емоқ.*

2. ФБнинг лексик маъноси: ҳамкорлик, иноқликда иш қилмоқ.

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Хос сўз – майизнинг кичик ҳажмига ишора.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Қаранглар, бир майизни қирқ бўлиб егандай яшадинглар...* (Ш.Х., 76). - *You've lived here with us **like a friendly team*** (Ш.С., web-site).

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

6-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *Тўйдан олдин ногора қоқмоқ.*

2. ФБнинг лексик маъноси: Рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан олдин гапириб юрмоқ.

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Хос сўз – ноғора, тўй.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Тўйдан олдин ноғора қоқмайин деган андишада сизга маълум қилмаган эдим (Э.А., 5).* - *Forgive me for not informing you earlier (A. A., 3).*

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

7-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *Дастурхон қилмоқ.*

2. ФБнинг лексик маъноси: Очиқ-ойдин барча нарсани сўйламоқ

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: Хос сўз – дастурхон.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Бирпасда бор-йўгини дастурхон қилди-қўйди-я! (Э.А., 37) - In a minute she had told him everything! (A.A., 36)*

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

8-мисол:

1. Аслиятдаги ФБ: *бердисини айтгунча.*

2. ФБнинг лексик маъноси: Қарор қабул қилишда шошқалоқлик қилмасликка ундов.

3. ФБ семантикасидаги миллий-маданий компонент: халқ орасида машхур бўлган муаллифи номаълум ривоятга ишора.

4. Аслият ва таржимада ФБ келтирилган контекст:

*Бердисини айтгунча шошманг, хўжайин. (Ш.Б., 150). – Do not hurry, without knowing anything, my boss. (N.B., 58).*

5. ФБнинг таржима тилига эквивалентлик даражаси: Таржима тилида эквивалентга эга бўлмаган ФБ.

Шу тартибда таҳлилдан ўтказилган ФБлардан таржима тилида эквиваленти мавжуд эмас деб ҳисобланганлари кейинги бобда таржима адекватлигига кўра қайта кўриб чиқилди.

Бадиий адабиётдан тилга кириб келган қатор ФБлар ҳам миллий ўзига хос белгиларга эга ҳисобланади. Ўзбек фразеологик фондининг тўлишига қатор ёзувчилар ўзларининг алоҳида хиссаларини кўшишган. Асарларда муаллиф қаламига мансуб иборалар кўплаб учрайди. Қуйида улардан айрим намуналар келтирамиз:

1. *Отабекнинг кутилмаганда бу янглиз ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч бир турлик маъно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан игнага зўрлаб тақилган ип нарига кетмас эди (Ў.К., 206). Таржималари: forced marriage (К.Э., 192); threading a needle by force (Т.И., 204); being forced into his second marriage (М.Р., 332).*

2.– *Шунинг учунки қудачангиз келинсиз қоламан деб орага тушадир, аммо мен шу ерда бўлсам, албатта тилига калтак келадир (Ў.К., 343-б). Таржималари: her argument will carry no weight (К.Э., 316); she can do nothing of the sort (И.Т., 348); she will bite her lips in envy (М.Р., 532).*

3. *Лекин мундан сўнг яхши билмогингиз керак, озгина янглишиб кетсангиз ҳам ҳамма қилганларимиз шамолга учадир... (Ў.К., 180) Таржималари: plans will land in hell (К.Э., 169); will go to hell (Т.И., 177); will be blown to the four winds (М.Р., 295).*



4. Бир бечорани фақат сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб ҳар куни **бир қат этдан тушаман** (Ў.К., 205). **Таржималари:** *It pains me to think (M.P., 331).*

5. Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга **“кавишим кўчада қолган эмас”** деб бормас эди (Ў.К., 131). **Таржималари:** *I don't wear out my galoshes trotting along the street for no reason (К.Э., 123); didn't want to go (Т.И., 128); don't take shoes to the street to only wear them down in vain (M.P., 222).*

6. Дарҳақиқат, **мозористонда “ҳаййя алалфалаҳ” хитобини ким эшитар эди.** (Ў.К., 22). **Таржималари:** *Does anyone really listen to cries “Haya Alal-Falah” in the graveyard? (К.Э., 21); who minds to hear “Haya Alal-Falah” call for help in the cemetery? (Т.И., 18); who will listen to the prayers of the dead baring their soul to the living? Will those already buried in the cemetery listen to calls for help? (M.P., 63).*

10. Биз, **«сув бўлмаса таяммум»га ярайдиган ашулачилардан...** (К.К., 22). – *Singing for me is only a hobby: nothing else (Т.И., 22).*

11. **Маъракаи йиғиштиришга ҳали вақт эрта** (К.К., 114) – *It is early yet to gather taraca (Т.И., 84).*

12. **Семизликни кўй кўтарар, деганларидек, Омонга бадавлатлик ёқмас эди** (Ш.Б., 110). – *Omon started acting like a rich man (N.B., 17).*

Агар ушбу мисоллар таржималарининг аслиятга эквивалентлик даражасига эътибор қаратсак, ФБлар таркибидаги миллий компонентлар таржимадаги нурсиз ёки фразеологик бўлмаган вариантлар билан ўгирилишига сабаб бўлганини кўрамиз. Умуман олганда, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, ФБнинг аксарият қисмини ўзбек тили қонуниятлари асосида вужудга келган қадимдан ҳозиргача сақланиб қолган миллий иборалар ташкил қилади. Ушбу тил бирликлари одатда халқнинг ўз нутқида таниқли ёки аксинча, номаълум шахслар томонидан ўринли айтилган, ёрқин ибораларини сингдириб олиши натижасида туғиладиган яратувчанлик фаолияти натижасида пайдо бўлади ва айнан шу иборалар фразеологияга ўзига хос миллий характер ато этади, бу эса, лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳисобига амалга ошади. Фразеологиянинг миллий ўзига хослиги яна шунда яққол намоён бўладики, бир тилда ўз ифодасини топган борлик ҳодисаларининг барчаси ҳам бошқа тилларда ўз ишораларига эга бўлавермайди. Фразеологизмларнинг миллий ўзига хослигини таъминловчи экстралингвистик омилларга уларнинг компонент таркибидаги атоқли отлар, жўғрофий номлар, тарихий воқеаларга қайтиш, маданият ва моддий турмуш тарзининг предметлари, анъана, ирим-сирим ва бошқ. киради. Кўплаб фразеологик бирликлар тўлалагича бир сўз қийматига тенг ва уларнинг аксарияти ўзбек менталитетининг асосий миллий тушунчалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Хусусан, ўзбек тилида шундай сўзлар борки, улар миллий концепт сифатида бош компонент бўлиб, қатор ФБларни вужудга келтирганки, уларнинг ўзга тилга таржималарида доим ҳам ушбу компонентни сақлаб қолиб ўгириш мушкул вазифага айланади.

### 3.3. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРЖИМАСИДА ЭКВИВАЛЕНТЛИККА ЭРИШИШ УСУЛЛАРИ

Бир тилдан иккинчи тилга фразеологик бирликни (ФБ) таржима қилишда ҳисобга олиниши лозим бўлган муҳим хусусиятлар сифатида олимлар ФБнинг семантик бўлинмаслиги, компонент таркибининг яхлитлиги ва турғун ифодаларнинг образли-мотивацион жиҳатини эътироф этишади. Алоҳида лисоний бирликлар ва яхлит матннинг бир тилдан иккинчи тилга таржимаси хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, В. фон Хумбольдт аслият мазмуни ва маълум лингвомаданий жамиятнинг лисоний олам манзараси ўртасидаги уйғун нисбатини талаб қилувчи трансформация мушкулотларини тилга олади. Худди шундай фикр 80-йилларда таржима назарияси асослари билан шуғулланган болгариялик олимлар С.Флорин ва С.И.Влаховлар томонидан айтиб ўтилган эди, яъни улар “таржима қилиб бўлмаслик шкала”сининг биринчи қаторида лисоний бирлик – фразеологизмлар туришини таъкидлаб ўтишган. Инглиз фразеологиясининг тадқиқотчиси А.В.Кунин ҳам ФБлар таржимаси қийинчиликларига урғу берган: “Фразеологик бирликлар, айниқса образлиларини таржима қилиш ўзига хос мушкулликларни туғдиради. Бу шу билан изоҳланадики, улардан кўплари ёрқин эмоционал ифодавий бирликлар ҳисобланиб, улар маълум нутқ услубига тегишли ва одатда ёрқин ифодаланган миллий характерга эга бўлади”<sup>142</sup>.

ФБларни таржима қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ва таржима усулларини танлаш икки омилга боғлиқ дея ҳисобланади: авваламбор, ФБ турига, кейин унинг компонент таркибидаги этномаданий коннотатив ўзига хослигига. ФБлар фразеология воситалари ёрдамида стереотип вазиятлар, у ёки бу халқ томонидан шакллантирилган олам хос сўзларининг этик, прагматик ва эстетик баҳоларини тасвирлаш ҳисобига тилда миллий дунёқарашнинг ўзига хосликларини ўрнаштиради. Шу сабабли, бир тилдан иккинчи тилга фразеологизмларни таржима қилиш хусусиятлари ҳақида гапирганда, миллий-маданий коннотацияга эга бирликларни умуминсоний тажрибани ўзида мужассам этган бирликлардан фарқлай олиш муҳим ҳисобланади. Маданий белгиларга эга фразеологизмлар миллий дунёқарашни икки сатҳ: юзаки ва тил қаъридаги даражаларда акс эттиради. Миллий ўзига хосликнинг юзаки даражада акс этиши маданий концептлар, экзотизмлар, миллий атоқли отлар (антропоним, топоним, гидроним)нинг ишлатилишида кўринади, бу эса ўша заҳоти ФБнинг маданий белгига эга эканлигидан дарак беради. Масалан, ўзбек тилидаги “энасини учқўргондан кўрсатмоқ” қанчалик таржимада қийинчилик туғдирса, инглизча *to carry the coals to Newcastle* ҳам таркибидаги топоним туфайли таржимада эквивалентсизликни келтириб чиқаради. Жумладан қуйидаги мисолда ушбу ўзбек фразеологизмининг

<sup>142</sup>Кунин А.В. О переводе английских фразеологизмов в англо-русском фразеологическом словаре// Тетради переводчика. – 1964. – №2. – с.52 [http://belpaese2000.narod.ru/Trad/kunin\\_fra.htm](http://belpaese2000.narod.ru/Trad/kunin_fra.htm)

таржима тилидаги эквиваленти мавжуд эмаслиги туфайли таржимоннинг тасвирий усулга мурожаат қилишдан бошқа имкони қолмайди:

*Ана шу “иннайкейн”га жавоб топиб бера олмасангиз, онангизни Учқўргонда кўрасиз (Ш.Б., 147). – If you couldn’t answer his “and then” he would kick you out and shout at you (N.B., 55).*

Ўзида чуқур даражада миллий дунёқарашни ўрнаштирган ФБлар генетик жиҳатдан долзарб вазиятлар, халқнинг ҳаёт тарзи образини тасвирловчи эркин сўз бирикмаларига бориб тақалади ва миллий менталитетни акс эттиради. Ушбу ҳолатда адекват таржима таржимоннинг тарих ва маданият, менталитет ва халқ психологияси соҳасида чуқур билимга эга бўлишига боғлиқ бўлади. Айрим ҳолатларда, таржимон адекват таржимага эришиш учун бирликларнинг миллий ўзига хослигидан воз кечишга мажбур бўлади, чунки маданий белгига эга сўзма-сўз таржима туфайли ўзга маданият вакиллари олдида бутунлай тушунарсиз вазият ҳосил бўлиши мумкин.

Миллий тилнинг фразеологияси миллий дунёқарашнинг акси ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг маълум тарихий-маданий ривожланиш хусусиятлари ва лингвомаданий борлигининг ўзига хослиги мавжуд, лекин шунга қарамай, исталган тилнинг фразеологик олам манзараси инсоният яшаш тарзининг бир хил қонуниятларига буйсуниш асосида шаклланади. Лисоний онг, ижтимоий муҳим белгилар тизими сифатида тил ва когнитив жараёнларнинг универсал характери хаттоки лакунар ФБларнинг стереотип табиатини таъминлайди. Бу билан боғлиқ ҳолда, бир тилдан иккинчи тилга ФБларни таржима қилишда таржимон икки типдаги лакунар фразеологизмларни эътиборга олиши керак. Улардан биринчиси, миллий маданият ўзига хосликларини ҳам юзаки ҳам чуқур даражада акс эттирувчи (алоҳида образлар, миллат психологиясининг акси, маданий концептлар махсус хос сўзлар ва бошқ.) ФБлардир. Иккинчи типдаги лакунар ФБлар бу – исталган миллат вакилига тушунарли бўлган лекин фақатгина алоҳида миллат фразеологиясида ўрнашиб қолган маълум халқнинг оламини тушуниш йўлини акс эттирувчи, тилда маълум ҳаётий вазиятларга берилган баҳо, тасвир ва этик қоидаларни мустаҳкамлаган бирликлардир. Бу турдаги фразеологизмларни тасвирий турдаги таржима ёрдамида ўгириш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг сўзма-сўз таржимаси ўзга тил эгаларидаги фон билимларнинг етишмаслиги сабабли тушунарсиз бўлиб қолиши табиийдир.

Шу ўринда, турли тилларда шаклан бир-бирига мос тушувчи лекин турлича семантикага эга лакунар фразеологизмлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Айнан шу турдаги ФБлар таржима жараёнида “сохта эквивалентлар”<sup>143</sup> ёки “таржимоннинг алдоқчи дўстлари” сифатида алоҳида эътиборни талаб қилади. Ўзбек бадий таржимашунослигида ушбу мавзуда алоҳида тадқиқотлар ҳам мавжуд<sup>144</sup>. Бундай бирликларнинг турли тилларда турлича

<sup>143</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 193 б.

<sup>144</sup> Исомиддинов З. “Алдоқчи сўзлар билан баҳо” // “Таржима санъати” (Мақолалар тўплами). 5-китоб. – Тошкент, 1980; Очилов Э. Яқин тиллардан таржима муаммолари, мақола, таржима масалалари, илмий мақолалар тўплами. – Т: 2012. – 9 б.

семантикага эга бўлиши авваламбор, фразеологизмлар семантикасида ҳар хил хусусиятларнинг ўрнашиб қолиши, сўнг, фразеологик образ шаклланишига таъсир қилувчи турлича баҳоловчи коннотация натижаси ҳисобланади. Фақатгина шаклан бир-бирига мос келувчи ўзбек-инглиз фразеологик параллелига *лабини тишламоқ* фразеологизмини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу ФБ - *кутилмаган ҳодисага дуч келиб нима дейишини билмай қолмоқ* маъносини англатиб, инглиз тилида ҳам худди шу структурадаги *to bite one's lip* фразеологик бирлиги мавжуд бўлиб, у – *салбий хиссиётларини бировга кўрсатмаслик учун ўзини аранг тутиб турмоқ* маъносида қўлланади. Биламизки, *ўзини тутиб турмоқ* ўзбек тилида *тишини-тишига қўймоқ* фразеологизми орқали ифодаланиши мумкин. Демакки, *лабини тишламоқ* ва *bite one's lip* гарчи структурал жиҳатдан бир-бирига мос келса-да, семантикаси буткул бир-биридан фарқ қилади. *Лабини тишламоқ* фразеологизмининг асарларда қўлланилган ўринларини таҳлил қилсак, таржимонларнинг турлича таржима усулларига мурожаат қилганларини ҳамда аксарият жойларда “алдоқчи сўзлар домига тушиб” қолганларининг гувоҳи бўламиз. Масалан, қуйидаги мисолда таржима адекватлиги таъминланмаган:

*Ҳожи лабини тишлаб, бошини чайқади. — Хом сут эмган бандамиз, — деди (Ў.К., 296).* Таржима вариантлари: 1. *Hadji bit his lip and wagged his head. — We are all mere mortals, slaves of Allah... (К.Э., 273).* 2. *The hadji bit his lip and shook his head (Т.И., 293).* 3. *Hajji bit his lip and nodded (М.Р., 455).*

Навбатдаги мисолда *лабини тишламоқ* фразеологизми маъноси иккинчи таржима вариантыда тўғри тасвирланган:

*Кутиб турган хотинлар, Моҳира ойим, Хуширўй ва Ҳанифалар Кумушни кўрган он бир-бирларига қарашиб лабларини тишлашдилар... (Ў.К., 311).* Таржима вариантлари: 1. *Having seen Kumush, Zaynab's relatives — Mahiraayim, Hushroi and Khanifa — exchanged glances and bit their lips (К.Э., 285).* 2. *All waiting women, Mohira-oyim, Hushroy-bibi and hanifa seeing Kumush stood open-mouthed with astonishment and looking at each other (Т.И., 310).* 3. *The guest wives, Mohira Oyim, Khushroi, and Hanifa, upon seeing Kumush, exchanged glances charged with meaning, biting their lips... (М.Р., 479).*

Мана бу мисолда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади, яъни иккинчи вариант таржимада *to be taken aback* – *ўта ҳайратга тушганидан нима нима дейишини билмай қолмоқ* аслиятдаги ФБнинг семантикасини адекват бера олади:

*Табиб Отабекдан воқигани сўраб билгандан сўнг Кумушининг томирини кўриб лабини тишлаб қолди ва товоқдаги қусуқни ҳидлаб қаради... (Ў.К., 371).* Таржима вариантлари: 1. *The healer questioned him about the symptoms, checked the patient's pulse and, biting his lip, sniffed the contents of the Chinese cup (К.Э., 339).* 2. *Asking what had happened the doctor examined her pulse, he was taken aback and he smelled the vomit in the bowl (Т.И., 375).* 3. *... the doctor pursed his lips and sniffed ... (М.Р., 570).*

Шунингдек, қолган ўринлардаги мисолларда ҳам аслиятдаги ФБнинг нотўғри талқини туфайли унинг семантикасига муқобил келмайдиган бошқа аналоглардан фойдаланишга ҳаракат қилинган, жумладан:

*Аммо Ўзбек ойим сўроқ ўрнига лабини тишлаб бошини икки елкасига тебратди (Ў.К., 205) - But since Uzbekayim merely pursed her lips and shook her head without a word... (К.Э., 191).*

Отабек даҳшатланиб ёнидаги Алига қаради, Али эса ётқан жонсиз гавдаларга қараб **лабини тишлаб турар** эди (Т.И., 288).- *Otabek looked at Ali with horror and Ali looked at the dead bodies, **clenching his teeth*** (М.Р., 285).

— Бу бизнинг кишимиз тақсир, Марғилондан келадир. Азизбек **лабини тишлаб қолди** (Ў.К., 86).- *This is our man, taksyr. He has ridden from Margilan. Azizbek **bit his tongue**...* (К.Э., 88).

Хуллас, **лабини тишламоқ** инглиз тилидаги *to be taken aback* аналогли билан таржимада адекват маъно бериши мумкинлигини, структурал эквиваленти бўлмиш *to bit one's lip* билан эса алдоқчи сўзга айланишини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, бир тилдан иккинчи тилга фразеологизмлар таржимаси турлича омилларга боғлиқ ҳолда сараланган турлича усуллар воситасида амалга оширилади. Агар бадий матнда ФБларнинг адекват таржимаси таржима қилинаётган асарнинг услубий ва жанр хусусиятлари, муаллифнинг индивидуал услуби (бадий матнда ФБлар аксарият ҳолларда трансформацияга учрайдилар, индивидуал-муаллифлик фразеологизмлари кўлланилиши кузатилади) ҳамда контекст ва тағмаъно инобатга олинса, лексикографик амалиётда асосий мақсад фразеологизм семантикасини тўлиқ ва аниқ берилиш талаб қилинади. Масалан, таржимашунос олима Ш.С.Имяминова таржимада “ядро сўз мавжуд фразеологизмлар”ни танлашга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди<sup>145</sup>. Қатор ФБлар таржима тилидаги эквивалентлари орқали ўғирилса, эквивалентсиз ФБлар таржиманинг фразеологик шаклда бўлмаган бошқа усулларига кўра таржима қилинади.

Таржимашуносликда қатор тадқиқотчи олимлар фразеологизмларнинг қуйидаги таржима усуллари аждатиб кўрсатишади: 1. Калька; 2. Лексик таржима; 3. Фразеологизмни ўзгарувчан сўз бирикмаси билан таржима қилиш; 4. Тасвирий таржима.

В.Н.Комиссаров, Л. Ф.Дмитриева, С.Е.Кунцевич, Е. А.Мартинкевич, Н. Ф.Смирнова каби олимлар образли фразеологиянинг асосий тўртта таржима усуллари қуйидагича номлашни таклиф қилишади: 1. Фразеологик эквивалент; 2. Фразеологик аналог; 3. Сўзма-сўз таржима (калькалаш); 4. Тасвирий таржима. Бизнингча, таржима усуллари бу турдаги таснифи фразеологик бирликларнинг бошқа тилга таржимаси борасида юзага келадиган барча масалалар таҳлили ва ечимини аниқ кўра билишга хизмат қила олади. Ушбу усулларнинг ўзига хос жиҳатларини бирма-бир мисоллар асосида кўриб чиқсак.

**Фразеологик эквивалент** усулида таржима қилинаётган бирликнинг бутун маънолар мажмуаси сақланиб қолади. Бу ҳолатда таржима тилида аслият тилидаги фразеологик бирликка барча параметрлар буйича мос келувчи образли фразеологизм мавжуд бўлади. Бу, турли халқлар фразеологик бирликларининг бир-бирларига ҳар жиҳатдан ўхшашлиги аксарият ҳолларда халқлар турмуш шароитлари, урф-одатлари ва мантикий

<sup>145</sup> Имяминова Ш.С. Бадиий таржимада фразеологизм роли. // International conference: Modern philological paradigms: interactions of traditions and innovative approaches. - <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1118>.

мушоҳадаларидаги муштараклик билан изоҳланади. Натижада турли тиллар барқарор сўз бирикмалари бир хил образли асосдан иборат бўлиб қоладилар. Масалан:

*Ўт билан ўйнашмоқ – to play with fire;*

*Темирни қизигида босмоқ - Strike the iron while it is hot*

Албатта, бу турдаги эквивалентлик ўзга тилдаги фразеологизмни имкон қадар тўлиқ қайта тиклаш учун энг мақбулидир ва таржимон, энг аввало, ушбу муқобил вариантни қидириб топишга ҳаракат қилади. Лекин бу ҳолатда фразеологик эквивалентни қўллаш имкониятини чекловчи икки жиҳатни инобатга олмоқ даркор. Биринчидан, фразеологик эквивалентлар сони нисбатан камдир. Улар асосан, қайсидир учинчи бир тилдан икки тилга кириб келган бўлиб, интернационаллик касб этган бўлади. Иккинчидан, В.Н.Комиссаровнинг таъкидлашича, учинчи тилдан икки тилга кириб келган фразеологик бирлик қайсидир бирида ўз маъносини ўзгартирган ҳолда ўзлаштирилган бўлиши мумкин. Алдоқчи сўзлар ҳақида юқорида фикр билдириб ўтган эдик. Мана шу икки томонни ҳисобга олса, таржимоннинг имкониятлари чекланиши кутилади.

Қуйидаги мисолларда аслиятдаги фразеологизмга нисбатан тўлиқ ва қисман эквивалентларни берилганини кўришимиз мумкин (эквивалент ФБлар таржималарда ажратиб кўрсатилган):

1-мисол:

*... шу жиҳатларни мулоҳаза қилиб оёғ бос!* (Ў.К., 37). Таржима вариантлари: **1. Guard your steps, be mindful of this situation!** (К.Э., 40). **2. Make their moves based on the awareness of this situation** (Т.И., 38). **3. ... consider these matters carefully and mind your step!** (М.Р., 89).

2-мисол:

*Мана бош усти, болам бир эмас икки. Улдурки, қизимни кундаш устига юборишга тиш-тирноғим билан қаршиман* (Ў.К., 266). Таржима вариантлари: **1. I am ready to welcome him as a son. Let there be not one child in my home but two. But as for sending my daughter to a rival, no, I shall fight that tooth and nail** (К.Э., 246) **2. I am ready to accept him as a son. Let it be two children with me, not one. But to send my daughter to a rival, I will fight tooth and nail to keep her here!** (Т.И., 264). **3. He is welcome. I will have two children, not one. The fact is I would rather fight tooth and nail than send my daughter near a kundosh** (М.Р., 412).

3-мисол:

*Итоатдан бош тортқан Тошкандга қарши Муслмонқулнинг мена сочи тик туриб...* (Ў.К., 271). Таржима вариантлари: **1. Musulman Kul blazed with rage...** (К.Э., 251). **2. Having heard about it Musulmankul's hair stood on end with rage...** (Т.И., 268). **3. Recalcitrant Tashkent, again raising its head in dissent, caused the hairs on Musulmanqul's head to rise in anger** (М.Р., 421).

4-мисол:

*Йўқ, огалар, темирни қизигида суқиб қолиш керак!* (Ў.К., 273). Таржима вариантлари: **1. ... No brothers! Strike while the iron is hot!** (К.Э., 253). **2. Dear brothers, we forge iron when it's hot** (Т.И., 271). **3. Let us strike the iron while it is still hot!** (М.Р., 423).

Демак, юқоридаги барча мисолларда ҳам аслиятдаги ФБга инглиз тилида муқобил вариант мавжудлиги сабабли, таржима вариантлари адекват чикқан деб ҳисоблаш мумкин.

Иккинчи усул **фразеологик аналог** бўлиб, фразеологик эквивалент мавжуд бўлмаган тақдирда таржима тилида аслият тилидаги фразеологизмнинг кўчма маъносига муқобил лекин бошқа образга асосланган ФБ танлаб олинади. Масалан:

*Бир ўқ билан икки қуённи урмоқ – killing two birds with one stone;*

*Тоққа чиқмасанг дўлона қаёқда – no rain, no gain;*

*Бировни таҳоратига намоз ўқимоқ – stealing someone's thunder;*

*Яхши ганга илон унидан чиқади – you can catch more flies with honey than you can with vinegar;*

*Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди – a cat in gloves catches no mice;*

*Туянинг думи ерга текканда – A cold day in July ёки be a cold day in Hell;*

*Икки жума бир келганда – when pigs fly* ва ҳоказо. Хусусан, қуйидаги мисоллар ушбу таржима усулига намуна бўла олади:

*Ўз ёғига ўзи қоврилиб ётаверсин бу қитмир, оқибатсиз баччагарлар! (Э.А., 31). - Let these ungrateful, unpleasant chaps **stew in their own juice!** (A.A., 30).*

— *Ана, анакайин. Мусулмончилик аста-аста-да... (Т.М., 3) - Look, look here. **Rome was not built in a day...** (A.A., web-site).*

Ўзларининг фразеологик маъноларига кўра ўхшаш, грамматик тизимлигига кўра ўзаро яқин қатор эквивалент ФБлар лексик таркиб жиҳатидан бир-бирларидан тамоман фарқ қиладилар ҳамда уларнинг кўпи шаклан миллий, мазмунан универсалдир. Яъни, шаклан ФБлар ўзларининг маълум миллий тилга мансубликларини намоён қилсалар, мазмунан дунё маданияти ва тараққиёти маҳсули эканликларини исботлайдилар. Бу турдаги эквивалентлик усулини қўллаш эквивалентликнинг юқори даражасини таъминлайди. Бироқ, бу борада ҳам айрим жиҳатларни ҳисобга олиш керакки, уларни инобатга олмасдан таржима адекватлигини таъминлаш мушкулдир. Авваламбор, фразеологик аналог танлашда аслият ва таржима тилидаги муқобил вариантларнинг эмоционал ва услубий маънолари ҳам бир-биридан тафовут қилмаслигини эътибордан қочирмаслик керак. Масалан, *ганнинг пўст калласи* ибораси фақат оғзаки услубга хос бўлса, унинг аналоги бўлмиш *to make a long story short* стилистик нейтрал бирлик сифатида бадий, публицистик услубда қўлланилиши мумкин. Масалан, қуйидаги мисолда сўзма-сўз таржима ўрнига стилистик қиймати аслиятдагига тенг бўлган тайёр аналогдан фойдаланса бўлар эди:

*Худайчи жўнагач, қўрғон бегининг пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолди ва у ёқдан-бу ёққа югира бошлади... (Ў.К., 81).*

*... and the fortress commander worked into a frenzy, ran back and forth as if he **had a worm in his boot** (M.P., 153).*

*Пайтавасига қурт тушмоқ (безовталанмоқ)* инглиз тилидаги худди шундай услубдаги оғзаки нутқда кенг қўлланадиган *to have ants in his pants* (*безовта ҳолатда бўлмоқ*) аналогига эга. Мисол:

*Азизбек халққа ташаккур айтиб ярасини ёрди... (Ў.К., 36). Таржима вариантлари: 1. Azizbek thanked the people and **bared his soul** before them... (К.Э., 40). 2. Azizbek thanked the people and **poured out his soul**... (Т.И., 37). 3. Azizbek thanked the people and **opened up his heart's deepest wounds** (M.P., 89).*

Кўриниб турибдики, биринчи ва иккинчи таржималарда фразеологик аналог усулидан фойдаланилган, бироқ учинчи таржимон сўзма-сўз

таржимани афзал кўрган. Албатта, биз ушбу ҳолатда тайёр аналогдан фойдаланиш тарафдоримиз, чунки гарчи аслиятда муаллиф қаламига мансуб ФБ қўлланилган бўлса-да, уни таржимада айнан шу шаклда етказишга ҳаракат қилиш тушунарсиз манзарани ҳосил қилиб, таржиманинг прагматик жиҳати амалга ошмайди.

Иккинчидан, миллий бўёқдорлиги яққол сезилиб турган аслиятдаги фразеологик бирликни таржима тилидаги миллий бўёқдорликка эга аналог билан таржима қилиб бўлмайди ва бу ҳолатда таржимада миллий колоритсиз нейтрал ФБни танлаш керак. Масалан:

*Бирпасда бор-йўғини дастурхон қилди-қўйди-я! (Э.А., 37). - In a minute she had told him everything! (A.A., 36).*

Бизнинг талқин: *In a very short time she managed to **pour out her soul**.*

Кейинги келадиган мисолимизда фразеологик бирлик таржимада тушириб қолдирилган:

*Тўйдан олдин ногора қоқмайин деган андишада сизга маълум қилмаган эдим (Э.А., 5). - Forgive me for not informing you earlier (A.A., 3).*

Бу ҳолатда инглиз тилидаги семантикаси айни бўлган “*to jump the gun*” иборасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Куйида инглиз тилида ҳам стилистик, ҳам эмоционал жиҳатдан аслиятдаги ФБга мувофиқ келувчи аналог бўла туриб, ундан фойдаланилмаганлик ва бошқа усулларга мурожаат қилганлик ҳолатларини кўрамиз. Бизнингча, таржимоннинг маҳорати ҳам сўзни сўз, бирикмани бирикма, фразеологизмни фразеологизм билан бера олишидадир. Мисол:

*Мусулмонқул учун бу мактуб яра устига туз сепиш қабилдан тагин ҳам аламлик бўлиб тушкан эди (Ў.К., 117). Таржима вариантлари: 1. This letter from the “defenceless wayfarer” infuriated him beyond measure (К.Э., 113). 2. ... but this news was very bitter for him, very painful (Т.И., 117). 3. ... this new correspondence spread salt in an already raw wound... (М.Р., 203).*

Ушбу мисолнинг биринчи ва иккинчи таржималарида вазиятни тасвирлаш орқали аслиятдаги ФБ – *яра устига туз сепмоқ (gap ёки хатти-харакат билан аҳволни ёмонлаштирмоқ)*нинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган, учинчи таржимада эса калька усулига мурожаат қилинган. Ваҳоланки, ушбу ФБ учун инглиз тилида *adding insult to injury* шаклидаги тайёр фразеологик бирлик мавжуд бўлиб, уни аслиятдаги бирликка тўлақонли аналог сифатида қўлласа бўлади. Ёки худди шу инглиз тилидаги ФБни *ярани устига туз сепмоқ* билан семантик майдони битта бўлган *ўлганнинг устига чиқиб тепмоқ* фразеологизмига аналог сифатида ишлатиш мумкин. Бироқ, куйидаги мисолларнинг бирортасида ҳам аналог усулига мурожаат қилинмаган дейиш мумкин:

1-мисол:

*Ўзбек ойим ўглининг «ўлганни устига чиқиб тепиш» қабилдан бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб... (Ў.К., 131).*

1. *Uzbekayim took her son`s action as nothing short of a second attack, a repeat of the former affront, and the smoke of her flaming fury filled the heavens... (К.Э., 124).*

2. *She became furious and let her anger out to her husband.... (Т.И., 129).*

3. *The smoke from Uzbek Oyim`s rage billowed into the heavens. In retaliation for her son`s blasphemous behaviour, she vented her aweinspiring wrath on her husband.... (М.Р., 224).*



## 2-мисол:

Худойга шукр, қўлингда хатинг бор, ўлганнинг устига чиқиб тепкандек хат-хабарсиз қўйма (Ў.К., 351).

1. *Thank God, you are an educated girl! Do not leave me without news* (К.Э., 320).

2. *Allah, bless us, you can write, don't get us disturbed and I look forward to hearing from you* (Т.И., 354).

3. *Thank God you can write to us if you need anything – please do not leave us without writing to us. You'll only compound our sorrows* (М.Р., 538).

## 3-мисол:

Офтоб ойим кутмаган жойда қутидор тамоман Отабекни иккинчи уйлантириши тарафида туриб сўзлар ва ўлганнинг устига чиқиб тепар эди (Ў.К., 145).

1. *To Oftobayim's utter amazement, Kutidor spoke as though he were already giving his consent to this second marriage. She flew into a blind rage* (К.Э., 136).

2. *Oftob-oyim never expected that her husband would be completely on Otabek's side.* (Т.И., 142).

3. *Completely unanticipated by Oftob Oyim, Qutidor seemed to be defending a view sympathetic to Otabek's second marriage. By doing so, he angered Oftob Oyim even more.* (М.Р., 243).

Навбатдаги мисолда аслиятдаги ўлганнинг устига чиқиб тепмоқ таржима тилидаги фразеологизмлар билан ўгирилган, лекин таржималарни аслиятга адекват деб бўлмади:

Бу сўз билан яна ўлганнинг устига чиқиб тепилгандек бўлдим (Ў.К., 199)

1. *She had pummeled me to death, as they say* (К.Э., 186).

2. *Her words trampled me down, I felt so uneasy* (Т.И., 197).

3. *At this point, as the saying goes, she continued beating a dead horse* (М.Р., 322).

Семантик жиҳатдан на *to pummel to death* (ўлакка қилиб урмоқ), на *to trample down* (янчиб ташламоқ) ва на *to beat a dead horse* (бефойда уриниш) аслиятдаги ФБга тўғри келади ва бу ҳолат уччала таржима вариантида ҳам контекстуал маъно ўзгаришига олиб келган. Ёки мана бу мисолга эътибор қилсак:

... ўлганнинг устига чиқиб тепиш қабилдан бўлган ўз ҳужумининг ҳақсиз эканига тушунди (Ў.К., 291).

1. *His rebukes were the last straw for Hadji, already weighed down on this ill-fated day.* (К.Э., 267).

2. ... *he realized that the hadji reproach was like sprinkling salt on the sore wound.* (Т.И., 288).

3. *He realized he was wrong in his suspicions – Hajji's heart was already heavy with this evil day and did not need his son's reproach. Otabek felt as if he had struck a gratuitous blow with an unjust sword* (М.Р., 447).

Ушбу мисолдаги *to be the last straw* (сўнгги томчи бўлмоқ) ҳам гапнинг семантик жиҳатдан ўзгаришига олиб келади. Иккинчи вариантда битта семантик майдонга тегишли *яранинг устига туз сепмоқ* фразеологизмининг сўзма сўз таржимаси берилган бўлса, учинчи таржимада яна тасвирий усулга мурожаат қилинган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу ФБ учун таржима тилида *to add insult to injure* шаклидаги тайёр аналог мавжуд бўлиб, бу ҳолатда миллий колоритсиз бўлган аслиятдаги ФБ учун ҳеч қандай йўқотиш бўлмади. Навбатдаги мисол:

Ўзбек ойим икки қўлини бурнига тиқиб қараб қолаберсин... (Ў.К., 130).

1. *She, Uzbekayim, left high and dry, was supposed to just sit quiet and hold her tongue...* (К.Э., 124).

2. *She had right to dream and realize it – she never wanted to be in a dead lock* (Т.И., 129).

3. *Uzbek Oyim was now left standing alone, appearing a complete fool* (М.Р., 223).

Ушбу мисолнинг биринчи ва иккинчи таржималарида қўлланган ФБлар семантик жиҳатдан аслиятдагига муқобил бўла олмайди (*to be left high and dry* – молиявий қийин аҳволда қолмоқ бўлса, *to be in a deadlock* – боши берк кўчада қолишни англатади). Бу ҳолатда учинчи таржимоннинг тасвирий усулдаги таржимаси аслиятдаги вазиятни тўғри очиб бера олган. Ёки *to be left empty-handed* варианты ҳам фразеологик аналог бўла олади. Қуйидаги мисолда ҳам тўғри муқобил бирлик қўлланмаган:

*Qutidor tamoman tўnni tесkаrи kийиб олган хотинига қараб бошини қашиб олди...* (Ў.К., 146).

1. *Kutidor looked over at his wife, already beside herself, and scratched the back of his head...* (К.Э., 137).

3. *Qutidor scratched his head, looking at his wife, who was beside herself with anger* (М.Р., 244).

Аслиятдаги ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ маъносини берувчи фразеологизмга икки таржима вариантыда ҳам ўта қаттиқ жаҳлланмоқ маъноли ФБ аналог сифатида таклиф қилинган, лекин кўриб турганимиздек бу семантик эквивалентликка олиб келмаган. Бу вазиятда *to dig one's heels in* (қайсарлик қилиб ўзиникида туриб олмоқ) фразеологизмини қўллаш мақсадга мувофиқдир: *Qutidor scratched his head, looking at his wife, who dug her heels in....* Кейинги икки мисолга мурожаат қиламиз:

1-мисол:

*Қарс икки қўлдан чиқадир...* (Ў.К., 306).

1. *You can only clap with two hands* (К.Э., 281).

2. *It depends on both of us* (И.Т., 304).

3. *It takes two hands to clap* (М.Р., 470).

2-мисол:

— *Ҳа, айланай қуда, қарс икки қўлдан чиқадир, деганлар...* (Ў.К., 310).

1. *Yes, dear Uzbekayim...* (К.Э., 285).

2. *Yes, dear, they say, by common efforts...* (Т.И., 309).

3. *Yes my dear in-law, clapping is made by two hands, they say...* (М.Р., 477).

Эътибор қилинса, икки мисолда ҳам аслиятдаги *қарс икки қўлдан чиқар* (икки томонга даҳлдор иш иккала томоннинг ҳаракати билан бўлади) фразеологизми калька ва тасвирий усул билан ўтирилган. Инглиз тилидаги *it takes two to tango* ушбу иборанинг айнан эквиваленти бўлиб, ушбу аналог ишлатилиши ҳисобига таржима тили қонуниятларига амал қилиш мумкин эди. Ёки мана бу мисолда ҳам таржима тилидаги аналогни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

— *Пес-песни қоронгида топқан экан, учинчиси?* (Ў.К., 66).

1. - *Even in the darkness a wretch will find his own kind. Who else?* (К.Э., 69).

2. *Oh, blind finds the blind in the dark, the third?* (Т.И., 70).

3. *A bastard will find another bastard, even in the dark...* (М.Р., 133).

Таржима вариантларида калька ва тасвирий таржиманинг биргаликда қўлланилиши ҳисобига фразеологизм маъноси қисман очиб беришга ҳаракат

килинган бўлса-да, таржима реципиенти учун таржима матнида тушунмовчилик келиб чиқиши турган гапдир. Ушбу муаммони инглиз тилидаги *birds of a feather flock together* аналогини қўллаш орқали хал қилиш мақбул йўл сифатида кўрилади. Яна таъкидлаш жоизки, аслият ва таржима тилидаги ушбу икки фразеологик бирлик эмоционал жиҳатдан ҳам бири-бирига тўлиқ мувофиқ келади, яъни икковиси ҳам салбий бўёқдорликка эга.

Яна қатор мисолларни таҳлилга тортамыз, уларда ҳам мавжуд фразеологик аналогни қўллаш ўрнига калька, тасвирий таржима, бир сўзлик эквивалент ёки шунчаки ФБни ташлаб кетиш усуллари мурожаат қилинганини кўришимиз мумкин: Мисол:

*Шундоғ қилиб сизнинг ўз кишингиз бўлган Ўтаббой туз ҳақингизни унутди (Ў.К., 116).*

1. *As a result, Utabbayi – whom you consider loyal to you – forgot **the kindness shown him...*** (К.Э., 113).

2. *So your loyal servant Otabboy forgot **kindness you have done to him*** (Т.И., 117).

3. *So in this manner, Uttaboi, your own man, shows extreme lack of gratitude\* ... (\***tuz haqini unutmog: to show extreme lack of gratitude**)* (М.Р., 202).

Таржима тилидаги мақбул фразеологик аналог: *bit the hand that fed him.*

Мисол:

*Томдан тараша тушкандек қилиб сўзланган юқоридаги гапларга бошда уларнинг иккави ҳам тушунмади (Ў.К., 305).*

1. ***These words fell on them like knives.** At first, neither of them understood a thing* (К.Э., 280).

2. *At first they didn't catch **the words coming like a thunderbolt*** (Т.И., 303).

3. *For a moment the instructions confused them and seemed to portend disaster, **as if the roof had caved in upon them*** (М.Р., 469).

Таржима тилидаги мақбул фразеологик аналог: *bolt from the Blue.*

Мисол:

*Офтоб ойим ҳамон оёғ узатмади, қизига ялиниб кўрди... (Ў.К., 346).*

1. *Oftobayim **did not want to relent** and continued admonishing her daughter* (К.Э., 316).

2. *Oftob-oyim still **didn't lose hope**, just implored her...* (Т.И., 348).

3. *Oftob Oyim still **dragged her feet.** She pleaded with her daughter.* (М.Р., 532).

Таржима тилидаги мақбул фразеологик аналог: *to put her foot down.*

Навбатдаги мисол таржималарида аслиятдаги ФБка ҳам стилистик ҳам эмоционал жиҳатдан муқобил бўлган фразеологик аналоглар ўринли қўлланилган дейиш мумкин:

1-мисол:

*Қипчоқларга чалган галабаси учун ул **терисига сизмайди...*** (Ў.К., 104).

1. ***He was beside himself with delight** after the victory over the Kipchaks...* (К.Э., 103).

2. ***He was on the cloud nine*** (Т.И., 106).

2-мисол:

*Менга қолса бу кунларда ўттиз икки танга эмас, ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. Юрт беш-ўн кун **орқа-ўнгини олсин**, сўнгра...* (Ў.К., 105).

1. *It would seem to me that even thirty-two pul\*(pul – a Kokand coin of a low value) could only be raised with difficulty, let alone thirty-two tanga. Grant the people a fortnight or so **to catch their breath, to find their feet, and then...*** (К.Э., 105).

3-мисол:

Мен унинг Тошканд кетишини **кўз бўйиш** учун бўлган ҳийлами, деб қўрқаман (Ў.К., 238).

1. *I fear his departure to Tashkent is merely a smoke screen* (К.Э., 220).

4-мисол:

Бўлган бўлса, тагин нега ўзингизни **қуруққа оласиз?** (Ў.К., 290).

1. *And you want come out smelling of roses...?* (К.Э., 267).

Учинчи таржима усули **сўзма-сўз таржима ёки калькалаш** бўлиб, у таржима амалиётида аслият тилидаги ФБ ўзга тилда ўз эквивалентига ёки муқобил вариантга эга бўлмаганда қўлланилади. Ҳозирга қадар ФБларнинг калька усулида таржима қилиш қатор бахс-мунозараларга сабаб бўлмоқдаки, бу масалада ўз нуқтаи назаримизни баён этиб, масалага ойдинлик киритишни мақсад қилдик. Биринчидан, ушбу усулни энг асосий шарт бажарилса, яъни, калькалаш натижасида вужудга келган ифода образининг таржима тили қонуниятларига мувофиқ келувчи, табиийлик касб этувчи ҳамда таржима ўқувчиси томонидан осон қабул қилинувчи бўлсагина қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иккинчидан, одатда умуминсоний кузатишларга, кишиларнинг ўзаро ўхшаш маданий негизига ёки кўп асрлик ҳаёт тажрибаларига асосланган фразеологизмлар калька қилинади. Янада соддароқ айтиладиган бўлса, фразеологизм негизидаги образ таржима тилида ҳам таниш бўлиши керак. Масалан, яна ўша қарс икки қўлдан чиқмоқ иборасига мурожаат қилсак, ушбу ФБ инглиз тили меъёрларида ҳам мантиқан тўғри қабул қилингани сабабли, таржима ўқувчисига унинг сўзма-сўз таржимаси ғайриоддий туюлмайди. Бироқ, бошини боғламоқ (уйлантирмоқ маъносидани) *to tie head* образи билан берилса, албатта, бу ҳам семантик хатоликка, ҳам таржимадаги ғайриоддийликка олиб келади. Ёки мана бу мисолдаги сўзма-сўз таржима ҳам таржима ўқувчисига тушунмовчилик уйғотиши табиий:

*Юриш-туришидан... кеккаяди, ўзидан ўзгани оёғи билан кўрсатади, деймиз* (Т.М., 2). - *We say that from his walk he is arrogant and shows others with his feet* (А.А., web-site). Бу иборанинг инглиз тилида муқобил аналоги мавжуд, яъни: *to give oneself airs*.

Иккинчидан, калькани ҳарфхўрликдан фарқлаш лозим эканлигини таъкидламоқчимиз. Ҳарфхўрликдан фарқли равишда, фразеологик калька орқали аслиятдаги ФБ семантикаси ва услубий вазифасини тўла сақлаб қолиш имкони мавжуд. Яъни, бу ҳолатда аслиятнинг бадиий-эстетик, ғоявий мазмуний хусусиятлари ҳам қайта тикланади. Албатта, бунга таржима тили қонуниятларига қатъий амал қилиш орқали эришиш мумкин. Масалан, куйидаги ҳолатда, таржимон фразеологизм таржимасида ҳарфхўрликка йўл қўйиб, бу ҳикоядаги “калит” иборанинг таржимада қиймати йўқолишига сабаб бўлган:

— *Ажаб қилдим, — деди Туробжон титраб, — жигарларинг эзилиб кетсин!* (А.Қаҳҳор, 10). *What I did was good!—Turobjon said in a frenzy of rage. — May your liver ache!* (Ш.С., web-site).

Асар қаҳрамони томонидан айtilган ушбу ҳис-ҳаяжонли гапи иккинчи қаҳрамон – хотиннинг кайфиятига чуқур таъсир қилади ва бу кайфиятни ифодалашда хизмат қилган ибора ҳикоя давомида қайта-қайта ишлатилади. Демак, ушбу ибора персонаж табиати билан боғлиқ муҳим бурилиш

моҳиятини англатади. “*Руҳан азобланиш*” маъносини англатувчи ушбу тилакнинг жисмоний ҳаракатга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини ўзбек китобхони яхши билса-да, буни чет ўқувчисига сўзма-сўз таржима билан етказиб бериш унчалик тўғри бўлмаган ва таржима тили эгасининг назарида бу ҳолат “*эрнинг хотинга жисмоний носоғлом бўлишни тилаши*” кабилида кўриниши табиийдир (*May your liver ache! – Жигаринг оғрисин!*).

Умуман олганда, ФБлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлса, калька қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди: 1. Ибора маъноси бевосита таркибидаги компонентларининг маъноларидан келиб чиқмайдиган фразеологик чатишмалар; 2. Ўзи мансуб бўлган халқ миллий хусусиятини акс эттирадиган иборалар; 3. Таркибида этнографик тушунчалар номлари, лексик ва семантик архаизмлар, миллат тарихи, халқ турмуши ва унинг диний эътиқоди билан боғлиқ сўзлар қўлланилган ФБлар; 4. Аслият тилидаги иборада кучсизланган образнинг таржима тилида қайта тикланиб, таъсирчанлиги аслиятдаги эквивалентидан устун бўлса. Агар юқоридаги ҳолатлардан ташқари, таржимада иборавий шакл касб этган бирикманинг табиий жаранглашига эришилса, назарда тутилган маъно ва услубий вазифалар акс этса, “бундай пайтда нафақат адекватлик таъминланади, балки таржима тили луғат таркибининг бойиши учун ҳам имконият вужудга келади”<sup>146</sup>.

Қуйидаги мисолларнинг барчасида аслиятдаги ФБларнинг сўзма-сўз таржима усулида ўгирилганини ҳамда улар юқорида кўрсатилган тўртта ҳолатдан ташқарида эканлигини кўрамиз. Гарчи таржимада ФБ структураси талабига жавоб бермаса-да, образларнинг тўғри акс эттирилиши ҳисобига семантик жиҳатдан йўқотишга йўл қўйилмаган.

1-мисол:

*Юлдузингиз нах бир-бирингизга тўғри тушкан экан, иккингининг ҳам бир-бирингиздан камлигингиз йўқ* (Ў.К., 50).

1. *It must be destiny. Your stars have conjoined* (К.Э., 52).

2. *Stars agreed with one another. None of you is better the other one...* (Т.И., 52).

3. *Your stars are closely aligned. You are perfect for each other* (М.Р., 110).

Ушбу таржима учун мақбул фразеологик аналог сифатида *match made in heaven* ҳам ишлатилиши мумкин.

2-мисол:

*Бу хабарни эшиткандан сўнг гангиб эсини йўқотди. Яраси янгиланди...* (Ў.К., 34).

1. *The news rattled him, bringing back the pain of old wounds...* (К.Э., 37).

2. *After hearing the news, he was completely knocked down, and his old wounds were back refreshed.* (Т.И., 36).

3-мисол:

*Ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб ...* (Ў.К., 129).

1. *... They would pay homage even to her shadow as she passed by...* (К.Э., 123)

2. *They even bowed to her shadow* (Т.И., 128).

3. *They even greeted her shadow...* (М.Р., 221).

6-мисол:

*Қизингни деб шаҳарда бош кўтариб юролмайтурган бўлдим* (Ў.К., 212).

<sup>146</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. –199 б.

1. *Thanks to that daughter of yours I can no longer hold my head up for shame!* (К.Э., 197).

2. *Because of your daughter I can't raise my head among the city people* (Т.И., 210).

3. *I am a pariah in this town, not daring to hold my head high, and all because of your stubborn daughter* (М.Р., 340).

7-мисол:

*Ошни ташлаб кетсангиз хафа бўламан, қирққа чидаган қирқ бирига ҳам чидай оладир* (Ў.К., 232).

1. *I shall take offence if you ride off without having tasted my pilaf. "Who has borne forty can also bear forty-one" as the saying is goes* (К.Э., 215).

2. *I will be offended if you leave without trying my Plov. They say if you can manage forty minutes, you can take on the forty-first* (М.Р., 365).

8-мисол:

... хавли юзини ҳам ёғ тушса ялағундек ҳолга келтурган эди (Ў.К., 308).

... and the surface of the yard was swept so clean **one could have licked butter off the ground** (М.Р., 474).

9-мисол:

... *Икки оёғимизни бир этукка тиқишимиз уятка ўхшайдир» дейиши ва сўзга қулоқ ҳам солмай...* (Ў.К., 350).

1. *We cannot stick two feet in the same shoe* (К.Э., 319).

2. *As for ourselves, putting two feet into one shoe is unseemly.* (М.Р., 537).

10-мисол:

*Сут билан кирган жон билан чиқар деганларидек...* (Ў.К., 354).

1. *But what entered the blood with the mother's milk will leave only with the last breath.* (К.Э., 323).

11-мисол:

*Отабек бир кўйнакни ўзидан бурун йирткан киши тўғрисида гўё ўз саргузаштининг эски тарихини мулоҳаза қила бошлаган...* (Ў.К., 191).

1. *Atabek stared at the man sitting opposite him – his elder by many years, a man who had worn out more shirts than he...* (К.Э., 179).

2. *Otabek understood at that moment that the man before him was seasoned by the years, had worn more shirts than he, and clearly had lived through the hot and cold of the world.* (М.Р., 312).

Демак, юқорида келтирилган мисолларда калька усулининг қўлланганлиги таржима тилида тушунмовчилик туғдирмаган ва ўқувчи томонидан табиий қабул қилинган деб ҳисобласак бўлади. Фразеологик бирликларнинг калька таржимасида ҳам асосий шарт шу: “идиомаларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганда, уларнинг шу бирикма таржима қилинаётган тилнинг табиатига қанчалик ботиши, сунъий бирикмага айланиб, китоблар ичида чанг босиб қолиб кетмаслиги ва шу китобларни ўқийдиган кишиларга қанчалик тушунарли ва мақбул бўлиши билан ҳисоблашиш шарт”<sup>147</sup>

Асар таржималарида шундай калька усулидан фойдаланиб ўгирилган қатор ифодалар борки, уларни таржима тили рецептори нуқтаи назаридан таржима адекватлигига кўра таҳлилга тортамыз. Масалан, хос сўз

<sup>147</sup> Саломов Ф. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент, 1961. – 138 б.

компонентли қуйидаги фразеологизм учун инглиз тилида нейтрал таркибли ФБ танланиши мақсадга мувофиқ бўлади:

*Ўзлари ҳам қипчоқни қидирабериб ҳамма ёқни тозаям галвир қилиб юбордиларда...* (Ў.К., 288).

1. *They began searching for Kipchaks, **turned everything upside down**...* (К.Э., 265).

2. *... and they began to look for quipchaks. They **turned everything upside down**...* (Т.И., 285).

3. *...they searched for Qipchaqs everywhere as if **separating out life with a floor sifter**.* (М.Р., 443).

Биринчи ва иккинчи таржима вариантларида фразеологик аналог таржиманинг эквивалентлигини таъминласа, учинчи таржима ўқувчиларга сўзма-сўз таржима туфайли тушунарсизлик касб этган, сабаби, биринчидан, *галвирнинг* маиший ҳаётдаги функциясини яхши билган ўқувчигина уни фразеологик компонент сифатида адекват тушунади, иккинчидан юқоридаги контекстдаги “*астойдил қидирмоқ*” маъноси учун сўзма-сўз таржима (*жонни ун элакдан ўтказмоқ*) мантиқсизликни келтириб чиқаради. Ушбу вазиятда аслиятдаги ФБга тенг эмоционал бўёқдорлик бериш учун *leave no stone unturned* фразеологик аналогини қўллаш ҳам муқобил вариант бўлади. Яна бир ФБ – *ўз оёғига ўзи болта урмоқнинг* таржимада сўзма-сўз ўгирилгани натижасида қандай ифода ҳосил бўлганини кўрамиз:

*Чунки мажлис ўрнини айтса поччаси билан жияни Раҳматнинг ҳам қўлга тушишлари аниқ ва бунинг билан ул ўз оёғига болта қўйган бўлар эди* (Ў.К., 65).

1. *If he admitted where the gathering had taken place, his brother-in-law and his nephew Rakhmat would also be arrested. Giving this information **would be tantamount to stabbing himself in the leg, he would have nowhere to go*** (К.Э., 68).

2. *Because if he told where the meeting had been held, his brother in-law and cousin Rahmatilla also would get caught for sure and with such act **he would chop off his legs himself**.* (Т.И., 69).

3. *If he named the meeting place, his brother-in-law and his cousin Rakhmat would also be incriminated and **he would have cut off his feet with his own ax*** (М.Р., 131).

Бизнингча бу ҳолатда ҳам таржима тилидаги мавжуд фразеологик аналогдан фойдаланилса, аслиятдаги образ таржимада ҳам осон қабул қилинган бўлар эди. Бу ҳолат учун эса инглиз тилида *shoot oneself in the foot* (*ўз-ўзига зарар келтирадиган иш қилмоқ*) фразеологик бирлиги қўлланади. Ёки навбатдаги мана бу мисолда ҳам ноўрин калька ишлатилган деб ҳисоблаймиз:

*Илло бола, қозига чақиртириб, терингга сомон тиқтираман!* (Ш.Б., 221) – *I will tell it to the judge and he will **fill with straw your skin*** (N.B., 123). Бу ҳолатда аслиятдаги ФБга синоним бўла оладиган “*терисини тириклайин шилмоқ*” иборасига инглиз тилида “*skin smb alive*” ‘эквиваленти ушбу вазиятда фразеологизм қийматини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Барқарор бирликнинг сўзма-сўз таржимаси туфайли ҳосил бўлган бирикмани айрим ҳолларда таржима таржима тили меъёри қабул қила олмаслиги таржимашуносликда умумун ўзини оқламайдиган, салбий ҳолат ҳисобланувчи ҳарфхўрлик сари етаклайди. Хусусан, таҳлилимиз давомида “Ўткан кунлар”нинг Марк Риз қилган таржима вариантыда кўплаб калька усулига мурожаат қилинганининг гувоҳига айландик. Таржимон билан

бўлган суҳбат давомида<sup>148</sup>, нега инглиз тилида тайёр лингвомаданий эквивалентлар ёки функционал муқобиллар турганда калька усулидан кенг фойдаланишни афзал кўрганини сўраганимизда, у бунинг сабаби аслият миллий руҳиятини таржимада сақлаб қолишга уринишга бориб тақалишини айтган. Таржимоннинг асар миллий руҳиятини таржимада сақлаб қолишга қилган ҳаракатларини тушуниш мумкин, бироқ, аксарият ҳолларда унинг бу олийжаноб мақсади фразеологизм семантикаси, контекст мантикий изчилиги, таржима ўқувчиси томонидан табиий қабул қилинишига акс таъсир кўрсатганини мисоллар таҳлили орқали исботлаш мумкин. Қуйида келтирган мисолларимизда таржимон кўллаган фразеологик калькалар юқоридаги талабларга жавоб бермаслиги ва таржима ўқувчиси учун тушунмовчилик келтириб чиқарганининг гувоҳи бўлдик (мисоллар инглиз тилида гапирувчи бир нечта ўзга маданият вакилларига юборилиб, улар берган фикрлар асосида шундай хулосага келинди).

1-мисол:

*Қамчиндан қон томса, юзта хотин ичида ҳам роҳатланиб тириклик қила оласан.* (Ў.К., 12).

*If blood flows in drops from the horse whip, you can enjoy life among even a hundred women* (M.P., 53).

2-мисол:

*Аmmo сен бўлсанг унинг билан тенглашар эдинг. «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан»* (Ў.К., 33).

*But you would equal him. Equal with equal, type with type, dung in its very own bag.* (M.P., 83).

3-мисол:

*Бироқ Кумушнинг тишининг оқини кўриш жуда қийин...* (Ў.К., 57).

*Kumush would not reveal her pearly teeth* (M.P., 120).

4-мисол:

*Юсуфбек ҳожи маълум алданишдан сўнг юрт ишидан қўл ювган...* (Ў.К., 362).

*Yusufbek Hajji, suffering through further aculduggery and trickery, washed his hands of his service...* (M.P., 558).

5-мисол:

*Офтоб ойим эридан ҳам қўлини ювиб қўлтуғизга урган эди* (Ў.К., 350).

*Uzbek Oyim also washed her hands of her husband* (M.P., 536).

Бу ҳолатда *to wash hands of smth* инглиз тилидаги бошқа ибора маъносига тўғри келади, яъни ушбу ФБ таржима тилида “*бирор нарсада иштирок этишдан бош тортиш*” маъносига эга. Демак, сўзма-сўз таржима мана шу турдаги чалкашликларга ҳам олиб келиши кўриниб турибди.

6-мисол:

*тирноқ остидан кир излаб* (Ў.К., 135).

*sheepishly picked the dirt from under her fingernail...* (M.P., 230).

7-мисол:

*Бу сўз Офтоб ойимни бир оз ўйлатиб қўйди. Лекин ҳали ҳам оёқ узатмаган эди* (Ў.К., 147).

*These words quieted Oftob oyim for sometime, but still her foot twitched like that of a dying sheep* (M.P., 245).

<sup>148</sup> Translation and reforms. Webinar organized by Mentor hub. May 30, 2020.



8-мисол:

*Офтоб ойим ҳамон оёғ узатмади, қизига ялиниб кўрди... (Ў.К., 346).*

*Oftob Oyim still dragged her feet. She pleaded with her daughter (M.P., 532).*

9-мисол:

*Бу ишкани кўрган Қаландарнинг тарбузи қўлтуғидан тушиб «беш оқтани қайтариш увол-ку?!» деди (Ў.К., 241).*

*Assesing the situation, Qalandar ranted, as if he were breaking a watermelon on the ground (M.P., 378).*

10-мисол:

*Бу ишка бутун шаҳар ҳайрон. Қилни қирққа ёрадирган донолар ҳам бир нарса тўққў олмайдирлар... (Ў.К., 256).*

*Investigators who can split a hair into forty pieces cannot reach a conclusion (M.P., 399).*

11-мисол:

*Бу саволдан унинг кайфи тарқалгандек бўлиб, кўзлари мошдек очилди (Ў.К., 283).*

*The question sobered him, his eyes opening like split peas (M.P., 435).*

12-мисол:

*Ўзлари ҳам қипчоқни қидирабериб ҳамма ёқни тозаям галвир қилиб юбордиларда... (Ў.К., 288).*

*...they searched for Qipchaqs everywhere as if separating out life with a floor sifter. (M.P., 443).*

13-мисол:

*Хом сут эмган бандамиз... (Ў.К., 296).*

*... we all are just mortals – children of God\*, suckling on mother's milk, prone to make mistakes... (M.P., 455).*

14-мисол:

*Ийманма, Қумуш отин, бу кун-эрта бизга янги келинсан, учунчи кундан бошлаб сен муғомбирнинг бошингда тегирмон юргизишни ўзим яхши биламан! Яна ҳали сен маним собунимга кир ювиб кўрганинг йўқ! (Ў.К., 313).*

*3. Don't be shy, Kumush Khotin. For today and tomorrow you are our guest as our new bride and, three days from now, I will grind even your pretty little head under the millstone! You haven't washed your clothes with my soap yet! (M.P., 482).*

15-мисол:

*Карима отин қош қўяман, деб кўз чиқараёзди (Ў.К., 324).*

*3. Karima Otin's literary illusion was as if she had poked someone in the eye while trying to highlight their eyebrows (M.P., 499).*

Мисоллардан кўришиб турганидек, ФБларнинг образли асосида миллий ўзига хослик (ўзбек халқининг миллий турмуш тарзи, диний тушунчалар, эталонлар ва ҳкз.) борлиги сабабли сўзма-сўз таржима рецептор кўз ўнгида чалкаш ва тушунарсиз образларнинг қад ростлашига сабаб бўлган.

Фразеологизмларни инглиз тилига ўгиришда таржима тили қонуниятларини ҳамда шунга боғлиқ таржима шартларини инобатга олиш лозимлигини бир неча карра таъкидлаб ўтдик. Шу асосда, калька усулини қўллашнинг яна бир афзал жиҳатини эслатиб ўтмоқчимиз. Аслиятдаги фразеологизм образидан метафора яратиш учун фойдаланилган бўлса, бу туфайли таржимада вужудга келган қийинчиликларни калька ёрдамида енгил имкони бўлади. Масалан: *It was raining cats and dogs* (фразеологизм) *and one purry fell on my exercise-book* (фразеологик образ асосида яратилган

метафора) *making it look spotty*. Асардан олинган қуйидаги мисолда ҳам шунга ўхшаш вазият шаклланган:

**Бошқа тушкани кўз кўрар**, деган сўз бор. *Ўзбек ойим ҳам бошига тушкан бу кулфатни кўришқа мажбур эди* (Ў.К., 157).

1. *Having brought this calamity upon herself, she now had to fathom a way to get rid of it. Uzbekayim was destined to drain this bitter cup* (К.Э., 149).

2. *Uzbek-oyim was deep in thought* (Т.И., 155).

3. *A great calamity had fallen upon her head. She needed to find a way to get rid of it.* (М.Р., 263).

Хусусан, ушбу мисолда: *There is a saying: "the calamity which comes upon one's head is seen by eyes"*. *Uzbek-oyim was destined to see this calamity which had fallen upon her head too* каби таржима варианты ҳам ўринли ҳисобланади. Ёки мана бу мисолда ҳам қаҳрамоннинг истеҳзо ва юморга тўла нутқида қўлланилган ФБдаги метафорик “сум” образини сўзма-сўз таржима орқали етказиш бадиий мақсадни амалга оширишда ёрдам берар эди:

*Аммо начора, сум билан киргани жон билан чиқармиш. Дарвоқе, сум ҳам ичолмайман, бунисига нима дейсиз!* (Э.А., 51). - *But what can I do, it became a habit. By the way, can you imagine, I can't even drink a milk!* (А.А., 51).

Ушбу мисолда ФБ тасвирий умумлашма йўл билан (одат бўлиб қолди) ўгирилмоқда ва шунинг ҳисобига аслиятдаги сўз ўйини таржимада амалга ошмай қолган, бунинг ҳисобига эса, қаҳрамоннинг ўзига хос захарханда табиатини тасвирлашга ёрдам берувчи ушбу нутқий бирликнинг йўқотилиши кузатилган. Мазкур ҳолатда калькадан фойдаланиш нафақат ўринли, балки тавсия қилинади, чунки фразеологизм таркибидаги умумбашарий компонентлар сўзма-сўз таржимада тушунарсизлик келтириб чиқармайди:

Бизнинг таржима: *But what can I do, it is said that what has been penetrated with mother's milk goes out with spirit. By the way, can you imagine, I can't even drink a milk!*

Навбатдаги мисолда эса акс вазият кузатилади, яъни, аслиятдаги ФБ таркибидаги ўзига хос сўз ўйинининг ҳосил бўлишига сабаб бўлган миллий компонент калька усулини буткул инкор қилади:

- *Ўзинг қайси қишлоқдан бўласан? – Учкўргондан, - дедим, ансам қотиб. – Шунақа дегин, болам, мен учрамаганимда, онангни Учкўргондан кўрар экансан.* (Ш.Б., 177). – *Where are you from? I was angry and answered: From Uchkurgan. – Well, see your Mom in Uchkurgan* (N.B., 84).

Англашилиб турганидек, таржимада бутунлай тушунарсиз ҳолат вужудга келган ҳамда таржимон бу вазиятда калькадан бошқа усулга муурожаат қилиши лозим эди.

В.Н.Комиссаров фразеологик калькани яратишда яна бир муҳим томонни унутмасликни ўқтиради – бу унга қанотли ибора шаклини тўғри бера олишдир. Бунинг учун калькани мавжуд намунага яқинлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, қуйидаги мисолдаги ФБ таржима тилидаги иборага мослаштирилган:

*Аммо халқ бундай ёлборишларга, тавба-тазарруъларга қулоқ солмади, чунки уш ўткан, гушт қолипдан кўчкан эди...* (Ў.К., 109).

3. *His audience did not heed his words, since the time for reconciliation had passed – a piece was missing that could no longer be returned.* (М.Р., 193)

Хусусан ушбу вазиятда *гишт қолпидан кўчди* (ўнглаб бўлмас вазият) фразеологизми инглиз тилидаги *to find a missing piece of the puzzle* иборасига мувофиқ калька қилингани ҳисобига, аслиятдаги миллий компонентли ФБ таржима тилида семантик тушунарли шаклда ўқувчига етказилган. Ёки мана бу мисолга эътибор қилсак:

— *Кўрай-чи, қадамим муборак бўлармикин, — деб қўйди* (Ў.К., 38). - *Let`s see if I still have a spring in my step – he said to himself* (Т.И., 41).

*Қадами муборак бўлмоқ* – ишининг кутилганидек амалга ошиши маъносида инглиз тилидаги *to have a spring in one`s step* – кўтаринки кайфиятда енгил юрмоқ фразеологизмига калька қилиб мослаштирилиши ўзини оқлайди: (*Let`s see if I still have a spring in my step – he said to himself – Кўрайликчи, қадамимда енгиллик бўлармикин – деди у ўз-ўзига*).

Фразеологик таржиманинг тўртинчи усули – **тасвирий таржима ёки бир сўзлик эквивалентдир**. Л.Ф.Дмитриева, С.Е.Кунцевич, Е.А.Мартинкевич, Н.Ф.Смирноваларнинг таъкидлашича, таржимада на эквивалент, на аналог ва на табиий калька шаклига эга бўлмаган ФБнинг маъносини тушунтириб бериш учун таржимон тасвирий таржима ёки бир сўзлик эквивалент усулига мурожаат қилишга мажбур бўлади. “Ушбу ҳолатда аслиятдаги фразеологик birlikлар таркибида мужассамлашган услубий вазифаларнинг қайта яратилиши ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас”<sup>149</sup>. Қуйида келтирилган мисолларнинг барчаси тўртинчи усулга намуна бўла олади:

1-мисол: *Биздан қўлини ювиб қўлтиққа уради* (Т.М., 2). - *...he will leave us forever* (А.А., web-site).

2-мисол: *Кейин, қайнсинглиси кўнглига қўл солди...* (Т.М., 4). - *Then slowly she started to ask questions...* (Ш.С., web-site).

3-мисол: *Кишиларининг кўкрагига қўл солиб кўрсангиз...* (Ў.К., 74). - *... if you are going to know their aim...* (Т.И., 78).

4-мисол: *...кўйнагига сизмай юрган Офтоб ойим* (Ў.К., 75). - *She was very happy...* (Т.И., 80).

5-мисол: *Отабекнинг ипидан-нинасига бўлган сирри унга маълум эмасмиди?* (Ў.К., 76). - 1. *Khasanali was privy to all his bek`s dealings* (К.Э., 79). - 2. *Didn`t he know all Otabek`s secrets?* (Т.И., 81).

6-мисол: *Аммо халқ бундай ёлборишларга, тавба-тазарруъларга қулоқ солмади, чунки иш ўткан, гишт қолпидан кўчкан эди...* (Ў.К., 109). - *But the townsfolk paid no heed to his assurances; they came too late, the deed was already done...* (К.Э., 108).

7-мисол: *Шундоғ қилиб сизнинг ўз кишингиз бўлган Ўтаббой муз ҳақингизни унутди* (Ў.К., 116). 1. *As a result, Utabbayi – whom you consider loyal to you – forgot the kindness shown him...* (К.Э., 113). 2. *So your loyal servant Otabboy forgot kindness you have done to him* (Т.И., 117).

8-мисол: *Қирқига чидаган куёв, қирқ бирига-да чидар!* (Т.М., 7).

- *If he waited for her such a long time, he can wait again!* (Ш.С. web-site).

9-мисол: *...мен бўлсам отдан тушсам ҳам эгардан тушмасдим* (Ш.Б., 170). – *I was also arrogant* (N.B., 77).

<sup>149</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 205 б.

Айтиш жоизки, бу усул юқоридаги бошқа усуллар ичида бадий таъсири энг пастлиги ёки умуман йўқотилганлиги билан қўлланилиши тавсия қилинадиган энг сўнги усулдир.

Бадий асарда миллий-маданий компонентли фразеологик бирликлар энг муҳим лисоний манба сифатида қўлланилиб, бадий ифода ва шакл гўзаллигини таъминлашга хизмат қилади, шунингдек, тарих, турмуш тарзи, маданият ва дин сингари ўзаро бир-бири билан боғлиқ омиллардан ташкил топган халқ ўзига хослигини ҳам ифодалашда асосий восита ролини бажаради. Ушбу бирликлар маълум сўзлашув услубига тегишли бўлган ҳолда, эмоционаллик жиҳатидан бой ва ёрқин иборалар ҳисобланади. Фразеологик бирликлар таржимасида улар ишлатилаётган контекстга катта эътибор қаратиш талаб этилади. Аксарият миқдордаги фразеологизмларга кўп маънолилиқ ҳамда қўлланишдаги услубий хилма-хиллик хосдир, бу эса, ўз навбатида, улар таржимасининг мураккаблашишига олиб келиши мумкин.

Фразеологик мувофиқликлар, аниқроғи, аслият фразеологик бирликларига мувофиқликларни тасвирлашда яна бир қатор мураккабликлар вужудга келади. Таржима назарияси доирасида фразеологизмлар семантикасининг ўзига хос хусусиятлари, таржима жараёнида таржимон фойдаланиши мумкин бўлган мувофиқлик турлари ҳамда таржима қилинаётган бирлик табиатида кўра ушбу турлардан бирини танлаш мезонлари таҳлил қилинади<sup>150</sup>.

Фразеологик мувофиқликларни тасвирлашдаги асосий масала образли фразеологик бирликларни эквивалент ҳолатда қайта тиклаш бўлиб қолмоқда. Бу турдаги бирликлар таркиби мураккаб ахборий мажмуадан иборат бўлиб, унда ҳам кўргазмали-мантикий, ҳам коннотатив компонентлар мавжуддир. Таржима тилида тегишли мувофиқликни қўллашдан аввал эътибор бериладиган муҳим жиҳатлари қуйидагилардир: 1. Фразеологизм маъносининг кўчма ёки образли компоненти; 2. образ асосини ташкил қилувчи фразеологизм маъносининг асосий ёки кўргазмали компоненти; 3. фразеологизм маъносининг эмоционал компоненти; 4. фразеологизм маъносининг услубий компоненти; 5. фразеологизм маъносининг миллий-этник компоненти.

---

<sup>150</sup> Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М: Изд-во Высшая школа, 1990. – с.152.

## ХУЛОСА

1. Аслият ва таржима ўртасидаги эквивалентликнинг ҳар бир даражасида таржиманинг асосий мақсади нафақат лисоний, балки маданий мулоқотни ҳам таъминлашдан иборат бўлиши керак. Бу таржимани тил ва маданиятнинг узвий контекстида – лингвомаданий ёндашув асосида амалга оширилишини тақозо қилади. Таржиманинг тил ва маданият контекстида амалга оширилиши “лингвомаданий эквивалентлик”, “лингвомаданий эквивалентсизлик” ва “лингвомаданий эквивалентлар” каби мезонларнинг қўлланилишини, таҳлилга тортиладиган лексик бирликларни умумий – “лингвомаданий компонентли лексика” номи остида таснифланишини тақозо қилади. Таржима муқобиллигига эришишда лингвомаданий ёндашув модели – лингвомаданий компонентли лексика таркибини таржима тилига нисбатан қиёсий лингвомаданий таҳлилга тортишдан иборатдир.

2. Тадқиқот натижасида аслият ва таржима тиллари ўртасидаги лексик сатҳдаги эквивалентсизлик асосан учта омил - моддий, семантик ҳамда услубий тафовутларга кўра вужудга келиши аниқланди. Таржима жараёнида эквивалентсиз лексика мавжудлигининг объектив омиллари бўлмиш эксплицит ва имплицит шаклдаги миллий-маданий хусусиятлардан ташқари, таржимон шахсини назарда тутувчи субъектив омил ва эквивалентсиз лексиканинг вақт масаласида нисбий табиатга эга эканлигини инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Эквивалентсиз лексика таснифи борасида ягона тўхтам йўқлиги сабабли, таҳлил қилинаётган матн тури ва қўйилган мақсадга кўра, уни мустақил туркум ва турларга бўлиб ўрганиш тадқиқот самарасини оширишга хизмат қилади.

3. Хос сўзлар, лакуна ва фразеологик birlikлар каби лингвомаданий компонентли лексика айнан сўз ва ибора даражасида муқобилликни талаб қилади, шу сабабли улар таржимасида эквивалентликнинг матн даражасида эмас, алоҳида birlikлар даражасида ўрнатилиши кераклигини ёқлаб чиқамиз. Ушбу birlikлар қаторида, биз таржиманинг лингвомаданий аспекти нуқтаи назаридан олганда, миллат олам манзарасининг шаклланишида иштирок этувчи лексик ифодаланмай қолган концептларни ҳам кенг қамраб олиш кераклигини таъкидлаймиз.

4. Таржимада лакуналарни лингвомаданий ёндашув асосида ўрганишда қўйиладиган асосий вазифалар лакуналарнинг маданиятлараро мулоқот доирасидаги аҳамияти ва лакунани лингвомаданий компонентли лексика сифатида тадқиқ қилинишидан иборат бўлиши керак. Лакуналарга бўлган лингвомаданий ёндашувни герменевтик ёндашув билан тўлдириш самарали эканлиги исботланган.

5. Ўзбек тилидаги лексик birlikнинг инглиз тилига нисбатан лакунар эканлигини аниқлаш учун бешта мезон сарҳадларида хулоса қилиш кераклиги, агар лексик birlik ушбу мезонларнинг бирига мос тушса, унинг таржимасида лингвомаданий ёндашув қўлланиши шартлиги таҳлил натижалари асосида далилланди. Таржимашуносликда “лакуна” терминини қўллашдаги чалкашликни бартараф этиш мақсадида Л.С.Бархударовнинг

“тасодифий лакуна” атамаси мезонларига мос келувчи бирликларни назарда тутиб, аслият тили учун “лакунар бирлик”, таржима тили учун эса “лакуна” терминларини бир-биридан фарқлаб қўллаш тавсия қилинди.

6. Таржима тилида вужудга келган лакунанинг лингвомаданий тадқиқи аслият тилидаги лакунар бирликнинг тегишли семема таҳлилини ўтказишни ҳамда бу орқали лакунар бирликка эквивалент сифатида келтирилган таржима тилидаги бирлик маъносининг доминант семемага мувофиқлик даражасини аниқлашни талаб қилади. Мазкур турдаги таҳлил лакунар бирликлар таржимаси эквивалентлигини белгилашда самарали усул ҳисобланади. Шунингдек, лакуналарни аниқлаш ва элиминация қилишда Д.Ермолович тавсия қилган Б гуруҳдаги тематик тўрли матнлар (ягона эквивалент билан таржима қилинишни талаб қилувчи лексик бирликлар мавжуд матнлар) билан ишлаш тавсия қилинди.

7. Олинган статистик маълумотлар таҳлил қилинганда, насрий асарлар таржимасида вужудга келган лакуналарни бартараф қилишда асосан тўлдириш усулига мурожаат қилингани, мазкур факт, таржимонларнинг лакунар бирликни компенсация қилгандан кўра маъносини очиб беришга интилиши юқорилигини кўрсатади. Бу, биринчидан, ўзбек ва инглиз тилларида концептларни номлаш эҳтиёжидан катта тафовут борлигидан, иккинчидан, аслият тилидаги лакунар бирликлар семантикасида имплицит лингвомаданий маънонинг мавжудлигидан далолат беради.

11. ФБ таржимасида лингвомаданий эквивалентликка эришиш – унинг таржимада структур-семантик хусусиятларини тиклашдан ташқари, миллий-маданий ўзагини акс эттирувчи компонентларини ҳам таржима тили меъёрларига муқобил равишда узатишдан иборатдир. Фразеологизмларнинг маданий ахборотни эксплицит ва имплицит тарзда узатишини ҳисобга олиб, асарлардаги эквивалентсиз ФБларни беш босқичли усул асосида аниқлаб олиш амалиёти қўлланилди. Аслиятдаги ФБнинг таржима тилига нисбатан ўтказиладиган қиёсий лингвомаданий таҳлили ундаги миллий-маданий компонентнинг универсаллик даражасини аниқлашга хизмат қилади ва таржима усулини танлашга ўз таъсирини ўтказади.

12. ФБлар таркибидаги миллат менталитети хусусиятларидан келиб чиқиб қабул қилинган эталон образлар таржимада эътиборга олиниши лозим бўлган алоҳида хусусиятдир. Бу ҳолатда аслият тили эталон образларини таржима тили эталон образлари билан алмаштириш ҳисобига эквивалентликка эришиш самарали усул ҳисобланади. Таржималар таҳлили натижасида, ушбу қоидага амал қилмаслик қатор таржима ғализликларига олиб келгани кузатилди. Бундан ташқари, алоҳида муаллифлар қаламига мансуб ФБлар таржима тилига нисбатан тўлалигича эквивалентсиз эканлиги аниқланди ҳамда улар таржимасида функционал аналог ёки тасвирий таржимага мурожаат қилиш тавсия қилинди.

13. Фразеологик аналоглар ичидан мақбулини танлаб қўллашда унинг аслият тилидаги бирликка эмоционал ва услубий коннотациялари жиҳатидан ҳам мос келишини эътибордан қочирмаслик керак. Аксарият миқдордаги фразеологизмларга кўп маънолилиқ ҳамда қўлланишдаги услубий хилма-

хиллик хосдир, бу эса, ўз навбатида, улар таржимасидаги чалкашликларга олиб келади.

14. Фразеологизмларни калька орқали ўгириш қуйидаги шароитлар мавжуд бўлса, тавсия қилинади. Биринчидан, сўзма-сўз таржима натижасида вужудга келган ибора образи таржима тили қонуниятларига мувофиқ келиши ҳамда таржима ўқувчиси томонидан осон қабул қилиниши керак. Иккинчидан, умуминсоний кузатишларга, кишиларнинг ўзаро ўхшаш маданий негизига ёки кўп асрлик ҳаёт тажрибаларига асосланган фразеологизмлар калька қилиниши лозим. Қолган ҳолатларда калька усули ўзини оқламайди ва таржима ғализликларига сабаб бўлади. Тасвирий таржима лингвомаданий эквивалентликни таъминламайди, шу боис мазкур усулга таржимадаги энг сўнгги ечим сифатида қарамоқ лозим.

Умуман олганда, икки тил ўртасидаги йирик лингвомаданий тафовутларни назарда тутган ҳолда, таржимонларга аслият ва таржима тили эгалари билан ҳамкорлик қилиш тавсия қилинади. Жумладан инглиззабон таржимоннинг ўзбек тили вакили билан, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилувчи ижодкорнинг инглиззабон вакил билан ҳаммаслак иш кўриши фон билимлар етишмовчилигини тўлдиришга хизмат қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

### Назарий адабиётлар

1. Абдуазизов А.А. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. – Тошкент: 2004. – 86 б.
2. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид) уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1991. – 383 б.
3. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология: ценностно-смысловое пространство языка. 3-е изд. – М.: Флинта: Наука, 2013. – 288 с.
4. Амосова, Н.Н. Основы английской фразеологии. 2-е изд., доп.. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2010. - 216 с.
5. Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – 240 с.
6. Белянин В.П. Психолингвистика. – М.: Флинта: Московский психолого-социальный институт, 2003. – 232 с.
7. Березин, Ф. М. История лингвистических учений: учеб.пособие для филол. специальностей ун-тов и пед. ин-тов / 2-изд. перераб. и доп. – М.: Высш. школа, 1984. - 319 с.
8. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. - 104 б.
9. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва, 1983. – 367 с.
10. Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – 276 с.
11. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание: Пер. с англ. / Отв. ред. М.А. Кронгауз; вступ. ст. Е.В. Падучевой. – М.: Рус. словари, 1996. – 35 с.
12. Верещагин Е.М. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М.: Русский язык, 1990. – 246 с.
13. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. 3 изд., перераб. и доп. – М., 1983. - 269 с.
14. Виноградов, В. В. О языке художественной прозы (Избр. тр.) – М.: Наука, 1980. – 360 с.
15. Виноградов, В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы) – М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001. - 224 с.
16. Владимирова Н.В. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. – Ташкент: Фан, 2011. – 335 с.
17. Влахов С.И., Флорин С.П. Непереводимое в переводе. Изд. 4-е. – М.: «Р. Валент», 2009. – 360 с.



18. Воробьев В.В. Лингвокультурология (теория и методы): Монография. – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.
19. Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М.: Издательство Российского университета дружбы народов, 2006. – 112 с.
20. Гак В. Беседы о французском слове. – М.: Издат. «Международные отношения», 1966. – 351 с.
21. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Л.: Просвещение. Ленингр. отд-ние, 1977. – 300 с.
22. Гарбовский Н.К. Теория перевода: Учебник. – 2-е издание. – М.: Изд-во Моск. Ун-та, 2007. – 320 с.
23. Гарбовский, Н. К. Теория перевода. – М.: Издат-во Московского гос-го университета, 2004. – 544 с.
24. Гафуров. И., Мўминов О., Қамбаров Н.М. Таржима назарияси // Олий ўқув юртлар учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012. – 280 б.
25. Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – Москва: СП, 1972. – 264 с.
26. Гвоздович, Е.Н. Безэквивалентная лексика: теория и практика перевода. – Минск: Тетра Системс, 2010. – 128 с.
27. Голикова, Ж. А. Лексикология и фразеология современного английского языка. Практикум. – М.: Новое знание, 2006. – 205 с.
28. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – 452 с.
29. Дашидоржиева Б.В. Лакуна в межкультурной коммуникации.— Улан-Удэ: Издательство Бурятского госуниверситета, 2013. – 122 с.
30. Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 60 б.
31. Иванов, А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие . – СПб.: Филол. фак. С.-Петербур. гос. ун-та, 2006. – 192 с.
32. Имяминова Ш.С.Бадий асарларда фразеологизмларни немис тилидан ўзбек тилга таржима қилиш муаммолари. Мақолалар тўплами, 3-китоб. – Т.,1991. – 105 б.
33. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда таракқиёти (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри). – Самарқанд, 2013. – 116 б.
34. Каримов Ш. Диллардан дилларга. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 156 б.
35. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. Курс лекций. — М.: ЭТС, 1999. – 192 с.

36. Комиссаров, В.Н. Практикум по переводу с английского языка на русский. – М.: Высшая школа, 1990. – 127 с.
37. Комиссаров, В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая школа, 1990. – 253 с.
38. Комиссаров В. Н. Общая теория перевода. – Москва: ЧеРо, 2000. – 136 с.
39. Крупнов, В.Н. Курс перевода. Английский язык: Общественно-политическая лексика. – М.: Международные отношения, 1979. – 232 с.
40. Крюков А.Н. Фоновые знания при обучении иностранному языку. Методическая разработка. – Москва, 1984. – 27 с.
41. Кунин, А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М. Высшая школа, 1986. – 336 с.
42. Кунин, А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – 3-е изд., стереотип. – Дубна: Феникс, 2005. – 488 с.
43. Леонова Л.А. Семантические и структурные аспекты антилакунов в двуязычной ситуации. – Калинин, 1980. – с. 33-38.
44. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 384 б.
45. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – 274 б.
46. Маматов А. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданият ва семантик-прагматик тадқиқи. – Т.: 2018. – 100 б.
47. Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лакунологию. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2008. – 144 с.
48. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1997. – 208 с.
49. Маслова Лингвокультурология. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 208 с.
50. Мейе А. Сравнительный метод в историческом языкознании. – М.: Издательство иностранной литературы, 1954. – 99 с.
51. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 109 б.
52. Муравьев В.Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков). – Владимир, 1975. – 96 с.
53. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352 б.
54. Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. – Ташкент: Укитувчи, 1980. – 192 с.

55. Мусаев Қ. Бадиий таржима ва нутқ маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 160 б.
56. Мухитдинова Х., Худойберганова Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Давр, 2004. – 115 б.
57. Очилов Э. Бадиий асарлар таржимаси, ўқув қўлланма. – Т.: 2014. – 39 б.
58. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2010. – 314 с.
59. Попович А. Проблемы художественного перевода. – Москва: Высшая школа, 1980. – 199 с.
60. Ревзин И.И. В.Ю.Розенцвейг. Основы общего и машинного перевода. – Москва: Издательство «Высшая школа», 1964. – 244 с.
61. Реформатский А.А. Перевод или транскрипция? — Сб. Восточно-славянская ономастика. – М.: Наука, 1972. – 312 с.
62. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М.: Р.Валент, 2007. – 241 с.
63. Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент, 1961. – 159 б.
64. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 385 б.
65. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 230 б.
66. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
67. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – 656 с.
68. Сорокин Ю.А. Переводоведение: статус переводчика и психогерменевтические процедуры. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – 160 с.
69. Соссюр Ф. де. Курс общей лингвистики. – Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 1999. — 432 с.
70. Соссюр, Фердинанд де. Труды по языкознанию . – М.: Прогресс, 1977. – 695 с.
71. Степанов Ю.С. Французская стилистика. – Москва: Высшая школа, 1965. – 355 с.
72. Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. – М.: АСТ: Восток – Запад, 2007. – 288 с.
73. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа Языки русской культуры, 1996. – 288 с.
74. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация: учеб.пособие. – М.: Слово/Slovo, 2000. – 264 с.

75. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – 3-е издание. – М.: Изд-во МГУ, 2008. – 352 с.
76. Топер П. Перевод в системе сравнительного литературоведения. – Москва: Наследие, 2000. – 254 с.
77. Технология перевода: Учеб. пособие для студ. лингв, вузов и фак. — 2-е изд., перераб. И доп. — М.: Издательский центр «Академия», 2005. — 320 с.
78. Умархўжаев М.Э. Диний атамалар ва иборалар. – Тошкент: Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 220 б.
79. Усмонова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Т.: ЎзРФА “Фан” нашриёти, 2010. –125-126 б.
80. Фесенко Т. Специфика национального культурного пространства в зеркале перевода. – Тамбов: Изд. Тамб. ун-та, 2002. – 229 с.
81. Федоров А.И. Семантическая основа образных средств языка. – Новосибирск: Наука, 1969. – 91с.
82. Фёдоров, А.В. Основы общей теории перевода. – М: Высшая школа, 1968. – 352 с.
83. Фёдоров, А. В. Основы общей теории перевода: (лингвист. пробл.). - 4-е изд. перераб. и доп. – М.: Вышш. шк., 1983. – 303 с.
84. Фуко М. Археология знания. – Киев: Ника-Центр, 1996. – 208 с.
85. Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2020. – 202 б.
86. Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди // Мақолалар тўплами. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 112 б.
87. Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – М.: Флинта: Наука, 2009. – 184 с.
88. Шарипов Ж. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 227 б.
89. Швейцер А. Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты / Отв. ред. В. Н. Ярцева. Изд. 2-е – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. – 216 с.
90. Ғофуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Т.: “Меҳридарё”, 2008. – 117 б.
91. Ҳамидов Х. Мақол ва идиомалар таржимаси муаммолари. – Тошкент, 2017. – 128 б.
92. Ҳамидов Х. Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари. – Тошкент, 2014. – 140 б.
93. Baker, M.. In other words: A coursebook on translation. – London and New York: Routledge Hatim&Mayson, 1992. – 315 p.

94. Bassnett S. Translation. Routledge. Taylor & Francis Group. LONDON AND NEW YORK, 2014. – 225 p.
95. Bassnett S. Translation Studies (third edition) – N. Y.: Routledge, Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.
96. Bassnett S. (2007) Culture and Translation // The Companion to Translation Studies. Topics in Translation: 34. – Clevedon; Buffalo; Toronto; Multilingual Matters Ltd., 2007. –13-23 p.
97. Bassnett, S. (2011). The translator as cross-cultural mediator. In Malmkjær, Kirsten/ Windle, Kevin (eds). The Oxford Handbook of Translation Studies. Oxford: Oxford University Press. – 95-107 p.
98. Catford J.C. A linguistic theory of translation. – Oxford University Press, 1965. – 110 p.
99. Hale K. Gaps in Grammar and Culture. Linguistics and Anthropology: In Honor of C.F. Voegelin. – Jisse, 1975. – 295-314 p.
100. Halliday, M. A. K. The linguistic sciences and language Teaching / M. A. K. Halliday, A. McIntosh, P. D. Stevens. – London, 1964. – 322 p.
101. Newmark P. A Textbook of Translation. – New York: Prentice Hall, 1988 – 292 p.
102. Nida, E. The theory and Practice of Translation / E. Nida, Ch. R. Taber. – Leiden, 1969. – 220 p.
103. Whorf B.L. Language, thought and reality. – The MIT Press, 2012. – 488 p.
104. Savory, T. The art of translation. – London, 1957. – 159 p.
105. Tytler, A. F. Essay on the principles of Translation. Amsterdam. Studies in the theory and history of Linguistic studies. Book 1. – Amsterdam, 1978. – Vol. 13. – 457 p.
106. Venuti, L. The Translator's Invisibility. A History of Translation. – London, New York: Routledge, 1995. – 353 p.
107. Vinay, J.-P., Darbelnet, J. Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation. [Stylistique Compare du Francais et de l'Anglais. Methode de Traduction]. Translated and edited by Juan C. Sager and M.-J. Hamel. – Benjamins Translation Library, 11, 1995. – 359 p.
108. Whorf B. L. Language, thought and reality (selected writings of B. L. Whorf) / B. L. Whorf; ed. John B. Carroll. – New York: Wiley, 1956. – 278 p.
- Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**
109. Арутюнова Н.Д. От образа к знаку // Мышление. Когнитивные науки. Искусственный интеллект. – М., 1988. – с. 12.

110. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке // Избр. труды: Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – 294 с.
111. Глазачева Н.Л. “Модель лакунизации в современном переводоведении”. Вестник ТГУ, выпуск 2 (42). – 2006. – с. 28.
112. Дзида Н.Н. Проблема лакунарности в переводе. // Вестник Тюменского государственного университета. 2010. № 1. – с. 162-167.
113. Ермолович Д.И. Наш перевод, вперёд лети! В лакуне остановка.- «Мосты» №1 (21). – М.: Р.Валент, 2009. – с. 48–67.
114. Жельвис В.И., Марковина И.Ю. Опыт систематизации англо-русских лакун. // Исследование проблем языкового общения. – М.: Наука, 1979. – 214 с.
115. Иванов Н.В. Дихотомии перевода (к онтологическим основаниям определения научного объекта переводоведения). // Вестник Московского университета. Сер. 22. Теория перевода. 2015. № 4. с. 34-64.
116. Иванов Н.В. Дихотомии перевода (к онтологическим основаниям определения научного объекта переводоведения). // Вестник Московского университета. Сер. 22. Теория перевода. 2015. № 4. с. 38.
117. Исомиддинов З. “Алдоқчи сўзлар билан баҳс” // “Таржима санъати” (Мақолалар тўплами). 5-китоб. – Тошкент, 1980; Очилов Э. Яқин тиллардан таржима муаммолари, мақола, таржима масалалари, илмий мақолалар тўплами. – Т: 2012. – 9 б.
118. Кульчицкая Л.В. Проблема лакунарности в терминосистемах русской и английской традиций переводоведения / Л.В. Кульчицкая // Лакуны в языке и речи: сборник научных трудов. – Благовещенск: Издательство Благовещенского государственного педагогического университета, 2003. – с. 95-96.
119. Кунин, А.В. О переводе английских фразеологизмов в англо-русском фразеологическом словаре / А.В. Кунин // Тетради переводчика. – 1964. – №2. – с.52 [http://belraese2000.narod.ru/Trad/kunin\\_fra.htm](http://belraese2000.narod.ru/Trad/kunin_fra.htm)
120. Латышев, Л. К. Разноязычные тексты как объект отождествления в переводе / Л. К. Латышев // Текст и перевод. – М.: Просвещение, 1988. – 24-25 с.
121. Леонтьев, Д. А. Субъективная семантика и смыслообразование // Вестник МГУ. Психология. 1990. – № 3. – с. 33-42.
122. Марковина 1981 Марковина, И. Ю. Лакуны как инструмент описания специфики локальных культур / И. Ю. Марковина // Проблемы организации речевого общения: сб. ст. / отв. ред. Е. Ф. Тарасов. – М.: [б. и.], 1981. – с. 175-177.

123. Марковина И.Ю. Прагматические аспекты лакунологии. Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. Психологические и социально-психологические механизмы культурологической лакунизации // Вопросы психолингвистики № 11, 2010. – с. 34-41.

124. Марковина И.Ю. Прагматические аспекты лакунологии. Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. Психологические и социально-психологические механизмы культурологической лакунизации // Вопросы психолингвистики № 11, 2010. – с. 34-41.

125. Марковина И.Ю. Элиминирование лакун как действие социально-психологических механизмов «притяжения» и «отталкивания» // Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. // Вопросы психолингвистики № 3, 2006. Институт языкознания РАН, 2006. – 212 с.

126. Марковина И.Ю. Элиминирование лакун как действие социально-психологических механизмов «притяжения» и «отталкивания» // Теория лакун в исследовании проблем межкультурного общения. // Вопросы психолингвистики № 3, 2006. Институт языкознания РАН, 2006. – 212 с.

127. Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и ее этнопсихолингвистическая ценность. // Теоретические проблемы психолингвистики // Этнопсихолингвистика / Ю.А. Сорокин, И.Ю. Марковина, А.Н. Крюков и др. – М.: Наука, 1988. – 192 с.

128. Минченков А.Г. Лакуны номинации как переводческая проблема. // Вестник СПбГУ. Сер.9. 2011. – Вып. 2. – с. 167-168.

129. Н.Л.Глазачева, “Модель лакунизации в современном переводе”, Вестник ТГУ, выпуск 2 (42), 2006. Стр: 244-246

130. Ортега-и-Гассет Х. Нищета и блеск перевода // Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия? / Отв. ред. М.А. Киссель. - М.: Наука, 1991. – с. 336-352.

131. Панасюк И. Теория лакун и проблема эквивалентности перевода. // Вопросы психолингвистики. 2007. № 6. – С. 51-72.

132. Пьянзина И.Н. Национально-культурная специфика фразеологизмов американского варианта английского языка / И. Н. Пьянзина // Вестник КРАУНЦ. Гуманитарные науки. - 2006. –№ 2. – с.88-101.

133. Рецкер, Я. И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык / Я. И Рецкер // Вопросы и методики учебного перевода. - М., 1950. – 156-178 с.

134. Сандомирская И.И. Демистификация идиомы. // XI Международная конференция «Логика, методология, философия науки». V. М. – Обнинск, 1995. – с. 87-91.

135. Сорокин Ю.А. Метод установления лакун как один из способов выявления специфики локульных культур (художественная литература в культурологическом аспекте) // Национально-культурная специфика речевого поведения. АН СССР, ин-т языкознания. – М.: Наука, 1977. – с. 120-136.

136. Социальная идентичность и профессиональный опыт личности: монография. – Ярославль, 2003. - 132 с.

137. Сўз санъати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. – 173-174 б;

138. Томахин, Г. Д. Реалии – американизмы. (Пособие по страноведению) - М.: Высшая шк., 1988. – 239 с.

139. Bassnett S. (2007) Culture and Translation // The Companion to Translation Studies. Topics in Translation: 34. – Clevedon; Buffalo; Toronto; Multilingual Matters Ltd., 2007. – P. 13-23.

140. Шаклеин В.М. Лингвокультурология. – Москва: Флинта, 2012. – 301 с.

141. Ширинова Р.Х. Национальная картина мира в художественном переводе. // Вестник ТГУ, выпуск 8 (112), 2012. – С. 218-223.

142. Ширинова Р.Х. Национальная культура и национальный колорит в переводе. // [Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета](#), 2013. – С. 307-316.

143. Якобсон Р. О лингвистических аспектах перевода // Якобсон Р. Избранные работы. М: Прогресс, 1985. – 460 с.

144. Ҳамидов Х.Х., Шаврикова Р.У. Таржимада хос сўз (реалия)ларнинг берилиши. Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам, 5. – Т.: 2014. – Б. 226-234. Мухтаров Т.А. Непереводимое в переводе. “Таржима масалалари”. – Т.: 2012. – Б. 24.

#### **Бадий адабиётлар**

145. Ойбек. Болалик. Хотираларим. – Тошкент: Ёш гвардия, 1963. – 275 б.

146. Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. – Тошкент: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 2008. – 87 б.

147. Холмирзаев Ш. Сайланма 2-жилд. – Тошкент: Тошкент: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 2008. – 247 б.

148. Қодирий А.Ўткан кунлар; Меҳробдан чаён: Романлар. — Тошкент: Гофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. — 656 б.

149. Қодирий А. Жинлар базми (хикоялар). – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2004. – 10 б.

150. Қаҳҳор А. Даҳшат (хикоялар тўплами). – Тошкент: [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 2008. – 74 б.



151. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Биринчи китоб. Кеча. – Тошкент: Шарк нашриёт матбаа концернининг тахририяти, 2000. – 287 б.
152. Эркин Аъзам. Шовқин. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 188 б.
153. Ғулом Ғ. Ҳикоялар. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 365 б.
154. Ғулом Ғ. Шум бола. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 365 б.
155. A'zam Erkin. Farewell to fairy tales. – Tashkent: Publishing house of Alisher Navoi National library of Uzbekistan, 2015. – 280 p.
156. A collection of Uzbek short stories. – USA: Bloomington IN, 2013. Electron version. A collection of Uzbek short stories. Translated by Makhmuda Saydumarova: – USA: Bloomington IN, 2013. Electron version.
157. Bygone days (O'tkan kunlar): Nashville TN, Copyright: 2018. — 661 p.
158. . Days gone by: Nouveau Monde editions, 2018. English 3rd edition. — 349 p.
159. The days gone by: Mashhur-Press, 2017. — 380 p.
160. Chulpon. Night and day. Tashkent: Bayoz MChJ matbaa korhonasi, 2014. – 182 p.
161. G.Gafur. A naughty boy. Tashkent: Yangi asr avlodi, 2017. – 124 p.

#### Луғатлар

162. Ковшова М., Гудков Д. Словарь лингвокультурологических терминов. – М.: Гнозис, 2017. – 192 с.
163. Словарь по логике / сост. А. А. Ивин, А. Л. Никифоров. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. – 384 с.
164. Толковый переводоведческий словарь / сост. Л. Л. Нелюбин. – 3-е издание, переработанное. - М.: Флинта: Наука, 2003. – 320 с.
165. Философский энциклопедический словарь. – М., 1983. – 840 с.
166. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680б.
167. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672б.
168. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688б.
169. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608б.
170. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-том. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592б.
171. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2000. - 600 б.

172. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

173. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Университет, 1978. – 408 б.

174. Ўзбекча-инглизча луғат (Uzbek-English dictionary). – The Central Asian heritage group, 2005. – 381 б.

175. Macmillan English Dictionary. – Oxford: Macmillan Education, 2007. – 1748 p.

176. Longman Dictionary of Contemporary English Cased and DVD-ROM Pack 5th Edition. – Publisher: Pearson Education Limited, 2009. – 2081 p.

177. Merriam-Webster's dictionary. 11th edition. – 2014. – 1664 p.

#### **Интернет манбалари:**

178. Имяминова Ш.С. Бадиий таржимада фразеологизм роли. // International conference: Modern philological paradigms: interactions of traditions and innovative approaches. - <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1118>.

179. Analysis of idiom translation strategies from English into Lithuanian. Studies about languages. No. 14, 13-19. [http://www.kalbos.lt/zurnalai/14\\_numeris/03.pdf](http://www.kalbos.lt/zurnalai/14_numeris/03.pdf) (accessed 07/03/2011)

**180.** [Kahhor Abdulla. Pomegranate \(story\)](#). Translated by Shuhrat Sattorov. Published: Sunday, 29 September 2013. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/139-abdulla-kahhor-pomegranate-story>

**181.** [Kholmiraev Shukur. The character of the Uzbeks \(story\)](#). Translated by Shuhrat Sattorov. - Published: Sunday, 29 September 2013. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/140-shukur-kholmiraev-the-character-of-the-uzbeks-story>

**182.** [Kodiriy Abdulla. At the Ulok \(story\)](#). Translated by Shuhrat Sattorov. Published: Sunday, 29 September 2013. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/138-abdulla-kodiriy-at-the-ulok-story>

**183.** [Oybek. Childhood \(memoir\)](#). An excerpt translated from Uzbek by Carolyn Wei. Published: Saturday, 29 September 2012. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/113-oybek-childhood-memoir>

**184.** [Toghay Murod. People by Moonlight](#). Translated by Azam Abidov. Published: 17.05.2012. Translations from Uzbek fiction. <https://www.ziyouz.uz/en/prose/107-toghay-murod-people-by-moonlight-story>

185. [[http://www.gumer.info/bibliotek\\_Buks/Psihol/Freid/mass\\_psih.php](http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Psihol/Freid/mass_psih.php)]

186. <https://ziyouz.uz/ajoyibotlar/shar-manbalarida-ulchov-birliklari/>  
<http://ab.ygk.uz/node/61>



**Н. ДОСБАЕВА**

**ЎЗБЕК НАСРИЙ АДАБИЁТИ ИНГЛИЗ  
ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАРИНИНГ  
ЛИНГВОМАДАНИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Монография

*Муҳаррир:* Алижон ЖЎРАЕВ  
*Дизайнер:* Абдулазиз ТОШПЎЛАТОВ  
*Мусаҳҳиҳ:* Мадина МАМАЖОНОВА

Теришга берилди 05.02.2021 йилда.  
Босишга рухсат этилди 15.02.2021 йилда.  
Бичими 60x42 1/16, Ҳажми 8 босма табоқ.  
Адади 50 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

“УСМОН НОСИР МЕДИА” НАШРИЁТИ  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36.  
Тасдиқнома рақами 1743  
2020 йил 30 сентябрда берилган.

Мурожаат учун телефон: +998 99 002-94-39

---

“Toshbuloq oqshomi” босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Наманган шаҳри, И. Каримов кўчаси, 10-уй.